

ШАРИФ ЮСУПОВ

ТАРИХ



ва
АДАБ БЎСТОНИ



ШАРИФ ЮСУПОВ

ТАРИХ ВА АДАБ БЎСТОНИ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2003

Таниқли адабиётшунос ва муаррих Шариф Юсуповнинг бу китобида ҳозирги тарих фанининг кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган жиҳатлари ёритилган, долзарб муаммоларга эътибор қаратилган. Шунингдек, адаб бўстони сарву гулларига янгича нигоҳ ташлаган.

Китоб кўп ҳолларда мунозаравий табиатга эгаллиги билан ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

Тақризчи: **Раҳмон Қўчқор**

Ю 91

Юсупов, Шариф.

Тарих ва адаб бўстони.— Т.: «Маънавият», 2003.— 168 б.

ББК 63.3(5У)+
63.3(2)5

Ю $\frac{4702620204-40}{M25(04)-03}$ 19 — 02

© «Маънавият», 2003

ТАРИХ МАСЪУЛИЯТИ

ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХ

АРЗИ ИХЛОС

Ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бўлмиш миллий мафқурани шакллантиришда бой тарихимизни илмий ҳалоллик билан, истиқлол берган кенг имкониятлар даражасида ёритиш айрича аҳамият касб этади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки ойлардан бошлаб Президентимиз халқ тарихига шўроча қарашларни ошқора фош этиб, янги тарих яратиш ишларига шахсан бош-қош бўлиб келаётгани, қилинажак ишлар хусусида ёрқин ва дадил фикрларга бой «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли нодир китоб чоп эттирганлиги, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Келинг, муҳтарам ўқувчи, ана шу китобда баён қилинган баъзи мулоҳазаларга бақамти нигоҳ ташлайлик:

1. «Аҳвол шу даражага бориб етдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Совет даврида яратилган тарихни мен тарих санамайман».

2. «Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафқура манфатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан илжи борица йироқ сақланарди».

3. «Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон ҳолис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар».

4. «Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндошув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ».

5. «Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган мунозараларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин», ва ҳоказолар.

Турган гапки, юртбошимиз томонидан ўта ростгўйлик билан, аниқ ва кескин бир шаклда ифодаланган юқоридаги ва бошқа кўпгина фикрлар тарих илми билан шуғулланувчи, унга қизиқувчи ҳар бир кишида янгича ўй-мулоҳазалар туғдиради, уни янгича ишлашга рағбатлантиради.

Шунинг учун ҳам фақат тарихчи мутахассисларгина эмас, турли ижтимоий фанлар ходимлари, ёзувчилар, журналистлар ва бошқалар Туронзамин тарихи, унда рўй берган муҳим воқеалар, йирик шахслар фаолияти билан, яна кўпдан-кўп фундаментал масалалар билан шуғулланиб, ўз тадқиқотларини бирин-кетин эълон қилдираётганлари қувонарли ҳолдир, албатта. Лекин кези келганда, таниқли тарихчи олимларимиздан бирининг, гўё тарих фани билан шуғулланиш фақат тарихчи мутахассисларнинг иши бўлиши керак. Бу иш билан бошқа соҳалар мутахассислари шуғулланса, ўз билимсизлиги ва уқувсизлиги билан тарих илмига муқаррар зарар етказди, деган даъвоси бутунлай асоссиз эканини таъкидламоқчимиз. Айтайлик, тарихчи, файласуф, ҳатто математик олим йирик жанрлардаги бадиий асарлар чоп эттириб, катта-катта мукофотларга даъвогар бўлган ҳолларда филологлар бу асарлар бошқа соҳа мутахассислари томонидан ёзилганини рўкач қилиб, уларнинг йўлини тўсмайдилар-ку! Фаннинг бошқа соҳаларида ишлаётган мутахассис ёки бадиий ижод кишиси тарихга қизиқиши, унда баъзи тарихчилар нигоҳидан четда қолган жиҳатларни идрок этиб, айрим масалаларда баъзи тарихчилардан кўра пухтароқ, қизиқарлироқ фикрлаши ва мулоҳазаларини ўқувчиларга кўпроқ манзур қилиши мумкинлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат-ку. Бунинг устига, тарихчиларимизнинг катта бир қисми фаолиятида ҳануз эскича, шўроча фикрлаш оқавалари, тарихий воқеалар ва йирик шахслар фаолиятига тор синфийлик нуқтаи назаридан баҳо бериш ҳоллари республикамиз истиқлолга эришганидан кейин эълон қилинган китобларда ҳам тез-тез учраб турибди. Акс ҳолда, мустақилликка эришилганидан бир неча йил ўтгач, Қўқон тарихи ҳақида йирик монография эълон қилган бир тарихчи олимнинг «бой-феодаллар доимо халқ ҳаракатининг энг оғир шароитида ҳам ўз синфий манфаатини ўйлаб, умумхалқ манфаатига, ҳатто Ватанига ҳам қарши бўладиган ечим топиб хоинлик қилади», дея дангал ёзиб юборганини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир бой-феодаллар хонликларда, жумладан, Қўқонда ҳам эл-юрт тўкинлиги учун кўпгина фойдали ишлар қилганликлари, улардан анчагина илм-маърифат ҳомийлари чиққанлиги, мол-дунёси бошқаларга нисбатан кўплиги учун ҳам мустамлака зулмига кўпроқ қарши турганликлари аён-ку!

Юртбошимиз шўроча фикрлаш кўринишлари ҳануз бар-тараф қилинмаётганлигидан ташвишланиб, бундай дегани маълум: «Афсуски, айрим олимларимиз онгида эски тузум асослари маҳкам ўрнашиб қолган. Улар ҳозир — мустақиллик шароитида ҳам кимдандир қўрқиб, чўчиб гапирадилар».

Чиндан ҳам шундай. Бизнингча, баъзилар шўро тузуми яна юртимизда барқарор бўлиши, ўша тузум давридаги қатағонлар яна такрорланиши мумкин деган хомхаёлга бориб, марксча-ленинча ғоялар қон-қонига сингиб кетган баъзилар эса, ўша қора ўтмишни қўмсаб шундай йўл тутадилар деб ўйлаш мумкин. Лекин улар орасида ўз эскириб кетган фикрини ўзгартиришни истамайдиганлари ҳам оз эмас. Улар билан гаплашсангиз: «Бундан 20—30 йил олдин бошқа фикр айтган бўлсам, энди унга мос келмайдиган фикрни қандай айтаман?» деган жавоб оласиз. Эски фикрга маҳкам ёпишиб олган бу «тадқиқотчи»лар Насриддин афанди ҳақидаги машҳур латифани беихтиёр ёдга туширади. Бир куни афандидан ёшингиз нечада? деб сўрашса, «ўттизда» деб жавоб берибди. Орадан йигирма йил ўтгач ундан яна ёшини сўраб қолишибди. Афанди аввалги жавобини такрорлаб «ўттиздаман», дебди. Сўраганлар: «Ия, афанди йигирма йил аввал ўттизда эдингиз, энди қандай қилиб ўттизда бўласиз?» дейишса, у: «Йигит кишининг гапи битта бўлади!» дея ҳаммани ўзича гўё мот қилган экан. Афанди ўз йўлига-ю, бироқ республикамиз истиқлолга эришганига ўн йил бўлди. Бу муддат ичида марксча-ленинча таълимотнинг ҳақиқатга зид қанчадан-қанча жиҳатлари, шўро мафкурасининг сон-саноқсиз найранг ва қинғирликлари оммага равшан бўлди. Шуларнинг ҳаммаси шундоққина кўз ўнгимизда рўй берган бўлса-ю, марксизм-ленинизмга, шўро мафкурасига гоҳо билмай, яширишнинг нима кераги бор, гоҳо билатуриб хизмат қилган биз тадқиқотчилар энди эски қарашлардан воз кечиб, оқни оқ, қорани қора дейишга ўзимизда инсоф ва жасорат топа олмасак.

Бир неча ўн йиллар давомида, асосан, шўро мафкурасига хизмат қилган, бу мафкурага унча мос келмайдиган баъзи фикрларни айтганида, «ур калтак-сур калтак» бўлган камина олдинги хатоларимни ювиш учун ҳам янги тадқиқотга қўл ураётганимга ўқувчилар ишониларини астойдил истардим.

МУШКУЛЛИК САБАБЛАРИ

Туронзаминнинг минг йиллар билан ўлчанадиган бой тарихида биз мулоҳаза юритмоқчи бўлган бир юз ўттиз йил ўта мураккаб давр бўлганлиги ҳаммага аён.

Бу давр тарихини ёритишга жазм қилган тадқиқотчини кўп ҳолларда мушкул аҳволга солиб қўядиган, мавзуга ёндашишда ундан алоҳида мушоҳадакорлик ва дадилликни, янгича қарашларни талаб этадиган кўпгина жиҳатлар бор-

ки, улар хусусида собиқ шўролар даврида умуман гапириб бўлмас эди.

Истиқлол шарофати туфайли яратилган кенг имкониётлардан фойдаланиб, ана шу жиҳатларнинг баъзиларига диққатни қаратмоқчимиз. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳар қандай мустамлака шароитида (130 йиллик чор мустамлакаси шароитида айниқса) даврий ва нодаврий матбуотда эълон қилинган, давлат ҳужжатгоҳларида сақланиб қолган материалларнинг аксар қисми, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этган йиғинлар баённомалари, муҳим тарихий воқеалар талқини, мустамлака маъмурияти назорати остида иш кўрган таниқли шахслар иштирокида битилган ҳужжатлар оммавий тарзда сохталаштирилган, улар юртда ҳукмфармолик қилган босқинчиларнинг хоҳиш-иродасига мос келадиган, ҳақиқатга хилоф моҳият касб этадиган алфозга солинган.

Ана шундай материал ва ҳужжатларнинг юзада қалқиб турган сохта мазмунини айна ҳақиқат сифатида ўқувчиларга тақдим этиб юбораверадиган муаррихнинг аҳволига вой. Чунки тадқиқотчининг кўлига тушган, сақланиш жойи аниқ бўлган бундай факт ва ҳужжатларнинг ўзи тарих бўла олмайди. Улар тарих ҳақиқатини аниқлашда тадқиқотчи кўлида хом ашёгинадир, холос. Халқимиз ўтмишининг мустамлака истибдоди бўғиб ташланган ўта мураккаб бир даврида юзага келган бундай факт ва ҳужжатларнинг орқа томонида, ён-верида, тагида нималар турганини, улар қандай ҳаётий зарурат туфайли пайдо бўлиб қолганини, ана шу факт ва ҳужжатлар замирига яширинган дақиқбинлик ва тадбиркорлик бўлмаса, ватан, миллат ва унинг раҳнаmolари тақдири нима билан тугашини тадқиқотчи Аллоҳ ато этган ақл-фаросатни ишга солиб идрок этмоғи даркор. Акс ҳолда аслида халқимиз ифтихори бўлган, бироқ машъум мустамлака истибдоди шароитида фаолият кўрсатган ва бошида қасос қиличи яланғоч турганида ҳам эл-юрт тинчлиги ва истиқболини ўйлаган, ночор қолган чоғларида мустабидлар билан муроса-мадора йўлини тутишга мажбур бўлган, шундан кейин имкон туғилиши биланоқ ўзининг асл қиёфасини кўрсата олган табаррук зотларни тарих олдида, келажак олдида ёмонотлиқ қилиб кўрсатиб, гуноҳи азимга қолиш ҳеч гап эмас.

Тадқиқотчи бирор тарихий шахс фаолиятига доир ҳужжатларга, улар битган аризаларга, берган гувоҳликларга дуч келганида манбалардаги қайси жиҳат тарихий шахсининг ҳақиқий кўнгил изҳорию қайси жиҳат азоб-уқубат ва зулмдан қутулиш учун ноилож ҳолда битилган тўқима эканини тўғри илғаб ола билиши ниҳоятда муҳимдир.

Масаланинг шу томонларини ҳисобга олиб, ўша ўта мураккаб вазиятда фаолият қўрсатган айрим тарихий шахслар ҳаётида рўй берган ҳамда шўро давридаги кўплаб тадқиқотчиларнинг (афсуски, бундай тадқиқотчилар мустақиллик даврида ҳам учраб турибди) масаланинг асл моҳиятига кириб бормай, хато хулосалар чиқариб юборишларига сабаб бўлган баъзи жиҳатларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Тошкент шаҳрининг сўнгги қозикалони Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғли шўро даврида чоп этилган бир неча тарих китоблари орқали ўқувчиларга маълум. Ўша китобларда, ҳатто мустақиллик даврида босилган айрим китобларда ҳам бу табаррук зотга муаррихларимиз кўп тавқи лаънатлар илиб, юзига қора чаплашган. Эмишки, Тошкентга Черняев қўшини ҳужум қилган 1865 йил ёзида қозикалон ўзи истиқомат қиладиган Себзор даҳаси йигитларини ғайридин босқинчиларга қарши жангга бошлаган, кучи етмагач, ўз йигитлари билан қочиб қолган. Эмишки, у ўз қозикалонлик мансабини сақлаб қолиш тамаъида шаҳар дарвозасини босқинчиларга очиб берган ва ҳоказо. Лекин бу воқеалар моҳиятини, айни ҳолатларда қозикалон ҳозирги баъзи муаррихларимиз хоҳлаганича йўл тутмаганига нималар сабаб бўлганини керагича ўйламаган тадқиқотчилар, эл-юрт назарида валий даражасига эришган покдомон зотга кўрқоқ, хоин деган муҳрларни босиб юбораверадилар. Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўриладиган бўлса, ўша замоннинг энг даҳшатли қуролларига эга бўлган, пухта машқ кўрган император қўшинларини қилич, чўқмор ва, нари борса, бир неча пилта милтиқ билан қуроолланган маҳаллий ёшлар қандай қилиб енгишлари ёки уларга бас келишлари мумкин эди? Император армияси хонлик ҳудудларини ўн икки йил давомида бирин-кетин босиб олган пайтларида, амирлашқар Алимқулини мустасно қилганда, неча-неча саркардалар тўпу тўпхоналарга, узоққа отадиган милтиқларга эга бўлган минглаб аскарлари билан ҳам чор қўшинлари ҳужумига бардош беролмай, майдондан чиқиб кетишга мажбур бўлганлари, бу ишлари учун Кўқон хони томонидан қаттиқ жазоланганликлари кўпчиликка аён-ку. Пайғамбар ёшидан ошган касалманд бир қария Ҳакимхўжанинг кам учрайдиган бу ғайрат-шижоати ва жасоратига шу тариқа энгил муносабатда бўлиш жоизмикин?

Тошкент шаҳрининг таслим бўлганлиги хусусида Черняев билан битим тузилиши бир ярим ой мобайнида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган қамал азобларидан қирилиб битишга маҳкум этилган аҳолининг илтижоси билан Абулқосимхон эшон, Солиҳбек охунд сингари покдомон зотлар билан биргаликда Ҳакимхўжа қозикалон охириги чора

сифатида амалга оширган иш экани ҳам энг муътабар тарихий манбаларда келгуси авлодлар учун нақшлаб қолдирилгани сир эмас. Ана шу воқеаларнинг ҳаммасидан кейин Ҳакимхўжа қозикалон Туркистон губернатори Романовский иштирок этган катта йиғинда бу ҳукмдорнинг қутқусига асло тап тортмай: «Ҳаммамизни яратган Ҳақ таоло бор. Унинг амри ҳар бир инсон учун муқаддасдир, бинобарин, сизнинг амрингиздан юқори туради. Агар Ҳақ таоло мени Ўз паноҳида асраса, сизгина эмас, балки сиздан юқорида турганлар ҳам ҳеч нарса қила олмайсизлар... Муҳтарам жаноб, сиз мени қўрқитиш билан шарият йўлидан тойдиришга мажбур қиламан деб ўйлаб қўрманг», тахлитдаги жавобни берган, бу жавоб ҳатто император саройида ҳам зўр шов-шувларга сабаб бўлган ва пойтахтдаги йирик ҳукмдорлар орасида «Туркистонда Худодан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиган ягона одам бор, бу Ҳакимхўжа қозикалондир», деган овоза тарқалган эди. Бу гапни орадан бир неча йил ўтгач генерал-губернатор фон Кауфман генерал Абрамов ҳамда қозикалоннинг ўғли Муҳиддинхўжа қози билан суҳбат чоғида айтган, уни Н. Остроумов 1899 йилда Тошкентда чоп этилган фон Кауфман ҳақидаги китобида келтирган. Шуниси ҳам борки, фон Кауфман ҳам дилида, ҳам тилида тан берган бу табаррук зотни, империянинг энг хавфли душмани ҳисоблаб, Тошкентга генерал-губернатор бўлиб келгач турли ҳийлалар билан қозикалонлик лавозимидан бўшатибгина қолмай, бу лавозимнинг ўзини ҳам тугатиб юборди.

Шўро даврида, ҳатто мустақиллик йилларида эълон қилинган бир неча тадқиқотларда Ҳакимхўжа қозикалонга яна бир оғир айб қўйилган, яъни у ўрус кўшинлари Тошкентни босиб олган 1865 йилнинг июнида генерал Черняевнинг ваҳшиёна сиёсатига тоб бера олмай, гўё шаҳар ўз ихтиёри билан Россия империяси таркибига қўшилганлиги тўғрисида «оқ подшо»га мактуб тайёрлаб беришни Абдусаттор Қорабой ўғлига топширгани хусусида фикрлар билдирилган эди. Биздан олдинги тадқиқотчилар бу масалада ўша давр тарихчиси Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари қўлёзмасидан келтирилган бир парчани далил келтирган эдилар. Камина ҳам ўша қўлёзманинг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланаётган асл нусхаси билан танишиб, бошқа тадқиқотчиларникидан фарқ қиладиган фикрларни айтган бўлсам-да, Ҳакимхўжа қозикалон бу ишни Абдусаттор қозига топширганини рад этмагандим.

Бироқ орадан бир мунча вақт ўтгач, чоп этилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи»нинг биринчи китобида ўша мак-

тубнинг, яъни «Рус подшоҳига Тошканд аҳли номаси»-нинг тўла матни эълон қилинди. Унда, жумладан, ҳақиқатга зид қўйидаги жумлалар битилган экан: «Подшоҳимиз ҳазратларига арзимиз шулким, биз Тошканд қалъасининг ичидаги фуқароларингиз шунча йил ва шунча замондан бери неча бул юрт улуғларига тобеъ бўлуб юриб зулм-ситам, жабру жафодан бўлак ҳеч яхшилик юзини бу жаҳонда кўрмайин ўтдук. Охируламр шул умид билан сизнинг ҳазратингизни улуг подшоҳ ва адолатлик англаб, ўзимизни сизнинг паноҳингизга ташладук, алҳамдулиллаҳ, давлатли бўлуб ва ҳам омонда бўлуб, бул тарафнинг зўрли улуг подшоҳларидан саломат қолдук ва ҳам сиздек улуг подшоҳимиз ҳимоятлари бирлан динимиз, алҳамдулиллаҳ, ривожли, равнакли бўлуб, шариатимиз кундин-кунга зоҳир ва ҳувайдо бўлуб, кеча-кундуз подшоҳимиз ҳазратларини умрларини узунлигини ва давлатларини зиёдалигини ҳазрат Худойимиз Жалли Жалол амма навала даргоҳидин ва ҳазрат пайғамбаримиз ва расолат паноҳимиз ва шафоатхоҳимиз Муҳаммад Расулullaҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазратларини шафеъ этиб ўтулуб, беш вақт намозимизда дуойи жонингизни тилаймиз...» (89—90-бетлар).

Мактубга Домла Аҳмад Охунд Бобой ўғли, Мирҳомид, Дўстмуҳаммад бой, Муҳаммад Олим Шарифбой ҳожи ўғли, Эшмуҳаммадбой Ёдгор ўғли, Муҳаммадрасул Мусомуҳаммад ўғли, Мирзохўжа эшон, Сайидбек Бобобек ўғли ва Содиқбек исмли шахслар имзо чекканлиги маълум бўлади.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» биринчи китобида қайд этилишича : «Черняев бу мактубни Абу Сайид ва Ҳодиҳўжа исмли савдогарларга бериб, Петербургга бориб, «оқ подшоҳ»га топширишни буюради. Бу мактуб туфайли босқинчилик сиёсати оқибатида Англиядек кучли давлат билан тўқнашишга мажбур бўлиб қолишидан чўчиган Россия ҳукумати халқаро жамоатчилик кўз ўнгида ўз хатти-ҳаракатини оқлаши лозим эди. Шунинг учун бу мактубдан нусхалар кўчирилиб, 1865 йилда Россиянинг Туркиядаги элчиси қилиб тайинланган Н. Игнатъев орқали Истанбул кўчаларига қадар иладилар» (90-бет).

Мустамлакачилар мақсадига кўра Халқаро миқёсда муҳим аҳамият касб этиши зарур бўлган бу мактубда на Ҳакимхўжа қозикалоннинг, на зиммасига мактубни тайёрлаш вазифаси юкланган Абдусаттор қози Қорабой ўғлининг, на даҳа қозилари ва муфтийларидан бирортасининг имзоси бор! Турган гапки, Тошкентни рус қўшинлари забт этган даврда Ҳакимхўжа қозикалон шаҳарнинг барча қозию муфтийларига ҳукмфармо бўлган. Бинобарин, у саъй-ҳаракат кўрсатса, барча даҳа қозилари ва муфтийлар мактубга

имзо чеккан бўлур эдилар. Хўш, бундай бўлиб чиқмаганининг сабаблари қандай?

Бизнингча, биринчи тахмин шуки, Черняевнинг Тошкент аъёнларига шаҳарни ихтиёрий равишда Россия императорлиги тасарруфига топширилгани ҳақида «оқ подшо»га махсус ёзиш талаби Солиҳбек охунд ва унинг тарафдорларининг кескин қаршилигига учраб, иш фожиа билан тугаган йиғинда иштирок этган «Тарихи жадидаи Тошканд»нинг муаллифи бу воқеа тафсилотларини ордан анча йил ўтгач ёзганлиги боис паришонхотирликка йўл қўйиб, Ҳакимхўжа қозикалонни бошқа бир нуфузли шахс билан адаштирган бўлиши ҳам мумкин. Иккинчи тахминга кўра эса, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ўз кўрганларини аниқ ёзган деб ҳисоблайлик. Унда Ҳакимхўжа қози Солиҳбек охунд ва унинг тарафдорлари фожиасидан ҳам кўра оғирроқ фожиа рўй бермаслиги учун Черняевнинг газабини жиловлаш мақсадида мактуб тайёрлашни Абдусаттор Қорабой ўғлига «хўжа кўрсин»га топширишга мажбур бўлган-у, кейинчалик тарих олдида шармандаликка сабаб бўладиган бу ишда ўзи ва қўл остидаги даҳа қозилари ва муфтийлар қатнашмаслигининг чорасини топган.

Мабодо иккинчи тахмин тўғри бўлганда ҳам бу ўша давр тарихий шароити учун катта гап. Негаки, «оқ подшо» қўлидаги карталар орасида туз вазифасини бажариши кўзда тутилган мактубда номи Туркияда ҳам, ундан бўлак мусулмон мамлакатларида ҳам машҳур бўлган, Ҳакимхўжа қозикалон ва унинг қўл остидаги қозилар, муфтийлар имзоси бўлиши қаёқдаю Тошкент аҳолисининг бир қисмигина танийдиган бир домла, бир эшон ва бир неча савдогарлар имзоси бўлиши қаёқда!

Ана шу ва бошқа кўпгина жиҳатларни мушоҳида қилиб кўрилса, Ҳакимхўжага тавқи лаънатлар илган муаррихларимиз шошма-шошарлик қилганликлари аён бўлади, деб ўйлаймиз.

Халқимизда ҳақиқат букилади, бироқ синмайди деган қанотли ибора бор. Ҳакимхўжа қозикалон мисолида бу ибора яна бир бор тасдиқланди. Шўро даври ўн йилликларида муаррихларимиз неча-неча балоларга дучор қилган бу табаррук зот истиклол шарофати билан яратилган ва 2000 йилда дунё юзини кўрган «Ўзбекистоннинг янги тарихи»да ўзига муносиб ўрин ва баҳо олди. «Янги тарих»нинг биринчи китобида «Ҳакимхўжа қозикалон» деган махсус қисм ажратилиб, унда Туркистон тарихида ғоят муҳим аҳамият касб этган табаррук зот қиёфаси тарих ҳақиқатига мос тарзда ёритилдики, бунда каминанинг ҳам камтарин хизмати борлигидан мамнунман.

Яна бир воқеа Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори фаолиятига тегишлидир. 1866 йилда, номи юқорида зикр этилган Романовский Туркистон губернатори бўлиб турган бир пайтда, чор қўшинлари Бухоро амирлигидаги Жиззах ва Ғратепани босиб олишлари муносабати билан Қўқон хони эл-юрт орасида норозиликка сабаб бўладиган бир ишга қўл уради, яъни Романовскийни ғалаба билан табриклар, Тошкентга элчилар юборади. Сиртдан қараганда, хунук бир воқеа. Қўшни амирлик ҳудудларини босқинчилар эгаллаб олсаю, Худоёрхон ундан дарғазаб бўлиш ўрнига босқинчини табриклар, элчилар юборса?!

Бухоро амирлигининг император қўшинлари томонидан босиб олинишини тадқиқ этган уч мутахассис бу воқеанинг юзада қалқиб турган томони билангина кифояланиб, асл моҳиятни аниқлашни, хоннинг бундай номатлуб йўл тутишига нималар сабаб бўлганини кўрсатишни ўйлаб ўтирмайдилар ва натижада «Худоёрхон ўз ҳомийси — Бухоро амирига нисбатан хоинона иш тутди» деб ёзиб юбордилар. Бироқ бу воқеа муносабати билан ўйлаб кўриш зарур бўлган нуқталар оз эмасди. Аввало шуни очиқ айтиш керакки, чор қўшинлари Туронзамин ҳудудларига шитоб билан бостириб келгунига қадар Қўқон хонлигининг энг катта душмани Бухоро амирлиги эди. Амир Насрулло босқини амалга оширилган 1842 йилдан то Жиззах билан Ғратепа Туркистон губернаторлиги қўлига ўтгунга қадар, (1866 йилгача) Қўқон хонлиги ҳудудлари Бухоро амирлиги ҳудудлари дея уч марта расмий равишда эълон қилинди. Биз мулоҳаза юритаётган воқеа Бухоро амирлиги Қўқон хонлигини сўнгги бор ўз ҳудуди деб эълон қилганидан бир неча ойгина кейин содир бўлган эди.

Гап шундаки, чор қўшинлари Тошкентни босиб олишларига бир неча кун қолганида ўша вақтдаги Қўқон хони Султон Саидхон амир Музаффардан шаҳар ҳимоясига ёрдам беришини сўраб, унга элчилар юборган, амир эса хоннинг ўзи Бухорога келиб учрашсагина бу масалани ҳал қилажagini айтган эди. Ноилож қолган Султон Саидхон ўзига яқин икки юз чоғли сарбозлари ҳимоясида Бухорога йўл олади. Хонлик тахтига ўз измидан чиқмайдиган кишини ўтказишни режалаштириб қўйган амир Тошкентни чор қўшинлари босиб олишига қарши кескин чоралар кўришни ҳаёлига ҳам келтирмай, Қўқон тахтини ўзига тобе қилиш пайдан бўлади ва Султон Саидхонни Бухоро тупроғида қатл этиб, катта қўшин тўплаб, ўша вақтда тахтни қайта эгаллаш учун амирликда фурсат кутиб ётган Худоёрхонни ёнига олиб, Қўқонга юриш бошлайди. Уша давр муаррихларидан бири Бухоро амири Тошкентни босқинчиларга, Қўқон тахтини эса Худоёрхонга ташлаб, ўз юртига қайтиб

кетганини истехзо билан ёзган эди. Аслида эса, амир Қўқон тахтини Худоёрхонга илтифот юзасидан ташлаб кетмаганди. Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарғона»да рақам қилганидек, Худоёрхон бу сафар ҳам зафар хутбасини амир Музаффар исмига ўқитган, унинг тобеъи ҳукмида маҳкам қолган эди. Бундан ташқари, Қўқон хони ўз умумий даромадининг тўртдан бир қисмини мунтазам равишда амирга тўлаб туриш ҳақидаги ниҳоятда огир талабни ҳам бажариш ҳақида ваъда беришга мажбур бўлганди.

Қўқон хони Худоёрхон ўта аянч аҳволга солиб қўйилганидан бир неча ой кейин содир бўлган «Романовскийга табрик» машмашасини бу воқеаларнинг бевосита иштирокчиси Мирзо Олим Мушриф «Ансобус салотин ва таворихи ул хавоқин» асарида қисман баён этган эди: «Амири Бухоро тараддуди газот айлаб, Худоёрхонни ҳам газотга таклиф айлаб иноятнома (фармон хати — *Ш. Ю.*) юбордилар эрса, ноилож тараддуд қилиб отланиб, дарёдин ўтуб Шаҳидон бориб туруб эрса, тарих бир минг икки юз саксон учда амири Бухоро қўб одам бирла Бўёқчикўл деган мавзеъга бориб қўнди эрса, якбора ўрус аскарлари воқиф бўлуб, дарё бирла ўтуб уруш солди. Бухоро қўшуни паршон бўлуб қочти. Тўпу тўпхона, хазинау дафиналар қолди. Қўб мусулмонлар шаҳид бўлди. Бул хабарни хон эшитти. Дафъатан отланиб дарёдин ўтуб, Хўқандга дохил бўлуб, ошналик расмини тутуб, русиянинг бош ҳокимиға хат қилиб элчи юборди эса, русия халқиға хуш келиб, аҳду паймонни дўстликка маҳкам қилиб, тухфау ҳадялар билан элчиға элчи қўшуб юборди».

Мирзо Олим Мушриф Худоёрхон амир Музаффарнинг фармон хатига ноилож рози бўлиб, ўз қўшини билан амир белгилаган жойга келганини, бу вақтда Бухоро қўшинлари енгилиб, кўп қурол-яроғ ва бойликларни ўлжа қолдириб, тарқаб кетганини, шундан сўнг хон дарҳол тўғри йўл танлаб, Қўқон сари йўл олгани ва губернаторга табрикнома юборганини тарих учун нақшлаб қолдирган. Лекин бу масалада тадқиқотчини янада чуқурроқ ўйлашга даъват этадиган бошқа бир неча нуқталар ҳам борки, улар хусусида Мушриф китобида ҳеч гап айтилмаган.

Аввало, ўша 1866 йилда босиб олинган Жиззах ва Ўратепа ҳам, ундан бир йил аввал чор қўшинлари забт этган Тошканди азим ҳам аслида Қўқон хонлигига қарашли вилоятлар бўлиб, уларни 1842 йилги қирғинбарот чоғида амир Насрулло ўта шафқатсизлик билан амирлик худудлари дея эълон қилган, уларга шахсан ўзи ҳокимлар тайинлашган эди. Бир неча йил мобайнида Тошканд қўлдан-қўлга ўтиб, ниҳоят хонлик ихтиёрида қолган эди. Жиззах ва Ўратепа олиншидан сал илгарироқ хонликнинг йирик таянчла-

ридан бири Хўжанд ҳам чор қўшинлари томонидан босиб олинганлиги маълум. Хонликка тобеъ Тошканд ва Хўжандни чор қўшинлари босиб олганидан кўнглида қаттиқ адоват қайнаб турган Худоёрхон Жиззах ва Уратепа ҳам босиб олинишига норозилик билдириш ўрнига Романовскийга табрик йўллашининг бошқа муҳим сабаблари бор. Жиззах ва Уратепа хонликнинг амирлик билан бевосита чегарадош ҳудудлари бўлиб, уларнинг босиб олиниши хонлик билан амирлик ўртасидаги чегарадошликка бутунлай барҳам берган, бу эса Кўқон хони учун айти мудоа эди. Негаки, Кўқон хонларининг хавфли душмани бўлмиш Бухоро амирлари энди Туркистон губернаторлиги ҳудудларига айлантирилган Жиззах, Уратепа ва Хўжанд орқали ўтиб Кўқон хонлигига ҳужум қилиш, у ердаги ўзига ёқмай қолган хонларни исталган вақтда ўз кўнглидагидек кишилар билан алмаштириш имконидан абадий маҳрум бўлган эдилар. Сал илгарироқ амир Музаффар Худоёрхон зиммасига мажбуран юклаган хонлик даромадининг тўртдан бирини мунтазам равишда олиб туриш нияти ҳам барбод бўлганди. Булар Худоёрхон учун қутилмаган совға эди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, Худоёрхон ўзи амалда тобеъ бўлган амир Музаффар фармонига ноиложликдан бўйсуниб, хонликнинг ундан ҳам каттароқ душмани бўлмиш Туркистон губернаторлиги олдида гуноҳкори азим бўлиб қолганини ҳам сезмаслиги мумкин эмасди. Туркистон губернаторининг тепасида турган Петербург ва Оренбургдаги хўжайинлари Кўқон хонлигини ошкора вассалликка солиш учун Худоёрхон юқоридаги каби қалтис бир ҳаракат қилишни орзиқиб кутишмоқда эди. Зотан, юқоридаги муваффақиятсиз тугаган ғазоватдан сал илгарироқ Оренбург генерал-губернатори Крижановский Россия императорининг ва Петербургдаги бошқа хўжайинларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, Романовскийга бундай деб ёзганди: «Сен амирни енгишга муваффақ бўлгач (бунда айти Жиззах ва Уратепа босқини назарда тутиляпти), уни исканжага олишда давом этиб, нафас ростлашига имкон бермаслигинг лозим. Кўқон билан муносабатда баланддан келиш, Худоёрхоннинг эса Россияга вассал бўлишдан бошқа иложи йўқлигини пешонасига дўқиллатиб туриш керак. Бордию у зарда қилиб бизга қарши бирор қорхон бошласа, яна ҳам яхши, уни асфаласофин қилишимиз учун баҳона топилади».

Хуллас, Кўқон хонлиги тақдири қил устида турган ана шундай бир вазиятда хондан губернаторга табрикнома билан элчилар юборилади. Элчи юбориш ҳақидаги ақл хоннинг ўзидан чиққанми ёки хон ҳузурида иш кўрган ва мамлакат тақдирига алоқадор энг муҳим муаммоларни ҳал эта-

диган махсус кенгаш томонидан таклиф этилганми? Масаланинг бу томони ҳали ўрганилган эмас. Лекин зудлик билан губернаторни табриклар элчи юборилмаса, Худоёрхон амир буйруғига бўйсуниб, ўз қўшини билан жиҳод ниятида Шоҳидонга келганлигининг ўзи учуноқ Тошкент, Оренбург ва Петербургдаги Туркистон тақдирини ҳал этувчи ҳукмдорлар ғазабига учраб қаттиқ жазоланиши, натижада Қўқон хонлиги 1876 йилда эмас, балки 1866 йилдаёқ тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти ташкил этилиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди.

Ана шуни ва ҳали ўрганилиши лозим бўлган кўпгина жиҳатларни ҳисобга оладиган бўлсак, 1866 йилда Худоёрхон Романовскийга йўллаган табрик хати ва элчиларни унинг қандайдир хоинлик белгиси сифатида эмас, балки хон ва унинг атрофидагиларнинг мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигига эришиш мақсадидаги тадбири деб ҳисоблаш мумкин.

Шуниси ҳам борки, мамлакат ичкарисиди ва қўшни хонликларда тўғри тушунилмай, кўпдан-кўп таъна-маломатларга сабаб бўлган бу воқеадан сўнг тез орада Худоёрхон ўзини ўнглаб олиб, ҳарбий куч-қудратини бир қадар оширишга эришди дегунча, мустақил характерини намоён эта бошлайди. Чунончи, Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори лавозимига тайинланган фон Кауфман 1867 йил кузида Тошкентга келиши муносабати билан Хива хонлигидан, ҳатто кечагина Жиззах ва Ўратепанинг босиб олиниш жароҳати битмаган Бухоро амирлигидан бир дунё совға-саломли энг юқори даражадаги элчилар келгани ҳолда Худоёрхон умуман ҳеч қандай элчи юбормагани ва, аксинча, чор босқинчиларига қарши урушга тайёргарлик ишларини кучайтириб юборгани хусусида ўша давр муаррихлари ҳам, Р. Набиев каби шўро даври тадқиқотчилари ҳам ёзиб қолдирганликлари диққатга сазовордир.

Тўғри, Худоёрхоннинг Туркистон генерал-губернатори билан муносабатлари ҳамма вақт бир маромда кечган эмас. Баъзан генерал-губернатор томонидан берилган ёлғон ваъдалардан, унинг мақтовларидан, ҳатто биринчи даражали Станислав ордени билан мукофотланганидан талтайиб кетган хон гўё Россия императорининг содиқ кишиси бўлиб қолишни ўзи учун шараф деб билишини «оқ подшоҳ»нинг Туркистондаги ноибига ёзма равишда маълум қилган пайтлар ҳам бўлган. Аммо дўстлик, ҳамжиҳатлик ҳақида берилган ваъдалар сароб эканини вақт ўтиши билан тўла англаб етган Худоёрхон Кауфмандан ҳам, унинг пойтахтдаги хўжайинларидан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, «бошига ёққан қор»ларни ўзи курайдиган бўлди.

Хуллас, мураккаб тақдирли ҳукмдор Худоёрхон ўз ҳукмфармолик йилларида амалга оширган ишларини тарих ҳақиқатига тўла мувофиқ ҳолда ёритадиган тадқиқотлар эълон қилинса, улар маънавиятимизни ўрганишда муҳим манба бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

ФАКТ ВА ҲУЖЖАТНИНГ ЎЗИГИНА ТАРИХ ЭМАС

Баъзи тадқиқотчилар онгида шўро даврига хос фикрлаш оқавалари ҳали ҳам мавжудлигини илгарироқ айтган эдик. Ўтмишдаги муҳим воқеалар ҳамда тарихий шахслар фаолиятига оид факт ва ҳужжатларга юзаки ёндошиш натижаси бўлмиш нуқсонлар бошқа ўринларда ҳам кўринади.

Факт ва ҳужжатлар маъзини чақмай, юзаки, хато хулосалар чиқариш мустамлака истибдоди авж олган даврда фаолият кўрсатишга мажбур бўлган бошқа кўпгина тарихий шахсларга муносабатда ҳам ўз ифодасини топмоқда. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Сатторхон, Сайдрасул домла, Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа, генерал Жўрабек сингари бир неча оқил зиёлилар Зокиржон Фурқат билан биргаликда янгича маърифатпарварлик йўналишига асос солганлар ва Туркистон халқини шу йўл билан мустақилликка эриштириш учун бутун умрларини бағишлаганлар. Аммо бу зиёлиларнинг аксар қисми юқори табақага мансуб бўлганлиги сабабли шўролар мафкураси ҳукмронлиги даврида тирноқ орасидан кир қидириб, улар кўп марта лаб ёмонотлиқ қилинган, уларга «чоризмнинг содиқ малайлари», «хоинлар» деган бутунлай асоссиз тавқи лаънат илинган эди. Масалан, Шарифхўжа қози 1892 йилги вабо кўзғолонининг ташкилотчиларидан бири сифатида 80 ёшда эканига қарамай, суд уни 3 йил муддатга Астрахан губерниясига сургунга жўнатиш ҳақида ҳукм чиқарганлиги маълум. Шундан сўнг маҳкум қози ўзига белгиланган жазони енгиллатишни сўраб, ўша вақтдаги Туркистон генерал-губернатори Вревскийга ариза ёзади ва ўзини гўё 24 июн воқеаларига алоқаси бўлмагандек қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Аризада, жумладан: «24 июн куни нима воқеа рўй беришини илгаридан билган бўлсам, дарҳол бу хусусда хабар қилган бўлардим», деган сўзлар ҳам битилган. Бу ўринда Шарифхўжа ёлғон ёзишга мажбур бўлган. Шуниси ҳам борки, халқ озодлик ҳаракатига бошчилик қилганлардан бири сифатида мустамлака маъмурияти суди томонидан сургунга ҳукм қилинган бу доно, тадбиркор, айни вақтда соғлиғи путурдан кетган қария рост гапни айтиб, ўзининг ҳақиқат учун курашчи эканини исботлашга ҳаракат қилгудек бўлса, этап қилиниб, сургун жойига

етиб олгунча йўлнинг ўзидаёқ нобуд бўлиб кетиши турган гап эди. Бу эса, айти ҳолатда, нодон, бефаҳм одамнинг иши бўлардики, Шарифхўжа қози ундайлардан эмасди, албатта. Шарифхўжа қози бу қўзғолонда бош-қош бўлганлардан бири эканлиги суд жараёнида бир неча гувоҳларнинг далиллари билан исботланган. Ундан ташқари, ўша вақтдаги Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Гродеков генерал-губернатор Вревскийга берган маълумотномасида бу ҳақда рад этиб бўлмайдиган янги далилларни келтиради. Лекин шунча ишончли ҳужжатлар давлат ҳужжатгоҳларида мавжудлигини билмаган ёки ўзларини билмасликка солган баъзи тадқиқотчилар Шарифхўжа қози аризасида ёзилиши мантиқан мажбурий бўлган юқоридаги сўзларни чиппа-чин ҳақиқат дея даъво қилиб, унга мағзава ағдаравердилар.

Муҳиддинхўжа қози билан генерал Жўрабекнинг ўғли Оллоқулибек томонидан ҳам гоят танг вазиятда битилган икки ариза мавжуд. Муҳиддинхўжа қозининг Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчига аризаси 1899 йил 22 июлда битилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат ҳужжатгоҳида сақланмоқда. Бу ариза битилгунга қадар Муҳиддинхўжа қози ҳам кўпдан-кўп тазйиқ ва таъқибларга, турли бўҳтонларга дучор қилинган эди. Чунончи, 1877 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да унинг гўё порахўрлиги учун қозихонаси ва ҳовли-жойи муҳрлаб қўйилганлиги айтилиб, бутун ўлка аҳолиси ўртасида бадном қилинган, бу ишлар тафтиши тугаб, қозиди ҳеч қандай айб йўқлиги исботлангач, газета қозихонадан ҳам, ҳовли-жойдан ҳам муҳр олиб ташланганини ўз ўқувчиларига маълум қилишга мажбур бўлса-да, Муҳиддинхўжа қозини оқлайдиган бирор оғиз сўз ёзмаган эди.

Республика Марказий ҳужжатгоҳида ўтган асрнинг 80—90-йилларида бу покдомон зотнинг Тошкент шаҳар ҳокимлари Киселев, Лодиженский, Путинцев ва бошқалар томонидан кўп марта тазйиқ остига олингани хусусида ҳужжатлар сақланиб қолган. 1892 йилги вабо қўзғолони туфайли мустамлака маъмурияти томонидан жабрланганлар орасида Муҳиддинхўжа қози ҳам бор эди. Уша вақтда Тошкентнинг эски шаҳар қисми ҳокими лавозимида бўлган Н. Ликошин орадан йигирма тўрт йил кейин Петроградда чоп этилган «Туркистонда ўтган ярим умр» номли китобида, бир томондан, Муҳиддинхўжанинг 1892 йил вабо қўзғолонига муносабати «жинояткорона» характерга эга бўлганини таъкидлагани ҳолда, иккинчи томондан, «қози қатъий эътиқоди ва ўзини сайлаган халққа мустаҳкам садоқати туфайли жабр кўрган»лиги хусусида ҳам сўзлашга мажбур бўлади.

Кўзғолон кунининг эртасигаёқ Сирдарё вилояти губернатори буйруғи билан лавозимидан қувилган Муҳиддинхўжа мустамлака маъмурларидан безиб, ўз бобокалони Исанхонхўжа қозикалон бино қилган мадрасада тинчгина мударрислик қилиб юрган чоғида Себзор даҳасининг баобрў одамлари уни яна қозилик лавозимига тиклашга бел боғлайдилар. Улар генерал-губернаторлик амалдорлари ўрнатган кўплаб тўсиқларни бартараф этиб, ниҳоят Муҳиддинхўжа номзодини муқобил рўйхатга киритишга муваффақ бўладилар. Чор тўралари ўзлари қаттиқ обрўсизлантирган деб ҳисоблаган бу шахснинг сайловдан асло ўта олмаслигига қатъий ишонган эдилар. Аммо қози сайловда овоз берганларнинг аксар кўпчилиги Муҳиддинхўжа номзодини ёқлашади ва у 74 овоздан 62 овоз олиб, қозиликка сайланади. Сайлов натижаларидан дарғазаб бўлган генерал-губернаторлик амалдорлари ҳар қандай шарм-ҳаёни йиғиштириб қўйиб, Себзор даҳасида ўтказилган қози сайлови натижаларини, бирор қонунга хилоф иш йўқлигига қарамай, бекор қиладилар ва ўзлари учун ўта хавфли бўлган Муҳиддинхўжа номзодини киритмаган ҳолда янгидан сайлов ўтказиш хусусида буйруқ чиқарадилар. Шундан сўнг собиқ қозининг бошига яна кўплаб балолар ёғилади, ҳатто уни жисмоний маҳв этиш хавфи пайдо бўлади.

Муҳиддинхўжа қозининг биз фикр юритаётган аризаси ана шундай бир ўта хавфли вазиятда ёзилган. Аризанинг ёзилишига сабаб бўлган ўта хавфли вазият ҳақида аризачи жумладан бундай дейди: «Устимизда турган шаҳар ҳокимимиз бизни шаҳарга келганидин бери манга назарлари чап бўлуб, ёмон кўруб турадур... Ўтгуз тўрт йилдан бери қилиб турғон хизматимнинг гўё мукофотига бу шаҳар ҳокимидин ҳар бир жамъиятда беҳурматлик кўруб, ҳақоратга оид бўладурғон сўзлар эшитганим важҳидин кўрқинч остида... ушбу аҳволотларимни жанобингизда ариза қилмоқни лозим билдим».

Шундан кейин, табиийки, аризачи Туркистон бош ҳокими олдида ўзини оқлаш учун турли далиллар келтиришга мажбур бўлади. Чунончи, 1865 йил ёзида Тошкент қамал қилиниб турган вақтида отаси Ҳакимхўжа қозикалон ва бошқа шаҳар аёнлари топширигига кўра Черняев қароргоҳига боргани, икки томонлама сулҳ тузилишига ҳисса қўшгани, кўп йиллар чор маъмуриятига хизмат қилгани, бу хизматлари қандай мукофотлар билан тақдирлангани ҳақида, табиийки, ошириб-тошириб, қўшиб-чатиб ёзади. Зотан, айти ҳолатда Муҳиддинхўжанинг шундан бўлак иложи йўқ эди, у шундай қилишга мажбур эди.

Муҳиддинхўжа ҳақида ёзган баъзи тадқиқотчилар унинг ушбу аризасини ҳам чиппа-чин ҳақиқат сифатида қабул

қилдирмоқчи бўладилар ва унда битилган баъзи гапларни дастак қилиб, қозини «халқни эзувчи куч»лар қаторига қўшмоқчи бўладилар. Аслида эса ўша давр расмий матбуотида Муҳиддинхўжа вафоти муносабати билан берилган бир мақолада бундай дейилган эди: «У ўзининг жўжабирдек оиласини моддий таъминланмаган, рўзгорини эса вайрон ҳолда ташлаб кетди. Айтишларича, у ер банкидан қарздор бўлиб, ягона бойлиги бўлмиш ери шу банк томонидан гаровга олинган экан, ёш ўғиллари эса ҳали мустақил рўзгор тебратишга қодир эмаслар».

Оллоқулибекнинг аризасига келсак, у Туркистон генерал-губернатори адъютанти бўлиб ишлаган даврга тўғри келади. Генерал-губернаторининг уйда Оллоқулибекни кўрган ашаддий миссионер Н. Остроумов уни отаси марҳум генерал Жўрабек сингари мустамлака маъмурияти учун ўта хавфли одам деб ҳисоблайди шекилли, ўз уйига қайтиб келибоқ кундалигига қуйидаги қайдни битади: «Бу бегона юрт кишининг (Оллоқулибек демоқчи — *III. Ю.*) шахси ишонч ва хотиржамлик туғдирмайди. Генералларимиз уни нега яқин тутишларига ҳайрон бўламан: бошқарув ишида ундан фойда тегиши мумкин эмас, зарар тегиши эса жуда ҳам мумкин, чунки генерал-губернатор уйда қандай ишлар содир бўлаётганидан у ерликларни воқиф қилиши мумкин». Бинобарин, Н. Остроумов ўзи садоқат билан хизмат қилган мустамлака маъмурияти маҳаллий халқнинг ғазаб-нафратига сабаб бўладиган ишлар қилаётганини яхши билган ва бу фирромликлар, ҳийла-найранглар генерал-губернатор адъютанти бўлмиш софдил, жасур ходим орқали унинг юртдошларига маълум бўлишидан ўлгудай кўрққан. Чамаси у ўз валийнеъматини тез орада бу хавф-хатардан воқиф этган ва ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ Оллоқулибекнинг бошида қора булутлар пайдо бўлган: генерал-губернатор шошилинч равишда ўз адъютантини вазифасидан четлаштириш тадбирларини кўрган. Табиийки, мустамлака маъмурияти раҳнамоси Оллоқулибекни лавозимидан четлатса, ундан кейин адъютантнинг бошига янгидан-янги балолар ёғилиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди. Ана шундай ўта қалтис бир вазиятда, чамаси, Оллоқулибекнинг хизматдан бекор қилиниши ҳақида гап кўзгаллиб, унга бўлар-бўлмас ваз-корсонлар кўрсатила бошланган вазиятда адъютант ўзини ҳимоя қилиш мақсадида генерал-губернаторга махсус ариза билан мурожаат этади. Аризада у ўзигина эмас, балки отаси генерал Жўрабек Қаландарқори ўғли ҳам, амакиси полковник Бобобек Ҳакимбек ўғли ҳам гўё чор маъмуриятига ҳалоллик билан хизмат қилиб, бир неча мукофотларга лойиқ кўрилганини кўшиб-чатиб ёзиб, улардан яқинлашиб келаётган балою офатлар дафъи учун қалқон сифатида фойдаланмоқчи бўлади.

Ҳужжатгоҳда сақланаётган бу аризага дуч келган баъзи тадқиқотчиларимиз унинг ёзилишига нималар сабаб бўлганлиги хусусида бош қотиришни эп кўрмай, фоже бир ҳолатда ноилож битилган аризадаги сўзларнинг юзада қалқиб турган, лекин асл моҳиятни очиб бермайдиган айрим «далил»ларни дастак қилиб, Жўрабек ва Бобобекни ҳам, Оллоқулибекни ҳам мустамлака маъмурияти ноғорасига жон-жон деб ўйнаган, ўз балойи нафси йўлида халқи манфаатларини оёқости қилишдан ҳузур топган хоинлар сифатида баҳолайдилар.

ЖЎРАБЕК ЖАСОРАТИ ВА ФОЖИАСИ

Оллоқулибекнинг отаси Жўрабек Қаландорқори ўғлининг кам учрайдиган мураккаб ҳаёт йўли хусусида кенгроқ тўхталиш зарурати туғилади. Собиқ шўро давридагина эмас, балки истиқлол даврида чоп этилган бир неча тадқиқотларда ҳам Жўрабек фаолиятига баҳо беришда қора бўёқларни қуюқлаштириб юборилаётганлиги ва, назаримизда, келажак авлодларга ёруғ юз билан тақдим этишимиз лозим бўлган Жўрабек додхоҳ хусусида номатлуб фикрлар баён қилинаётгани ҳам бу заруратни келтириб чиқаради.

Маълумки, 1860 йилда амир Насрулло вафот этгач, ўзининг ҳам ҳарбий, ҳам ижтимоий-сиёсий салоҳияти билан ярқираб турган, атиги йигирма ёшдаги Жўрабек амирликнинг муҳим аҳамиятига молик Китоб вилоятига ҳоким қилиб тайинланади. Бу давр бутун Марказий Осиё ҳудудларини чор мустамлакасига айлантириш ҳаракати авж олган ўта мураккаб бир давр эди. Жўрабек ҳокимлигининг тўртинчи-олтинчи йилларида бутун Дашти Қипчоқ, кўҳна Ҳўжанд ва Тошканди азим Қўқон хонлигидан, Жиззах ва Уратепа Бухоро амирлигидан тортиб олиниб, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудлари дея эълон қилинган эди. Хонлик ва амирликнинг сердаромад ерлари қўлдан кетиши Қўқон ва Бухоро бош ҳукмдорларининг оғир солиқлар сиёсатига зўр беришига, натижада халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига сабаб бўлган эди. Шундай бир вазиятда Жўрабек додхоҳ ўз қариндоши ва Шаҳрисабз ҳокими бўлмиш Бобобек билан биргаликда амир Музаффарнинг адолатсиз солиқлар сиёсатига қарши бош кўтарадилар ва унинг буйруқларига бўйсунмайдилар. Амир бир неча бор катта қўшин жўнатиб, асов бекларни жиловлашга кучи етмай турган бир паллада, 1868 йилда Туркистон генерал-губернатори бошчилигидаги чор қўшинлари ер юзининг сайқали деган ном олган муборак шаҳар Самарқандни ҳам босиб оладилар. Бундан хабар топган Жўрабек билан Бобобек амир билан муҳора-

бани иккинчи даражали иш дея ҳисоблаб, босқинчиларга бўшанглик қилган амир Музаффарнинг исёнкор, фидойи ўғли Абдумалик тўра билан ҳамжиҳатликда қўшин тўплаб, Самарқандни эгаллаб турган чор аскарлари устига ҳужум қиладилар ва шаҳар қалъаси ичидаги босқинчиларнинг аксар қисмини қириб ташлайдилар. Шаҳар қўлга киритилиши арафасида амирлик ҳудудларида жанг бошлаган фон Кауфманнинг армияси Зирабулоқда амир Музаффар устидан ғолиб кела бошлайди. Бу эса бутун амирлик тугатилиб, Россия тасарруфига ўтиш хавфини солади. Шундай оғир шароитда амирзода ва шахрисабзлик беклар Самарқанднинг ёлғиз ўзини қўлга киритишдан қўра амирликни сақлаб қолишни афзал биладилар ва қўп минг кишилик қўшинларини Зирабулоққа буришга мажбур бўладилар. Бироқ уруш уруш-да, қачон кимга бахт кулиб боқиши ёлғиз Оллоҳнинг ўзигагина аён. Бу саркардалар бошчилик қилган қўшинлар то Зирабулоққа етиб боргунича, Зирабулоққина эмас, балки Каттакўрғон ҳам Кауфман армияси қўлига ўтган, энди аҳволни ўнглаб олишнинг иложи йўқ эди. Бунинг устига Самарқанддан юборилган элчилар орқали шаҳар ичидаги ғоят танг аҳволдан хабар топган Кауфман Зирабулоқ ва Каттакўрғондаги ишларни саранжомлаб, катта куч билан Самарқандга қайтган ва шаҳар мудофаасини анча мустаҳкамлаган эди. Бу ҳам етмагандек Туркистон генерал-губернатори ҳийла йўлини тутиб, Китоб ва Шаҳрисабз бекликларига генерал-губернаторликнинг ҳеч қандай ҳудудий ва бошқа даъволари йўқлигини, бу бекликлар ўзлари истаганча яшай-веришлари мумкинлигини фақат чор армияси томонидан забт этилган ҳудудларга улар дахл қилмасалар олам гулистон эканини маълум қилиб, Жўрабек ва Бобобек билан расмий битим тузади. Бироқ мустамлакачиларнинг субутсизлиги, улар ўзлари учун зарур бўлиб қолганида, ҳар қандай ваъда ва битимдан беҳаёларча тониб кетаверишлари тез орада яна бир карра намоён бўлади. Яъни амир Музаффар ўз кучи билан енга олмаган бу икки бекдан Китоб ва Шаҳрисабз вилоятларини амирлик тасарруфига олиб беришни сўраб, фон Кауфманга илтимоснома ёзади. Генерал-губернатор эса кечагина танг аҳволда қолганида Жўрабек ва Бобобекка берган қоп-қоп ваъдаларидан уялмай-нетмай, катта қўшин юбориб, бу босқиндан беҳабар ҳолда тинч-хотиржам ҳаёт кечираётган вилоятларни енгиб, амир Музаффарга «совға» қилиб (текинга эмас, албатта), уни ўзидан миннатдор қилади. Лекин шуниси ҳам борки, ғалабадан сўнг Форобга келган Кауфман, Авазмуҳаммад Атторнинг ёзишича: «Шу кундан бошлаб сизларнинг қасабангиз Самарқанд музофо-

тининг ҳайъатига тегишлидир ва сизлар ўрус тобеълигига кирдингизлар», дея ўз босқинчилигини ошкора маълум қилади.

Кучлар нисбати сира ҳам тенг бўлмаган ўта оғир жангларда чор армиясига бас кела олмаган Жўрабек ва Бобобек Китоб билан Шаҳрисабзни тарк этишга, нажот сўраб Қўқонга, Худоёрхон ҳузурига, Абдумалик тўра эса Хивага, Муҳаммад Раҳимхон саройига йўл олишга мажбур бўладилар. Бироқ бу ҳар иккала хон ҳам Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманга Россия императори томонидан фавқулодда ҳуқуқлар берилганини, бунинг устига мустамлака маъмуриятининг ҳарбий қудрати хонликларникига нисбатан аллақанча юқорилиги сабабли унга тенг келиш амри маҳол эканини яхши англари, шу важдан ҳам «ярим пошшо» хоҳишига зид иш тутиш катта фожиаларга олиб келишини яхши билар эдилар.

Вазият шунчалар танглигига қарамай, Муҳаммад Раҳимхон ўзини бир қадар мустақил тутиб, инсоф билан иш кўради. Абдумалик тўрани ўз ҳузурида олиб қола олмаса ҳам унинг Эронга бориш истагини амалга оширишга ёрдам қилади. Бу билан ғайримустамлакачилик қарашларида собит бўлган шаҳзоданинг омон қолишига, Эрон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва ниҳоят Фарғонада узоқ йиллар қизгин фаолият кўрсатишига муҳим ҳисса қўшади. Аммо ўзининг чорак асрлик ҳукмфармолик даврида кўп ҳолларда инсоф ва довиораклик билан иш юритган Худоёрхоннинг айни ҳолатдаги хатти-ҳаракатига ўша даврдаги қалтис вазият сабаб бўлган. У Свен Гедин асарида айтилганидек, бошига катта фалокат тушган, тақдири қил устида турган икки бекка нисбатан мардона иш тутмайди. Табиатан жўмард бу хон умрида биринчи ва, балки охириги марта, ўз эътиқодига хилоф равишда, нажот сўраб келган ҳамюрт, ҳаммиллат, ҳамдин зотларни кишанбанд айлаб, уларнинг энг ёвуз душманига «совга» қилган эди.

Жўрабек ва Бобобекнинг фон Кауфман ҳузурига қай алфозда жўнатилганлиги хусусида ўша даврнинг кўп маҳаллий муаррихлари, амалдорлари, мустамлака маъмурлари, ҳатто чет эллик баъзи муаллифларнинг аксар кўпчилиги уларнинг мажбуран топширилгани хусусидаги фикрни тасдиқлайди. Бироқ бизга маълум бўлган манбалар орасида биргина Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамои» китобида бу хусусида гўё хоннинг мулозимлари Жўрабек ва Бобобекни Қашқарга етиб олишларида керакли ёрдам беражакларини айтганларида, икки бек Тошкентдаги мустамлака маъмурларининг адолатлироқ эканини айтиб, фон Кауфманга ихтиёрий равишда

таслим бўлиш қарорини маълум қиладилар. Шундан сўнг уларнинг хоҳиши инобатга олиниб, беклар иззат-икром билан ёнларига хон тарафидан бир неча мулозимлар қўшилган ҳолда Туркистон генерал-губернатори ҳузурига жўнатиладилар.

Лекин китоб муаллифининг бу масалани ўзига замондош бўлган кўплаб ҳамкасбларига бутунлай зид равишда баён қилиши ҳақида гап бораркан, нозик бир жиҳатни ҳисобга олмаслик, яъни муаллиф билан, бир томондан, Худоёрхоннинг, иккинчи томондан эса, генерал-губернаторлик энг юқори амалдорларининг муносабати қандай бўлганлиги хусусида ўйламаслик, унинг тагига етмаслик хато хулосаларга олиб келиши турган гап. Муаррих Шодмон Воҳидовнинг кўрсатишича, «Тарихи жаҳоннамои» (1872 йилда ёзиб тугалланган) Тошкентдаги мустамлака маъмурияти амалдорларига маъқул тушиб, 1873 йил 23 сентябрида нашр учун Петербургдаги ноширлар қўлига топширилган асарнинг катта бир қисми яшин тезлигида рус тилига таржима этилиб, императорликнинг энг ишончли нашрларидан бўлмиш «Правительственный вестник» («Ҳукумат ахбороти») нинг ўша йилги 300-сонидаяқ чоп этиб юборилган. Мустамлака Туркистонидagi ёки бу даврда мавжуд бўлган уч хонликдаги бошқа бирор муаллифнинг бундай йирик асари Санкт-Петербургда шунчалар тезликда нашр этилганлиги маълум эмас. Маълумки, асар ёзилган ва пойтахтда чоп этилган вақтларда Худоёрхон Қўқон хонлиги тахтида даври-даврон сураётган палла эди. Ниёзмуҳаммад Аттор ўз хонига қанчалар содиқ ва ихлосманд бўлганини унинг «Тухфатут-таворих» номли бошқа бир китобида яққол кўриш мумкин. Асар муаллифи Қўқон хонлари орасида Амир Умархон каби одил подшоҳ ўтмагани, фақат Сайид Муҳаммад Худоёрхонгина унга тенглаша олиши хусусида эҳтиросга тўлиб ёзади. Шундай бўлгач, Аттор Хўқандий ўзининг бу китобида ҳам Қўқон хонларининг душмани амир Музаффар хусусида таҳқирли фикрлар баён этишидан чарчамагани ҳолда, ўз хони ва хоннинг дўстиман деб кўкрагига уриб юрган фон Кауфман, унинг атрофидагилар ҳақида улар шаънига доғ туширадиган бирор гап ёзишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Шундай бўлгач, хон ва генерал-губернатор хусусида ўқувчида ноҳуш кайфият пайдо қилиши мумкин бўлган Жўрабек ва Бобобекнинг занжирбанд ҳолда Тошкентга юборилиши ва бу ерда уй қамоғида сақланиши воқеасини муаллиф ўз ҳомийларига ёқадиган қилиб, бутунлай бошқача баён этиши ҳам унинг учун ҳаётий зарурат бўлган кўринади.

Бироқ мустақиллик давридаги баъзи тадқиқотчилар бошқа кўплаб манбалардан беҳабарликлари натижасидан-

ми ёки қандай қилиб бўлса ҳам Жўрабек ва Бобобекни ёмонотлиқ қилиш учунми, ҳарқалай, шу ягона манбадаги шубҳали мулоҳазалардан узоққа мўлжалланган номатлуб хулосалар чиқарадилар. Уларга ишониладиган бўлса, «Жўрабек билан Бобобек Кўқон хони томонидан зўравонлик билан мустамлака маъмуриятига топширилган эмас... Жўрабек билан Бобобек ўз ватанига хиёнат қилиб (?) душман тарафига ўтишни лозим топганлар».

Жўрабек ва Бобобек ҳақидаги фикрларини давом эттириб, ўша тадқиқотчи яна бундай ёзади: «Улар бир томондан Бухоро амирига бўйсуннишдан бош тортиб, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик билан душманга қарши курашиш ишига катта зиён етказдилар. Уларнинг кўрқоқлик ва шижоатсизлик кўрсатиб, ватан ҳимоячилари ғалаба арафасида турганида Самарқандни ташлаб кетишлари ҳам хоинликнинг натижаси эди».

Китобда шундай руҳ билан суғорилган ўринлар анчагина. Биз улардан бир шингил келтирдик, холос. Энди келтирилган кўчирмаларга муносабат билдириш зарур деб ҳисоблаймиз. Аввало Жўрабек билан Бобобек Самарқанддаги ғалаба жангини тўхтатиб, ўз кўшинларини Зирабулоқ томон бошлаб кетишлари бутун амирлик тақдири қил устида турипти ва агар фурсат бой берилса, Бухоро амирлиги бутунисича чор ҳукумати тасарруфига ўтиши мумкин деган ўта даҳшатли бир манзарани кўз олдиларига келтирганликлари билан боғлиқ. Улар фон Кауфман аскарлари Зирабулоқ ва Каттакўрғонни босиб олгач, тўғри Бухорога йўл олади, пойтахтни эгаллагач, бутун амирликни Россия империяси тасарруфидаги мамлакат деб эълон қилади деган хаёлга боришларини мантиқ тақозо этарди. Бироқ улар Самарқандни ташлаб Зирабулоққа йўл олишлари тактик ва стратегик хато бўлганини ўша ерга етиб борганларидан кейингина анлаганлар. Чунки у ерда амир кўшинлари ўнганмас зарбага учраб, пароканда бўлиб кетган, фон Кауфман бу ердаги истеҳкомларни керагича мустаҳкамлаб, катта куч билан Самарқандга қайтиб, унинг ҳимоясини ҳам кучайтирган эди. Шу жиҳатлар ҳисобга олинса, Жўрабек, Бобобек ва Абдумалик тўранинг бу иши асло хоинлик эмас, балки муҳораба шароитида йўл қўйилиши мумкин бўлган жиддий хато, холос.

Энди бу уч йирик шахс Бухоро амирига бўйсуннишдан бош тортганлиги гўё «бирдамлик ва ҳамжиҳатлик билан душманга қарши курашиш ишига катта зиён етказган»лиги хусусидаги фикрга тўхталайлик. Китоб муаллифи қайта-қайта кўчирма келтирган «Тарихи жаҳоннамойи»да Ақтор Жўрабек ҳамда Бобобекнинг Самарқанд учун жанглардаги баҳодирликларига амир қандай муносабатда бўлганлиги

хусусида: «Амир Музаффар Самарқандда бу одамларнинг журъатини эшитиб, газабланиб, уларни камситди», деб ёзганлиги маълум. «Шажараи Хоразмшоҳий»нинг муаллифи Муҳаммад Юсуф Баёний ўзи гувоҳ бўлган Муҳаммад Раҳимхони Соний билан Абдумалик тўра учрашувида Бухоро шаҳзодаси Хива хонига ўта эҳтиёткорлик билан айтган қуйидаги сўзларни келтиради: «Отамиз Бухоро вилоятини Русияга бермакчи бўлдилар. Биз монёв бўлуб, урушга тарғиб этдук. Отамизга бу сўзларимиз хуш келмай, орада ваҳшат пайдо бўлди. Ондин сўнг ул ерда турмакни маслаҳатдин баъид кўруб, баякбор чиқиб, бу тарафқа равона бўлдук». Ҳақиқий аҳвол шундай бўлгач, қандай қилиб бу уч жасур саркардани амир Музаффар билан бирлашиб, умумий душманга зарба беришга ҳаракат қилмаган, қўрқоқ, шижоатсиз, бу ҳам етмагандек, хоин кишилар сифатида бадном қилишга тил боради?

Энди ҳозирги бир эмас, бир неча тадқиқотчиларимиз томонидан Жўрабек ва Бобобекка қўйилган бошқа бир айбни, гўё уларни Худоёрхон мажбурий равишда фон Кауфман ҳузурига жўнатмагану бекларнинг ўзлари Туркистон генерал-губернаторига ихтиёрий равишда таслим бўлишни исташган ва уларнинг шу истаги бажо келтирилган, бу эса эл-юртга хиёнатнинг, нафс балосига учраб нима қилиб бўлса ҳам жон сақлаб қолишга интилишнинг шармандали йўлидир, деган фикрларига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Шу муносабат билан тадқиқотчи бирор қалтис масалада, ўтмишдаги йирик тарихий шахсларга ёки воқеаларга баҳо берганида унинг қўлида биттагина эмас, балки кўплаб ишончли, баъзи ҳолларда эса бири иккинчисини инкор этадиган манбалар бўлиши шарт деб ҳисоблаймиз. Жўрабек ва Бобобек гўё ўз майллари билан фон Кауфманга таслим бўлганликлари хусусидаги фикрни биз Аттор Хўқандий китобидан ўзга манбаларда учратмадик. Худоёрхоннинг ҳукмфармолик даврида, 1872 йилда ёзиб тугаллаган бу таворихномада муаллиф ўзи яшаб турган юрт хонининг номатлуб иши хусусида, яъни ўзидан нажот сўраб келган миллатдош ва диндошларини уларнинг ёвуз душмани бўлмиш «ярим подшо» ҳузурига кишанбанд ҳолда топширгани хусусида ёзиши (айниқса, бу асар орадан бир йил чамаси вақт ўтгач императорликка тўла тобеъ бўлган нашрда эълон қилинганини ҳисобга олсак) имкондан хо-риж бир нарса эди.

Шуниси ҳам борки, Аттор китобидан бир неча йил кейин, Худоёрхон хонлик лавозимидан бекор қилингач, чоп этилган ўзбек, рус, ҳатто швед тадқиқотчиларининг ўндан ортиқ китобида «Тарихи жаҳоннамои»даги ўша фикрни кескин рад этадиган далиллар келтирилган. Бу маъ-

лумотларни берганларнинг баъзилари Жўрабек ва Бобобекни шахсан кўрганлар, ана шу масалага аниқлик киритадиган воқеаларда бевосита иштирок этганлар, ҳатто фон Кауфманга асир сифатида топширилиш воқеасини Жўрабекнинг ўз оғзидан эшитиб, аслида қандай бўлса, шундайлигича оқизмай-томизмай тарих учун нақшлаб қолдирганлар.

Машҳур Закий Валидий «Худоёрхоннинг сўнгги кунлари» китобида ёзади: «Генерал Кауфман Самарқандни забт этиб, Шахрисабз ва Китобни қамал қилганида, бу шаҳарларнинг беклари Жўрабек билан Бобобек қамалга дош беролмай Кўқонга қочдилар. Бу ерда Худоёрхон уларни тутиб олди ва генерал Кауфманга жўнатди».

Рус тарихчиси А. Абаза 1902 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган «Туркистоннинг забт этилиши» номли китобида Шахрисабз ва Китобнинг босиб олиниши ҳақида сўзларкан: «Беклар Жўрабек билан Бобобек Кўқонга қочишга улгурдилар, лекин у ерда қўлга туширилиб, рус маъмурларига топширилди», — деб таъкидлайди.

Таниқли швед сайёҳи Свен Гедин Санкт-Петербургда швед ва рус тилларида 1893—95 йилларда чоп этилган «Осиё юрагида» номли икки жилдли китобида ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Тошкентга келгани, ўша вақтларда чор армиясининг полковниги бўлмиш Жўрабек шахсига маҳлиё бўлиб, унинг Қорасувдаги боғида бир неча кун қолиб кетгани, ўз даврининг ҳар жиҳатдан етук бу зиёлиси маънавий дунёсини чуқур ўрганганлиги хусусида ёзаркан: «Жўрабекнинг меҳмондўст уйида ўтказилган кечаларда у менга ҳикоя қилиб берган таржимаи ҳоли эртақлардагидек сеҳрли эди», дегани маълум. Свен Гедин китобида Жўрабек ва Бобобекнинг Кўқон хони томонидан фон Кауфман ҳузурига қай алфозда юборилгани ҳам унинг ўз тилидан айтилган сўзларга асосланиб баён этилади. «Дўсти Бобобек билан биргаликда тоғ-тошлар орасида узоқ вақт бошпанасиз кезган Жўрабек, — дейди муаллиф, — пировардида Худоёрхондан саховат ва кўмак ахтариб Кўқонга келади. Лекин хон Жўрабекка нисбатан хиёнаткорлик йўлини тутди: уни ҳибсга олдириб, оёқ-қўлига кишан солдириб, бекнинг душмани бўлмиш фон Кауфман ҳузурига жўнатади. Фон Кауфман Жўрабекни очиқ чехра билан кутиб оладию, бироқ асирликда сақлайди».

Свен Гединдан йигирма йил чамаси кейин «Тарихи Фарғона»ни битган йирик ўзбек маърифатпарвари Исҳоқхон Ибрат Жўрабек асир сифатида генерал-губернаторга топширилгандан сўнг беш йил ўтгач, 1875 йилда хон тожтахтни ташлаб қочиб келаётганида Хўжанд дарбозаси олдида содир бўлган воқеани келтиради: «Хўжанд дарбозаси

олдида икки адад русия либосидаги кишилар (Жўрабек ва Бобобек кўзда тутилади — Ш. Ю.) турган экан, тўхтатилади. Бири хонга салом қилиб, дедики: «Ассалому алайкум, хон ҳазрат қалайсиз, омонмусиз? Сиз ҳам биз тушган йўлга тушдингиз эмди, аҳволингиз шу экан-ку. Биз бир вақт сиздан паноҳ сўраб борганда, бизни яқомиздан тутуб, русияга бердингиз. Ўлганимиз йўқ, алҳамдулиллаҳ ҳукуматдамиз!» — деди. «Мусулмон мусулмонга паноҳ берур деб сўраб эдук, эмди сиз ҳам кўрасиз!» — деди.

Хон ғайратга кириб: «Қандоғ муртадсан?» — деди. «Муртад сани айтурлар, юртингни поймол қилиб, мусулмонларни оёқости қилдинг!» — деганда хон қилич суғуриб, ул ҳам қилич олганда, аскарлар хонни муҳофазат қилиб, ани жўнатиб юборди.

Ана шуларнинг ҳаммасидан кейин ўз юртдошининг нобоп иши азоби бир умр қалбига тошдек чўкиб ётган Жўрабек сўзларига ишониш керакми ёки бир томондан хонга, иккинчи томондан мустамлака маъмурларига тобеъ бўлган, ҳақиқатни ёзиш имконияти қаттиқ чекланган Аваз-муҳаммад Аттор Хўқандай сўзларигами? Шуниси ҳам борки, Ибрат китобидаги Жўрабекнинг Худоёрхон билан кескин муомаласида бек мустамлака маъмурияти босқинчилик сиёсатини ич-ичидан қоралаши, Қўқон хонлиги ҳудудларини душман поймол қилишидан сақлаб қола олмаганлиги учун хондан дарғазаблиги ҳам шундоққина кўзга ташланиб туради.

Жўрабек ва Бобобек фаолиятининг бу жиҳатлари хусусида кўп ва ҳўб тарихий манбаларга эгамиз. Чунончи, Россия империяси Ўрта Осиёни забт этиши борасида уч жилдлик фундаментал тадқиқот яратган генерал-лейтенант М. Терентьев Худоёрхон Жўрабек ва Бобобекни мустамлака маъмурларига мажбурий тарзда топширгани ва бу номатлуб иш хоннинг ҳамюртларида қанчалар норозилик туғдиргани хусусида бу воқеадан икки йил ўтгач, Тошкентга келган Қўқон тахтининг валиаҳди Насриддинбек ҳаётидан бир лавҳа келтиради: «Насриддинбек 1872 йилда Тошкентга келган вақтида, — деб ёзади муаллиф, — ўруслар хизматида бўлган, подполковник унвонини олган собиқ шаҳрисабзлик беклар Жўрабек ҳамда Бобобекнинг уйига келиб, отаси уларни русларга топширгани ва шу қилмиши билан ҳақиқий мусулмонлар орасида ўзини шарманда қилганини айтиб, таассуф билдирди».

Ўша даврнинг баъзи муаллифлари фон Кауфман ҳузурига кишанбанд ҳолда жўнатилган Жўрабек билан Бобобек чор армияси зобитлиги хизматида қай тариқа ўтишга мажбур бўлганликларини ҳам тарих учун нақшлаб қол-

дирганлар. Масалан, «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н. Остроумов 1909 йилда Тошкентда чоп этилган фон Кауфман фаолиятини акс эттирувчи китобида шундай ёзади: «Собиқ Шаҳрисабз беги, ҳозирда рус армияси полковниги Жўрабек К. П. фон Кауфман генерал-губернатор бўлган вақтда рус қўшунлари томонидан энгилиб, Тошкентга олиб келинган ва маълум муҳлат ҳибсда сақланган эди. Шундан сўнг генерал Кауфман (1870 йил сентябрида) уни ўз боғига таклиф этади ва шунақанги бир йўл топадики, Жўрабек ўзи учун бутунлай бегона бўлган ҳаёт тарзига кўниб, рус армияси хизматида қолишга мажбур бўлади».

Свен Гединнинг Жўрабек Кауфман ҳузурида «асирликда сақлагани», Н. Остроумовнинг эса тўғридан-тўғри «ҳибсда сақлангани» хусусидаги гувоҳликлари тагида катта мазмун бор. Биз юқорида айтгандек, гўё қўрқоқлик, қатъиятсизлик, ҳатто ўз юртига хиёнат қилиб босқинчилар хизмати талпинган бўлса, Жўрабек ва Бобобекни асирликда, ҳибсда сақлашнинг кимга ва нимага кераги бор? Ундан ташқари, Жўрабекнинг чор армияси хизматида ўтиши унинг учун кўнгилли иш бўлган бўлса, Н. Остроумов «Жўрабек ўзи учун бутунлай бегона бўлган ҳаёт тарзига кўниб, рус армияси хизматида қолишга мажбур бўлади», деб ёзишга қандай эҳтиёж бор эди?

Шу муносабат билан Жўрабек фон Кауфман ҳузурида асирликда сақланаётганида олинган бир ҳужжатни эслашга тўғри келади. Бу Жўрабекнинг ўша кунларда тушган сурати бўлиб, у А. Навоий номли Давлат Миллий кутубхонаси нодир китоблар бўлимида сақланаётган «Туркистон альбоми»га киритилган. Суратдаги Жўрабекнинг кўзларига қарар экансиз, у худди Абдулла Қодирий НКВД қамоғида тушган суратдаги кўзларнинг ўзи бўлиб сизга боқади. Жўрабек фон Кауфман ҳузурида мамнун ёки маҳзун бўлиб яшаганини билмоқчи бўлсангиз шу суратга боқинг. Бу суратни биз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг 1991 йил 17 май сониди, ҳали шўролар тузуми ҳукмрон бўлган бир пайтда ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилган эдик.

Яқинда Республика Марказий архивида яна бир муҳим ҳужжатларга дуч келдик. Бу Россия бош вазири А.М.Горчаковнинг фон Кауфман мактубига жавобан 1870 йил 14 ноябрда ёзган хатидир. Хатда Худоёрхон шаҳрисабзлик бекларни (Жўрабек ва Бобобек кўзда тутилади — Ш.Ю.) Кауфман талабига кўра унинг ихтиёрига жўнатилганлиги хат муаллифи томонидан императорга маълум қилинганлиги, император хоннинг бу ишини тўла маъқуллаб, хонга ўз миннатдорлигини билдирганлиги айтилади (I- фонд, 34- қайд, 131- иш, I- саҳифа).

Бинобарин, Худоёрхон Жўрабек ва Бобобекни фон Кауфман тазйиқи остида унга топширилганлиги англашилади. Шундай экан, бу масалада Худоёрхонни хоинликда айблаш асло мумкин эмас: у иложсиз қолганини, бекларни Кауфманга жўнатмаса, ўзининг ва юртининг бошига катта фалокатлар тушишидан қўриқиб шундай йўл тутганини ҳисобга олиш лозим.

Инсон хусусида гап борганида унинг тез-тез хатоларга йўл қўйиб туришини ҳисобга олиб: «Хом сут эмган бандда», — дейдилар. Жўрабек ҳам турли-туман инсоний қусурлардан холи бўлмаган. Чунончи, фон Кауфман Жўрабекка унинг асл душманлари генерал-губернаторлик маъмурлари, мустамлака генераллари эмас, балки у ҳокимлик қилган бекликка чор қўшинини чақириб, енгилишга мажбур этган Бухоро амири, нажот сўраб келганида ёрдам қўлини чўзиш ўрнига кишанбанд қилиб Тошкентга жўнатган Кўқон хони эканини ўта айёрлик билан исботлаб бергач, гангиб қолган Китоб беги жуда қийинлик билан, аста-секин унинг топшириқларини бажаришга кўникади. Қизиғи шундаки, Кўқон хонлигининг бир неча шаҳарларини босиб олишда фаол иштирок этган, бу иши учун Россия империясининг мукофотларини олган Жўрабек 1875 йилга келиб Хўжанд дарвозаси олдидаги Худоёрхон билан учрашувда унинг ўз юргини босқинчиларга оёқ ости қилиб қўйганидан дарғазаб эканини яшира олмайди. «Россия давлатига яхши хизмат қилгани ва тинчу хотиржам юргани учун» 1901 йилда генерал-майор унвонига сазовор бўлган Жўрабек ўша ойлارнинг ўзида мустамлака маъмуриятига асло ёқмайдиган фаолиятини авж олдириб юборади, яъни жадидларнинг машҳур «Таржумон» газетасининг жонкуяр тарғиботчисига айланади, янги усул мактаблари фаолияти билан қизиқиб, уларга ёрдам бера бошлайди, жадидлар раҳнамоси Исмоилбек Гаспдали Тошкентга келганида у билан учрашиб суҳбатлар қуради. Натижада генераллик унвони берилганидан бир неча ой ўтмаёқ Сирдарё вилоят губернатори Россия ички ишлар вазирлигига махфий чақув хати йўллаб, Жўрабекнинг мустамлака маъмурияти учун номатлуб ишларидан пойтахтни воқиф этади. Жўрабек фаолиятида бундай зиддиятли жиҳатлар анчагина бўлиб, уларнинг сабабларини аниқлаш, ҳар бирига илмий ҳалоллик билан баҳо бериш зарур. Шуниси ҳам борки, Жўрабек чор мустамлакасининг октябр тўнтаришигача бўлган босқичида маҳаллий зиёлилар орасида ўхшаши деярли учрамайдиган, жаҳоний обрў касб этган забардаст сиймодир.

Шуни айтиш кифояки, Жўрабек ҳали Китоб вилоятининг ҳокими бўлган барваста йигитлик чоғида Ўрта Осиёга ташриф буюрган инглиз олими Е. Скайлер кейинчалик

Лондонда чоп этилган «Туркистон» номли китобида уни «Осиё оқсуяклари орасида энг яхшиларидан, ва яна ҳам муҳимроғи, энг ҳалолларидан биридир», деб, Свен Гедин эса, «Марказий Осиёнинг энг янги тарихида катта рол ўйнаган сиймо», дея ифтихор билан таърифлаган эдилар.

Бундай юксак обрў-эътиборга Жўрабек ўз халқининг ўтмишидан фахрланиб, буюк аждодларимизнинг энг яхши анъаналарини давом эттириб, она юртининг истиқболи йўлида фидойиларча курашганлиги туфайли сазовор бўлган. У ўз замонасининг энг яхши зиёлилари сингари бой маънавиятимизни гоят қадрлаган, уни бошқа халқларга ҳам кўз-кўз қила олган фидойи шахслардан эди. Шу муносабат билан биргина воқеани эслатиб ўтмоқчимиз. 1876 йилда Петербургда шарқшуносларнинг III халқаро конгресси ўтган. Унда Туркистондан Сатторхон Абдулғаффор ўғли, Шермуҳаммад Муҳаммадқул ўғли, Абдулла Ниёз ўғли билан биргаликда Жўрабек Қаландарқори ўғли ҳам қатнашганлиги, унда Оврўпо ва Осиёнинг турли мамлакатларидан йигирмага яқин миллат вакиллари иштирок этганлиги маълум. Ана шу конгресснинг ялпи мажлисларидан бирида сўзга чиққан Жўрабек анча-мунча қизиқарли масалалар хусусида ўз кузатишларини анжуман аҳлига маълум қилган эди-ю, бироқ Туркистондан борган маърузачининг «Темур тузуклари»га икки-уч аср илгари Россияда қизиқиш зўр бўлганлиги, Петр I Молдавия ҳукмдори Кантемир ёрдамида бу ноёб асарни катта эҳтиром билан ўрганиб, давлатни бошқаришда фуқароларни 12 табақага бўлиш, армия уставини тузиш тамойиллари ҳақидаги доно фикрларини ўз подшолик фаолиятига татбиқ этгани борасидаги конгресс қатнашчилари учун тўла кашфиёт бўлган фикрлари залдагиларни лол қолдирган эди. Залдаги турли мамлакатлардан тўпланган олимлар туфайли Жўрабекнинг номи яна неча-неча юртлар сарҳадларидан ўтиб, шуҳрати-га шуҳрат қўшилган бўлса ажаб эмас.

Хуллас, Жўрабек кўп тадқиқотчилар, кўп тер тўкиб ўрганиши лозим бўлган камёб бир шахсдирки, бу ўта савобли ишни, албатта, давом эттириш лозим деб ҳисоблаймиз.

СУРАТ ЭМАС, ТИЙНАТ МУҲИМ

Биз юқорида номларини тилга олган ва шўро тузуми даврида коммунистик мафкуранинг ғайри илмий ва сохта-лаштирувчи сиёсати туфайли атайлаб ёмонотлиқ қилинган, аслида эса эл-юрт хизматига яраган шахслар билан бир вақтда фаолият кўрсатган доно зиёлиларнинг келажақ авлодни ўзлари ҳақидаги сохта тасаввурлардан огоҳ қилиш мақсадида ўша давр матбуотидан жой олиб қолган битиклари ҳам, шўро давридаги айрим ҳалол, довюрак тадқиқот-

чиларнинг машъум цензура тўсиқларидан усталик билан ўтиб айтган қимматли фикрлари ҳам мавжуд. Ўтмишдаги янгича маърифатпарварлар орасида бу соҳада Фурқат айтилганча, моҳир бўлганлигини таъкидлаш лозим. Шу ўринда таниқли рус маърифатпарварларидан А. И. Герценнинг худди биз фикр юритаётган масалада ижодкор қандай йўл тутиши уни кўзлаган мақсадга эриштириши мумкинлиги хусусида билдирган бир эътиборли фикрини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиб, кейин ўзбек маърифатпарварлари фаолиятига ўтмоқчимиз: «Цензура тўсиғидан асабийлашган одам уни енгишни хоҳлайди ва бунда деярли ҳамиша муваффақият қозонади. Кинояли сўз, ҳаяжон, кураш муҳрларини сақлаб қолади; оддий баёнга нисбатан унда эҳтирос кўпроқ бўлади. Очиқ айтмаслик ўз пардаси остида кучлироқ, тушунишни истаган киши учун ҳамиша аён бўлади. Ёзувчи қанчалик эҳтиёт билан ёзиши зарурлигини билладиган ўқувчи уни диққат билан ўқийди: ўқувчи билан муаллиф ўртасида пинҳоний алоқа пайдо бўлади, бири ёзганини яширади, иккинчиси эса уни тушунади».

А. И. Герценнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиқиб, Фурқат «Туркистон вилоятининг газети»да 1903—1905 йилларда чоп этилган ва шўро даври тадқиқотчилари томонидан ўнги-терсига қарамай, қоралаб ташланган баъзи асарларга ёндошсак, аттанг демай иложимиз йўқ. Воқеа шундай бўлган эдики, мажбурий мусофирлик алами жон-жонидан ўтиб кетган Фурқат 1896 йилдан сўнг газета таҳририяти билан алоқасини ҳам узиб, ҳеч нарса ёзмай кўйганди. Бироқ 1903 йил баҳорида марғилонлик шоир дўсти Тошболтудан хат олади ва Кўкон адабий муҳитининг забардаст вакиллари Муқимий ҳамда Нисбатий вафот топганликларидан воқиф бўлиб, юрт соғинчи қалбларини ларзага солади. Бу вақт рус-япон урушида чор Россиясининг қўли вақтинча баланд келиб турган кунлар эди. Шу вақтинчалик ғалабани гўё мадҳ этгандек тасаввур туғдирувчи баъзи асарларни газетада чоп этириш орқали ўзининг Туркистондаги мустамлака маъмурияти сиёсатини гўё қўллаётгандек қилиб кўрсатиб, генерал-губернаторлик амалдорлари ёрдами билан она юртига қайтишга рухсат олишни кўзлаган шоир «Қасида» номли шеър ёзиб, унда Японияга нисбатан аслида адолатсиз уруш олиб бораётган чор кўшинларига ғалаба тилагандек бўлади. Бироқ «Қасида»га кўшимча қилинган кириш сўзига назар ташласангиз, шеър муаллиф учун ўта танг бир аҳволда битилганига, ундаги сўзлар асло шоирнинг дил изҳори эмаслигига, Фурқат узоққа мўлжалланган янги, катта бир иш бошлаганига, «Қасида»дан сўнг шу йўналишда яна бир неча асарлар эълон қилиши эҳтимоллигига ишонч ҳосил қиласиз. Мана, шоир

ўқувчиларини ўз ниятларидан, қалбининг таг-тагига яшириниб ётган хуфия қатламлардан огоҳ қилиб, улардан ўз асарлари тагматнига нигоҳ ташлашни илтижо қилиб қоғозга туширган ўша кириш сўзи: «Арбоби назардин умид улким, ушбу жаридаға мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлагайлар. Мабодо хотирларига хутур қилмағойким, ушбу сўзлар хушомадгўйлиғ юзидин адо топқон бўлғой деб. Чунки мақсудимиз асли бошқа ерга реша чекмаклиғи кўнглумиз ганжинасида мактум ва мазмирдур вассалом». («Туркистон вилоятининг газети», 1903 йил, 9 июн).

Газета ўқувчиларига юқоридагича сўзлар билан илтижо қилган Фурқат шундан сўнг ватанжудолик изтиробларидан қутулишига ёрдам беришига умид боғлаган асарларини бирин-кетин газета муҳаррири Н. Остроумовга жўнатаверади. Лекин энди «Қасида»нинг кириш сўзидаги фикрларни такрорламай, бошқача йўл тутади, яъни «Масарратнома» номи билан эълон қилинган асарни «Ёрканд шаҳрида Комилжонбой оқсоқолнинг ишорати бирла ёзилди» деса, шундай йўналишдаги бошқа бир шеърни «Жаноб Остроумов тўра фармойишларига мувофиқ 31-нчи номра газет мазмунида бир мазмуна таҳрир айлаб, хизматларига юбордум», деб ёзади. Бу мактублар ҳам мазкур шеърлар шоир қалбидан кечган ҳалол туйғуларни ўз ўқувчиларига етказиш мақсадида эмас, балки унинг юртига қайтишига кўмаклашиш қудратига эга бўлган икки йирик амалдор (бири Ёрканд шаҳрида истиқомат қилувчи Россияга тобеъ мусулмон фуқароларининг оқсоқоли, Қашқардаги рус консули Н. Петровскийнинг энг яқин одами, иккинчиси эса Туркистондаги мустамлака сиёсатининг яловбардори ва генерал-губернаторнинг хуфия маслаҳатчиси)нинг йўл-йўриғи, маслаҳатига кўра, уларни ўзидан мамнун қилиш учун битилган асарлар экани хусусида ўқувчиларни ўйлатиб қўяди. Шу йўналишдаги асарлардан бўлмиш кичик «Масарратнома»да (у ўн бир байтдан иборат ғазал жанрида битилган. Ундан ташқари маснавий йўлида битилган катта «Масарратнома» ҳам мавжуд):

Адлпарвар подшони давлати иқболига

Бўлди лозим, Фурқатий, қилмоқ дуо шому саҳар,

байтидан иборат мақтаъ бор. Мақтаъдаги «бўлди лозим» иборасидан бу асар ўқувчига очиқ айтиш мумкин бўлмаган бир зарурат туфайли битилгани англашилади. Асарга қўшиб муаллиф томонидан газета муҳарририга юборилган ва ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий Архивида сақланаётган мактубга назар ташласак, бу қандай зарурат экани маълум бўлади деб ўйлаймиз. «Ушбу хат илан бир шеър хизматингизга юбордум, — дейилади унда. — Умид

қиламанки, агарда мумкин бўлса, ман камина бошқа юрт алоқаларида, йироқ ерларда бўлсам ҳам императори аъзам — «оқ подшоҳ»имизни ҳамиша фатҳу зафарларини ва давлатлари барқарорлигини дуо қилиб китобларга ва ашъорларга ёзиб тургонимни ушбу юборган шеърим билан жаноб баланд даражалик генерал-губернатор хизматлариға маълум қилиб, андин газета ёзсангиз экан деб илтимос қиладурман».

Фурқат Ёркентда эканида Туркистон ва Шарқий Туркистондаги йирик амалдорлар буюртмасига кўра, баъзан эса ўз ташаббуси билан битган асарлар Тошкентда газетада жиддий тўсиққа учрамай чиқиб турган бир шароитда «оқ подшоҳ»га фатҳу зафарлар тилаб китоб ва ашъорларга «ёзиб тургон»ини генерал-губернаторга маълум қилиш ва шундан кейин шеърни унга кўрсатиш зарурати нимадан келиб чиққан бўлиши мумкин? Бизнингча, бу зарурат муаллифнинг энг буюк орзуси бўлмиш она юртига қайтиш орзусидан, гўё у чет элдан кўра Туркистоннинг ўзида мустамлака маъмуриятига кўпроқ фойда келтириши мумкинлигига ўлка бош ҳукмдорини ишонтириш ва шундай тadbир ишлатиш билан йўлидаги ғовларни бартараф этиш ис-тагидан келиб чиққан.

Шу муносабат билан таниқли тожик тарихчи олими З. Ражабовнинг нозик бир кузатиши эътиборга моликдир. «Фурқат ва бошқа ўзбек ҳамда тожик маърифатпарварларининг кўпгина асарларида, — деб ёзади тадқиқотчи, — у ёки бу тарихий воқеалар ҳақидаги официоз, буюк давлатчилик нақллари, сиртдан қараганда, қабул қилганидек туюлади. Бироқ бу нақл қай тариқа қайта мушоҳада қилинишига, ўзгача мазмун билан бойитилишига назар солсак, расмий «қобиқ» ичида кўп вақт прогрессив мазмун яширинганини кўрамиз». Юқоридаги фикрни тўла тасдиқловчи Фурқатнинг бир асари бор. У «Жаноб ҳарбий министр хусусида» деб аталади ва «Туркистон вилоятининг газети»да 1890 йил 18 октябрда чоп этилган. Асарга юза-роқ қарасангиз, Фурқат чор ҳукумати Туркистонда юргизаётган сиёсатнинг мустамлакачилик табиатини гўё тушунмагандек туюлиши мумкин. Айни вақтда асардаги:

Бу жонибға министр келмишидин,
Юруб ҳар ён тамошо қилмишидин,
Эмас вистафка сайри муддаоси,
Ва ёким шаҳр кўрмоқ иқтисоси.
Ғараз шул кўрса элнинг касбу корин,
На ҳолатда кечурган рўзгорин, —

мисралари Россия ҳарбий министри Туркистонга келиб, тамошо қилиб, виставкани айланиб, шаҳар кўришининг

ҳеч кимга фойдаси йўқ, у халқнинг ҳақиқий турмуш тарзини англаб олиши керак, деган нозикона бир ишорадан сўнг:

Бизи аҳволимиз мафҳум бўлди,
Чу йўқу боримиз маълум бўлди, —

дея гапнинг индаллосига кўчади ва чорак асрлик мустамлака тупроғига пойтахтдан биринчи бор келган министрнинг сафари ўлка моддий-маънавий аҳволини яхшилашга ёрдам бермаса, унинг кимга кераги бор деган фикр устида ўқувчини ўйлатиб қўяди.

Шуниси ҳам борки, Фурқат томонидан бирмунча пардали ифодаланган бу фикрни шоирнинг улкан маърифатпарвар дўсти Муҳиддинхўжа қози газетанинг кейинги сонидида чоп эттирган материалда анча очиқчасига ифода этади: «Бизлар Тошканд шаҳрини подшоҳи аъзам давлатлариға тобеъ бўлгонларимизға йигирма олтинчи йилға қадам қўйди. Шу муддатни ичида жаноби вазирлардан бизни шаҳримизға аввал мартаба сиз жанобингиз қадам еткурдингиз... Бул қадам етқуришингиз тўғрисида бизларни мамлакатимизға кўп манфаатлар етар деб умид тутармиз ва жанобингиздин умид тутармизким, хусусан бизларни юртимизни манфаати ва ободлиғи тўғрисида ёдингиздин чиқмасоқ экан».

Фурқат ва Муҳиддинхўжа қози асарларидан келтирилган ана шу икки кўчирма 3. Ражабов айтган «расмий» қобиқ ичидаги прогрессив мазмунга кўркам мисол бўла олади, деб ўйлаймиз.

ХОИН АТАЛГАНЛАР ХОИНМИКИН?

Туронзамин Россия империяси томонидан мустамлака қилиниши жараёнида амалга оширилган Тошкент, Самарқанд, Туркистон каби йирик шаҳарларнинг босиб олиниши воқеаларига ҳам тўхталиб ўтиш зарурати сезилади. Чунки фақат шўролар давридагина эмас, ҳатто ҳозирги мустақиллик йилларида чоп этилган баъзи асарларда ҳам бу хусусда билдирилган фикрларда ана шу забт этилиш билан боғлиқ айрим жиҳатларнинг юзаки кўринишига алданилган деган хулосага олиб келади кишини. Аслида эса бу масалалар ғоят мураккаб бўлиб, ўз даврида ҳар бир конкрет ҳолатда ўзига хос бир тарзда ҳал этилган.

Гапни Тошкентнинг забт этилишидан бошласак. Черняев 1864 йил кузида бу шаҳарга ҳужум қилиб, Қўқон хонлиги кўшинларидан қаттиқ зарбага учраб, Чимкентга қайтгач, кенг кўламли янги ҳужумга тайёрланиш билан бир пайтда разведка мақсадида бу шаҳарда турган кишилар фаолиятини кучайтиришга ҳам зўр беради. Баъзи манбаларда юзбоши (Северцев қайди), баъзи манбаларда эса

шаҳар шарқий қисмининг ҳукмдори (Черняев қайди) лавозимини эгаллаб турган Абдурахмонбек бир томондан император ҳукумати фойдасига жосуслик қилиб, муҳим ҳарбий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни Черняев қароргоҳига мунтазам равишда юбориб турган, иккинчи томондан эса, эътиқоди суст, нафс бандаси бўлмиш баъзи амалдорлар ва савдогарларни ўз томонига оғдириб, уларда Тошкентни хонлик тасарруфидан чиқариб, чор Россиясига тобеъ этишдек хоинона мақсадни тобора қиздира борган эди. Абдурахмонбекнинг хоинлиги тезда фош бўлиб, 1864 йил охирида бир амаллаб Тешикқопқа дарвозасидан чиқиб, Черняев ҳузурига етиб олади. Бироқ у экиб кетган заҳарзаққум уруглар тезда ўз ҳосилини беради. Абдурахмонбекка ҳамфикр бўлган шаҳарнинг 50 чоғли нуфузли кишиси (уларга Черняев билан махфий алоқада бўлган ва унинг топшириқларини бажариб турган Кўкча даҳалик Шарафийбой, Нуриллабой, Султонбой ва бошқалар пинҳона бошчилик қилган эдилар) императорга махсус мактуб юбориб, унда Россия фуқаролигига ўтиш иштиёқида эканликларини маълум қилдилар. Мактубни пойтахтга олиб бориб, подшоликка топширишга вакил қилинган Тўрахон Зайбухонов сафар чоғида ўз ҳамёнидаги пуллари билан бирга хоин шериклари томонидан битилган ўша машъум мактубни ҳам ўғирлатиб қўяди. Пойтахтга кўп машаққатлар билан етиб борган Зайбухонов подшоҳ саройи йирик амалдорларига учрашиб, мактубни ўғирлатганини, унда битилган фикрларни оғзаки баён этганида, унинг сўзларини расмий равишда қабул қилмайдилар. Зайбухонов ўз оғзаки баёнида гўё мактуб Тошкентнинг тақдирини ҳал этувчи 50 нафар энг нуфузли зотлар томонидан имзоланганини, бу 50 нафар кишининг ҳар бири орқасида 2000 тадан фуқаро турганини лоф-қоф қилиб, уларни ишонтирмоқчи бўлади. Ваҳоланки, чор кўшинлари Тошкентни босиб олган 1885 йил ёзида шаҳарда бор-йўғи 80.000 аҳоли бўлганлиги кўплаб тарихий ҳужжатларда қайд этилган. Буни Зайбухонов билан гаплашган сарой аъёнлари ҳам билишган, албатта. Шунинг учун ҳам унинг баёнотига дуруст эътибор қилинмаган бўлса ажаб эмас. «Оқ подшоҳ» фуқаролигига ўтиш истаги Тошкент аҳолисининг бир ҳовучигагина хос истак бўлганини 1864 йил октябри ва 1865 йил май-июнидаги шаҳар учун бўлган жанглар аниқ-равшан кўрсатган эди. Шаҳарнинг еттидан етмиш ёшгача бўлган аҳолисининг аксар кўпчилиги бу табаррук замин ҳеч қандай босқинчи қадами тегмайдиган, мусулмонобод юрт бўлишини исташини, шу олий мақсад учун жон фидо этишга ҳам тайёрлигини ўша даҳшатли жанглар яна бир марта исботлади. Шаҳарнинг энг довюрак, покдомон раҳнамолари Солиҳ-

бек охунд, Абулқосимхон эшон, Ҳақимхўжа қозикалон ва бошқалар уни босқинчилардан сақлаб қолиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишди, бири-биридан доно тадбирларни амалга оширишди. Бироқ на чора? Курол жиҳатидан кўп марта устун, бекаму кўст машқ кўрган мунтазам кўшинга эга бўлган, бунинг устига, бегуноҳ шаҳар аҳолисига нисбатан кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган шафқатсизликлар қилган, ҳеч қандай ҳийла ва тубанликдан қайтмаган босқинчиларга чоғи келмаган Тошкент ҳимоячилари бутунлай қирилиб битиш хавфи муқаррар бўлиб қолган бир вазиятда сулҳга рози бўлишдан ўзга чора топмаган эдилар. Шунда ҳам юқорида номлари зикр этилган табаррук зотлар душман билан сулҳ шартномаси тузиш чоғида ўз ҳамюртлари манфаатини ҳимоя этадиган моддалар киритилишига эришиб, катта савобларга дохил бўлишди. Аммо шўро даври камлик қилганидек, ҳатто ҳозирги тарихчиларимизнинг ҳам баъзи ишларида ўша табаррук зотларга вақт-вақти билан тош отилиб турибди. Биргина Ҳақимхўжа қозикалоннинг ўзини оладиган бўлсак, 1865 йилги Тошкент қамалидан илгарироқ яқинлашиб келаётган даҳшатни башорат қилиб, Бухорога амир Музаффар ҳузурига боради, умумий душманга қарши курашда уни Кўқон хони билан биргаликда иш кўришга даъват этади. Амир бу валий зотга арзи ихлос қилиб, барча айтганларини бажаришга ваъда беради-ю, бироқ Тошкент қамали чоғида Искандарбек деган шудсиз бир лашкарбошига кўшиб йигирма-ўттиз чоғли сарбозларни юборишдан нари ўтмайди. Шаҳар мудофааси вақтида пайғамбар ёшидан ошган Ҳақимхўжа қозикалон ўзи истиқомат қиладиган Себзор даҳа йигитларини ғазотга бошлагани хусусида илгарироқ гапирган эдик. Бироқ айрим тадқиқотчилар қўлларига тушган тасодифий манбалар ёки турли миш-мишлар асосида шундай табаррук зотни ҳали кўрқоқлик, хоинликда, ҳали ҳаққи мардумхўрликда ўйламай-нетмай айбашларига ҳайрон бўласан киши.

Шунинг ўзигина эмас. Самарқанд ҳақида гап борар экан: «1868 йил 2 майда сотқин кишиларнинг бошлиқлари — қозикалон, катта оқсоқол ва катта амин шаҳарнинг таслим бўлганини билдириш учун Кауфман ҳузурига келдилар... Шундан кейин Кауфман бошчилигидаги рус кўшини қозикалон, катта оқсоқол ва катта амин кузатувида шаҳарга киради», деган сўзларни ўқиймиз.

Туркистон шаҳри аҳолисини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолиш тадбирини кўрган дин пешволари ҳам ном-баном келтирилиб, уларга шўролар даврига хос тавқи лаънатлар илинади. Масалан, шайхулислом Насрулло Исҳоқ ўғли, нақиб эшон Алиакбархўжа Хонхўжа ўғли, қозика-

лон Отахўжа Бухор ўгли, қози Ботирхўжа Хўжабек ўгли, аълам Абдушукур Қурмонбек ўгли, раис Ғарибхўжа Афзалхўжа ўгли ва бошқалар имзо чектирилган чор қўшинлари қўмондони Верёвкин номига битилган мактубдаги «Биз ўзимиз Қўқон хонлиги даврида Мирзо Давлатнинг ғайриқонуний сиқувлари ва зулмидан холи бўлиш учун шаҳар дарвозасини очдик ва ихтиёрий равишда императори олий ҳазратларига бўйсундик», деган сўзларни дастак қилган китоб муаллифи: «Кўриниб турибдики, бир гуруҳ дин пешволари, биринчи навбатда, ўз имтиёзларини сақлашга кўпроқ эътибор берганлар. Улар шу даражада нодонлик қилганларки, ислом динида бўлатуруб, «кофирлар» қўл остида яшашни афзал кўрганлар. Улар учун имтиёзлар сақланса бас. Амалда улар ёмғирдан қутулиб, қорга тугилган кишилар эди».

Китоб муаллифи чиқариб юборган бу кескин хулосанинг, бизнингча, чуқур мулоҳазани тақозо этадиган икки жиҳати бор. Биринчидан, бу кўчирма, ўша айтилган мактубнинг асл нусхасидан эмас, балки Оренбург корпуси командирига Сирдарё линияси қўмондони томонидан 1864 йил 27 июнда юборилган 93-сонли рус тилидаги маълумотномадан келтирилган. Шундай бўлгач, унда қандай ўзгартиш ва сохтагарчиликлар мавжудлиги ёлғиз Аллоҳга аён. Қолаверса, бундай мактублар қандай қутқу ва тазйиқлар остида, ҳатто даҳшатли қатағон натижасида уюштирилиши мумкинлиги Тошкент босқини тажрибасидан яхши маълум. Бу шаҳарни не-не ваҳшийлик ва ҳийлалар билан босиб олишга муваффақ бўлган Черняев ўша дастлабки кунлардаёқ Тошкент катталарини йиғиб, худди Туркистон уламолари имзо чеккан мактубдаги мазмунни такрорловчи мактуб имзолаб беришни улардан сурбетларча талаб этган, бу талабига Солиҳбек охунддан кескин рад жавобини олган босқинчи генерал Солиҳбек охундни, унинг фикрини қувватлаган бошқа олти довюрақ маҳаллий зиёлиларни ҳам айбномасиз, терговсиз, судсиз Сибир сурғунига жўнатиб юбораверган эди. Шундан сўнг Черняев ўтакаси ёрилай деб турган бошқа амалдорлардан ўшандай мактуб имзолаб беришни иккинчи марта яна ҳам даҳшатлироқ оҳангда талаб қилар экан, шаҳар аҳолиси бошига ёғилажак офатлар кўламини аниқ тасаввур этган Ҳакимхўжа қозикалон ва бошқа нуфузли кишилар талаб этилган мактубни тайёрлаб беришга ноилож кўнган эдилар. Мактубни қўлга киритган императорлик доиралари бир неча хорижий мамлакатлар ҳукуматлари Россия Туркистонда босқинчилик сиёсатини юргизаётганига қарши берган норозилик ноталарига жавобан зўравонлик ва ҳийла оқибатида туғилган ана шу мактуб фото нусхаларини кўпайтириб, уларга жўнатиш билан жаҳон афкор ом-

маси олдида қоп-қора бўлган юзларини оқ қилиб кўрса-тишга уриниб кўрган эдилар.

Босқинчиларга Туркистон ва Самарқанд босқини вақтида ҳам Тошкентда ишлатган зўравонлик ва ҳийлагарлик-лари қўл келган бўлиши жуда ҳам мумкин. Шундай бўлгач, юқоридаги сингари хатти-ҳаракат ва мактубларга дуч келганида ҳар қандай тадқиқотчи уларнинг асл сабабларини атрофлича ўрганиб, ўшандан кейин муайян хулосага келса, у ҳақиқатга яқин бўлади деб ўйлаймиз.

Биз уч шаҳарнинг таслим бўлиши жараёнида рўй берган баъзи воқеалар ҳамда уларнинг иштирокчиларига берилган бирёқлама, бизнингча, хато баҳолар хусусида сўзладик. Чор ҳукумати Туронзаминда босиб олган шаҳарлар шулардангина иборат бўлмай, бошқа шаҳар ҳамда вилоятлар босқини билан боғлиқ шунақанги воқеалар анча учрайди. Уларнинг ҳар бири ҳозирги талаблар даражасида чуқур ва кенг кўламда ўрганилиб, янгича хулосалар чиқарилса, 130 йиллик мустамлака даври воқеалари ва бу воқеаларнинг иштирокчилари бўлмиш тарихий шахсларнинг асл моҳияти ҳамда қиёфаси тўғри баҳоланади деб ўйлаймиз.

Бу соҳада ҳозирги вақтда кишини афсуслантирадиган яна бир жиҳат борки, унга тўхталиб ўтилмаса, назаримизда, масала чала қолади. Гап шундаки, баъзи муаррихларимиз китобларини ўқисангиз, чор қўшинлари бутун Туронзаминни забт этган бир неча ўн йил мобайнида уларга қарши фақат Алимқулигина фидокорона жанг қилган, фақат Солиҳбек охундгина рост гапни кўркмай айтган. Тўғри, халқ, меҳнаткашлар курашни давом эттирганликлари хусусида баъзи фикрлар айтилади. Бироқ бу курашчиларни уюштирган, уларга раҳнамолик қилган қанчадан-қанча йирик тарихий шахслар, фидойи инсонлар бўлган. Кези келганда шуни айтмоқчимизки, Туронзамин чоризмнинг мустамлакасига айлантирилишининг биринчи рақамли душманлари Қўқон, Хива хонлари ва Бухоро амири бўлганлигини оддий мантиқнинг ўзи тақозо этади. Чунки юрт ўз мустақиллигини йўқотишидан энг кўп жабр кўрадиган, энг кўп хавф-хатарда қоладиган кишилар аввало юртнинг хони ёки амиридир. Уларнинг умумий душманга қарши курашда бир ёқадан бош чиқармаганликлари, айрим ҳолларда қўшни хонликларда рўй берган фожиаларга қарши кескин чоралар кўрмаганликлари қоралашга лойиқ ва сабаблари кенг ўрганилиши лозим бўлган масаладир. Лекин бу борада чор ҳукуматининг ўта айёрона сиёсати ҳам жиддий рол ўйнаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Негаки, чор ҳукумати, бир томондан, хонликларни бир-бирига гиж-гижлаб, иккинчи томондан, уларнинг ҳар бири кўнглига гулу соладиган алоҳида-алоҳида ваъдалар қилавериб, ораларида-

ги нифоқни ниҳоятда кучайтирган ва бирлашишга бўлган барча ҳаракатларни барбод этган. Шу муносабат билан амир Насрулло ҳеч қандай зарурат бўлмагани ҳолда сохта даъволар билан Қўқон хонлигига ҳужум қилиб, қатли ом уюштириб, у ердаги бойликларнигина эмас, юзлаб гўзал бокира қизларни ҳам Бухорога олиб кетганида Россия императори унинг ҳузурига махсус элчи орқали ёрлиқ юборганини эслаш ўринли бўлур эди. Ёрлиқда жумладан бундай дейилгани маълум:

«Қўқондаги тахт учун курашларни бартараф қилиш зарур. Шундан кейин Туркистон ва Тошкент билан Сирдарё бўйигача бўлган ерлар, Жиззахдан бошлаб Ўратепа, Хўжанд, Қўқон, Марғилон ва Қашқар чегарасигача бўлган ерлар Сиз ҳазрати олийларининг қўлларида бўлиб, ҳукмронлик қилишингизни истаймиз».

Сурбетликни қарангки, ана шундай олтин тоғлар ваъда қилиб, амирликнинг Қўқон ва Хива хонликлари билан алоқасини узил-кесил бузишга муваффақ бўлган император қўшинлари орадан маълум фурсат ўтгач, ўша ёрлиқда амирга муносиб кўрилган Туркистону Тошкентни ҳам, Жиззах, Ўратепа, Хўжандни, бу ҳам етмагандек, азим Самарқандни ҳам Қўқон хонлигидангина эмас, балки қўйни пуч ёнғоққа тўлдирилган Бухоро амирлигидан тортиб олишдан асло уялмайди.

Чор ҳукумати Петр I замонидаяқ режалаштирган Туронзаминни мустамлакага айлантириш ёвуз режасини барбод қилиш учун Қўқон хонлиги ҳам, бошқа хонликлар ҳам қўлларидан келганича тадбирлар кўрганлар. Бу тадбирлар бир томондан, босқинчилар хонликлар ҳудудига бостириб кириши мумкин бўлган чегара минтақаларида тўпу тўпхона ва бошқа қурулларга эга бўлган мустаҳкам қалъалар қуришдан иборат бўлган. Шундай машҳур қалъалардан бири бўлмиш Оқмасжидни амир Умархон 1818 йилдаяқ барпо эттиргани маълум. Сўнгра Худоёрхон ҳукмфармолиги вақтида ҳам ҳозирги Қирғизистоннинг тоғли ҳудудларида анча бақувват истеҳкомлар вужудга келтирилган. Иккинчи томондан эса, тинч-тотув яшашга эришиш мақсадида дипломатик тадбирлар кўрилган.

Тарихчи Ҳ. Зиёевнинг ёзишича, Оқмасжид қалъаси босиб олинишидан кўп йиллар илгари Муҳаммад Алихон номидан Сибирга Соатбек Султонбек ўгли элчи қилиб юборилади. Чунки бу вақтдаги Фарбий Сибир генерал-губернаторига қўшни мамлакатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориш ҳуқуқи берилганди. Элчини Омскда қабул қилган нияти бузуқ император амалдорлари, гўё илтифот кўрсатгандай, унинг қўлидаги мактуб ва совға-саломларни қабул этиб, уни ёлғон-яшиқ ваъдалар билан юртига қайтариб юборадилар. Бу воқеа 1825 йилда бўлган эди.

Император ҳукуматининг тажовузкорлик мақсадларини яхши билган Муҳаммад Алихон орадан уч йил ўтгач, нотинчланиб, энди Турсунхўжа ва Мингқурбон бошчилигида 14 кишилиқ ўта нуфузли элчиларни яна Сибирга жўнади. Муҳокама этилиши лозим бўлган масалалар ғоят кенг кўламли эканини ҳисобга олиб, бу сафар элчилар пойтахт Петербургга юборилади. Бироқ элчилар топширган хон мактубидаги император қўшинларининг Қўқон хонлиги чегараларидаги хатти-ҳаракати жиддий хавотир туғдириши ҳақидаги ғоят ўринли огоҳлантиришга Россиянинг ўша вақтдаги бош вазир ўринбосари гўё биз Қўқон савдогарларини кўчманчи қозоқлар ҳужумидан ҳимоя этиб, сизларга ёрдам бермоқдамиз, дея яна алдам-қалдам сиёсат юргизишдан нари ўтмайдилар.

1836 йилда Маъдалихон томонидан яна Сибирга юборилган ўша Султонбек Соатбек ўғли бошчилигидаги беш кишилиқ элчилар Омск вилояти бошлиғига Тошкент бекларбегисининг чор маъмурияти тутган хавfli сиёсатдан огоҳлантирувчи мактубини топширадилар, бироқ бу ҳаркат ҳам ҳеч қандай натижа бермайди.

Оқмасжид қалъаси чор қўшинлари томонидан босиб олинишидан аввалроқ Қўқон хонлигида бебошлиқлар вужудга келтиргани учун мингбошилиқ лавозимидан олиниб, қипчоқ-қирғиз зодагонларини ўз атрофига тўплаб хоинлик тахти учун курашни авж олдириб юборган Мусулмонқулидан фойдаланмоқчи бўлган «оқ подшоҳ» қўшинлари қўмондонлиги йирик жосус — зобит Вельяминов-Зерновни Мусулмонқули ҳузурига яширин равишда жўнади. Мусулмонқули билан Вельяминов-Зернов ўртасида ўта махфий битимга келиниб, унга Мусулмонқули ўз қўл остидаги кўпминг кишидан иборат қўшин билан Оқмасжид қалъаси яқинида жойлашган мустамлакачилар қўшинига бирлашиб, Қўқонга ҳужум қилиш, хонни тахтдан ағдариб, бутун хонликни императорлик тасарруфига ўтказиш ва бунинг эвазига босқинчиларга тобеъ этилган хонлик ҳудудларининг барчасига собиқ мингбоши нойиб этиб тайинланиши қайд этилади. Бироқ бу ўта махфий битимдан ўз хуфиялари ёрдамида воқиф бўлган Худоёрхон олдинроқ отни қамчилаб, бутун хонликни оёққа турғизади. Хоннинг акаси Маллабек бошчилигидаги сон-саноксиз қўшинлар Билқиллама яқинида бўлган қаттиқ жангларда Мусулмонқули бошлиқ қўшинларни тор-мор этиб, хоинлик йўли билан тахтни эгалламоқчи бўлган собиқ мингбошини асир олиб, Қўқонда кўп сонли халойиқ олдида қатл этадилар. Одатда қаттол жанглардан сўнг рўй берадиган хунрезликлар бу сафар шу даражага бориб етадики, баъзи муаррихларнинг нақл қилишларича, муҳолифатдаги

қўшинлар ва қипчоқ уруғига мансуб тинч аҳолидан бир неча минг киши қатл этилади. Мусулмонқули босқинчилар оёғи остида ўз юртини ташлаш ҳисобига тахтга эришиш мақсадида босқинчилар билан тузилган махфий битим бутун хонликка ниҳоятда қимматга тушади: аҳолининг катта бир қисми қириб юборилганидан ташқари, мамлакат ривожига муҳим аҳамият касб этадиган соҳаларнинг деярли барчасига қаттиқ зарар етади.

Шу муносабат билан Фитратнинг «Абулфайзхон» фожиасида классик тарзда ифодаланган бир фикрга албатта тўхталиб ўтиш зарурати сезилади. Бу фикр шарқ мамлакатларида салтанат манфаатлари йўлида қон тўкиш масаласига алоқадордир. Фожиада Абулфайзхоннинг хожасаройи бўлмиш Улфат унга: «Ҳоқонимизга маълумдурким, подшоҳлик қон билан суғориладурғон бир оғочдур. Қон оқиб турмаган ерда бу оғочнинг қуриб қолиши аниқдир», дейди. Чиндан ҳам қон умуман тўкилмаган подшоҳликни тасаввур қилиш амри маҳол. Лекин ҳамма гап ўша қон қандай мақсадларда тўкилишида, қон тўкилмаса, эл-юрт аҳволи не бўлишидадир. Бошқача айтганда, қон адолат тантанаси, мамлакат манфаати йўлида тўкилганми ёки подшоҳларнинг аждар нафсларини қондириш, зўравонликларини бошқа мамлакат ҳукмдорига кўрсатиб қўйиш йўлида тўкилганми эканида. Масалага шу жиҳатдан қаралса, Мусулмонқули бошлиқ гуруҳларнинг хоинлигига ўз вақтида зарба бермаслик, бу йўлда қон тўкмаслик тахминан уч миллион аҳоли яшаган бутун Қўқон хонлигининг 1876 йилга келиб эмас, балки чорак аср илгари босқинчилар оёғи остида топталишига олиб келиши, бу фожиали ҳодиса Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг ўша вақтдаги аҳволига кескин салбий таъсир кўрсатиши шундоққина равшан эди. Ана шуларни ҳисобга олганда, Мусулмонқули хиёнат билан боғлиқ хунрезликлар кенг қўлам касб этганини оқлаш мумкин бўлмагани ҳолда босқинчилар ҳийланайрангига жавоб тарзида Қўқон хонлиги амалдорлари ва биринчи навбатда Худоёрхон кўрган тадбирларни ҳеч қандай изоҳсиз бутунисича қоралаш ҳам инсофдан бўлмасди. Зотан хонликдаги юқори амалдорлар биринчи навбатда мамлакат мустақиллигини ўйлаб иш тутганларига шубҳа йўқ. Узоқ вақт катта куч сарфлаб мамлакат ичкарисини бир мунча тинчлантиришга эришган Худоёрхон Оқмасжид қалъаси аламзада императорлик қўшинлари томонидан босиб олинишидан бир неча ҳафта илгари қўшни Россия билан тинчлик муносабатлари ўрнатиш мақсадида кўпгина совға-саломлар билан пойтахтга махсус элчилар жўнатади. Аммо Мусулмонқули — Вельяминов-Зернов битими барбод бўлганидан ғазабга келган императорга Қўқон хон-

лиги элчилари борасидаги хабарни етказганларида, у элчиларни Омскдан нари ўтказмаслик, совга-саломларни қабул қилмай, келган жойига қайтариб юбориш ҳақида кўрсатма беради.

Тез орада Оқмасжид қалъаси босқинчилар томонидан эгалланади, аммо Россия — Туркия уруши бошланиб кетиши босқинчиларнинг Туронзаминни забт этиш ниятини ўн йил чамаси орқага суришга мажбур этади. Шу муддатда Қўқон хонлиги тахтида ҳукмдорлар бир неча бор алмашинди. 1858 йил кузида Худоёрхонни енган акаси Маллахон 1862 йил февралигача ҳукмфармолик қилади. У ўз сарой аъёнлари томонидан ўлдирилгач, Саримсоқбекнинг ўғли Шоҳмуродхонни енгиб, яна Худоёрхон, Худоёрхон ўз валийнеъматини амир Музаффар билан бирга Алимқули қўшинидан енгилб, Бухорога қочгач, 1863 йил июнидан бошлаб Маллахоннинг ҳали балоғатга етмаган ўғли Султон Саидхон тахтга ўтқазилади. Чор аскарлари янгидан қаттиқ ҳужумга ўтиб, бутун Дашти Қипчоқни, шу жумладан Чимкент ва Туркистонни, уларга қўшиб Тошкентни ҳам босиб олишлари Султон Саидхон тахтда ўтирган 1863—65 йилларга тўғри келди. Султон Саидхон ҳали жуда ёш ва тажрибасиз бўлганидан унинг амирлашкар унвонига эга бўлган мингбошиси Алимқули бутун ички ва ташқи сиёсатни бошқарар эди. Чимкент ва Туркистон қўлдан кетиб, чор армияси Тошкентга қаттиқ кўз тиккан 1864 йил кузида Алимқулининг ташаббусига кўра Султон Саидхон номидан ёрдам сўраб Англияга Мулла Хўжабек удайчи, Ҳиндистонга Ҳамроқули эшик оғаси, Афғонистонга Муҳаммад Назар эшик оғаси, Туркияга эса Ҳожи Мелибой элчи сифатида жўнатилади. Кўзланган манзилларга Тибет орқали етиб олишлари мумкин бўлган хонлик элчиларига йўлда Хитой маъмурлари халал бериб, улардан атиги биттаси, яъни Ҳожи Мелибойгина Истанбулга етиб олгани, унинг турк султониغا топширган мактуби халқаро кўламда императорлик обрўсига жиддий путур етишига сабаб бўлганлиги тарихдан маълум.

Бинобарин, Туронзаминдаги уч хонлик ҳукмдорлари чор қўшинлари босқини чоғида қўл қовуштириб, баъзи муаррихларимиз ноҳақ таъна қилганидек, ўз жонларининг ҳузурини ов, тўй-томоша, базмларни, ҳарам гўзаллари билан маишатнигина ўйлаб, беғам, бепарво яшамаганлар.

Лекин тадқиқотчиларимиздан бирининг Туркистонни чор империяси томонидан босиб олинишига бағишланган ва республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг чоп этилган китобида ҳар учала хонга ҳам хоинлик тавқи ланати илинганлиги, кам деганда, ўйламай қилинган нобоп ишдир. Мана, ўша китобда ҳар учала хон хусусида айтил-

ган гаплардан бир шингил: «Худоёрхоннинг тақдири золимлиги, калтафаҳмлиги ва она юртга хоинлик қилганлиги туфайли жуда фожиали бўлди». «У (Муҳаммад Раҳимхон — демоқчи) хонлик тақдири қил устида турганида хотиржамлик ва бепарволикка берилиб, амалда ўз халқига хиёнат қилди». «Амир (Бухоро амири Музаффар ҳақида сўз бормоқда — Ш. Ю.) ўз халқига ва ватанига хиёнат қилиб, босқинчиларнинг ишончини қозонишга ва уларнинг олдадаги мавқеини мустаҳкамлашга астойдил интилган».

Китобни ёпаркансиз, Туронзамин император кўшинлари томонидан босиб олинган ва мустамлакачилар томонидан идора қилинган ўн йилликлар ичида халқимиздан хоинлар мунча кўп чиқмаса, деган аламли туйғу кўнглингизни хира қилади. Ахир XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида рус армияси курул-яроғларининг зўрлиги, мунтазам машқлар ўтилганлиги жиҳатидан уч хонликдаги кўшинлардан аллақанча юқори турганини, уни енгиш юртимиз кўшинлари учун амри маҳол бўлганини ҳамма билади-ку! Императорлик ва Туркистон генерал-губернаторлиги доиралари ўта зўравонлик ва маккорлик билан юргизган сиёсат қаршисида ожиз қолган вақтларида хонлар ҳам, уларнинг саркардалари ва сарой аъёнлари ҳам, дин арбоблари ва бой-савдогарлар ҳам «оқ подшоҳ» ҳамда «ярим подшоҳ» билан вақтинчалик мурсою мадора йўлини тутган, лекин иложи топилди дегунча ўз ҳақиқий қиёфаларини намойиш этишдан тап тортмаган ҳоллар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам қўлига тасодифан тушган, аслида шубҳали бўлган бир-икки манбагагина асосланиб, бу даврда фаолият кўрсатишга мажбур бўлган покдомон бобокалонларимизни келажак авлодларга юзи қора ҳолда олиб боришдек гуноҳи азимдан ҳамиша эҳтиёт бўлмоқ даркор.

Шу муносабат билан баъзи мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1866 йилда Туркистон губернатори Романовский бошчилигидаги кўшинлар Жиззах ва Уратепани Бухоро хонлигидан босиб олган пайтда Худоёрхон соф дипломатик мақсадни кўзлаб, унга элчилар орқали табрик ва совға-саломлар йўллагани, орадан бир мунча вақт ўтгач, фон Кауфман Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори сифатида Тошкентга келганида кўшни хонлар энг нуфузли элчилар ва ўта қимматбаҳо совға-саломлар йўллагани ҳолда Худоёрхон ўзини бегоналардек тутиб, на элчи, на табрикнома йўлламагани, аксинча, мустамлакачилар билан жангга тайёргарликни кучайтириб юборгани ҳақида илгарироқ сўзлаган эдик.

«Сиз билган Дукчи Эшон» китобининг муаллифи А. Эгамназаров Худоёрхоннинг мустамлакачиларга муносабати аслида қандай бўлганлигини кўрсатиш учун гапни

узоқроқдан бошлайди. «Султонхон тўра, — деб ёзади у, — Худоёрхоннинг яқин кишиларидан эди. Шу боисдан бу одамнинг ғайридин мустамлакачиларни бутун вужуди билан ёмон кўрганлиги табиий ҳодисадир». Муаллиф Худоёрхондаги кескин ғайримустамлакачилик руҳи унинг яқин кишиларига ҳам ўтиб, улардан кўплаб шогирдларга, жумладан, машҳур Дукчи эшонга ҳам «юққан»лигини мантиқан пухта далиллаб беради.

Муҳаммад Раҳимхоннинг салкам ярим асрлик ҳукмфармолик даврида кўҳна Хоразмда илм-маърифатга, адабиёт-санъатга, асрлар бўйи яшайдиган меъморий обидаларга, замонавий ҳунарларга, юрт ободончилигига қанчалар эътибор берганлиги, бу соҳада амалга оширган сон-саноқсиз ишлари унга замондош кўплаб муаррихларнинг китобларида келажак насллар учун нақшлаб қолдирилган. Ана шу жиҳатларнинг ҳаммасини ҳисобга олган юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқда Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) номини Отсиз, Текиш, Эл Арслон, Султон Муҳаммад, Абулғозий Баҳодирхон сингари бу кўҳна юртнинг ифтихори бўлмиш хонлар қаторида санаб ўтганлиги, уни «фозил инсонлар, маърифатли ва етук сиймолар» сирасига қўшганлиги ғоят ибратлидир. 1896 йилдаёқ генерал-лейтенант унвонига сазовор бўлган забардаст саркардани, ўз моҳирона сиёсати билан Хива хонлигидан узоқ-узоқларда ҳам шуҳрат қозонган доно ҳукмдорни «сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ўта заиф» дея ерга урган тадқиқотчилар Президентимизнинг юқоридаги сўзларидан ибрат олиб иш юритсалар яхши бўларди.

Баъзи муаррихлар томонидан бутун фаолияти қора бўёқлардагина кўрсатилган Саид Азимбой Муҳаммадбой ўғли билан Жўрабек Қаландарқори ўғли тўғрисида Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона» китобида берилган икки лавҳа тадқиқотчиларимизни фақат бир хил қора бўёқлар ишлатишдан эҳтиёт бўлишга, инсон ғоят мураккаб мавжудот эканини ҳамиша ёдда тутишга даъват этади, деб ўйлаймиз. Ўз вақтида босқинчиларнинг турли топшириқларини бажарган, ҳатто Тошкент шаҳрини императорликка тобеъ бўлиши тарафдорларидан бўлган, бу ишлари учун «Россия империясининг фахрий фуқароси» унвонига сазовор бўлган Сайидазимбой Тошкент босиб олинганидан сўнг ўтган бир неча йил мобайнида мустамлакачиларнинг асл мақсадларидан воқиф бўлиб, уларга кўрсатган хизматларидан чинакамига афсусланган кўринади. Бунга Ибрат китобида тасвирланган Худоёрхоннинг 1875 йил ёзида Қўқон тахтини ташлаб, фон Кауфман буйруғига кўра Тошкентга келаётгани ҳақидаги хабарни хоннинг хуфияси Орифриқобдан эшитганидаги бойнинг ҳолати далил бўла олади.

Бу хабарни эшитган Сайидазимбой хон ўзига йўллаган хатни ўқигач: «Сад ҳайф, ислом ҳукумати тамомга етдиму?» дея афсусланиб, йиғлаб юборди.

Худоёрхон Қўқон тахтини тарк этгунига қадар чор армиясининг зобити сифатида генерал фон Кауфман топшириқларини бажарган, хонликдаги баъзи шаҳарларни босиб олишда мустамлакачилар қаторида бўлган Жўрабек тахтдан айрилиб Хўжанд дарвозасига яқинлашган хонга рўбарў келаркан, унинг ўтмишдаги нобакор хатти-ҳаракати учун баъзи аччиқ сўзларни айтиб, Худоёрхондан «қандай муртадсан?» деган сўкиш эшитганида унга жавобан: «Муртад деб сани айтурлар, юртингни поймол қилиб, мусулмонларни оёқ ости қилдинг!» — дея анча замонлардан буён қалбини кемириб ётган оғир дардни тўкиб солади. Бинобарин, Жўрабек чор армияси таркибида хонлик ерларини босиб олишда иштирок этганидан сўнгсиз изтироб чекканлиги маълум бўлади.

Мустамлака ҳукмронлиги даврида фаолият кўрсатишга мажбур бўлган боболаримизнинг асл қиёфасини белгилашга ҳалал берадиган жиҳатларнинг энг асосийси, бизнингча, қатағон масаласи билан боғлиқдир.

МУСТАМЛАКА ҚАТАҒОНИ ТАБИАТИ

Мустамлака қатағони ҳақида гап борар экан, аввало унинг табиати хусусида бир оз тўхталиб ўтмоқ керак. Бу қатағон буюк давлатчилик шовинизми кўринишларидан бири ҳам, Россия империясининг, кейинчалик «қизил империя»нинг муайян минтақаларидагина рўй берган сурункали фожиа ҳам эмас. Буни шу билан исботлаш мумкинки, буюк давлатчилик шовинизмини амалга ошириши мумкин бўлган рус раҳнамоларининг ўзи қатағонлардан энг кўп жабр кўрди, кўп ҳолларда рус халқининг ҳам энг яхши фарзандлари жисмонан маҳв этилди, сурғунларга жўнатилди, бир умрлик майиб-мажруҳларга айлантирилди. Туронзаминда чор мустамлакачилари амалга оширган қатағонлар билан «қизил империя» қатағонлари орасида мустаҳкам давомийлик бор эди. Зотан, чоризм мустамлака сиёсатининг душманлари бўлмиш пок қалбли, инсоф-этиқодли зиёлилар, миллатидан қатъи назар, большевистик мафкуранинг қуюшқонга сиғмайдиган зўравонликларининг ҳам душманлари эдилар. Чоризм давридаги қатағонларда Туркистондан «Россия империясининг фахрий фуқароси» унвонини олган А. Громов, «Зарафшон» газетасининг муҳаррири М. Морозовлар узоқ муддатли сурғунга жўнатилган бўлса, ўз ростгўйлиги ва довураклиги билан пойтахтдаги энг йирик амалдорларни дарғазаб қилган В. Наливкин рус армияси зобити лавозимидан истеъфога чиқари-

либ, Наманганнинг узок Нанай қишлоғида кўп йиллар яшашга мажбур этилди. «Қизил империя» раҳнамолари томонидан 30-йиллар иккинчи ярмида ўтказилган, тарихда мисли кўрилмаган қатағонларда эса ўзбек халқининг асл фарзандлари билан бир қаторда ўша вақтда Ўзбекистонда энг юқори партия ва давлат лавозимларини эгаллаб турган софдил, жўмард рус кишилари, жумладан, партия Марказқўмининг иккинчи котиби Сехер, Ўзбекистон Марказий Ижроқўми раисининг биринчи ўринбосари Манжара, Ер ишлари халқ комиссари Зелкина, Халқ комиссарлари совети тайёрлов қўмитаси раиси Немцович, Республика комсомол марказқўми котиблари Тарасов, Рехович, шунингдек Родионов, Бавиловский, Соловьев, Лепа, Моор, Гуревич каби кўплаб йирик партия—давлат арбобларини қатли ом ўз гирдобига тортиб кетганлиги маълум. Улар ўзлари билан ёнма-ён ишлашган ва Туркистон халқлари бошига сўнгсиз фалокатлар келтирган шовинист-большевиклардан қанчалар фарқ қилганликларининг далили сифатида иккитагина мисол келтирмоқчимиз. Туркистон Мухторияти раҳбарларигина эмас, балки сиёсатга умуман алоқаси бўлмаган сон-саноқсиз оддий халқ — ночор қариялар, тўрт девор орқасидаги аёллар, бегуноҳ гўдаклар устига даҳшатли тўплардан ажал ёмғирлари ёғдирилганини, уларни ўлдириш учун бир милтиқ ўқини ҳайф билиб, қилич ва ханжарлар билан ёриб, кесиб ташланганини кўрган, лекин бу ёвузликлар йўлини тўсишга на ҳуқуқи, на бошқа бир иложи бўлмаган Д. И. Манжара чексиз изтиробга тушиб, гоят танг бир сиёсий вазиятда қуйидаги гапларни ошқора айтишга ўзида жасорат топган эди: «Миллий сиёсатда йўл қўйган хатоларимиз учун Қўқон мухторияти вужудга келди. Уни йўқотиш пайтида яна бир хатога йўл қўйдик: қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган Эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига биз тўплардан ўққа тутдик, кейин дашноқларнинг қуролли тўдаларини ишга солдик. Нагижада талон-торож, номусга тегиш, қиргин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли жабр кўрди».

Шуниси ажабланарлики, шўролар замонида Туркистон Мухториятининг гўё халққа қарши моҳияти хусусида ёлғонни ямламай ютган сиёсатдонлар ва тадқиқотчиларнинг беистисно барчаси Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги таниқли давлат арбоби Манжара айтган юқоридаги ўта ҳаққоний фикрларни атайлаб четлаб ўтганлар.

Худди ўша даврда фаолият кўрсатган Туркистондаги шўро ҳукумати таркибида ҳарбий комиссар бўлмиш К. Осипов эса большевик корчалонлар буйруғи билан ёппасига қамоққа олинган Туркистон Мухторияти ўттиз раҳбари-

дан йигирматасини дангал бўшатиб юборганлиги маълум. Қолган яна ўн мухториятчини бўшатиб улгурмай, Осиповнинг ўзи қатл этиладиган вазият вужудга келади. Энди рус армиясининг бу мислсиз довюрак зобити большевиклар қатлидан қочиб, Ислом қўшинлари бош кўмондони Мадаминбек қароргоҳидан нажот топади ва истиқлол учун курашчилар сафида шўро тоталитар тузумига қарши фаолиятини давом эттиради. Шу ўринда бир таклифни ҳам ўртага ташламоқчимиз. Ўзбекистонда ишлаб, ҳақиқат учун курашиб қурбон бўлган ана шу табаррук инсонлар номи ҳам ҳамюртларимиз қатори ҳурмат билан эсланса, адолат тантана қилган бўлур эди. Мустамлака қатағонлари, юқорида айтилганидек айрим минтақаларга хос ҳодиса бўлмасдан, Россия империясининг, кейинчалик эса «қизил империя»нинг беистисно барча ҳудудларида, пойтахтдан тортиб энг чекка қишлоқларида ўтказилган, аҳолининг барча қатламларини гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб олиш мақсадини ўз олдига қўйган ва бу мақсадга, айтиш мумкинки, тўлалигича эришган мислсиз кўламдаги қотиллик эди.

Туркистонда қатағонлар мустамлакачи босқинчилар ўлкамизга шум қадамини қўйган дастлабки вақтлардан, аниқроғи, Тошкент босиб олинган кунлардаёқ бошланганлиги, миллатнинг фахри бўлмиш Солиҳбек охунд бошлиқ дастлабки етти зиёли уларга айбнома маълум қилинмасдан, терговсиз, суд ҳукмисиз сургунга жўнатилгани хусусида илгарироқ сўзлаган эдик. Мустамлака қатағонлари эл-юртни тўғри йўлга бошлаш учун халқнинг кўзини оча оладиган, доно, довюрак раҳнамолардан жудо қилишга қаратилганлиги ўша дастлабки қатағон чоғидаёқ яққол кўзга ташланган эди. Зотан, сургун қилинган етти нафар зиёлининг бештаси шаҳардаги мадрасаларнинг бош мударрис ва мударрислари бўлган.

Шундан сўнг яна ўқтин-ўқтин қатағонлар давом этди. Жумладан, 1892 йилги вабо кўзғолони муносабати билан Сирдарё вилоят суди бирварақайига саккиз кишини осиб ўлдиришга ҳукм қилади, орадан олти йил ўтгач, Дукчи эшон кўзғолонида қатнашган 19 киши осиб ўлдирилиб, 3 киши умрбод каторгага, 16 киши узоқ муддатларга Сибир сургунига жўнатилади. Шу тариқа мақтуллар ва сургун қилинганлар сони тобора шитоб билан ортганлиги маълум.

Туркистон мустамлакасининг ҳар икки босқичида амалга оширилган қатағонлар орасида бевосита алоқадорлик бўлганини исботловчи далиллар кўп. Биз улардан атиги иккитасини келтирмоқчимиз. Тошкентнинг Гулбозор маҳалласида Йўлчи Иброҳимов деган шахс ўтган. Унинг яқиндагина вафот топган ўғли Темур Иброҳимов билан суҳбатларимиз вақтида у, отаси Тошкентдаги хусусий пахта заводларидан

бирининг ишчиси сифатида 1916 йилги мардикор қўзғолонида раҳнамолардан бўлгани сабабли суд ҳукми билан узоқ муддатга Сибирга сургун қилинганини айтганди. Бу факт шўролар даврида чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» китобларида қайта-қайта қайд этилади. Бироқ бу китобларда бошқа бир нарса, яъни мустамлака маъмурияти томонидан Сибир сургунига жўнатилган бу мард курашчи феврал инқилоби натижасида сургундан қайтгани, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли вилоятларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, 30-йиллар иккинчи ярмидаги қатағонлар даврида НКВД томонидан яна қамоққа олиниб, Қозоғистон худудидаги қамоқхоналардан бирида ҳалок этилгани ҳақида ҳеч гап йўқ. Йўлчи Иброҳимов оиласи қўлида унинг 1940 йилда Қозоғистон қамоқхоналаридан бирида гуё касалликдан вафот этганлиги хусусидаги бир саҳифа қоғоздан бўлак ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Шундай қилиб, Йўлчи Иброҳимовнинг чор мустамлака тузуми зулмига қарши курашганлиги унинг «қизил империя» даврида иззат-икромда яшашига эмас, балки зулм-зўравонликни янада авж олдириб юборган шўро тузуми учун хавfli душман сифатида қораланиб ҳаёт ришталари узилишига сабаб бўлган.

Тошкентнинг Шайхованд Таҳур даҳасида Абдувоҳидқори Абдурауф қори ўғли деган машҳур бир зиёли ҳам ўтган. Бу табаррук зот Россиянинг Туркистондаги мустамлака сиёсати биринчи босқичида маҳаллий халқ манфаатларининг жасур ҳимоячиси бўлганлиги учун генерал-губернаторлик амалдорлари томонидан айбдор саналиб Тулага сургун қилинган. Сургундалик чоғида у буюк рус ёзувчиси Лев Толстой билан мулоқотда бўлиб, даврнинг ижтимоий масалалари хусусида қизғин фикрлашган. Кейинчалик йирик ўзбек ёзувчиси Асқад Мухтор бу улкан зиё соҳибидан прототип сифатида фойдаланиб, ўз романида у хусусда қизиқарли лавҳалар чизганлиги маълум. Гап шундаки, мустамлаканинг биринчи босқичида келгинди ҳукмдорлар учун ўта хавfli ҳисобланиб, сургунларда хор-зор қилинган Абдувоҳидқори шўролар даврида яна қатағон қилинади, улар томонидан жисмоний маҳв этилади. Абдувоҳидқорининг куёшли қалам соҳиби бўлган навқирон ўғли Олтой тахаллусли Боис Қориев 30-йиллар бошида Ромиз, Боту ва бошқалар қаторида қамоққа олиниб, чорак асрдан кўпроқ сургун азобларини кўриб қайтди. Оиланинг тўнғич фарзанди, янги давр санъати тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган Босит Қориев эса 1937 йилги оммавий қатағонлар даврида машҳум ГУЛАГ лагерларида ҳалок бўлди.

Мустамлака қатағонлари билан боғлиқ яна бир нозик жиҳат ҳам бор. Гап шундаки, қатағонга учраб, жисмоний маҳв этилган ёки сургунларга жўнатилган барча кишилар-

ни бир варакайига оқлаб бўлмайди. Чунки баъзилар ўз юрти манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатганликлари учун эмас, балки ғаразли мақсадларни кўзлаб, мустамлакачилар билан амал талашганликлари, бунда ўз ҳамюртлари бошига кўп кулфатлар ёғдирадиган қилмишлари учун ҳам қатағон қилинганлар. Шундайлардан иккитаси хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Булар сохта Пўлатхон ва Абдурахмон офтобачидир. Чиндан ҳам уларнинг биринчиси император Александр II фармони билан Кўқон хонлиги тугатилиб, унинг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти тузилган кунларда ўз ҳамюртлари томонидан қўлга олиниб, мустамлака маъмурияти уни эл-юрт кўзи олдида осиб ўлдирган, иккинчиси эса, ўзи зимдан хизмат қилган мустамлакачилар томонидан Екатеринославга сургунга жўнатилган эди.

Айрим муаррихлар томонидан шўро даври андозаларига амал қилиб, «халқ озодлик курашининг раҳнамоси» деган баландпарвоз унвонга муносиб кўрилган сохта Пўлатхон аслида нисбат берилган Олимхон золимхоннинг невараси эмасди. Асл Пўлатхон тож-тахт талашларидаги хунрезликлардан безор бўлиб, Бухорога қочиб, у ердаги мадрасалардан бирининг муллаваччаси сифатида умргузаронлик қилиб юрганида унинг ҳузурига Худоёрхонни тахтдан кулатиш ниятида юрганларнинг вакили Мусулмонқули қирғиз деган киши бориб, кўпчилик номидан уни тахтга таклиф этганида Пўлатхон бу таклифни эшитгиси ҳам келмайди, «оч қорним, тинч қулоғим» қабилида яшашни аъло кўради. Шундан сўнг ночор аҳволга тушиб қолган Мусулмонқули қирғиз Тошкентга қайтиб Абдумўмин деган яқин ошнасининг ҳовлисига тушади. Суҳбат асносида Пўлатхонни хонлик тахтини эгаллашга кўндиролмай ночор аҳволга тушганини унга арз қилади. Шу аснода Маззанг мавзеъида носфурушлик билан шуғуланувчи Исҳоқ Ҳасанқассоб ўғли нос харид қилиш мақсадида келиб, у ҳам Абдулмўминнинг ҳовлисига киради. Ақли тез ишлайдиган Абдулмўмин ана шу Исҳоқ носфурушни Пўлатхон деб атаб хон қутаришни, тож-тахт қўлга киритилгач, ҳақиқий шаҳзодалардан бирор хон топиш оппа-осон иш эканини Мусулмонқули қирғизга маслаҳат беради. Маслаҳат тахт даъвогарларига маъқул бўлиб, Исҳоқ носфуруш Пўлатхон номи билан хон деб эълон қилинади. Узоқ давом этган курашлардан сўнг бирин-кетин Худоёрхоннинг ўғиллари Насриддинбек, Муҳаммад Аминбек, укаси Султон Мурадхонни, энг ишончли саркардалари Исо авлиё ва Абдурахмон офтобачини кўп минг кишилик кўшини билан ўзига оғдириб олган сохта Пўлатхон 1875 йилнинг ёзида Кўқон тахтига минади. Бор-йўғи бир неча ой давом этган хонлик чоғида

Пўлатхон юзларча, мингларча кишиларнинг қонига зомин бўлади, ҳатто бешикдаги бегуноҳ чақалоқларни кундага қўйиб, қилич билан бўлиб ташлагани сабабли эл-юрт нафратига учраб, халқ орасида «Заҳҳоки соний» деган лақаб ҳам олади. Уша даврнинг энг ростгўй муаррихлари, шоир ва носирлари сохта Пўлатхон бедодликларини ўнларча китобларда тасвирлаб, келгуси авлодлар учун қолдирганлар. Сохта Пўлатхон Абдурахмон офтобачи билан биргаликда ўйламай-нетмай амалга оширган «жиҳод»лар чор қўшинлари томонидан барбод этилгач, мустамлака маъмурияти бир неча йирик шаҳарлар аҳолисига катта солиқлар ҳам солгани маълум. Абдурахмон офтобачи эса, бир ёқдан, сохта Пўлатхонни чор қўшинларига қарши жиҳодга гиж-гижлаб, хазинанинг катта қисмини ўмарса, бошқа ёқдан, мустамлака маъмурларига яхши кўриниш учун уни қўлга тушириб беришни ваъда қилиб, кўп найранглар кўрсатади. Уларни ҳар иккаласининг фаолияти расволик билан тугайди.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олганда, чор маъмурияти томонидан қатағон қилинган бу ҳамюртларимизни асло оқлаб бўлмайди. Чунки улар кишида ачиниш эмас, балки нафрат туғдиради.

Туркистонни мустамлакага айлантиргач, чор амалдорлари ўз юртларидаги сингари бу ўлкада ҳам ўта муғомбирлик билан иш тутганликлари, ҳукумат доиралари учун одамларни танлашда уларни кескин равишда «оқ» ва «қора»га ажратиб иш тутганликлари маълум. Император ва унинг энг йирик амалдорларининг бу сиёсати оддий халқдан ҳаммиша яширилган, уларнинг дили бошқаю тили бошқа бўлган. Бироқ улар бир-бирлари билан ошкора фикрлашуви зарур бўлган, шунингдек, кўнглидаги хуфия жиҳатларни шахсан ўзи учун кундаликларда қайд этиш истаги туғилган ҳолларда уларни очикчасига баён қилган ўринлар ҳам бўлган. Илгарироқ биз Жўрабекнинг ўғли Оллоқулибекка мустамлака маъмуриятининг ҳақиқий муносабати қандай бўлганини кўрсатиш учун миссионер Н. Остроумов кундаликларидан бир қайдни далил келтирган эдик. Маълумки, мустамлака Туркистонда кўп йиллар фаолият кўрсатган бу шахс ўлкага келгунига қадар Қозон шаҳридаги христиан диний академиясининг «Мусулмонликка қарши миссионерлик бўлими» деб аталган қисмини тугатган бўлиб, унинг бу соҳадаги асосий устози шу академиянинг ҳақиқий аъзоси Николай Иванович Илминский деган ашаддий миссионер эди. Илминский император саройи аъёнлари орасида ҳам, пойтахтдаги миссионерлик фаолиятини шарқшунослик билан қўшиб олиб борувчи кишилар орасида ҳам етарли нуфузга эга эди. Шу ваддан ислом динига мансуб ҳар қандай шахс ҳукумат томонидан бирор баланд-

роқ лавозимга қўйиладиган бўлса, Илминский маслаҳати-сиз иш битиши мушкул эди. Чунончи, 1885 йилнинг бошида Россия мусулмонларининг бош муфтийси вафот этиб, унинг ўрнига янги муфтий тайинланиши лозим бўлганида ҳам пойтахтдаги ишбошилар Илминскийни четлаб ўтмайдилар. Россиянинг янги тарихида Константин Петрович Победоносцев император саройидаги энг нуфузли шахслардан бири сифатида, ҳам Александр III нинг, ҳам Николай II нинг устози, асосий маслаҳатгўйи сифатида ном қолдирган. У давлатнинг йирик лавозимларига кишиларни тайинлашда ҳал қилувчи овозга эга бўлган. Шу ваддан ҳам у Қозонда истиқомат қилувчи ҳаммаслак дўсти Илминскийга мактублар йўллаб, Россия мусулмонлари бош муфтийси лавозимига тавсия этилган баъзи шахслар борасида унга ўз фикрларини очиқ баён қилади. Бу мактубларнинг бири ўша вақтда баъзан «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири, баъзан генерал-губернатор ҳузурида бош таржимон лавозимларида бўлган Шоҳимардон Иброҳимов хусусида бўлиб, бу мактуб императорликда кишиларни лавозимларга танлашда қандай тамойиллар етакчи бўлганини ошкора қилиб қўяди. 1885 йил 29 апрел санаси қайд этилган ўша мактубдан баъзи парчалар келтирамиз:

«Шоҳимардон Иброҳимов билан бир вақтлар Петербургдан Тошкентга борар вақтимда Қозонда учрашгандим. У баланд бўйли, келишган, кўркам, чехрасидан маданият гуркираб турган бир киши эди.

Эшитишимча, у анвои осие тиллари ва лаҳжаларини билиши, сиёсатда ҳам, нутқда ҳам моҳирлиги сабабли генерал Кауфман даврида ўз эркини маҳкам тутган киши экан. Бунинг устига, Иброҳимовнинг тиниқ фикрли, маромни биладиган, фасих сўзловчи комил нотик эканлиги уни христиан руҳонийларидан шак-шубҳасиз ғолиб қилиб қўяди.

Ўйлантирадиган жиҳати шуки, Шоҳимардон Туркистон ўлкасининг марказий идораларида узоқ муддат хизмат қилган бўлиб, ўлка мусулмонларининг аҳволини яхши билади, дунё мусулмонларининг мақсад ва вазифаларини ҳам ақл мезони билан аниқ идрок этади.

У фикрини рус тилида мукамал ва яққол ифодалайди, аслий илмларни яхши билади. Маромни яхши билиши, илмда комиллиги, сўзга чечанлиги билан ҳар қандай ҳокимни гапига юргизиб, ўзига оғдириб оладиган қудрати бор унинг. Хулласи калом, Шоҳимардоннинг олдида собиқ муфти ҳеч гап эмас».

Победоносцевнинг бундай юқори баҳосидан сўнг Шоҳимардон Иброҳимов ҳеч сўзсиз бош муфтийлик лавозимига лойиқ кўрилган бўлиши керак, деган хулосага келишингиз табиий. Аммо... Аммо у бутунлай тесқари ҳукм чиқара-

ди. Бу ҳукм Победоносцев мактубининг хулоса қисмидан маълум бўлади. У ёзади: «Сўзнинг қисқаси шуки, бундай одамни ва унга ўхшаганларни бизнинг йўлимизга кўндиришнинг иложи йўқ.

Бизга шундоқ одам бўлсаки, русча сўзлаганида сўз орасида баъзан хатога йўл қўйиб, хижолатдан қизарса. Хат ёзганида ғалат ёзиб қўйиб уялса. Кичикроқ ҳокимларимизни кўрганида ҳайбатидан чўчиб, ростакам волийни (ҳокимни демоқчи — Ш. Ю.) кўрганида қалтираб турса».

Победоносцев ва унинг атрофидаги мамлакат тақдирини ҳал этувчи кишиларга мусулмонлардан шу тахлитдаги амалдорлар керак эди. Туркистон мустамлакасининг биринчи босқичида баён қилинган бу йўл иккинчи босқичда ҳам тўлалигича давом эттирилди, юқори лавозимларга танлашда кишиларнинг илмий жиҳатдан ноқислиги, табиатан тобелигини кўрсатувчи белгилар зарурий жиҳатлар ҳисобланди.

Победоносцев мактубидаги қайдларни биз ҳамюртимиз Муҳаммад Мусо Туркистонийнинг 1979 йилда Истанбулда чоп этилган «Туркистон фожиаси» китобидан келтирдик. Бу қайдлар Туронзаминда 130 йил давом этган чоризм мустамлака сиёсатининг бош тамойилларидан бирини яққол тасаввур этишга ёрдам бериши билан ҳам эътиборга лойиқ деб ҳисоблаймиз.

ЗҮРНИНГ КЕТИ ТЕГИРМОН...

Чор мустамлакачилари Туркистонда ўта шафқатсиз, айни вақтда, ҳайрон қоларли даражада маккорона сиёсат юргизганлар. Бир томондан, улар мустамлака тузумига ёқмай қолган шахсларни оммавий тарзда жисмонан маҳв этиб, каторга ва сургуналарда умрини чиритган, айрим шахсларнинг исёнкорлик фаолияти учун юзлаб-минглаб қарияларни, тўрт девор ичидаги аёлларни, бешикдаги чақалоқларни тигдан ўтказган бўлсалар, иккинчи томондан, бутун халқнинг чексиз нафратига сабаб бўлган бу ваҳшийликлар учун ўша даврдаги баъзи амалдорларни айбдор қилган йўсинда иш тутиб, уларни «хўжа кўрсин»га лавозимларидан олиб, паст лавозимларга қўйган, шу билан гўё адолатли иш тутгандек таассурот пайдо қилиб, маҳаллий халқ ғазоби алангасини пасайтиришга ҳаракат қилганлар. Лекин қор ёғиб, излар босилгач, ўша ўта золим амалдорларнинг қилмишлари бир оз унутилгач, яна ҳам беҳаёларча иш тутиб, уларни аввалгидан ҳам юқори лавозимларга, ҳатто ўлканинг бош ҳукмдори лавозимига тайинлаб юбораверганлар. Масалан, Тошкентни ўта ваҳшиёна усуллар билан босиб олган Черняевнинг бу иши уч хонликдагина эмас, балки узоқ-яқин хорижий мамлакатларда ҳам чор

ҳукуматининг обрўсига катта путур етказадиган шов-шувларга сабаб бўлган, баъзи мамлакатларнинг ҳукуматлари Россия ҳукуматига кескин норозилик ноталарини ҳам йўллаган эдилар. Шундай қалтис бир вазиятда император ва сарой аъёнлари Черняевни пойтахтга чақириб олиб, Туркистон губернатори лавозимидан анча паст ишга тайин этадилар. Лекин орадан ўн олти йил ўтиб, ўлканинг генерал-губернатори фон Кауфман вафот этиши биланоқ, Черняевни оддий губернатор эмас, балки генерал-лейтенант ҳарбий унвонида бутун Туркистоннинг генерал-губернатори лавозимига тайинлаб юборишдан заррача ҳам уялмайдилар. Ваҳоланки, Черняев Тошкентда амалга оширган ваҳшийликларнинг мингларча гувоҳлари ҳали барҳаёт бўлиб, Россия императори ва унинг атрофидагиларнинг бу сурбетлигидан ниҳоятда дарғазаб бўлганликларини оддий мантиқнинг ўзи тақозо этади. Шундай бир фожиали аҳволни рўй-рост тасвирлашни хаёлига ҳам келтирмаган «Туркестанские ведомости» газетаси 1882 йил 12 октябр сонидан генерал-губернатор лавозимига қўнқайтирилган М. Г. Черняев Тошкентга келган кун ҳақида ёзаркан: «Бу бутун Тошкент учун, сўзнинг тўла маъносидан, байрам куни эди... Сартлар ўз сеvimли бошлиқларини саховатли дастурхон ва ўрусча таомилга кўра, маҳаллий нақшлари ўта нафис ишланган кумуш патнусда нон-туз билан кутиб олдилар», деган эди. Ана энди ҳақиқий аҳвол қандай бўлгану генерал-губернаторликнинг бош органи бўлмиш газета, уни уялмай-нетмай, қандай ёлғон қобиққа ўраб тақдим этганини баҳолаш ўқувчи ҳукмига ҳавола.

1982 йили Тошкентда бўлиб ўтган «вабо қўзғолони»ни қонга ботирган, гуноҳи бор-йўқлигидан қатъи назар, кўплаб кишиларни солдатлар ўқига учирган, Урда сувига чўктирган, тирноқ орасидан кир қидириб, баъзи оилалардан тўрт-бешталаб одамларни асоссиз равишда қамоққа олишни буюрган Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Гродеков орадан бир неча ой ўтгач, (1893 йил мартада) Россия императори розилиги билан вазифасидан бекор қилинган эди. Бироқ орадан ўн уч йил ўтиб, Туркистон ҳудудида муҳим тарихий-сиёсий воқеалар рўй бериб турган бир паллада, илгари вилоят ҳарбий губернатори лавозимига гўё номуносиб кўрилган бу жаллодтабиат шахс ҳам энди бутун ўлканинг бош ҳукмдори — «ярим подшо» лавозимига тайинлаб юборилаверади. Бунда Гродековдан сонсаноқсиз зулм ва қотилликлар кўрган маҳаллий аҳолининг унга чексиз ғазаб-нафрат билан қараши императорлик доиралари томонидан бир чақага ҳам олинмайди.

Мустамлака маъмурияти ерли халқ нафратига учраган рус амалдорларигагина эмас, шу тоифадаги маҳаллий амал-

дорларга нисбатан ҳам ўта ҳийлакорона йўл тутган. Чунончи, сохта Пулатхонни йўлдан уриб, русларга қарши гўё «кенг кўламли жиҳод» бошлаб юборган Абдурахмон Офтобачи қулай имконият туғилиши биланоқ кўл остидаги саркардалари билан биргаликда ихтиёрий равишда душманга таслим бўлади, ҳатто ўз валийнеъматини Пулатхонни кўлга тушириб бериш ваъдаси билан генерал Скобелевга мурожаат қилади.

Кўқон хонлиги чоризм томонидан босиб олиниши тарихини битган А. И. Бряннов уни «Худоёрхон тахтдан ағдарилишининг ва ундан сўнг хонликда рўй берган барча бузуқликларнинг бирдан-бир айбдори» деб баҳолаган эди (қ-н: На память о Фергане. Новый Маргелан, 1901, 20-бет).

Мустамлака маъмурияти Офтобачининг бу барча қилмишларини халқдан яшириб, уни «хўжа кўрсин»га суд қилади ва Екатеринослав сурғунига жўнатади.

Мустамлака маъмурияти ва императорлик доираларининг Офтобачига ҳақиқий муносабати орадан бир неча йил ўтгач ошқора бўлади. Буни қаранг-ки, ҳали сурғун муддати тугамаган, гўё Екатеринослав полиция маҳкамасининг алоҳида назорати остида сақланган Офтобачи ҳақида «Туркистон вилоятининг газети»да: «Андижон қипчоғи Абдурахмон Офтобачининг ушбу кунларда Катеринослав ном шаҳарда истиқомати бор эди. Император аъзам подшоҳ ҳазратлари мазкур Офтобачига подполковник чин марҳамати олий қилибдурлар» (1881 йил, 14 феврал, 3-сон) деган хабар берилган эди.

Бу юқори ҳарбий унвон туфайли ҳамюртлари орасида ниқоби йиртилган Офтобачи ўз юртига қайтиш имкониятидан фойдалана олмай, кўқонлик шоир Муҳйининг тарих китобида битилганидек: «Офтобачи амали ва мансабига берилиб, шапка кийиб юрди, оқибатда ўша ерда ўлди ва дафн этилди. Бироқ бу ерда офтобачига жаноза намози ўқийдиган мусулмон йўқ эди. Тугён оқибати ва куфрони неъматлар натижаси шу бўлди».

Шу тариқа Туркистондаги мустамлака тузуми даврида мамлакатни бошқаришда ҳам чексиз зўравонлик, ҳам ўта ҳийлагарлик сиёсати амалга оширилган. Аммо «қизил империя» босқичига келиб зўравонлик сиёсати мисли кўрилмаган даражада кенг кўлам ва қудрат касб этади. 20-йиллар охиридан бошлаб иш шу даражага етдики, бутун собиқ СССР худудида қатағондан кўрқмайдиган, ўз дилидаги гапни тап тортмай айта оладиган бирор киши қолмади дейилса, лоф бўлмас. Қатағонлар орқали инсоният тарихида гўё энг тўғри таълимот деб ҳисобланган марксизм-ленинизм ягона давлат сиёсати деб эълон қилинди, бу сиёсатдан сал бўлса ҳам чекинувчи, унга тўла мос туш-

майдиган фикр айтувчи ҳар қандай шахс дарҳол халқ душмани, шӯро тузуми душмани дея эълон қилинар, унинг бундан кейинги фожиали қисмати ўлим ёки қамоқ билан тугадини ҳамма кўриб, ҳис қилиб турарди. Энг қуйидан энг юқоригача бўлган барча ходимлар учун партия йўлидан бир қадам ҳам четга чиқиш ҳалокат билан тенг бўлган мислсиз танг вазият вужудга келтирилган эди. Иш шу даражага бориб етдики, Ўзкомпартия Марказқўмининг биринчи котиби А. Икромов партиянинг 1927 йилда бўлиб ўтган VII пленумида: «Бошқача фикрловчи кишига партия-мизда ўрин йўқ», — дея марказнинг фикрини очиқ-ойдин ифодалади. У даврларга келиб тобора қатъий амал қилинган сиёсатга кўра, бошқача фикрловчи кишига партиядигина эмас, ҳаётнинг ўзида ҳам ўрин қолмайдиган вазият яратилган эди.

А. Икромовнинг Ўзкомпартия VII съездидаги бу фикри тасодифан айtilган эмасди. Гап шундаки, ундан бир мунча вақт илгари ўша вақтда СССР Марказий Ижроия қўмитасининг ҳамраиси, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси, командарм Файзулла Хўжаев «Бухоро инқилоби тарихига доир» номли рисола эълон қилдирган бўлиб, унда жадидчиликнинг баъзи ижобий томонлари хусусида ҳам тўхталиб ўтишни лозим топган эди. Лекин ўша вақтдаги коммунистик мафкура найзабозлари Ф. Хўжаевнинг бу қарашларини ўта хавфли ҳисоблаб, уни жадидчиликни идеаллаштиришда қаттиқ айблайдилар. «Коммунистическая мысль» журналининг 1926 йилги 1—2-сонларида Г. Туркестанский имзоси остида рисола муаллифини йўл қўйиб бўлмайдиган хатоларда айбловчи тақриз эълон қилинади. Бунга жавобан Ф. Хўжаев ўзига билдирилган даъволарнинг катта қисмини ноилож тан олиб, тақриз муаллифига баъзи изоҳлар ҳам берган, рисоладаги айрим мулоҳазаларини ҳимоя қилишга уринган эди. Шундан сўнг жадидчилик хусусидаги жанжал кучайгандан кучайиб кетади ва масала Ўзбекистон компартиясининг 1927 йилдаги III съездига олиб чиқилади. Ундан илгарироқ А. Икромов Ўзбекистон комсомолининг 1926 йил май ойида ўтган пленумида сўзлаб: «Жадидизм буржуа идеологияси, савдо буржуазияси идеологиясидир. Унинг бизга ҳеч бир дахли йўқ. Негаки, у Октябрнинг бир томонида, биз эса иккинчи томонида турамыз», — дея партия марказқўмининг бу масаладаги қораловчи фикрини айтиб қўйган эди. Масала партия съездига олиб чиқилган ўта танг ва хавфли бир вазиятда Ф. Хўжаев съездда сўзга чиқиб қуйидагиларни айтишга мажбур бўлади: «Менинг учун, партия ва ишчи синфи ишига хизмат қилишни ўз мақсади деб билган ҳар бир партия аъзоси каби, унинг йўлидан бўлак йўл йўқ ва бўли-

ши ҳам мумкин эмас, партиямиз ҳимоя қиладиган ҳақиқатдан бошқа ҳақиқат йўқ ва бўлиши мумкин эмас, Бутуниттифоқ коммунистик партиямиз ўтказаетган йўлдан бошқа йўл йўқ, бутун партия ва унинг олий органи белгилаб берган сиёсатдан бошқа сиёсат йўқ».

Кейинчалик маълум бўлишича, Ф. Хўжаев китоби хусусида туҳматнома эълон қилдирган муаллиф ўз имзоси билан эмас, балки сохта имзо остида иш қўрган экан. У аслида Г. Туркестанский бўлмай, ўша вақтда САКУ (Ўрта Осиё коммунистик университети)нинг кафедра мудири С. Галузо эканлиги фош бўлиб қолди. Туҳматчи-тақризчи нопок ишга қўл урганини, вақти келиб тарих олдида юзи қора бўлишини кўнглининг бир чеккасида бўлса ҳам сезганидан шундай йўл тутган бўлиши керак. Зотан, тарих фанлари доктори Дилором Алимова кейинчалик «Файзулла Хўжаев: икки ўт орасидаги ҳаёт» мақоласида («Фан ва турмуш», 1996 йил, 5-сон) ёзганидек: «У (тақриз) юқорининг буюртмаси билан ёзилганди, албатта». Синчков олиманинг ўша мақоладаги бошқа баъзи фикрларига назар ташласак, у айтган «юқори» кимлар эканини ҳам англаб олиш қийин эмас. Ўша йилларда Тошкентда ВКП (б) Марказқўмининг Ўрта Осиё бюроси фаолият кўрсатар ва унга бошлиқ қилиб Н. Бауман Москвадан махсус юборилган эди. У «Бухоро инқилоби тарихига доир» китоби эълон қилинганидан кейин муаллифга қилинган хуружларни ҳузур қилиб кузатар, Ф. Хўжаевнинг ўз лавозимларида хотиржам ишлашига йўл бермасди. Ўзбекистоннинг йирик давлат арбоби кўптомонлама тазйиқлардан сўнг ўз китобини қайта ишлагани, жадидчиликни баҳолашда коммунистик марказ қарашларига мос келадиган фикрларни айтгани, йирик партиявий йиғинларда ўз «гуноҳ»ларини тан олиб, қайта-қайта тавба қилишлари ҳам Н. Бауман тахлитидagi ашаддий шовинистларни, Москванинг ҳар бир имо-ишорасига «лаббай, хизматингиздамиз» деб турадиган маҳаллий корчалонларни қаноатлантирмасди. Ниҳоят, 1932 йилга келиб, Тошкент шаҳар партия йиғилишида нутқ сўзлаган Н. Бауман яна Ф. Хўжаевнинг «миллатчилик характеридаги мафкуравий хатолари»ни таҳқирловчи бир оҳангда танқид қилиб ташлайди. Ана шундай ўта танг бир вазиятда фаолиятини давом эттиришга мажбур бўлган Ф. Хўжаевнинг ўша вақтларда айтган «қизил» сўзлари учун айблаб, унга принципсизлик тавқи лаънатини илиш тарих ҳақиқатига зид иш экани хусусида тўхталиб, Д. Алимова бундай қилиш «шошма-шошарлик билан хулоса чиқариш, унинг қандай фожиали муҳитда яшаганини тушунмаслик бўлур эди», деган тарихан ҳаққоний фикрни илгари суради. Бизнингча, бошқа тарихчиларимиз ҳам юртимиз тарихида яқин ўтмиш-

да рўй берган воқеаларни, тарихий шахсларнинг фаолиятини баҳолашда юқоридаги каби йўл тутсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шундан кейин ўйлаб қоласан, бир томонда Ф. Хўжаевнинг жадидчилик хусусидаги ҳақиқатнинг бир чеккасини бўлса ҳам халққа маълум қилиш мақсадида қўлга қалам олиб ёзганлари, иккинчи томонда унинг елкасида қасос қиличи ўйнаб турган фожиали дамларда ўзини ҳимоя қилиб турли йиғинларда ноилождан айтишга мажбур бўлган сўзлари. Шулардан қай бири унинг самимий дил рози, қалб даъвати билан айтилган сўзлар? Шубҳасизки, жадидлар масаласида рўй берган воқеаларнинг, юзага келган юқоридаги сингари ҳужжатларнинг сабабларини атрофлича мушоҳада этиш, тағматини ўқиш Ф. Хўжаевнинг олдинги мулоҳазалари унинг дил рози эканига, унинг дилида қанчадан-қанча ҳаққоний гаплар қолиб кетганига қўпроқ ишонч ҳосил қилади кишида. Бугина эмас, бошқа кўплаб ростгўй, довурак жадидларни ҳам «қизил империя»нинг ваҳшиёна сиёсати қомига тортиб кетган, уларни иймон-эътиқодига зид гапларни асарларида ёзишга, катта йиғинларда айтишга мажбур қилган эди. «Қизил империя»нинг мунтазам қатағонларга асосланган сиёсати буюк истиқлол курашчилари бўлган энг табаррук зотлари ҳам у билан муросаю мадора қилишга, бошқа чора топилмаган ҳолларда, жазо органларини, цензурани чалғитиш учун айланма йўллардан ўтишга мажбур этган. Масалан, комил муслим бўлган, шариат арконларини камоли эътиқод билан адо этган буюк адиб Абдулла Қодирий: «Мен Шарқ озодлигини ва унинг мазлум пролетариати саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир киши, Маркс ва Лениннинг ҳароратли шогирдиман. Чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим», деб ёзганини эслайлик. Абдулла Қодирийнинг миллион-миллион қалбларга иймон нуруни жо қиладиган табаррук асарларининг «Дин халқ учун афюндир» шиорини байроқ қилиб олган марксча-ленинча даҳрий қарашларга қанчалик дахли бўлиши мумкин?

Ўзбек шеърини зарварақларини битган Абдулҳамид Чўлпон йигирманчи йиллар ўрталаридан бошланган таъқиб ва тазйиқлардан зада бўлиб, энди шўро мафкурасига хуш келадиган шеърлар ёзишга уринади. У ўзининг юксак эътиқодига зид мисралар битишга, уларни бир тўплам ҳолида чоп эттириб, қаддини бир оз тиклаб олиш мақсадидагина шундай йўл тутишга мажбур бўлади. 1935 йилда «Соз» номи билан чоп этилиб, кўплаб тадқиқотчилар томонидан шоирнинг гўё «социалистик тузумнинг ҳаётбахш таъсири остида шўролар позициясига ўтгани» далили сифатида баҳоланган тўпламга синчиклаб назар ташласангиз, аввал сиз

билган Чўлпонни деярли кўрмайсиз. Октябр инқилобини, шу инқилобдан кейинги ўн йил ичида гўё «мислсиз гуллаб-яшнаган» Ўзбекистонни, 1 Майни, Ленин ва Сталинни кўкларга кўтариб мақташ Чўлпонни ўз мавзулар доирасини ниҳоятда шўроларбоп қилиб ўзгартиришга мажбур бўлганидан далолат беради. Айни вақтда ўзига замондош бўлган шўролар ногорасида қараб ўйинга тушган ҳамкасблари сингари Чўлпон ҳам халқимизнинг оламга машҳур шонли тарихини фақат қора бўёқларда кўрсатишдан бўлак чора топа олмаган эди. Мулоҳазаларимиз далилсиз бўлмаслиги учун «Диёрим» шеъридан айрим мисралар келтирмақчимиз:

Бемаъни тарихни ёндирди инқилоб,
Сен қўйган талабни қондирди инқилоб,
Қарғалган кечмишдан тандирди инқилоб,
Келажак меҳрини кўнглингга жойлаб,
Ҳеч ердан мен кутган зарварақ чиқмади,
Игнадек ялтираб бир варақ чиқмади,
Ҳасратла аламга бир қироқ чиқмади,
Миямда беҳуда хаёллар тўқидим.

Сиртдан қараганда, «бемаъни тарихимиз, қарғалган кечмиш», унда «игнадек ялтираб бир варақ чиқмади». Наҳотки, Чўлпондек тарихимизни пухта биладиган, зукко, бунинг устига жасоратда тенгсиз қалам соҳибининг ифтихоримиз бўлган тарихимиз борасидаги дил рози шулардан иборат бўлса, деб ажабланмасликнинг иложи йўқ. Ҳа, ўз халқи билан, бу халқнинг тарихи билан боши кўкларга етган улуғ шоир шу мисраларни битишга мажбур бўлаёпти-ю, аммо уларни битишга мажбур қилган куч нима экани ҳақида ҳам ўқувчини ўйлатадиган айланма йўллар топади, бу борадаги юрак дардларни тағматнга жо қилиб юборади. Тағматндаги ана шу юрак дардларига етиб бора олсангиз, «тарихни ёндирган» ҳам, «кечмишни қарғаб тондирган» ҳам инқилоб, шу инқилоб туфайли ҳаётнинг барча соҳаларини занжирбанд қилиб олган шўро мафкураси эканини, худди ўшалар Чўлпонни «мияда беҳуда хаёллар тўқиш»га мажбур этганини фаҳмлаб олиш қийин эмас.

Ўзбек жадидлари орасида Аллоҳнинг инояти билан омон қолган бармоқ билан санарли кишилардан бири Садриддин Айний бўлганлиги маълум. Унинг ўтмишида шўроларга хуш келган муҳим бир жиҳат ҳам бор эди. Айний Бухоро амирлиги амалдорларига асло ёқмаган жадидчилик фаолияти учун қаттиқ жазоланган, яъни чала ўлик ҳолига келгунча 75 дарра урилган эди. Амир томонидан ошқора жазоланган бу улкан ижодкорга бир томондан ишонч билан

қараб, шўро идоралари ишига жалб этган «қизил империя» корчалонларига Айнийнинг октябр тўнтариши ғояларига зид бўлган жадидчилиги асло ёқмас, бошқа жадидлар қатори унга ҳам тез-тез тош отиб туришар эди. Ёзувчининг кетма-кет таъқиб ва тазйиқларга дуч этилиши, унга сафдош жадидларнинг аксар кўпчилиги 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошида қатағон қилиниши шунга олиб келдики, Айний домла ўзи умрининг охирига қадар фахрланиб яшаган жадидчилик фаолиятини матбуотда қоралаб чиқишга ва ўзини ғўё «чиркин жадидизм ботқоғидан» қутқарган коммунистик партия ва совет ҳукуматига миннатдорлик билдиришга мажбур бўлди. У тожик тилида чоп этилган «Барои адабиёти социалисти» («Социалистик адабиёт учун») ойномасининг 1935 йилги 11—12-сонларида эълон қилинган бир мақоласида бундай деб ёзгани маълум: «Мен ўз ҳаётимни мадрасаларда, эски хулқ ва урф-одатлар муҳитида ўтказдим, чиркин жадидизм ботқоғида ботиб қолдим. Фақат коммунистик партия ва совет ҳокимиятигина мени қайтадан дунёга келтира билдилар ва қайтадан ярата олдилар».

Энди бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Мабодо ҳозирги истиқлол кунларида Айний домла соғ-саломат яшаб, ўз қалбини ўқувчиларга ўзи хоҳлаганича очиб бериш бахтига муяссар бўлса, «қизил империя» тазйиқи остида битишга мажбур бўлгани ўша фикрларни бутунлай рад этиб, ҳақиқатни баралла айтган бўлур эди, деган фикр голиб келади.

Шўролар тузуми таъқиб ва тазйиқи бука олмаган бирор иродали зиёлини, илгарироқ айтганимиздек, тасаввур қилиш қийин. Ҳатто Тошкент жадидларининг отаси бўлмиш Мунавварқори Абдурашидхон ўғли ҳам бундай сиёсатдан қаттиқ зада бўлган чоғларида: «Жадидлар октябр инқилобиға ёмон қараган бўлсалар эди, 20—21 йилларгача шўро идораларида ишлаб келмас эдилар», деган фикрни айтишдан ўзга чора топмаган эди. Гапнинг ростига кўчиладиган бўлса, А. Икромов Ўзбекистон комсомолининг II пленумида (1926 йил, 19 май) айтганидек жадидлар октябрнинг бир томонида, коммунистлар, эса бошқа томонида бўлган эдилар. Қолаверса, жадидлар Мунавварқори айтганидек, 1920—21 йилларга қадаргина эмас, балки ундан бир неча ўн йиллар кейин ҳам шўро идораларида ишлайверганлар. Лекин бу асло уларнинг «қизил империя»га сидқидилдан садоқати намунаси эмасди. 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошидаги ялпи қатағондан омон қолган Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Садриддин Айний, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий ва бошқа жадидлар ўзлари октябрдан анча илгари амал

қилган ғояларга ҳаётларининг охиригача содиқ қолдилар. Бу содиқлик кўп ҳолларда шўроларнинг қаттиқ таъйиқ ва таъқиби туфайли айланма йўлдан, «қизил империя» раҳнамоларини чалғитадиган йўлдан боришда намоён бўлди. Шунга қарамай, уларнинг 1937—38 йиллар қатағонигача яшаб келган аксар қисми қамоққа олиниб, жисмоний маҳв этилди, борса-келмас ёқларга сургунга жўнатилди.

Фақат жаҳидларгина эмас, уларга умуман алоқаси бўлмаган, гуноҳи софдиллик, ростгўйлик, жасурликдан иборат бўлган кўплаб ёш зиёлилар ҳам 30-йиллар иккинчи ярмидан 50-йиллар бошигача ўтказилган қатли омлар вақтида мислсиз азоб-уқубатлар кўрдилар. Бу даврда ҳам «қизил империя»нинг ҳар қандай жасур зиёлини тавбасига таянтира оладиган зулм машинаси бутун куч-қуввати билан ишлаб турди. Акс ҳолда 1937 йилда, ҳали чорак аср ҳам умр кўриб улгурмай, шўролар ГУЛАГига ташланган, у ерда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган қийноқларга солинган Усмон Носир шу алфозда беш-олти йил ташқи дунёдан узилиб яшагач, ГУЛАГнинг ҳақиқий ижодкори бўлмиш Сталин ҳақида қасида-достон битиб, унинг ўзига жўнатганини нима билан изоҳлаш мумкин? Ўша ғайриинсоний ваҳшатлардан бир амаллаб қутулиш, ёруғликка чиққач, ўз эҳтиросли қаламини халқига хизмат қилдириш истаги билан, албатта.

ЎЗИМ ГУВОҲ БЎЛГАН ФОЖИА

Шўро қатағонлари даврида уларни амалга оширувчи жазо органлари қанчалик сурбетлашиб, ҳеч ким халал бера олмайдиган ҳуқуқларга эга бўлиб олганликларини ўзим гувоҳи бўлган бир ҳайратомуз воқеа орқали кўрсатиб ўтмоқчиман.

Биз қатори ёшлар адабиёт илмига кириб келган 50-йилларнинг боши ғоят мураккаб давр бўлиб, бадиий ижоднинг ҳам, адабиётшуносликнинг ҳам мавзулар доираси ғоят чекланган, ёзувчининг, тадқиқотчининг қалби партиянинг мулки деб эълон қилинган давр эди. Яна ҳам кўрқинчлироғи шу эдики, ўзбек зиёлиларининг ифтихори Саид Аҳмад, Миркарим Осим, Шухрат, Мирзакалон Исмоилий, Шукрулло, Ҳамид Сулаймон, Муҳиддин Қориёқубов, Абдурахмон ва Наби Алимухамедовлар, Ёнфин Мирзо, Неъмат Тошпўлат ва бошқалар бирин-кетин қамоққа олинган, ижод ва илм аҳлининг деярли ҳаммаси эртага яна қандай фалокатлар ёпирилиб келишини ўйлаб кечакундуз сўнгсиз хавотирда яшаб турган давр эди.

1952 йилнинг ёз охири эсимда. Ўша вақтда ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун адабиётдан дарслик ва хрес-

томатиялар тузган Фулом Каримов, Ҳомил Ёқубов, Субутой Долимов сингари энг йирик методист олимлар бошида қора булут пайдо бўлиб, аксар қисми лавозимларидан бўшатишган, адабиёт бўйича улар тузган дастур, хрестоматия ва дарсликлар зарарли ҳисобланиб, тақиқлаб қўйилганди. Улар ўрнига қўпчилиги бу соҳада тажрибасиз ёш мутахассислардан дарслик ва хрестоматиялар тузиш бўйича янги гуруҳ иш бошлаган, улар ичида камина ҳам бор эдим. Жумладан, Юсуф Султон, Абдулла Суюмов ва мен тузишимиз керак бўлган 9-синф адабиёт хрестоматиясидан ўша вақтларда мақтовларга кўмиб ташланган Владимир Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» достони ҳам ўрин олиши керак эди. Достонни машҳур ўзбек шоири Мақсуд Шайхзода ўзбекчалаштирган бўлиб, таржима ўқувчилар орасида манзур ва машҳур эди. Бироқ достон хрестоматияга киритилиш арафасида қалтис даврнинг заҳарли тиғи Шайхзода домла қалбини ҳам четлаб ўтмади. Унинг найзабоз ҳамкасб муҳолифлари қилдан қийиқ ахтариб, туппа-тузук таржимани, таржима баҳонасида Шайхзодани ёмонотлиқ қилмоқчи бўлдилар. Улар достон таржимасида учраши табиий бўлган майда-чуйда камчиликларни рўқач қилиб, бутун таржимани яроқсизга чиқарувчи тақриз эълон қилдиришди. Тақризчилар Шайхзодани — «совет даврининг энг яхши, энг истеъдодли шоири»ни обрўсизлантириш учун достонни атайлаб бузиб таржима қилганликда айблашди. Шундан сўнг тез кунларда Мақсуд Шайхзода хизматдан ҳам, Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ҳам, Тил ва адабиёт институти илмий кенгаши аъзолигидан ҳам бекор қилинди.

Бу асар таржимаси муносабати билан хрестоматия тузувчилар ўта мушкул аҳволда қолдик. Мушкуллик шунда эдики, достон таржимасини қисқа вақт ичида чоп этилиши керак бўлган хрестоматияга киритиш зарур эди. Мавжуд таржима яроқсиз деб эълон қилинган, уни янгидан таржима қилиш учун эса узоқ муддат лозим эди.

Ўша кунларнинг бирида республикамизнинг биринчи раҳбари Амин Эрматович Ниёзов партия марказқўмидаги ўз хонасида янги дарслик ва хрестоматияларнинг аҳволи юзасидан кичик кенгаш ўтказди. Кенгашда бу ишга мутасадди қилинганлардан ташқари ўша вақтдаги марказқўм мактаблар бўлими мудири Эминжон Қодиров, республика маориф министри Абдулла Муродхўжаев, ўқув-педагогика нашриёти раҳбарлари қатнашди. Турли масалалар бўйича ахборотлар тинглангач, Ниёзов сўзлаб, кечагина Мақсуд Шайхзоданинг қабул қилганини, унга ўзи «бузган» достон таржимасини ўзи «тузатиб» таржима қилишни топширганини, янги тузилаётган хрестоматия-

да ана шу янги нусхадан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Шундан сўнг Шайхзодага зудлик билан моддий шароит яратиб бериш, бўлажак таржима юзасидан аванс тўлашни нашриёт директорига топширди. Биз масала энг юқори доирада ижобий ҳал этилганидан хотиржам ҳолда ишни давом эттира бошладик. У вақтда биз республика Министрлар Советининг ҳозирги Қибрай туманида жойлашган боғида йиғилаб ишламоқда эдик. А. Э. Ниёзовнинг кўрсатмасига биноан Шайхзода домла орадан бир-икки кун ўтиб ўша боққа чиқиши ва янги таржимани хрестоматия тузувчиси ҳамда муҳаррири билан бамаслаҳат қайта кўриб бериши зарур эди. Бироқ ҳа деганда боққа чиқавермаган Шайхзода ўша кунлардаёқ давлат хавфсизлиги органи томонидан ҳибсга олинганини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолдик: наҳотки республиканинг бош раҳбари эл-юртга таниқли, шуҳрати олис-олисларга кетган шоирнинг қаттиқ сиёсий айб билан ҳибсга олинишидан уч-тўрт кун олдин хабардор қилинмаса! Ўша вақтда амалда бўлган партия уставига кўра Ўзбекистон давлат хавфсизлиги министри С. И. Оголцов Ўзкомпартия Марказқўми бюросининг аъзоси сифатида А. Э. Ниёзовга бўйсунитиши, юқоридаги сингари масалаларда у билан бамаслаҳат иш тутиши зарур эди-ку! Лекин оддий мантиққа зид равишда у Марказқўм биринчи котибини ошкора назар-писанд қилмаса, Ниёзов Шайхзодани кечагина қабул қилиб, унга муҳим ижтимоий топшириқ берганини, яна бу гапни 15—20 кишилик кенгашда турли тоифага мансуб ходимлар ҳузурида маълум қилганини умуман менсимаса! Шундай шарманда сиёсатни давлат хавфсизлиги вазири нормал иш тартиби деб ҳисоблагач, республика бош раҳбари қандай оғир изтиробларни бошдан кечирди экан? Ана шуларнинг ҳаммасидан кейин бош раҳбарнинг инон-ихтиёри, эрки, имкониятлари шу қадар аянч ҳолатда бўлса, қуйроқ табақа раҳбарларнинг, оддий зиёлиларнинг аҳволи не кечганини тасаввур этиш қийин эмас.

Ўзим шахсан гувоҳи бўлган бу ўта даҳшатли воқеани замондошларимиз ҳозирги истиқлол берган рўй-рост эркинлик билан қиёслаб, республикамиз мустақиллиги қадрига етишларини жуда-жуда хоҳлаганим сабабли эслаб ўтишни лозим топдим.

ЭҲТИЁТ ТАҚОЗОСИ

Шу ўта аянчли воқеани рақам қилиб бўлган кунларимда мени жиддий ўйлантирадиган бир воқеа рўй берди. Ўзбекистон Республикаси телевидениесининг «Ахборот» дастурида Фаргона водийси бўйича мухбирининг водийдаги

турли шаҳар, туман ва қишлоқларда «қизил империя» даврида бунёд этилган, лекин ёшларимизни истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашга халал берадиган бир неча ёдгорликлар ҳали ҳам сақланиб қолаётгани, ҳатто хотира куни ана шу номатлуб ёдгорликлар тагида нишонлангани жиддий танқид қилинди. Бу айти ҳозирги даврнинг талаби эканига шубҳа йўқ.

Бироқ ана шу кераксиз ёдгорликлар орасида Ўзбекистоннинг йирик давлат арбобларидан бирига илгарироқ ўрнатилган ҳайкал ҳам йирик планда намойиш этилиб, унга «Совет даврида фаолият кўрсатган айрим раҳбарларга ўрнатилган ёдгорликлар ҳали ҳам сақланиб келаётгани кишини ажаблантиради» деган мазмунда изоҳ берилди. Бизнингча, бу масалага, бутун тадқиқот давомида илтижо қилганимиздек, ўша тарихий шахслар фаолият кўрсатишга мажбур бўлган шўролар тузумининг табиатидан келиб чиқиб, ана шундай ўта танг бир вазиятда улар ўз эл-юрти учун қандай яхши ишлар ҳам қила олганларини ҳисобга олиб, улар йўл қўйган хато ва камчиликларга аслида нималар сабаб бўлганини атрофлича ва чуқур ўрганиб чиқиб ёндошиш керак. Бу ўринда гап фақат ўша раҳбарга ўрнатилган биргина ҳайкал ҳақида кетаётгани йўқ. Шўро тузуми даврида фаолият кўрсатган бошқа раҳбарларга ҳам ажойиб ёдгорликлар ўрнатилган, республикамизда бутун-бутун туманлар, йирик хўжаликлар, маданий муассасалар, ўқув юртлари, кўчалар уларнинг номлари билан аталмоқда, халқимиз бундан ҳақли равишда фахрланмоқда. Фақат давлат арбобларигина эмас, коммунистик мафкура тўсиқларини кўп ҳолларда енгиб ўтолмаган, аммо фан ва маданиятимиз шон-шухратини қитъалардан-қитъаларга олиб ўтган Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Яҳё Фуломов, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Муҳаммад Урозбоев каби олимларнинг, ўзбек санъатини дунё миқёсига олиб чиққан Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, асарлари жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилинган Ойбек, Фафур Фулом, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон ва бошқа олтин қалам соҳибларининг ҳам ўша шўролар даврида фаолият кўрсатганини дастак қилиб, уларни халқ ёдидан ўчирадиган ишлар қилсак, фахрланишга арзигулик маънавиятимизни қашшоқлаштиришга хизмат қилган бўлмаймизми?

Биз илгарироқ айтганимиздек, шўро мустамлакаси шароитида яшашга мажбур бўлган шахснинг шу ягона тузум структурасида хизмат қилганлиги, аввало, унинг «қизил империя»га эҳтироми белгиси эмас, чунки ўзга бирор структура бўлмаган шароитда шахснинг унда сабаби тиркичилик учун хизмат қилишдан бўлак иложи йўқ, қолаверса, виждони пок, халқига садоқатли инсонлар, улар

раҳбар лавозимида бўлганми ёки оддий ишчи, колхозчи бўлганми, барибир, эл-юрт гами билан яшаган, баҳоли қудрат унга наф келтирган. Шўро даврида тазйиқ ва таъқиблар, хунрезликлар қай даражага етганини биз юқорироқда эллигинчи йиллар бошидаги республикамиз сиёсий вазияти ва бу вазиятда Ўзбекистоннинг биринчи рақамли раҳбари А. Э. Ниёзов ҳуқуқ ва имкониятларининг машъум ДХМ томонидан қандай поймол этилганлиги мисолида кўрсатиб ўтган эдик.

* * *

Айтилганлардан кўринадики, инсоннинг эркин яшаши, эркин фикрлаши, ўз фикрини эркин ифодалашига тарихий вазият, атроф-муҳитда рўй бераётган воқеалар монелик қиладиган бир шароитда тарихий шахслар амалга оширган ишларни, улар айтган фикрлару имзо чеккан ҳужжатларни, даврий ва нодаврий матбуот материалларини, даврнинг турли муҳим воқеаларига ҳукмрон тузум манфатларини кўзлаб берилган баҳоларга муносабатнинг бири-биридан кескин фарқ қиладиган икки тури бор. Уларнинг биринчиси, воқеа ва ҳодисаларнинг, шахслар хатти-ҳаракати ва ҳужжатларнинг юза қатламидаги бир қарашдаёқ кўриниб турадиган томонини асос қилиб олишдан нари ўтолмаслик иккинчиси эса, уларнинг ботинига, оддий кўз илғамайдиган таг-тагига яширинган асл моҳиятини аниқлаб, тўла идрок этгандан кейингина узил-кесил тўхтамга келиш. Ана шу кейинги усул Туронзаминдаги 130 йиллик даҳшатли мустамлака шароитида юз берган муҳим воқеаларни, ўша даврда яшаб, фаолият кўрсатиш Аллоҳ томонидан пешонасига битилган аждоқларимиз амалга оширган ишларни бутун мураккаблиги билан англаш ва тўғри баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

МАЪРИФАТПАРВАР ҚОЗИ

Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон вафотидан кейин қозикалонлик лавозими барҳам топиб, Себзор даҳа қозиси мансабини у кишининг ўғиллари Муҳиддинхўжа эгаллади.

Бу лавозимда у отасига нисбатан бошқача шароитда, мустамлакачилар ўлкада илдиз отиб, халқ ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бераётган вазиятда фаолият кўрсатди. Унинг даврида Туркистонда матбуот-нашриёт ишлари йўлга қўйилди. Бир неча илмий-маданий муассасалар иш юритди, янги замон фан-техникасини, рус тили, адабиёти ва санъатини ўрганишни тарғиб этувчи янги маърифатпарварлик йўли шаклланди ва ҳоказо. Даврининг илғор зиёлларидан бўлмиш Муҳиддинхўжа бу соҳаларнинг деярли

барчасида фаол қатнашди. Қозилик лавозимини янгича йўналишдаги маърифатпарварлик билан қўшиб олиб борди. Шахсий кугубхонасида жамланган бир қанча ноёб қўлёзмалар қаторида Шарафиддин Али Яздий қаламига мансуб машхур «Зафарнома»нинг жаҳонда ягона мукаммал нусхаси (ундаги 90 саҳифадан иборат кириш қисми бошқа бирорта нусхаларида учрамайди) ҳам борлиги у зотнинг маданий меросга бўлган муносабатини кўрсатади. Бу ноёб китобнинг тўла матни мустақилликдан кейингина ўзбек ўқувчиларига етиб борди. Шу ўринда «Зафарнома» билан боғлиқ бир воқеани эслаб ўтмоқчимиз.

Мустамлака даври манбаларидан маълум бўлишича, Муҳиддинхўжа қозининг маърифатпарварлик фаолияти генерал-губернаторликка ҳам, маҳаллий мутаассибларга ҳам асло ёқмаган. 1899 йил охирларида ана шу адоват тўфайли қозининг ашаддий душманлари уни бир даъвогардан катта пора олганликка айбламоқчи бўлишади. Сирдарё губернатори, вилоят прокурори, шаҳар ҳокими сингари мустамлака амалдорлари қатнашган шаҳар қозилари йиғинида шу масалани кўриб чиқишга қарор қилинади. Йиғинга Муҳиддинхўжанинг порахўр эмаслигини исботлаш учун йигирма чоғли холис гувоҳлар келади. Лекин битта ҳам гувоҳнинг сўзлари эшитилмайди. Балки Муҳиддинхўжани Каломуллоҳ билан қасам ичишга мажбурлашади. Куръон билан қасам ичиш гоят оғир ҳол эканини, қасамхўрлик эл-юрт орасида қандай ишларга сабаб бўлишини яхши билган Муҳиддинхўжа йиғилганлардан гувоҳлар сўзини эътиборга олишни илтижо қилади. Лекин улар қасддан оёқ тираб олгач, қасам ичишдан кўра тўхмат қилинган маблағни тўлашни афзал билиб, йиғинни тарк этади. Бироқ бу маблағни тўлашга қозининг қурби етмас эди. Шу ваддан ота-боболаридан қолган ягона бойликни — ҳозирда Фахриддин Зайниддинов лимонарийси атрофларидаги ерларни қамраб олган ажойиб боғини ҳарбий ташкилотга ижарага қўйиб, «қарз»дан узилмоқчи бўлади. Орадан бир неча ой ўтиб, 1900 йилги Париж халқаро кўргазмасидан Муҳиддинхўжа қози номига шошилинч телеграмма келади. Унда илгарироқ қози Париж кўргазмасига юборган Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг ноёб нусхасини катта маблағ тўлаб сотиб олишга розилик сўралган эди. Сил касали билан оғриётган, айти пайтда иқтисодий танг аҳволда турган қозига биргина мана шу қўлёзмани сотиш кифоя қиларди. Бироқ маънавий хазинанинг ноёб дурдонасини ҳеч нарсага алишмай, телеграф орқали рад жавобини бериб, қўлёзмани ўзига қайтаришларини сўрайди. Шу тариқа Муҳиддинхўжа қози соғлиғини бериб бўлса ҳам, «Зафарнома»ни авлодлар учун сақлаб қолади.

Муҳиддинхўжа қози ўтган асрнинг 80-йиллари биринчи ярмидан бошлаб ўлкада маҳаллий тилда чиқадиган ягона газетанинг энг фаол муаллифларидан бирига айланади. 1884 йил 19 январ сонидаёқ «Баданга зарар еткурадиган нимарсаларнинг ҳаромлиги баёни» сарлавҳали долзарб мақола эълон қилиб ҳамюртлари эътиборини буюк офат — гиёҳвандликка қарши курашга жалб этади.

Ўзбек маърифатпарвар шоири Зокиржон Фурқат 1889—1891 йиллари Тошкентда истиқомат қилган пайтида Муҳиддинхўжа эшон Себзор даҳасининг қозиси эди. Шоир «Саргузаштнома» асарида у зотнинг ажойиб фазилатлари хусусида меҳрли сўзлар битгани, ҳозирча қаерда экани номаълум дастхат девонида эса, ўзининг янгича маърифатпарварлик йўналишидаги асарлари яратилишида, бу табаррук зотнинг хизматларини алоҳида таъкидлагани маълум. Шуни айтиш кифояки, газетанинг 1890 йил 6 сентябр сонида Фурқатнинг «Тошканд шаҳридаги вистуфка хусусида» шеъри, Муҳиддинхўжа қозининг эса, худди шу мавзуни қизиқарли тарзда ёритган «Ҳурматли Муҳиддинхўжа қозининг сўзлари» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Фурқатнинг зикр қилинган дастхат девонини ўқишга мурассар бўлган ғоят кам сонли зиёлилардан бўлмиш Миён Бузрук Солиҳов 1935 йилда Тошкентда чоп этилган «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» номли китобида девондан қуйидаги кўчирмани келтиради: «Ўз ободонлиги билан ақлларни ҳайрон қолдирувчи Тошканди муаззамга Фарғонадин борғон зоти киромийлар билан бирга камина ҳам бор эди. Шу саодатли фурсатда Тошканднинг улуг зотларидин бўлгон Муҳиддинхўжа қози жанобларининг даргоҳларида туруб, сайру тамошолар ва ширин суҳбатлар билан бир неча вақтлар ўтиб турди. Кунларнинг бирида жаноби қози ўз ақраболари ва ёру дўстлари билан... театру тамошосига бордук. Шул фаройибулмасал тамошо ҳақида камина бир назм тартиб бердим» («Ушбу 1890 йилда 5 ўктябрда Тошканд шаҳридаги тиётр иморатида бўлгон ўйин хусусида» номли манзума ҳақида гап бормоқда. Кейинчалик шўро мафкураси тақозоси билан асарни нашрга тайёрловчилар унинг номини «Суворов ҳақида» деб ўзгартириб, уни дoston деб атаганлар. — Ш. Ю.).

Фурқат Тошкентда Муҳиддинхўжа қози билан ўтказган дамларини умрининг охиригача энг лазиз лаҳзалар деб билган ва чет эллардан Тошкентга йўллаган кўпгина мактубларида «жаноби фазилатпаноҳ Муҳаммад Муҳиддинхўжа қозиға», «нодирул вужуд Муҳаммад Муҳиддинхўжа эшонға», «жаноби шарият шиори Муҳаммад Муҳиддинхўжа эшони қозиға» алоҳида саломлар айтганининг ғувоҳи бўламыз.

Фурқат Муҳиддинхўжа қозининг ўзига ҳам кўпгина хос мактублар жўнатган, бу мактублар унинг дўсти хонадонидан зўр ҳурмат билан сақланган, лекин 1937 йилги қатағонларда қозининг катта ўғли Маҳмудхон қамоққа олинган чоғда, НКВД ходимлари томонидан олиб кетилиб, маҳв этилган экан.

Фурқат Тошкентдан чет элга жўнаб кетганидан сўнг тез орада, 1892 йил 24 июнда машҳур «Вабо кўзғолони» бўлади. Уша вақтларда Тошкентнинг эски шаҳар қисми ҳокими бўлган Н. С. Ликошиннинг «Туркистонда кечган ярим умр» китобида ёзишича, Муҳиддинхўжа «1892 йилги тўстўполонларга жинояткорона муносабатда бўлганлиги учун» кўзғолондан сўнг бир ҳафта ўтмаёқ қозилик лавозимидан четлаштирилади. Шунингдек, Н. Ликошиннинг ўша китобида Муҳиддинхўжа 1892 йил кўзғолони вақтида «мустаҳкам эътиқоди ва ўзини сайлаган халқига қаттиқ садоқати учун жабр кўрганлиги» хусусида ҳам мулоҳаза бор. Шу тариқа кўп тазйиқ-таъқибларни бошидан кечириб, ниҳоят 1892 йил воқеаларидан сўнг генерал-губернаторлик доираларининг асл қиёфасини англаб олган, улардан узил-кесил ҳафсаласи пир бўлган Муҳиддинхўжа мустамлакачилар билан ёнма-ён ишлаш ниятидан бутунлай воз кечади ва аждодлари қуриб кетган Исахонхўжа мадрасасида мударрислик билан умргузаронлик қилишга аҳд этади. Бу йўналишда тўрт йил чамаси хизмат қилгач, 1899 йилда Муҳиддинхўжага алоҳида меҳр ва ишонч билан қаровчи Себзор даҳасининг фуқаролари янги қози сайлови вақтида яна унинг номзодини илгари сурадилар. Сайловда Муҳиддинхўжа 62 та овоз олиб ғолиб чиқади. Ҳолбуки, иккита бошқа номзодлар бор-йўғи 12 тадан овоз олишган эди, холос. Сайлов натижалари генерал-губернаторлик доираларига маълум бўлгач, улар сурбетларча сайловни бекор қиладилар ва Себзор даҳасида Муҳиддинхўжа номзодини киритмасдан янгитдан сайлов ўтказиш ҳақида фармон чиқарадилар. Шу ўринда Н. П. Остроумов кундаликларида хуфя сақланган бир қайдни келтиришга эҳтиёж сезилади: «Рус маъмурияти ерлик аҳолига сайлаш ҳуқуқини берган, бироқ шаҳар бошлиғининг тавсиясига кўра, сайловларни тасдиқлаш (санкция бериш) ҳуқуқини вилоят губернатори ўзида сақлаб қолган. Бунда шаҳар ҳокими ва шаҳарнинг ерликлар яшайдиган қисми полисмейстери сайловчилар томонидан кўрсатилган номзоднинг шахсий мустақил характери билан ажралиб турмаслиги, рус маъмурияти кўлида итоаткор қурол бўлиши гамини ейдилар, холос. Агар номзодлар орасида маъмуриятга ёқмайдиган номзод кўрсатилиб қолса, бирор баҳона топиб, уни сайловга қўймайдилар» (Ўзбекистон Республикаси Марказий Архиви, 1009-

фонд, 1-рақамли қайд, 59-ҳужжат, 33-саҳифа). Ана энди 12 овозга қарши 62 овоз олган Муҳиддинхўжанинг қозилик лавозимига йўлатилмаганининг сири яна ҳам равшан бўлади. Остроумов кундаликларида битилганидек, у ҳеч қачон «рус маъмурияти кўлида итоаткор қурол» бўлмас, аксинча, шахсий мустақил характери билан ажралиб турар» эди.

Бир мусулмонга хос камтарона ҳаёт кечирган Муҳиддинхўжа 1902 йили бола-чақалари таъминланмаган, ҳатто ягона бойлиги бўлмиш боғ-ерлари гаровга қўйилган аянчли бир ҳолатда вафот этди.

Совет даври тадқиқотчиларининг айримлари Муҳиддинхўжа қози Тошкент шаҳар ҳоқими Лодиженский томонидан қаттиқ таъқибга учрагач, 1899 йилда Туркистон генерал-губернаторидан ёрдам сўраб, ноилоҳ ҳолда ёзилган аризасида гўё рус маъмуриятига яхши хизматлар қилиб, ҳатто баъзи орден ва медаллар билан ҳам тақдирланганини айтган ўринларга маҳкам ёпишиб олиб, уни «халқни эзувчи синф вакиллари» қаторига қўшган, тавқи лаънатлар ҳам илган эди. Бу ҳол, шубҳасиз, масаланинг моҳиятини етарлича англамай, факт ва ҳужжатларнинг тағматнини, улар вужудга келишининг асл сабабларини аниқламай, чалакам-чатти фикрлаш оқибатидир. Зотан, ҳар қандай факт ва ҳужжатнинг ўзи тарих бўлавермайди, улар ҳақиқий тарих яратиш йўлида тадқиқотчи кўлида хомашё вазифасини ўтайди, холос.

Бу фикрни Туркистонда ўн беш йил чамаси ҳукмронлик қилган Фон Кауфман Ҳакимхўжа ҳақида: «У зот Худодан бўлак ҳеч кимдан кўрқмаган ажойиб инсон эди», дея ўзининг энг зўр рақибига тан беришга мажбур бўлиши ҳам, бу табаррук зотнинг фарзанди Муҳиддинхўжанинг эл-юрт манфаатлари йўлида қилган улуғ ишлари ҳам тасдиқлайди.

ЯНГИЧА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ВА ЖАДИДЛАР

Октябр тўнтаришидан кейин ўтган етмиш йил чамаси давр мобайнида бошқа кўпгина соҳалар сингари адабиёт тарихини ўрганиш ҳам коммунистик мафкурага қўл келадиган сохта йўл билан олиб борилди. Бунда гўё ҳар бир миллатда икки миллат, ҳар бир миллий маданиятда икки миллий маданият муқаррар равишда мавжудлиги ҳақидаги ленинча даъвога асосланиб иш кўрилди. Натижада XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти тарихини ёритишда ҳам шу боши берк кўчага кириб қолинди. Бу давр адабиётидан ҳажв ёзган (демократ), рус фантехникаси ва маданиятига хайрихоҳлик билан қараган (маърифатпарвар) бир неча қалам соҳиби ғаразли мақсадлар билан ажратиб олиниб, ҳаммага кўз-кўз қиладиган юксак-

ликка чиқариб қўйилди. Шу тариқа Муқимий, Фурқат, Завқий, Комил, Аваз Утар ва Анбар отин бу даврдаги адабиётнинг бутун қиёфасини белгилайдиган ижодкорлар сифатида барча дарслик, қўлланма ва дастурлардан ўрин олишди, асосан уларнинг асарлари чоп этиладиган бўлди. Улар билан бир даврда яшаб, биргаликда ижод қилган, фикр қўлами ва бадий маҳорати жиҳатидан улардан асло кам бўлмаган Муҳйи, Қорий Хўқандий, Нисбатий, Ҳавоий-Умидий, Ҳазиний, Қундузий каби Фарғона шоирлари, Мираҳмад Мирий, Камий, Музтариб, Роғибий сингари Тошкент шоирлари, машҳур Юсуф Сарёмий, Хива хонлигидаги сарой шоирлари, Бухоро амирлигидаги асосий форсизабон шоирлар атайлаб четлаб ўтилди. Ниҳоятда бой адабий хазинамизни шунақанги чалакам-чатти қилиб кўрсатиш бу хазина ҳақида ўқувчиларда қандай чалкаш таассурот қолдирганлиги ўз-ўзидан аён.

Бу ҳол XIX аср иккинчи ярми адабиётига алоқадор манбаларни янгидан, чуқур ва атрофлича ўрганиш, ҳозирги мустақиллик даври имкониятлари асосида холис баҳолаш вазифасини келтириб чиқаради. Шундай қилинса, масалан, 1892 йилги вабо қўзғолони хусусидаги асарлар ёки 1898 йил Дукчи эшон воқеасини ўша давр расмий матбуотидан тамоман фарқ қиладиган нуқтаи назардан ёритган асарлар топилиб қолиши мумкин. Шуниси ҳам борки, шўро давридаги давлатга қарам илмий ташкилотлар — институт, музей ва бошқалар инқилобдан олдинги қўлёзмаларни йиғиб оларканлар, деярли ҳаминша ўша қўлёзмалар коммунистик мафкурага қандай хизмат қилиши мумкинлигини биринчи ўринга қўйиб иш тутишга, бу мафкурага хизмат қилмайдиган манбаларга нописандлик билан қарашга мажбур бўлганлар. Шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда мутахассислардан иборат экспедицияларни тез-тез ташкил этиб, аҳоли қўлидаги нодир китобларни эртароқ жамлаб олиш, ўрганиш, тадқиқ этиш, илмий-тарихий ҳақиқатни тиклаш учун улардан кенг фойдаланиш лозим.

Коммунистик мафкура зуғуми шунга олиб келдики, ўтмиш адабиётимизнинг, жумладан, XIX аср иккинчи ярми адабиётининг бу мафкурага мувофиқлаштирилган қисми ҳақида ҳам бор ҳақиқат айтилмади. Масалан, янгича маърифатпарварлик адабиётини олайлик. Маърифатпарварлик билан ёнма-ён инсонларни инсоф ва адолатга, ростгўйлик ва фидойиликка ўргатган диний маърифатпарварлик ҳам иш кўрганлиги, ўзбек маърифатпарварлари ўтмиш маданий меросига алоҳида ихлос билан қараб, ундан халқни воқиф этиш йўлида катта ишларни амалга оширганликлари ва ниҳоят, янгича маърифатпарварлик жадидчилик ҳаракати билан мустаҳкам пайванд бўлиб кетганлиги

хусусидаги ҳақиқатни мунтазам равишда, ичи қоралик билан яшириб келинди. Яшириб келиндигина эмас, узоқни кўзловчи ёвуз режа асосида маърифатпарварлик билан жадидчиликни бир-бирига олабўжи қилиб кўрсатиб, гўё улар бир-бирига муросасиз душман эди, бири иккинчисининг пайини қирқар эди, дея кишиларни ишонтиришга уриниб келинди.

Аслида эса ҳақиқий аҳвол бутунлай бошқача эди. XIX асрнинг 80-йилларида шаклланган ўзбек маърифатпарварларининг янги авлоди 1900 йиллар бошига келиб янги усул мактабларида, тараққийпарвар даврий матбуотда жадидлар билан ёнма-ён туриб фаол қатнашдилар, жадидлар билан ҳамкорлик қилганликлари учун чор охранкасининг таъқиб ва тазйиқларига дуч этилдилар, шўролар даврига келиб эса жадидлар билан бирга қатл этилдилар, сургунларга жўнатилдилар.

Уша давр маърифатпарварларининг пешқадамларидан Саидрасул Саидазиз ўғлининг «Устоди аввал»и Октябр тўнтаришига қадар Туркистондаги янги усул мактабларининг асосий ўқув қўлланмаси бўлиб қолди. Фурқат то умрининг охиригача таъзим бажо қилган устози Эшонхўжа мударрис асримизнинг 10-йиллари ўрталарида ҳам Шайхованд Таҳур даҳасига қарашли Қуйи Девонбеги маҳалласида ўзи очган янги услуб мактабда маҳаллий зиёлиларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб вояга етказганлиги хусусида Мўминжон Тошқин «Турмуш уринишлари»да қизиқарли маълумотлар қолдирган. Фурқат ҳаётлик вақтидаёқ унинг машҳур «Сабоға хитоб» шеърий мактуби Россия пойтахтидаги нуфузли нашрлардан бирида йирик шарқшунос А. Н. Самойлович томонидан нашр этилишида муносиб ҳисса қўшган Саид Камолхон домла Тошкентдаги янги усул мактабларининг фидойи муаллими сифатида кўп йиллар хизмат қилгач, 1913—14 йилларда Петербург тижорат академияси мўътабар устозлари сафидан ўрин олади ва ҳоказо.

Фурқат сўнгги Кўқон хони Худоёрхон фожиаси хусусида бир неча дилсўз асарлар яратиб, унинг фарзандлари билан ғоят дўстона алоқада бўлганлиги тарихдан маълум. Шоирнинг «Туркистон вилоятининг газети» саҳифалари орқали амалга оширган маърифатпарварлик ишлари хонининг бир эмас, уч ўғли газета фаолияти билан боғланишига олиб келади. Чунончи, Ибн Яминбекнинг Фурқат «Саргузаштнома»си тахлитидagi йирик насрий асари, Муҳаммад Аминбекнинг «Фарғона музофотининг хонлари хусусидаги воқеотлар» сарлавҳали қимматли тарихий материалларга бой асари 1893—1894 йиллардаёқ «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида чоп этилган, ўлка маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди. Кейинчалик Ибн Ямин-

бек Худоёрхонов анча муддат «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири вазифасини ҳам адо этди. Хоннинг кенжа ўғли Фансуруллобекнинг Фурқат билан айрича муносабатлари, улкан шоир унинг келажак тақдирига кўрсатган ўта самарали таъсири таҳсинга лойиқдир. Фурқат она юртидан жўнаб кетгач, Истанбулдан тошкентлик дўстарига ёзган «Сабоға хитоб» номли бебаҳо шеърий мактубида оз эмас-кўп эмас, йигирма икки мисрани айнан Фансуруллобекка багишланганлигининг ўзиёқ бу икки йирик зиёли муносабатларининг кўламини тасаввур этишга ёрдам беради. Шеърий ижодда, маърифатпарварликда Фурқатдан кўп ва хўб сабоқ олган Фансуруллобек Худоёрхонов ўлкада жадидчилик ҳаракати кенг тус олган кейинги йилларда Туркистон жадидлари раҳнамоси Мунавварқори Абдурашидхонов билан биргаликда «Хуршид», «Осиё» газеталарини ташкил этиб, омма орасида зиё тарқатган илғор зиёлилар сафидан ўрин олди.

Туркий халқлар маърифатпарварлигининг отаси Исмоил Гаспрали ҳам 90-йиллар иккинчи ярмида Фурқатнинг Ёркентдаги маърифатпарварлик фаолиятидан воқиф бўлиб, унинг асарларини ўзи муҳаррирлик қилган «Таржумон» газетасида чоп эттириб турди. Гаспрали Фурқатдан бошқа ўзбек маърифатпарварлари ва жадидларнинг фаолияти билан ҳам мунтазам равишда қизиқиб турди. Унинг собиқ Китоб беги, Фурқатнинг қалин дўсти Жўрабек додхоҳ билан муносабатлари ҳақида ҳам архивларда қизиқарли маълумотлар сақланиб қолган.

Шу муносабат билан чор ҳукуматининг Туркистондаги жадидлар фаолиятига, улар томонидан очила бошлаган янги усул мактабларига муносабатини кўрсатувчи баъзи хужжатларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълумки, ўлкада бу ҳаракат ўтган асрнинг сўнги йилларидан фаоллаша бошлаган эди. Лекин сал ўтмай, 1900 йилнинг 31 декабридаёқ Россия ички ишлар вазирлиги полиция департаментининг 13444-рақамли хатида мустамлака маъмуриятининг Туркистондаги йирик мафкурачиси Н. Остроумовга ўта махфий махсус топшириқ берилади. Яъни Туркистондаги маҳаллий аҳоли орасида янги усул мактаблари очиш ҳаракати бошланиб кетганлиги, матбуотда уни тарғиб этувчи мақолалар эълон қилинаётгани вазидан газеталарга мақола ёзишда, мактаб очиш ва унда дарс беришда қатнашаётган барча шахслар устидан тўла материал тўплаб, шахсан ички ишлар вазирига маълум қилиш учун полиция департаментига зудлик билан жўнатиш вазифаси Н. Остроумов зиммасига юкланганлиги қайд этилади. Туркистондаги усули жадид мактабларининг фидойилари бу йилларда чор

охранкасининг муттасил тазйиқ ва таъқиби остида иш кўришларига, кўп ҳолларда уларнинг мактаблари ёпиб ташланганлигига диққат қилсак, полиция департаментининг бу циркуляри ўлка маданий ҳаётида қандай машъум рол ўйнаганлигини билиб олиш қийин эмас.

Бу циркуляр муносабати билан Петербургга жўнатилган заҳарли чақувларнинг бири Фурқатнинг қадрдон дўсти ва Фансуруллобекнинг қайнотаси бўлмиш генерал-майор Жўрабек хусусида эди. Бу чақув хати бир вақтлар рус мустамлакачи кўшинларига қарши дадил жангга кириб, Самарқанддек шаҳри азимни улар қўлидан тортиб олиш даражасига етган, шу важдан генерал-губернаторлик доиралари ҳамиша кек сақлаб келган довюрак саркарданинг кейинги тақдирига қанчалик фожиали таъсир кўрсатганини тасаввур этиш мумкин. Орадан озроқ вақт ўтгач, Жўрабек ўзининг Қорасувдаги боғида сирли равишда ўлдирилиб юборилгани, мустамлака маъмурияти бу фожиа сабабчилари изини кумга сингандек бедарак йўқотганлиги ҳам бекорга эмас деб ўйлаб қоласан киши.

Янгича маърифатпарварлар билан жадидлар муносабатларидаги давомийликдан далолат берувчи бошқа жиҳатлар ҳам анчагина. Юқорида биз маърифатпарварлар ўтмиш маданий меросга, аждодлардан қолган бой илмфан ҳазинасига алоҳида меҳр билан қараганликларини айтиб ўтган эдик. Чунончи, Сатторхон Абдулғаффор ўғли «Туркистон вилоятининг газети»да хизматни бошлаган дастлабки ҳафталаридаёқ бундай деб ёзганлиги маълум: «Аввало бизларга лозимдурким, обо ва аждодимизни таррадуди бирлан ошкоро бўлингон илмларни таҳсил қилмоққа ружуъ қилмоқ. Чунки бизларга уят ва айбдурким, бизларнинг бурунги олимларимиз илм бобида баланд даражада туруб, ҳатто бошқаларга таълим бериб турган бўлсалар, бизлар ҳам халқдин ул бобда пастлик мақомида қолсоқ» («Туркистон вилоятининг газети», 1883 йил, 15 феврал, 6-сон).

Фурқат ўз маърифатпарварлик асарларида Шарқнинг буюк олим ва шоирлари Ибн Сино, Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Насимий, Навоий, Бедил ва бошқаларни ўқувчиларга буюк ибрат намунаси сифатида қайта-қайта тавсиф этди, Фузулий, Машраб, Амирий, Муқимий каби азамат ижодкорлар газалларига тахмислар боғлаб, татабулар қилиб, уларга алоҳида ҳурмат кўрсатди. Буюк Навоийнинг «Мезонул авзон»ига ихлос билан қараб, унинг асосида «Илми шеърни қоидаи авзонининг баёни» асарини битди, ўзбек халқининг тўй, аза, гап сингари катта маросимларининг ҳар бири хусусида алоҳида-алоҳида элшунослик йўналишидаги асарлар қолдирди.

Фақат Сатторхон билан Фурқатгина эмас, янгича маърифатпарварликнинг беистисно барча намояндалари ўтмиш маданий меросимизга шу тариқа камоли эҳтиром билан муносабатда бўлдилар. Маърифатпарварларнинг бу олижаноб хусусияти жадидлар томонидан изчил давом эттирилди. Биргина Абдурауф Фитратни эслайлик. Унинг ўзбек адабиёти тарихи ва ўзбек мусиқаси тарихи ҳақидаги икки ноёб китоби, «Абулфайзхон» тарихий драмаси йигирманчи йиллар маданий ҳаётимизда қанчалар катта воқеа бўлганлиги кўпчиликка маълум. Фитрат ўз тарихий асарлари устида нақадар синчковлик билан меҳнат қилганлигини кўрсатувчи биргина мисол келтирмақчимиз. Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мусиқий рисоласи ҳали топилмаган. Бу асар ўтган аср ўрталарида Шарқий Туркистонда бўлганлиги, «Асрори мусиқий» номи билан аталганлиги, унда Шоҳруҳ замонасининг бетакрор созандаси Мавлоно Соҳиб хусусида эҳтиросли лавҳа берилганлигига доир маълумотлар ўтган асрнинг етмишинчи йилларидагина бизга маълум бўлди. Лекин Фитратнинг ўзбек мусиқаси тарихи ҳақидаги бебаҳо илмий тадқиқотида ўша Мавлоно Соҳибнинг тенгсиз созандагина эмас, балки ўз даврининг йирик мусиқа назарийчиси ҳам эканлигини кўрсатувчи фикрларни ўқиганда муаллифнинг синчковлигига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Фурқат ва унга ҳаммаслак бошқа маърифатпарварлар XIX аср иккинчи ярмида ўзбек халқи ҳаётига кириб келган маданий янгиликлар мағзини чақувчи, улардан кенг оммани воқиф этувчи кўплаб асарларни мерос қилиб қолдирганликлари ҳам маълум. Масалан, Фурқат концерт, театр спектакли, бал қандай ташкил этилиши, босмахона, суратхона, клубда ишлар қай тариқа олиб борилиши ва ҳоказолар тўғрисида ўқувчиларга муфассал маълумот берувчи асарлар қолдирган эди. Бу анъанани ҳам жадидлар изчиллик билан давом эттирдилар. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Театру нима» тахлитигади ижод намуналари шундан далолат беради.

Жадидлар ўз салафлари бўлмиш XIX аср иккинчи ярми маърифатпарварлари меросини эҳтиром билан сақлаб, келгуси авлодларга етказишда ҳам ибратли ишларни амалга оширдилар. Чунончи, Фурқат шеърятининг гултожи бўлмиш «Сайдинг қўябер, сайёд...»га Ҳамза Ҳакимзода сеҳрли мусиқа басталаб, ўзига замондош энг истеъдодли хонандаларга ўргатиб ижро эттирган бўлса, Абдулла Авлоний «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» китобида «Муҳаммас Муҳаммад Худоёрхон тилидан» асарининг тўла матнини эълон қилдирди, Сидқий Хондайлиқий эса «Армуғони Хислат»га минг йиллик шеърятимиз нодир на-

муналарини кўз нуруни тўкиб тайёрлар экан, Фурқат ва Тошхўжа Асирий диний маърифатпарварлик йўналишида яратган ўнга яқин асарнинг ҳам китобдан жой олишига эришди.

Юқоридаги сингари далиллар ниҳоятда кўп бўлиб, биз улардан баъзиларинигина келтирдик, холос. Лекин ана шу келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам коммунистик мафкура зугуми остида XIX аср иккинчи ярмидаги янгича ўзбек маърифатпарварлик адабиётини жаҳид адабиётига зид қўйишга, уларни бир-бирига нисбатан муросасиз душманлар қилиб кўрсатишга бўлган урунишлар тарихий ҳақиқатга, фанга нақадар зид эканини тушуниб олиш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

Юқорида биз шўро даври тадқиқотчилари янгича маърифатпарварлик билан жаҳидчиликни бир-бирига олабўжи қилиб кўрсатиб ҳақиқатга хилоф иш тутганликлари ҳақида фикр юритдик. Ҳозирги вақтда эса уларни бир-бири билан қориштириб юбориш, улар орасидаги аниқ чегарани ажрата билмаслик нуқсони учрамоқда. Чиндан ҳам юқорида далиллар исботлаганидек, янгича маърифатпарварлар билан жаҳидлар ўртасида умумий жиҳатлар кўп. Халқни янги замон илм-фани, маданиятидан баҳраманд қилиш орқали келгусидаги катта ишларга тайёрлаш мақсади, ўтмиш маданий меросига зўр ҳурмат билан қараш, мустамлака зулмини қоралаш каби муштарак хусусиятлар шу жумлага киради. Айни вақтда уларни бир-биридан ажратиш турадиган жиҳатлар ҳам анчагина. Чунончи, янгича маърифатпарварлар усули савтия мактаблар муаммосини кун тартибига қўйган эмаслар. Бу ҳол янги усул мактаблари очиш учун XIX асрнинг иккинчи ярмида тарихий шароит этилмаганлиги билан изоҳланади. Жаҳидларда эса маърифатпарварларда мавжуд бўлган исломга муносабатдаги яқдиллик кўринмайди. Аксинча, худди жаҳидлар даврига келиб «жаҳид» ва «қадим» мунозаралари авж олади, ҳатто ислом дини асосларига зид келадиган айрим асарлар ҳам юзага келади.

Хулласи, янгича маърифатпарварлик билан жаҳидчилик орасида муштарак жиҳатлар анчагина эканлигига қарамай, жиддий тафовутлар ҳам мавжуд. Шундай экан, уларнинг ҳар икковини бир нарса сифатида изоҳлаш тўғри эмас. Аммо кейинги вақтда чоп этилган, Туркистоннинг энг янги тарихига оид баъзи китобларда юқорида айтилган нуқсонлар кўриниб қолмоқда. Чунончи, Андижонда 1995 йилда чоп этилган «Туркистон Русиё босқини даврида» номли китобида Муқимий, Муҳйи, Фурқат сингари XIX аср иккинчи ярмидаги адабиёт намояндalари жаҳид адабиёти вакиллари сифатида берилган ва таҳлил этилган. Тўғри,

Муқимийни жадид адабиётига нисбат бериш бутунлай янги иш эмас. 30-йиллар биринчи ярмида чоп этилган адабиёт хрестоматияларида Муқимийни жадид адабиётини яратган ижодкор сифатида ўрганиш тавсия этилган эди. Бироқ Муқимий, Муҳйи, Фурқат даври билан жадидлар даври ўртасида, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва адабий-эстетик қарашларида жиддий тафовутлар борлигини ҳисобга олса, маърифатпарварларни жадидлар билан қўшиб юбориш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқ-равшан бўлиб қолади.

ЭЛГА ШОҲУ ОНАГА ҚУЛ

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 1999 йил аёллар йили деб эълон қилинганини ўйлаганда, кўз ўнгимизга биринчи навбатда сочлари кўнгли каби оппоқ мушфиқ оналаримиз келади.

Шу ваздан мен бир жўмард ўғилнинг ўз волидаи муҳтарамасига кўрсатган ибратли эъзози ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бу ўғил ҳақиқий шоҳ, она эса шу валломат фарзанд туфайли «Ҳоким ойим» аталиб, тарихимиз зарварақ саҳифаларига кирган доно, фидойи бир зотдир. Бу зот сўнги Фарғона ҳукмдори Худоёрхон ва унинг оддий қирғиз овули қизидан малика даражасига мушарраф бўлган, шоҳ эрни ҳам, шоҳ фарзандни ҳам инсоф-адолат йўлига бошлаган муътабар инсондир.

Кўп асрлик бой тарихимизда не-не султонлар ўтган. Бироқ уларнинг, беистисно ҳаммаси, шўро мафкураси ҳукмронлик қилган замонларда туҳмату таҳқирларга кўмиб ташланган, ҳавас қилса арзигулик ўтмишимизга қора чапланиб ташланган эди. Тўғри, султонлар ҳам Тангрининг бошқа бандалари қатори гоҳ адашиб, гоҳ чўкиб-қалқиб, гоҳ Аллоҳ инояти билан кўпдан-кўп савоб ишларни амалга оширган, ўз эл-юртини ободлик, фаровонлик сари бошлаган инсонлардир.

Тарих илми шунинг учун ҳам илмдирки, ана шу жиҳатларнинг бари хусусида бор ҳақиқатни баралла айтмоғи, келажак учун нақшлаб қолдирмоғи керак.

Кўқон хонлигининг сўнги чорак асрида ҳукмфармолик қилган Худоёрхонга келсак, муаррихларнинг катта бир қисми уни мураккаб тақдирли шахс сифатида баҳолашларида жон бор. Чиндан ҳам ўрус босқинчилари буюк Туронзамин сарҳадларида ҳамма нарсани кемириб ташлайдиган тишларини қайраб, ўлакса устига ташланмоқчи олақарғалардек ёпирилиб келаётган бир даврда тахтга чиққан, бу босқин фожиаси зарбаларига неча-неча бор кўксини қалқон қилган, босқиннинг олдини олиш тадбирларини қайта-қайта ишга солган, аммо бургут қанотли империя қаршисида ожиз қолиб, муросаи мадора йўлини тутишдан

бўлак чора топмаган юрт ҳукмдорининг тақдири мураккаб бўлмаслиги мумкинмиди?

Шу вайдан Худоёрхон эл-юрт оғзида турли миш-мишларга сабаб бўладиган бир неча хатоликларга ҳам йўл қўяди. Бироқ ўта мураккаб, фожиаларга тўла бир шароитда ҳукмронлик қилган бу хоннинг ўз халқи олдида, келажак авлодлар олдида юзини ёруғ қиладиган савоб ишлари анча кўп бўлган. Уларни тарозунинг икки палласига қўядиган бўлсак, кейинги томон шубҳасиз босиб кетади.

Бугун биз мулоҳаза юритмоқчи бўлган шоҳ ва унинг онаси муносабатларига бевосита тўхталишдан аввал баъзи бошқа жиҳатлар устида ҳам фикрламоқ лозим бўладики, улар ўзаро узвий боғлиқдир. Гапни Худоёрхон ёшлиқда олган тарбиядан бошласак, дурустроқ бўлар. Унинг бобоси Ҳожибек ва отаси Шералихон «Олтин бешик» хонлари авлодидан бўлиб, Ҳожибек Норбўтахоннинг укаси, Олимхон билан Умархонга эса амаки эди. Норбўтахон вафотидан сўнг тахтни эгаллаб олган Олимхон тахтга даъвогар бўлиши эҳтимол тутилган барча яқинларини, жумладан, амакиси Ҳожибекни ҳам 1808 йили қатл этиради, ўз ёвуз ишлари билан эл орасида ёмонотлиқ бўлиб, «Олимхон — золимхон» деган хунук ном олади. Отаси қатли чоғида Шералибек ўз акаси Улуғбек билан Таласга, қирғизларнинг улоқчин жамоаси томон қочадир. Йўлда фалокат рўй бериб (омонат минора кулаб тушиб), Улуғбек ҳалок бўлади. Шу тариқа Шералибек Таласга ёлғиз ўзи етиб олади ва ота-боболарига садоқатли бўлган ўша жамоа ичида узоқ муддат яшаб қолишига тўғри келади. Шу жамоа орасида балоғатга етиб (у Қўқондан қочганида 14 ёшда эди), икки марта уйланади. Жарқиной ва Сўнаой деб аталувчи бу қизларнинг бири талас, иккинчиси бағиш қабиласидан бўлган. Шу узоқ муддат мобайнида Шералихон Жарқинойдан Саримсоқбек, Худоёрбек ҳамда Султонмуродбек исмли, Сўнаойдан Маллабек ва Сўфибек исмли ўғиллар, шунингдек Норчучук, Офтоб ва Моҳларойим деган уч қиз кўрганлиги тарихий манбаларда қайд этилади. Аммо Шералихоннинг қизларидан қай бири қайси хотинидан туғилгани хусусида маълумотларга дуч келмадик. Шу муносабат билан журналист Набижон Боқийнинг Қўқон хонлиги тарихига оид анча қизиқарли маълумотлар берилган бир газета мақола-сида гўё Шералибек Мусулмонқулининг синглисига уйланган эди деган фикри пухта далилланмаганини айтмоқчимиз. Чунки Шералибек икки марта уйлангани ва хотинларининг иккови ҳам қирғиз бўлиб, бири талас, бири бағиш қабиласидан эканлиги айтилди. Мусулмонқули эса қипчоқларнинг қулон жамоасидан бўлган. Бу гапнинг биз мулоҳаза юритадиган асосий мавзуга алоқадорлиги шун-

даки, «Ҳоким ойм» агар чиндан ҳам Мусулмонқулининг синглиси бўлса, салтанатда мавқеи ғоят юқори бўлган бу малика акаси Мусулмонқули билан ўз изнидан чиқмайдиган ўғли Худоёрхоннинг оралари бу қадар бузилиб кетишига ҳам, хон ўз тоғасини қатл этишига ҳам йўл қўймаган бўлур эди.

Энди Шералихоннинг улоқчин жамоаси орасидаги ҳаётига қайтайлик. Ниҳоятда тадбирли, узоқни кўзлаб иш тутадиган бу хонзода пойтахтдан аллақанча узоқ қирғиз овулида яшаса ҳам, қачонлардир бахт юлдузи кулиб боқажагини қалбан ҳис этган ва тахт ворисларидан бири эканлигини яхши англаган ҳолда, ўзини ва фарзандларини келажак учун пухта тайёрлаган. Шу мақсадда илм-маърифатдан четда қолган узоқ қирғиз овулига Наманганнинг Нанай қишлоғидан Мулла Тошбой исмли мударрисни чақиртириб келиб, барча фарзандларининг асосий фанлар бўйича етарли билим олишига эришган, ўзи эса уларга ҳарбий маҳоратни ўргатган.

Шералихон улоқчин жамоасида 34 йил умргузаронлик қилиб, ёши 50 га яқинлашганида Кўқон хонлигида машъум воқеалар рўй беради: кўп замонлардан бери хонликни бутунлай ўзига тобеъ қилиш ниятида юрган Бухоро амири Насрулло арзимас баҳона билан уни босиб олади, даҳшатларга тўла қатли ом ўтказиб, яқиндагина тахтдан воз кечишга мажбур бўлган Муҳаммад Алихонни, унинг Нодирабегим тадорики билан салтанат эгаси бўлмиш иниси Саид Маҳмудхонни, Нодирабегимнинг ўзини ҳам бошқалар қатори қатл эттиради. Хонликдаги бойликларни, юзлаб соҳибжамол аёлларни ўзи билан олиб, Иброҳим хаёл деган бир ношуд, банги аскарбошини нойиб тайинлаб, Кўқон тахтини унга топшириб жўнайди. Иброҳим хаёл ҳукмронлиги икки ярим ой чамаси давом этадию ҳе йўқ, бе йўқ, бир кечада тахтни ташлаб, ўзи келган жойига равона бўлади, Кўқон тахти эгасиз қолади. Сарой аъёнлари зудлик билан бир қарорга келиб, улоқчин жамоаси орасига наманганлик Юсуп қирғиз деган саркарда бошлиқ вакиллар жўнатиб, Шералибекни Кўқон хонлиги тахтига даъват этадилар. Шу тариқа Шералибек хон, унинг хотинлари Жарқиной билан Сўнаойим маликалар мавқеини эгаллашади. Орадан уч йил ўтади. Ҳожибекни ўлдирган Олимхон ҳукмронлиги барбод бўлгач, ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам унинг Муродбек исмли бир ўғли ҳали Шаҳрисабз, ҳали Хива, ҳали Бухоро ҳудудларини кезиб, «бир кунгина хон бўлсам, дунёдан беармон кетардим», дегани фаришталар оминига тушган шекилли, Шералихоннинг асосий суянчиғи бўлмиш Мусулмонқули мингбоши ўз лашкарлари билан Наманганга, қирғизлар ғалаёнларини бостириш учун

кетганидан фойдаланиб, ўз сарбозлари билан саройга бостириб кириб, хонни қатл эттиради, унинг саройида бўлган уч фарзанди (Маллабек, Сўфибек ва Султон Муродбек)ни тез орада ўлдириш ниятида қамаб қўяди. Лекин Муродхоннинг нашъу намоси бир манбага кўра етти кун, бошқа бир манбага кўра ўн бир кун давом этади. Пойтахтдаги фожиалардан хабар топган Мусулмонқули ўша вақтда эндигина Наманган ҳокими қилиб тайинланган ўн олти ёшли Худоёрхонни ёнига олиб, шитоб билан Кўқонга етиб келади ва дарҳол Муродхонни қатл эттиради. Уша куниёқ Худоёрбек оқ кигизга ўтқазилиб, хон кўтарилади. Бу воқеа 1845 йил ёзида рўй берган эди. Шералихоннинг суюклик хотини, Худоёрхоннинг волидаси «Ҳоким ойим» дея улуғланиб, саройда алоҳида мавқеъ эгаллаши шу даврдан бошланади. Бунинг асл сабабларини англаш учун Худоёрхоннинг феъл-атворини, унинг ўз устозлари, биродарларию бошқа яқинларига қандай муносабатда бўлганини ҳам айтиб ўтмоқ лозим.

Хон ўз даврининг машҳур дин арбоблари бўлмиш Имом Раббоний Соҳибзода ҳазрат билан Валихон тўрага алоҳида ихлос қўйганлиги, энг муҳим муаммоларни ҳал этишда уларнинг маслаҳатларидан чиқмаганлиги манбаларда қайд этилган. Бунга далил бўладиган баъзи воқеаларни Собир Абдулла «Мавлоно Муқимий» китобининг «Худоёрхоннинг пири комили»да, Мушриф эса «Ансобус салотин...»да тасвирлайдилар. Мушриф Худоёрхон билан акаси Маллахон ўртасида низолар, ҳатто қонли жанглар бўлиб ўтгани, укасидан енгилган Маллахон Бухоро амири ҳузуринда шоҳона яшаётганига қарамай, султон суягини хорламас қабилида иш тутиб, хон ҳар ойда унга юз тилло миқдоринда маош юбориб туриш билан ҳам чекланмай, бир завқ-шавқли шикор чоғида ёнидаги пири Валихон тўрага Маллахон акаси гуноҳини кечиб, яна саройга қайтариб келишни маслаҳат солади. Маллахоннинг феъл-атворини яхши билган пирдан: «икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас, яна арода бир фасоде пайдо бўлиб нақси давлат бўлмасмикин?» деган жавоб олган хон устознинг насиҳатига тўла риоя қилади ва ул зот оламдан ўтгачина акасини ўз ёнига олиб келади.

Худоёрхон пиру устозларигагина эмас, балки бошқа яқинларига, қариндош-уруғларига ҳам вафодор, марҳаматли ҳукмдор эди. Юқоридаги воқеадан сўнг Маллахонга Худоёрхон муносабати қандай бўлганлиги хусусида Мушриф ўз китобида бундай ёзади: «(Хон) Маллабек акаларига марҳаматномаи бепоён ва ёдномаи фаровон ва маблағҳои казо тайёр қилиб, Авазхожа деган тепакўрғонлик аробакашни таъкидлаб, ирсол айладилар... Маллабек акаларини бир неча вақт тарбият қилиб, ҳар ваҳҳдин ҳаддин афзун

хурматини бажо тутар эдилар. Сафарда ва ҳузурда рафику мунис эрди».

Тақдирнинг шум ўйинини қарангки, шу иззат-икромлардан сўнг ҳам Маллабек яна атрофига лашкар жамлаб, Худоёрхонга қарши шафқатсиз жангга киради. Натижада 1858 йил кузида Қўқон хонлиги тахтини эгаллайди. Бироқ орадан уч йилдан кўпроқ вақт ўтиб, 1862 йил февралда ўзининг саройдаги энг яқин одамлари томонидан қатл этилади ва тахтга Худоёрхоннинг марҳум акаси Саримсоқбекнинг ёш ўгли Шоҳмуродбек чиқарилади. Бухоро амири паноҳида пайт пойлаб ётган Худоёрхон бундан хабар топиб, амир даъвати ва кўмаги ила Хўқандга келиб, жангу жадал билан яна тахтга чиқади. Енгилиб қочган Шоҳмуродхонни ёрмозорликлар ушлаб, Худоёрхон ҳузурига олиб келди-лар. Хон ўзи билан тахт талашиб жанг қилган бу рақиби — акасининг ўгли эканини инобатга олиб, бошқа подшоҳларда кам учрайдиган раҳмдиллик кўрсатади ва уни саройдаги хос одамлари қаторида иззат-икромда сақлайди.

Хон фаолиятида бундай валломатлик намуналари кўп намоён бўлган. Биз улардан баъзиларинигина келтирдик. Худоёрхоннинг муқаддаслар муқаддаси бўлмиш волидаи муҳтарамга бўлган ва авлодлар учун ибрат намунаси сифатида хизмат қиладиган меҳр-эҳтироми унинг табиатан ана шундай валломатлиги билан бевосита боғлиқдир. Маълумки, хоннинг волидаси Жарқиной қирғизларнинг талас жамоасига мансуб бўлиб, Шералихоннинг хотини сифатида ўн йиллар мобайнида оддий қирғиз ўтовидида умргузаронлик қилган, ана шу турмуш тарзини ўзи учун энг мақбул деб билган аёл эди. Замонлар айланиб, дастлаб эри Шералихон, сўнгра ўгли Худоёрхон Қўқон хонлигидек улуг юртга ҳукмфармо бўлиб, хон саройида яшаганларида ҳам эндиликда «Ҳоким ойим» номи билан бутун мамлакатга шуҳрати кетган Жарқиной сарой ичида ўзи севган қирғиз ўтовини қурдириб, вафотига қадар унда истиқомат қилганлиги маълум. Волидаи муҳтарамасининг ҳар бир хоҳишини сўзсиз бажаришни ўзи учун шараф деб билган Худоёрхон отаси вафотидан сўнг ўрданинг аёллар яшайдиган қисмида онасининг кўнглидагидек кўркам ўтов қурдириб беради. Сарой аёнлари орасида, теварак-атрофда турли таҳқирли миш-мишларга муқаррар равишда сабаб бўладиган бу ишда хон сира иккиланмайди. Зотан Олтин бешикхондан бошланган Хўқанд хонлари шажарасининг аксар кўпчилиги минг уруғи аёлларидан туғилган бўлиб, хонликда бу анъанани бузиш гуноҳи азим ҳисобланарди. Тез орада Худоёрхондек тутган жойини кесадиган соҳиби тахт бу иши учун, яъни афсонавор «Ҳоким ойим» асли қирғиз жамоасидан бўлиб, қирғиз ўтовидида умргузаронлик қила-

ётгани учун ҳамюртлари томонидан қаттиқ дашном эшитишига, шунда ҳам ўзини мардона тутиб, валлакатлигини яққол намойиш этишига тўғри келади. Бу шов-шувга сабаб бўлган воқеани бизга филология фанлари доктори Қозоқбой Маҳмудов ҳикоя қилиб берди. Таниқли тилшунос олимнинг айтишича, унинг катта боболаридан Холдедонбеги деган киши (ҳозирда Андижонда ул зоти шарифнинг исмлари билан аталадиган мавзе ҳам бор) Қўқон хонлиги девонхонасида анча муддат девонбеги лавозимида ишлаб, кейин ўз вилоятига қайтиб бориб, яшаган экан. Уша йилларда Андижон ҳокими бўлмиш Насриддинбек собиқ девонбегининг гўзалликда тенгсиз қизига ошиқ бўлиб, унга уйланиш ниятини отасига маълум қилибди. Худоёрхон бу ишни оппа-осон кўчади деб ҳисоблаб, энг нуфузли сарой аъёнларини Холдедонбеги уйига совчи сифатида йўллабди. Аслида минг уруғига мансублиги билан фахрланиб, бошқаларни ўзидан паст кўришга ўрганиб қолган уй соҳиби хон юборган совчиларга кўнглидаги гапни очиқ айтибди, яъни Шералихон қирғиз аёлига уйланиб, наслини бузганини, Насриддинбек хон фарзанди бўлса ҳам минг уруғидан туғилмаганини айтгач, ўз заифасини минг уруғи сараларидан бўлак кишига бермаслигини маълум қилибди. Совчилар пойтахтга шундоқ кутилмаган зарба билан қайтганларидан дарғазаб бўлган Худоёрхон ўз сарбозларига қизни зўрлик билан саройга олиб келишни фармойиш қилибди. Бу иш ярим тунда амалга оширилиб, қиз яширинча ўғирлаб келинибди. Воқеадан хабар топган Холдедонбеги ўзининг 1865 йилда Тошкент мудофаасида қатнашган икки саркарда жияни билан хон саройига етиб келади.

Саломхонада хон билан учрашувда қизнинг отаси: «Хон ҳазратлари, тўғри гапга эгри тадбир кўриш Сизнинг табиатингизда йўқ эди-ку. Наҳотки энди шундай йўл тутсангиз!» депти. Бу танбеҳдан ҳамияти келган Худоёрхон: «Гапинг тўғри, қизингни олиб кет ва истаган кишинга узат» дея уни отасига топширтган экан. Кейинчалик бу аёл минг уруғига келин бўлиб тушган, ували-жували бўлиб, икки йўл ҳаж қилиб, эл-юрт орасида «Ҳожи она» дея эъзоланиб, асримизнинг 30-йилларигача яшаб, сўнгра оламдан ўтган.

Худоёрхон сарой аъёнлари ва йирик амалдорлар ўртасида юқоридагича қарашлар мавжудлигини кўра-била туриб, волидаи муҳтарамаси ҳурматини бунчалар ўрнига қўйиши катта ибратдир. Бугина эмас, Худоёрхон «Ҳоким ойим»нинг ҳукуматни идора қилиш, йирик амалдорлар тақдирини ҳал этиш ишларидаги барча хоҳишларини ҳам солиҳ фарзанд сифатида қабул қилган. Масалан, Мусулмонқулидан сўнг хонликдаги энг юқори лавозимга тайинланган Содиқ мингбоши хон томонидан дорга осилай

деб турганида «Ҳоким ойм»нинг авф этиши билан омон қолади.

«Ҳоким ойм» Худоёрхоннинг уч бора ҳукмфармолик даврида бутун хонлик ҳудудида кўплаб масжиду мадрасалар, қорихоналар, карвонсаройлар, бозор расталари, йўллар, кўприклар, Чинобод шаҳри ва бошқалар қурилишини амалга оширишда фарзандлари Худоёрхон, Султонмуродбек, неваралари Насриддинбек, Муҳаммад Аминбек ва бошқаларнинг доно маслаҳатчиси, қанчадан-қанча савоб ишларнинг ташаббускори бўлган, ўзининг вафотидан сўнг қилиниши лозим бўлган хайрли амалларни уларга, биринчи навбатда, тахт соҳиби Худоёрхонга васият қилиб қолдирган.

Солиҳ фарзанд сифатида волидаси орзуларини тўлатқис амалга оширган Худоёрхон «Ҳоким ойм» вафотидан қанчалар изтироб чекканлиги, она васиятларини қанчалар ихлос билан адо этганлиги хусусида муаррихлар батафсил маълумотлар қолдиришган.

Мирзо Олим Мушриф «Ансобус салотин ва таворихул хавоқин»да ёзишича, 1285 ҳижрий йилнинг рамазон ойида (милодий 1868 йилда) Ҳоким ойм вафот этади. Жанозадан қайтгач, Худоёрхон даҳа (узлатда ўн кеча-кундуз сурункасига тоат-ибодат) ўтуради. Шундан кейингина давлат ишларига аралашиб, ҳарамга киради.

«Тарих бир минг икки юз саксон олтида, — дея давом этади Мушриф, — Худоёрхон волидаи шарифалари васиятлари бирла оналарининг номига мадраса солмоқ бўлуб, мулла Турдиали Мирзони ишбоши қилиб, «Масжиди жомеъ»нинг шарқида мадрасаи олий биносига машғул бўлуб, саҳл вақтда итмомиға етиб, «Мадрасаи Ҳоким ойм» номзод қилди ва яна бул «Мадрасаи Ҳоким ойм»ға Шаҳрихон устида дарёдин ариқ чиқариб, хирожи вақф айлади».

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи манбаларда, жумладан, «Ўзбек қомуси»да «Ҳоким ойм» мадрасаси Нодирабегимга нисбат берилади. Тўғри, Нодирабегим ҳам ўз даврида мадраса қурдирган. Лекин у «Моҳларойим» мадрасаси деб аталган. «Ҳоким ойм» эса Худоёрхон онаси васиятига кўра қурилган улкан иншоотдир.

Мушриф китобида айтилган Шаҳрихон устидан ўтказилган ариқ, Худоёрхон қаздирган «Улуғ наҳр»нинг бир қисмигинадир, холос. Муаррих Рашид Набиев Худоёрхон ҳукмронлиги давридаги Кўқон хонлиги тарихига бағишланган машҳур тадқиқотида «Улуғ наҳр»ни «ўз даврида Фарғона водийсидаги энг йирик канал» деб ҳисоблайди. Муаррихлар И. Пўлатов, А. Мустафоев ҳамда С. Жалилов ўша даврда тенги бўлмаган бу канални қаздиришдан асосий мақсад хонлик ҳудудидаги шаҳарларни тоза ичимлик

суви билан таъминлаш эканини айтиб, унинг кенглиги 6—7 саржин (бир саржин 2, 13 метрга тенг), чуқурлиги 10—11 газ, умумий узунлиги 150 километрга мўлжалланганлигини маълум қиладилар. Россия Қўқон хонлиги босиб олган вақтга келиб, асосий қисми битказилган бу улкан оби ҳаёт манбаи расмий қайдларда «Улуғ наҳр», халқ орасида эса «Хон ариқ» номи билан аталган.

Волидаи муҳтарамаси шарафига бунёд этилган бу улкан ишидан завқланиб кетган хон қўлига қалам олиб:

Биёбон аҳлига шафқат учун мен
Чиқордим бир улуғ дарёе Сирдин,
Ки саҳроларда қазурдим неча наҳр,
Ариғ балким демай, монандии баҳр,
Хирад равшан қилиб таъбим чироғи,
Иккинчи йил туганса интиҳоси.
Деди хони замон афлок: улуғ наҳр,
Ки албатта бўлур таърих: балиғ наҳр, —

мисралари мавжуд бўлган шеърий таърих битади. Рашид Набиевнинг ёзишича: «Хоннинг ўзи томонидан қайд этилган канал қурилишининг бошланиш ва тугалланиш санаси «улуғ наҳр» (1286) ва «балиғ наҳр» (1287) ибораларидан келиб чиқади».

Мирзо Олим Мушриф ҳам «Улуғ наҳр» ҳақида сўзларкан, хон ўзи бунёд этган ҳаёт дарёси борасида «фасоҳат бирла таърих адо этгани»ни авлодлар учун муҳрлаб қолдирган:

Фасоҳат бирла шаҳ таърих адосин —
Қилиб сочти оғиздин дурри гавҳар.
Замир ан нуридинки бўйла макшуф,
Бўлуб таъриhini деди улуғ наҳр.

Худоёрхоннинг анча етук шоир бўлганлиги бежиз эмас, албатта. Аввало Олтин бешикхондан бошланган Қўқон ҳукмдорлари томирида буюк шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур қони жўш урган, айниқса XIX асрда улар орасидан Умархон Амирий, Муҳаммад Али каби шоирлар чиққан. Ундан ташқари, Худоёрхоннинг отаси Шералихоннинг ўзи ҳам дурустгина шоир бўлган. Шарқшунос Н. Ф. Петровский 1875 йилдаёқ Санкт-Петербургда эълон қилинган «Қўқон хонлиги очерклари»да Шералихон амир Насрулло ҳақида битган қуйидаги аламли мисраларни келтиради:

Одат будур: хонлар чиқса,
Ёмғур ёғар, қор ёғар.
Сан на хонсан? Йўлга чиқсанг,
Халқ кўзидан қон ёғар?

Хон ўзининг чорак асрлик ҳукмфармолиги даврида амалга оширган кўпгина савобли, эл-юртга манзур ишларнинг деярли барчасини волидаи муҳтарамаси маслаҳатига кўра ёки унинг руҳи покини шод этиш мақсадида амалга оширганлиги авлодлар учун ҳақиқий ибратдир. Худоёрхоннинг сўнгги энг катта ишидан мамнун халойиқ у қаздирган оби ҳаёт дарёсига «Хон ариқ» деб ном беришдан ташқари Андижон вилоятидаги йирик туманлардан бирини шу канал номи билан «Улуғ наҳр» деб атаганки, ҳозирги истиқлол замонида ҳам туман шу шарафли ном билан аталиб келаётганлиги Кўқон хонлигининг кўп жиҳатдан олижаноб бу ҳукмдори ишларига ўрнатилган мангу ҳайкал десак хато бўлмас. (Афсуски, баъзи ҳолларда бу ном «улуғ нор» тарзида бузиб талаффуз этилмоқда.)

БУНИ УМР ДЕРЛАР...

«Ўзбекистон овози»нинг 2001 йил 4 август сонида газетанинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири Л. Мамасолиевнинг археолог Амриддин Бердимурод билан «Парижда те-мурий сўзи» сарлавҳали суҳбати ёритилган эди. Унда жумладан: «Темурийларнинг сўнгги авлодларидан бири Самарқандда туғилган Исломбек Худоёрхондир. У киши тақдир тақозоси билан Парижда яшаб, шу ерда вафот этган. Исломбек мусофир юртда жон таслим қилишдан олдин армонларга тўла васиятнома ёзиб қолдирган экан. Биз ана шу васиятноманинг нусхасини олишга эришдик», деган ғоят қизиқарли маълумот ҳам бор эди. Қизиқарли деяётганимнинг боиси шуки, мен Кўқон хонлиги ва унинг сўнгги ҳукмфармоси Худоёрхон тарихи билан қизиқиб юрган кезларимда хоннинг эвараси, Тошкентда туғилиб, шу шаҳарда умри ўтган иқтисод фанлари номзоди Музаффархон Ҳайдаров билан суҳбатларим чоғида у Афғонистоннинг Париждаги элчихонасида ярим асрдан ортиқ масъул хизматда бўлиб, 1983 йилда Швейцариянинг Монтре шаҳри яқинидаги шифохонада вафот этган тоғаси Исломбек Худоёрхоннинг 1932 йилда Парижда тушган суратини кўрсатиб, мени лол қолдирган эди. Суратдан элчихона йирик амалдори кийимида, кўксининг икки томони бир неча мамлакатнинг ҳашамдор орденларига тўлиб кетган, кўзларидан донолик, бутун вужудидан куч-ғайрат уфуриб турган дипломат хуш боқиб турарди.

«Ўзбекистон овози»даги материал билан танишиб чиққач, унинг муаллифи Лутфулла Мамасолиев билан ҳам, Париждан Исломбек Худоёрхоннинг француз тилидаги васиятномасидан нусха кўчириб келган олим Амриддин Бердимурод билан ҳам учрашдим. Шундан сўнг олим мен-

га ғойибона таништирган Франциядаги «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари ассоциацияси» президенти Люсьен Керен томонидан Тошкентда, «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Амир Темуր салтанати», мустақил Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги фавқуллодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган ҳуқуқшунос-профессор Акмал Саидовнинг Тошкентда, «Адолат» нашриётида 1996 йилда чоп этилган «Амир Темуր ва Франция» китоблари билан танишиб чиқдим. Люсьен Керен ўз китобига: «Аждодлари шу ғайриоддий саргузаштнинг бош қаҳрамонлари икки қадрдон дўстимга: Амир Темуր авлодидан шахзода Исломбек Худоёрхонга ва юнонистонлик донна Анжелина авлодидан Маркиз Контрерацде Лоцояга бағишланади», деб ёзган эди.

Акмал Саидовнинг китобида эса муаллифнинг Л. Керен билан қилган катта суҳбати ҳам кўп жиҳатдан қизиқиш туғдирди, анчагина масалаларга ойдинлик киритди. Масалан, А. Саидовнинг бирор тарихий шахс тўғрисида тадқиқотлар олиб боришда ўша шахс авлодларининг хотиралари, гувоҳликлари ёки қўлёзмаларининг аҳамияти хусусидаги саволига жавоб берар экан, Л. Керен жумладан бундай деган эди:

«Мен Темурубек (соҳибқирон Амир Темури кўзда тутилгачи — Ш. Ю.) авлодидан бўлмиш Парижда яшаган Исломбек Худоёрхон билан танишиб қолдим... У менга темурийлар маданияти инқирозига гувоҳ бўлган даврлар ҳақида сўзлаб берди ва тадқиқотларимни давом эттиришга ундади.

Мен... Исломбек Худоёрхон билан бир неча йил давомида дўстлик ришталарини боғлаб, кўп суҳбатда бўлганман. У Самарқандда туғилган ва большевиклар таъқибидан қочиб кетишга мажбур бўлган. Афғонистон подшоси қабул қилиб, уни Франция ва Швейцарияга ишончли вакил қилиб тайинланган. У Парижда Афғонистон элчихонасини очиб, то нафақага чиққунига қадар шу ерда халқаро алоқалар билан шуғулланган.

Нафақага чиққанидан кейин Швейцарияга, Монтре шаҳри яқинидаги шифохонага кўчиб ўтган ва 1981 йили вафот этган. То вафотига қадар мен унинг ҳузурига бир неча марта борганман. Уни мусулмон жамоаси ва Афғонистон элчиси доктор Акрам талаби билан хусусий қабристонга дафн этганлар... Исломбек маълумотли ва одобли инсон эди. У мен учун тенгсиз дўст эди».

Бу янгиликларнинг барчаси ғоят қизиқарли бўлиб, ажойиб ҳамюртимиз ҳақидаги тасаввурларни бойитиши шубҳасиз. Бироқ Исломбек Худоёрхон борасидаги дастлабки

ҳамсуҳбатим Музаффар Ҳайдаров менга берган ғоят қизиқарли бир маълумот, яъни у сўнгги Қўқон хони Худоёрхоннинг иккинчи ўғли Муҳаммад Аминбекнинг фарзанди эканлиги ва худди шу хон шажара занжирининг сўнгги ҳалқаларидан бири сифатида Соҳибқирон Амир Темурга бориб боғланиши хусусида уларда лом-мим ҳам дейилмаган эди. Ундан ташқари, Исломбек Худоёрхоннинг Самарқандда туғилгани ва чет элдаги хизматга Самарқанддан жўнаганлиги ҳақидаги айрим маълумотлар ҳам жиддий шубҳа тугдирарди. Чунки менга маълум кўпгина ишончли ҳужжатлар Исломбекнинг отаси Муҳаммад Аминбек 1876 йил феврал ойида Қўқон хонлиги ағдарилиб, унинг ўрнида Россия императори Александр II нинг фармонида кўра Туркистон генерал губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти ташкил этилган дастлабки ҳафталардаёқ Тошкентга кўчиб келиб, шаҳарнинг Қашқар маҳалласида ичкари, ташқари ва ўрта ҳовлили катта уй сотиб олиб, оиласи ва яқин қариндошлари билан шу уйда муқим яшаб қолганлиги, хусусан, Исломбек дунёга келган 1888 йилда ҳам у ўша ҳовлисида яшаб, ўлка ижтимоий ҳаётида фаол қатнашганидан гувоҳлик берар эди.

Исломбек шахси ва фаолиятини аниқлаш борасида янги муаммолар пайдо бўлгач, табиийки, унинг тўғрисида энг ишончли маълумотларга эга бўлган жияни Музаффархон ҳузурига йўл олдим. Тоғаси ҳақида даврий ва нодаврий матбуотда материаллар эълон қилина бошланганидан қаттиқ ҳаяжонга тушган Музаффархон Исломбек ҳақидаги бор бисотини олдимга тўкиб солди. Булар Исломбек Худоёрхоннинг бир неча сурати ва синглиси Мунаввара Худоёрхоновага Франция ҳамда Швейцариядан йўллаган олти мактуби эди (бу мактублар аслида кўп бўлиб, шўро тузуми шароитида анчагинаси йўқолиб кетган экан). Музаффархон билан суҳбатлар асносида Исломбекнинг Муқаддамхон исмли бошқа синглисидан туғилган Темурбек Худоёрхонов деган жияни ҳам борлиги, унинг қўлида ҳам тоғасининг анчагина мактуб ва суратлари, шунингдек, Худоёрхон сулоласига алоқадор бошқа ҳужжатлар сақланаётганлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг Музаффархон ҳам Темурбеклар билан ўтказилган бир неча суҳбатлар чинакам кашфиёт бўлди, Исломбек Худоёрхоннинг она юртидаги ва чет эллардаги фаолиятига энг ишончли манба, яъни унинг ўз дастхати бўлмиш ҳужжатлар асосида аниқлик киритиш имкони туғилдики, биз ана шулар хусусида ўқувчилар билан ўртоқлашишга жазм этдик.

Авалло, Саид Исломбек ўзининг Россияда қайси шаҳарларда қанча муддат таълим олгани, ўқиш даврида ва

ўқишни тугатгач, нималарга қизиққанлиги хусусида маълумотлар берган экан. «Ёшлик йилларимда етти йил Оренбургда, икки йил Москвада таълим олганман. Москванинг қиши ғоят шиддатли эканига қарамай совуққа яхши чидардим ва бот-бот чанғида учардим. Спорт билан жуда кўп шуғулланардим. Москвада ўз ишимни тугатиб қайтгач, Тошкентдаги қиличбозлик-гимнастика курсларига қатнардим» (1973 йил 26 декабрдаги мактубдан). «Болалик ва йигитлик чоғимда Тошкентдаги ҳамма ака-укаларим орасида энг нимжони мен эдим, — дейди у 88 ёшида йўллаган бошқа бир мактубида. — Лекин тақдир экан, ҳали ҳам яшаб юрибман». Саид Исломбек қарилигига қарамай, Тошкентдаги қариндош-уруғларидан тез-тез хабар олиб турган, синглиси Мунавварахоннинг қанд диабетини касалини зудлик билан даволаш юзасидан маслаҳатлар берган, икки синглиси ва жиянларига моддий ёрдам берган, улар оиласидаги ҳар бир муаммодан четда турмаган.

Саид Исломбек ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг шажараси билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки шажара масаласи ҳал бўлмаса, Люсьен Кереннинг ҳам, Акмал Саидовнинг ҳам, Амридин Бердимуроднинг ҳам Исломбек Худоёрхон теурий шаҳзода экани ҳақидаги фикрлари далил-исботсиз бўлиб қолур эди. Шу муносабат билан тарих фанимизда Кўқон хонлари шажараси борасида турлича фикр борлигига эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу давр тарихи билан шуғулланган ўтмишдаги маҳаллий тадқиқотчиларнинг бир қисми уни XVIII аср бошларида хонликка асос солган Шохруҳи сонийдан бошлашни эп кўрсалар, Ф. Н. Петровский каби мустамлака тарихчилари 1769 йилдан тахтга ўтирган Норбўтахон давридан нарисини ҳисобга олмайди. Бироқ Кўқон хонлиги мавжуд чоғида ва ундан кейинги дастлабки ўн йилликларда хонлик тарихини битган кўпгина муаррихлар уни Султон Бобур фарзанди Олтин Бешиқхон даври билан боғлашни лозим кўрадилар. Улар Олтин Бешиқ воқеаси, баъзи шўро тарихчилари даъво қилганидек «афсонавий гап ёки Кўқон ҳукмрон доиралари... ўз ҳокимиятларини барқарор қилиш, мустақкамлаш мақсадида тўқиган ривоят» эмаслигини, аксинча, тарихий ҳақиқат эканини исботлаш учун кўпдан-кўп ишончли далиллар келтирганлар. Уларнинг тадқиқотларида Олтин Бешиқхон Султон Бобурнинг Сайдофоқ исмли хотинидан ғоят қалтис бир вазиятда туғилганлиги, уни Фарғонага ташлаб кетишга мажбур қилган сабаблар мантиқий далил ланиб, ҳатто Бобур кейинчалик Ҳиндистондан Фарғонага ўз хос одамани юбориб, уни олиб кетмоқчи бўлгани, бироқ гўдакни катта умидлар билан улғайтирган фарғона-

ликлар уни ўзларига хон кўтармоқчи эканликларини айтиб, унга ўтинч мактуби йўллаганликлари, мударбир султон эса истиқболни ўйлаб бу ишга розилик берганлиги ва бошқалар хусусида мантқиқли мулоҳазалар баён этилган.

Шуниси ҳам борки, бу муаррихлардан аллақанча илгари ўтган Амир Умархон ўз девони «Дебоча»сида: «... вужудим гулбуни Темур Кўрагон гулистони шажарасининг самарасидур,.. хилқатим ниҳоликим, Бобур Султон чаманининг навбодасидур» дейиш билан Олтин Бешик воқеаси тарихий ҳақиқат эканини яна бир бор келажак учун нақшлаб қолдирган эди.

Ана шуларнинг ҳаммасига қарамай, айрим муаррихларимиз ҳатто мустақиллик даврида эълон қилинган тадқиқотларида ҳам «Бобурнома»да Олтин Бешик ҳақида маълумот йўқлигини ва Бобурга замондош тарихчилар бу ҳақда индамай ўтганлигини пеш қилиб, Олтин Бешикхон воқеасига ишонмасликлари кишини ўйлатади. Шунинг учун ўйлатадики, биринчидан, Бобур ўз фарзандини эл-юртдан яширин ҳолда ташлаб кетгач, Фарғонага яна тўқсон йилдан ортиқ давр мобайнида унинг ёвуз душмани Шайбонийхон ва авлодлари ҳукмронлик қилгандилар. Мабодо Бобур Олтин Бешикхон воқеасини тезда қўлма-қўл бўлиб кетган ўз асарига киритса ёки замондош тарихчиларга маълум қилсаю, бу гап уларнинг асарларига кирса, ундан хабар топган шайбонийлар Бобур фарзандининг юз жонидан биттасини ҳам соғ қўймаслиги оддий ҳақиқат эмасми?!

Бундан ташқари, Кўқон хонлиги тугатилгач, орадан ўн йил ҳам ўтмай «Кўқон хонлиги қисқача тарихи»ни чоп эттирган В. Наливкин Бобур одил ҳукмдор, сеҳрли қалам соҳиби сифатида ўзга юртларда зўр нашъу намо топганига қарамай, у билан тож-тахт талашган ҳукмфармо мухолифлари она юрти кишилари қалбидан Бобур номини ва асарларини кўп замонларга ўчириб ташлашга муваффақ бўлганликларини исботлайдиган далиллар келтиради. «Бу ўринда ўқувчига шуни маълум қилмоқчиманки, — дейди у, — Европа шарқшунослари орасида ғоят кенг шуҳрат топган «Бобурнома» ерли аҳолига сира ҳам маълум эмас экан. Мен бу китобни ўзимга таниш маҳаллий кишиларнинг энг билимдонларига кўрсатиб, улар китобнинг мазмунини билиши у ёқда турсин, ҳатто шундай асар борлигини ҳеч қачон эшитмаганларига гувоҳ бўлдим. Бу шубҳасиз мумтоз асарнинг муаллифига келсак, уни бу ерда жуда ҳам ёмонотлиқ қилишган экан» (48-бет).

Шундай қилиб, бир томондан, Олтин Бешик воқеаси ҳақида ёзиш, ёки ундан замондош муаррихларни воқиф этиш Бобур томонидан она юртига ташлаб кетилган гўдак фарзандни ҳалокатга олиб келиши муқаррарлигини, ик-

кинчи томондан эса, Бобур ватанжудолигининг дастлабки кунлариданоқ унинг номини халқ ёдидан буткул ўчириш учун не-не нопок тadbирлар амалга оширилганини ҳисобга олсак, айрим муаррихларимизнинг юқоридаги даъволари жилла ҳам ўринли эмаслиги маълум бўлади.

Лекин Мовароуннаҳрда, жумладан, Қўқон хонлиги худудларида шайбонийлар ҳукмронлиги тугагач, айниқса, Қўқон хонлиги ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти ташкил этилгач, яратилган тарих асарларида Қўқон хонларининг насабномаларини битиш ишига қаттиқ киришилганининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, Ниёзмухаммад ибн Авазмухаммаднинг «Тарихи Шоҳруҳия», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансобуссалотин ва таворихул хавоқин», Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Фозилбек Отабек ўғлининг «Мукаммали тарихи Фарғона», В. Наливкиннинг XIX аср 80-йиллари ўрталарида Қозонда чоп этилган «Қўқон хонлиги қисқача тарихи» («Краткая история Коканского ханства») китобларида, Мулла Шамсиддин Шавқийнинг «Шоҳнома» достонида, биз тadbқиқ этаётган Саид Исломбекнинг падари бузруквори Муҳаммад Аминбек Худоёрхон ўғлининг «Туркистон вилоятининг газети»да 1894 йил сонларида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган «Фарғона вилояти хонларининг хусусидаги воқеотлар» номли асарида ва бошқа кўпгина манбаларда Олтин Бешик воқеасига муносиб ўрин ажратилган ва у ҳукмдорларнинг шахсий манфаатларини кўзлаб тўқиб чиқарилган уйдирма эмас, балки тарихий ҳақиқат эканлиги исботлаб берилган. Уларнинг тadbқиқотларини бир жойга жамлаб, Қўқон хонлари насабномаси тузиладиган бўлса, уларнинг беистисно ҳаммаси, жумладан, сўнгги хон Саид Муҳаммад Худоёрхон ва унинг авлодлари ҳам Бобур Султонга, у орқали эса соҳибқирон Амир Темурга бориб боғланишига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Фикримизнинг исботи учун юқорида зикр этилган таворихномалар асосида бир рўйхат келтирмакчимиз. Бу рўйхатга кўра:

1. Амир Темур Кўрагон,
2. Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳ,
3. Мирзо Мироншоҳнинг ўғли Султон Маҳмуд,
4. Султон Маҳмуд ўғли Султон Абусаидхон,
5. Султон Абусаидхон ўғли Мирзо Умаршайх,
6. Мирзо Умаршайх ўғли Султон Бобур, хотини эса Сайд-офок бегим,
7. Султон Бобур ўғли Олтун Бешикхон,
8. Олтун Бешикхон ўғли Султон Эликхон,
9. Султон Эликхон ўғли Султон Худоёр,
10. Султон Худоёр ўғли Муҳаммад Аминхон,

11. Муҳаммад Аминхон ўғли Абулқосим,
12. Абулқосим ўғли Асилзода,
13. Асилзода ўғли Шаҳмастбий,
14. Шаҳмастбий ўғли Шоҳруҳхон,
15. Шоҳруҳхон ўғли Рустамбий,
16. Рустамбий ўғли Ҳожибий,
17. Ҳожибий ўғли Ашурбий,
18. Ашурбий ўғли Шоҳруҳбийи соний,
19. Шоҳруҳбийи соний ўғли Абдулкаримхон,
20. Абдулкаримхон ўғли Абдурахмонхон,
21. Абдурахмонхон ўғли Ҳожибек,
22. Ҳожибек ўғли Шералихон,
23. Шералихон ўғли Худоёрхон,
24. Худоёрхон ўғли Муҳаммад Аминбек,
25. Муҳаммад Аминбек ўғли Саид Исломбек.

Шу тариқа Кўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Саид Муҳаммад Худоёрхон соҳибқирон Амир Темурнинг йигирма учинчи авлоди, хоннинг иккинчи ўғли Саид Муҳаммад Аминбек йигирма тўртинчи ҳамда Муҳаммад Аминбекнинг тўртинчи ўғли Саид Исломбек соҳибқироннинг йигирма бешинчи авлоди бўлиб чиқади. Бинобарин, улкан француз муаррихи Люсьен Керен ўзининг соҳибқирондан ташқари унинг авлодлари Улуғбек, Бобур ва бошқалар хусусида одилона, чуқур илмий мулоҳазалар битилган «Амир Темур салтанати» китобини «Амир Темур авлодидан шаҳзода Исломбек Худоёрхонга... багишланади» деб бошлаганлиги тўла-тўқис асосли деб ҳисоблаш мумкин.

Энди бевосита Саид Исломбекнинг ўзига келсак, унинг Франциядаги фаолияти борасида даврий ва нодаврий матбуотда фикр билдирган тадқиқотчилар, биринчидан, бобоси Саид Муҳаммад Худоёрхон шажарасини четлаб ўтиб, уни мавҳум тарзда соҳибқирон авлоди деб ҳисоблайдилар ва қандайдир чалкашликлар туфайли унинг туғилган жойини ҳам, чет элга жўнаб кетган шаҳрини ҳам Самарқанд деб кўрсатадилар. Бу фикр бошқа бирор кишидан эмас, балки Саид Исломбек билан кўп йиллар мобайнида қалин дўст бўлган, ундан ўзининг ёзилажақ асарлари учун маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа манбалар олган Люсьен Керен томонидан айтилган бўлиб, бу таниқли француз олими билан ҳамсуҳбат бўлган ўзбекистонлик тадқиқотчилар эса унинг фикрига асосланишган. Чунончи, Люсьен Керен ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан бири билан суҳбат чоғида: «у (яъни Саид Исломбек — Ш. Ю.) Самарқандда туғилган ва большевиклар таъқибидан қочиб кетишга мажбур бўлган», деб айтганлиги маълум. Люсьен Керен билан Парижда суҳбатлашган бошқа бир археолог олимимиз ҳам газета мухбирига берган интервьюсида: «Темурийларнинг

сўнги авлодларидан бири Самарқандда туғилган Ислombeк Худоёрхондир. У тақдир тақозоси билан Парижда яшаб, шу ерда вафот этган», — дейди. Олим матбуотда эълон қилинган бошқа бир мақоласида Саид Ислombeк Афғонистонга Самарқанд шаҳридан хуфия тарзда жўнаб кетган деган фикрни ҳам билдиради. Шу муносабат билан, бизнингча, Саид Ислombeк ҳақидаги энг ишончли манбаларга, яъни унинг Мунавварахон, Муқаддамхон исмли сингилларига ўтган асрнинг 60—70-йилларида ёзилган ва ҳозирда жиянлари Музаффарбек Ҳайдаров ҳамда Темурбек Худоёрхоновларда сақланаётган дастхат мактубларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Синглиси Мунаввара Худоёрхоновага 1976 йил 20 декабрда Швейцариядан юборган мактубида у, жумладан, бундай ёзади: «1920 йил мартада Тошкентдан Москвага жўнаган вақтимда сен ва Муқаддамхон неча ёшда бўлганликларингни эслай олмайман. Жуда ёш гўдак бўлганмидинглар ёки ҳали туғилмаган эдингларми? Сенинг хотиранг яхши. Шуларни менга ёзиб юборгин. 1921 йилнинг 2 мартада Москвадан Европа мамлакатларида элчихоналар очиш учун Афғонистон делегацияси билан чет элга жўнаб кетишга виза (рухсатнома) олдим. Ман энди ўлгунча (!) шу томондаман».

Кенжа синглиси Муқаддамхонга ёзган, 1973 йил 26 декабр санаси қўйилган бир мактубида Саид Ислombeк бу масалага оид бошқа тафсилотларни ҳам маълум қилган экан. «Афғонистон ҳукумати Париждаги элчихонасидаги кўп йиллик хизматларим учун менга нафақа тўлаб туради. Мен (Парижга) Москвадан келганман, Москвада ҳам Афғонистон элчихонасида хизматда эдим. У ердан Парижга келдим, бу ерда Афғонистон тарихида илк бор афғон элчихонаси барпо қилдик (1922 йил 20 октябрида). 1922 йилдан то 1960 йилгача ҳақиқий хизматдаги маслаҳатчи эдим, 1960 йилдан ҳозиргача эса нафақадаги фахрий маслаҳатчи лавозимидаман».

Саид Ислombeк бошқа мактубларида ҳам ўзининг Афғонистон дипломати сифатидаги фаолиятининг янги қирралари ҳақида сўзлайди. 1972 йилда унинг ярим асрдан зиёд ҳаёт аччиқ-чучукларини биргаликда тотган рафиқаси Александра Худоёрхон вафот этади ва Саид Ислombeк уни ўзи катта маблағ ҳисобига сотиб олган жой Париждаги Пер Ла Шез қабристонига дафн эттиради. Биринчидан, қариллик (бу вақтда у 84 ёшда эди); иккинчидан, ёлғизлик (уларнинг фарзанди йўқ эди), учинчидан, ярим асрдан ортиқ давом этган ватанжудолик Саид Ислombeкни тез орада енгиб қўяди. Энди у синглиси Мунавварахонга: «Ҳа, Парижни ташлаб кетишга қарор қилдим, чунки қадрдон рафиқам вафотидан кейин катта квартирани сақлаб туришга

куватим ҳам етмайди, унинг менга кераги ҳам йўқ», — деган гапларни ёзганидан сўнг (бу мактубга сана қўйилмаган) яна бир санаси номаълум мактубида Швейцарияга бориб, Монтре шаҳри яқинидаги қариялар учун ҳар тарафлама имкониятлар яратилган Вальмонт деб аталувчи клиникада яшаяжagini маълум қилади. Шу муносабат билан: «Швейцарияга боргач, сенга батафсил ёзаман. Ўз ҳаётимда кўплаб мамлакатларни айланиб чиқдим. Швейцарияда ёшлигида менга шогирд бўлган афғон дўстларим кўп, шунингдек, Швейцариянинг ўзида ҳам кўп дўстларим бор», — дегач, Саид Исломбек ўз дипломатик фаолиятининг чўққиси бўлган бир нуқтага эътиборни қаратади. «Сўнгги улуғ уруш даврида мен Берн (Швейцариянинг пойтахти) да Афғонистоннинг вакили бўлганман», дейди у.

Саид Исломбекнинг Париждаги ва ундан олдинги фаолияти хусусида шахзодани шахсан кўрган ва таниган замондошлари бир қанча қизиқарли маълумотларни келажак насллар учун нақшлаб қолдирганлар. Масалан, машҳур ўзбек маърифатпарвар жадиди Абдулла Авлоний 1919 йилда Афғонистонга қилган сайёҳати чоғида ўша вақтдаги Афғон подшоҳи Омонуллохон билан Кобул атрофидаги Боғи Фармонда 11 сентябр куни бўлиб ўтган учрашувлари хусусида ёзаркан: «Бизлардан сўнг Фарғонадан келмиш кишилар-да бор эди — суҳбат онлар ила бўлди. Бу Фарғонадан келанлар уч кишидан иборат эди. Бошлиқлари марҳум Худоёрхоннинг набираси эди. Булар ила бирга келмиш, 36 йилдан бери Кобули ватан эдан Худоёрхон уруғидин Акрамхон тўра ҳамда Акрамхоннинг кичик биродаарида бор эди. Бунларнинг амир ила суҳбатлари то асрғача чўзулди. Биз бу миёнада гулзорлар атрофинда кезиб юрдик. Аср вақтинда мажлислари тамом бўлди, ҳаммамиз бирга ўтуруб чой ичуб, манзилимизга авдат этдик (қайтдик демоқчи — Ш. Ю.). Фарғонадан келанларнинг ким тарафиндан келуви бизга маълум ўлмаса-да, буюк бир ваколат ила келдиқларин сездик. Албатта, бунлар Фарғонада ҳукуматга қарши қиём (қўзғолон) қилмиш кишилар тарафиндан келганликларига жазо ҳосил қилдук» (А. Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик, 2-жилд, Тошкент, «Маънавият», 1998, 277-бет).

Она юртимиз мустақиллиги учун фидойи курашчининг бу қайдларида кишини ўйлатадиган нозик жиҳатлар, ўша давр қалам соҳибларида кўп учрайдиган алоҳида бир тағмат эътиборни жалб этади. Октябр тўнтаришининг дастлабки вақтларида у Туркистон халқига наф келтиради деган хаёлга борган, Москвадаги ҳукмфармоларнинг ваъдаларига ишонган Авлоний тез орада бу хаёллар сароб эка-

нини англаб етган, бу оғир алданиш изтиробларини худди шу: «Афғон саёҳати»даёқ қайта-қайта рақам қилишдан чарчамаган эди.

Маълумки, Афғонистон сафарига Авлоний Туркистондаги шўро ҳукумати делегацияси таркибида борган. Шундай бўлса-да, шўро ҳукуматининг вакили сифатида у «Фарғонада ҳукуматга қаршу қиём қилмиш кишилар тарафидан келган» Саид Ислombек ва ҳамроҳлари ҳақида заррача бўлса ҳам душманлик руҳида ёки уларни менсимаган ҳолда мулоҳаза юритмайди. Аксинча, вақти пешиндан то асргача Афғонистон амири билан ғоят муҳим масалалар юзасидан ўта махфий суҳбатлашган фарғоналик вакиллар «буюк бир ваколат ила» келганликларини сезгач, кўнглида қониқиш пайдо бўлгандек бир алфозда қалам тебратади. Бу қайдлар Авлоний Туркистондаги шўро идораларида хизмат қилган бир ярим йил чамаси давр ичида бу ҳукумат фаолиятидан ихлоси қайтиб, сиёсий қарашларида ғайримустамлакачилик ғоялари яна ҳам кучайганидан далолатдир, десак янглишмаймиз.

Туркистон мустақиллиги учун кураш ишига бутун умрини бахшида этган Аҳмад Закий Валидий ҳам ўзининг 1923 йилда Парижда ўтказган кунлари борасида ёзаркан, Саид Ислombек қиёфаси ва фаолиятини кўз олдимизда гавдалантиришга хизмат этадиган қизиқарли фикрларни рақам қилади: «Фарғонанинг сўнгги ҳукмдори Худоёрхоннинг набираси Ислombек Худоёрхонов элчихонада котиб бўлиб ишлар экан. Отаси — Муҳаммад Аминбек билан яхши таниш эдим, 1913 йили Тошкентда уйларида меҳмон бўлганимни биларкан: «Сени кўрибоқ отамни кўргандай бўлдим», дея хурматимни жойига кўйди. Халқлар жамиятига мурожаат қилиб, ватансиз паспорт тўғрилашда, Германияга виза олишда ва бошқа ишларда ёрдам берди. «Афғонистон сизнинг ватанингиз эмасми, ахир? Нега ватансиз деган гувоҳнома оласиз, бизнинг паспортни берайин», — деди элчи. «Улар иложини топиб ҳеч бир давлатга боғланмай, ватансиз деган паспорт олишса, Туркистон номидан сиёсий ишлар олиб боришга фойдаси тегажак», — дейди Ислombек. Унинг ўзи ҳам Туркистон сиёсий ишларида катта мақсад билан иштирок этарди, элчиликда расмий вазифани бажариши очикдан-очик ишлашига имкон бермасди» (Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Тошкент, «Адолат», 1997, 246-бет).

А. З. Валидий қайдларидан маълум бўлишича, Саид Ислombек Европанинг турли мамлакатларида яшаб, Туркистон мустақиллиги учун курашган кишиларга кўлидан келган барча ёрдамни беришдан ташқари, ўзи ҳам Афғонистон элчихонасида расмий лавозимда экани халал бе-

ришига қарамай, турли йўллар билан «Туркистон сиёсий ишларида катта мақсад билан иштирок этган».

Муаллифнинг кейинги қайдларига қараганда, Саид Исломбек Европа мамлакатларида муҳожирликда яшаган Туркистон мустақиллиги учун курашчиларнинг бошларини қовуштиришга, улар фаолиятини кучайтиришга ҳам ўз хиссасини қўшган. Масалан, Париж четдаги Ногент сур Манте деган жойда истиқомат қилиб турган Мустафо Чўқай билан илгари яқин муносабатда бўлмаганига қарамай, Саид Исломбек Закий Валидий Парижга бориши биланоқ уни «Туркистон мухторияти»нинг етакчиларидан бўлмиш бу йирик арбоб билан учрашувини ташкил этади, уларнинг ўз фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда иш юритишларига қўмаклашади.

Хулласи, Туркистон мустақиллиги учун фидойи курашчилар бўлмиш А. Авлоний ҳамда З. Валидийнинг хотиралари Саид Исломбек фаолиятининг ҳозиргача бизга қоронғу бўлиб келган бир неча жиҳатларини ёритишга хизмат қилади.

Шу муносабат билан Саид Исломбек чет элга дипломатия хизматига юборилишдан олдин Афғонистон фуқаролигига ўтган бўлса керак, деган фикр туғилади. Чунки Афғонистон подшоҳи Омонulloҳон ва ундан кейинги ҳукмдорлар Саид Исломбек шахсини ҳар қанча ҳурмат қилмасинлар, ўзга юрт фуқаросини Швейцариядек мамлакатга Афғонистоннинг ишончли вакили сифатида тайинлаб, ўз мамлакатлари номидан олиб бориладиган ғоят масъулиятли ишлар жilовини унинг қўлига тутқазиб қўйишлари кишини жilлла ҳам ишонтирмайдиган гап.

Шуниси ҳам борки, Саид Исломбек ўзининг Афғонистон дипломати сифатидаги фаолияти афғон ҳукумати томонидан юксак қадрлангани ҳақида ўз мактубларида қайта-қайта ёзган, унинг 1932 йилдаёқ Париждаги элчихона ходими кийимида тушган суратидаги турли мамлакатлар орденларини кўриб ҳам унинг ёзганларига тўла ишониш мумкин. «Мен Афғонистон билан Франция маданий алоқаларини яқинлаштиришда катта муваффақият билан хизмат қилдим. Кўп йиллик хизматларим учун Афғонистон мени ўзининг энг юқори ордени билан мукофотлаган, шунингдек, Франция ҳам юксак ордени билан тақдирлаган», — дея маълум қилади у.

Кейинги топилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, Саид Исломбек мактубида айтилган «Афғонистоннинг энг юқори ордени» бу мамлакат мустақиллигига эришгач, 1920 йил саратонида подшоҳ Омонulloҳон фармони билан таъсис этилган «Вафо нишони» бўлиб, биринчи марта у Омонulloҳоннинг ўзига, кўп ўтмай Саид

Исломбекка муносиб кўрилган экан. Мактубда маълум қилинган Франциянинг юксак ордени эса «Фахрий легион» аталиб, дипломатия илмининг нодир билимдони унга 1932 йилдан илгарийёқ мушарраф бўлган ва бу орден соҳибларига мамлакатда ҳам, мамлакатдан ташқарида ҳам алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, таъзим бажо этилар экан, бу икки буюк мукофотни Саид Исломбек йўллаган суратга қараб осонгина белгилаб олиш мумкин.

1969 йил 28 мартда сингlisi Муқаддамхонга йўллаган бошқа бир мактубида Саид Исломбек ўз даврининг етук сиёсатдони, мустамлака сиёсатининг шафқатсиз душмани эканини, ҳар қандай қудратли мамлакатнинг бошқа бир мамлакатга нисбатан зўравонлик ўтқазishiга тоқат қила олмаслигини кўрсатувчи етук шахс эканини кўрсатувчи ўта аҳамиятли фикрларни баён этади: «1921 йилгача, — дейди у, — Афғонистон чет давлатлар билан ҳеч қандай ташқи муносабатлар ўрната олмаган эди. Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Англия Афғонистоннинг чет давлатлар билан фақат Англия воситачилигида алоқалар ўрнатилишини талаб қилган эдики, бу ҳол мамлакат мустақиллиги ва эркинлигига зид эди. Афғонистон кулолли кураш ва муҳорабалардан кейингина Англия унинг мустақиллигини ва биринчи бор Россия билан дўстлик ва дипломатик муносабатлар хусусида битим тузишни тан олишга мажбур этди». Шу мактуб давомида Саид Исломбек ўз ҳаётида рўй берган жиддий бир воқеа ҳақида ҳам хабар беради: «1921 йилнинг 3 мартида мен Россия билан дипломатик алоқалар ўрнатиш учун Афғонистондан дипломатик миссия билан Москвага келдим ва шу ерда Кремлда В. И. Ленин билан учрашдим».

Шу ахборот муносабати билан бирин-кетин саволлар туғилиши табиий. Аввало, Саид Исломбек 1921 йилнинг 3 мартида Кобулдан Москвага келган бўлса, у Афғонистоннинг ўзига қачон борган? Юқорироқда биз ёдга олган 1976 йил 20 декабрида сингlisi Мунавварахонга йўллаган мактубида Саид Исломбек 1920 йил 10 мартида Тошкентдан Москвага жўнаганини айтади. Француз олими Люсьен Керен эса, большевиклар таъқибидан қочиб кетган Саид Исломбекни Афғонистон подшоси қабул қилиб, Франция ва Швейцарияга ишончли вакил қилиб тайинлагани ҳақида гапиради («Амир Темур ва Франция» китоби, 69-бет). Маълумки, бу вақтда Афғонистон подшоси Омонуллохон бўлиб, у тахтга чиқиши биланоқ 1919 йил 21 февралда мамлакат мустақиллигини эълон қилган, ўша йилиёқ Россия билан дипломатик алоқалар ўрнатилишига эришган эди. 1921 йил 3 мартида Саид Исломбек Кобулдан Москвага дипломатик миссия билан келади ва ўша

кунларда дастлабки Россия-Афғонистон битими имзоланади. Бинобарин, 1920 йил мартида Москвага жўнаган Саид Исломбек илгарироқ Афғонистонга боради, Омонulloхоннинг катта ишончини қозонади ва илк бор Россия-Афғонистон битими тузилишида муҳим рол ўйнайди. Хўш, Россия билан битим тузишга миссия билан келган бу одам сўнги Қўқон хонининг невараси эканини Ленин билмасмиди? Бунга ишониш қийин. Негаки, бутун бошли Афғонистондан Россия билан битим тузиш учун дипломатик миссия билан келган Саид Исломбек, унинг аждодлари, барҳаёт ота-онаси, ака-ука, опа-сингиллари хусусида Ф. Держинский бошлиқ ГПУ барча маълумотларни Ленинга топширмаганлигига ақл бовар қилмайди.

Шундай экан, 1897 йил 3 декабрида Россия императорининг фармони билан «потомственный дворянин мансабига мустаҳиқ қилинган» («Туркистон вилоятининг газети», 1898 йил, 21 январ, 3-сон), XX аср бошларидан то феврал инқилоби арафаларигача Туркистон генерал-губернатори девонида таржимон лавозимида, шўролар даврида эса Туркистон Революцион Ҳарбий Советида ишлаган Муҳаммад Аминек Худоёрхоновнинг тўртинчи ўғли бўлмиш Саид Исломбекни сиёсий душман сифатида дарҳол ҳибсга олиши, кейинчалик унинг беистисно барча биродарларини жисмоний маҳв этгандек маҳв этиши мумкин эди-ку! Октябр йўлбошчиси бунинг аксини қилади, яъни уни она шаҳри Тошкентга келиб, ота-она ва қариндош-уруғлари билан хайрлашиб, Тошкентда қолиб кетган рафиқаси Александра Худоёрхонни ўзи билан бирга олиб Афғонистон дипломатик миссияси билан Европа давлатларига чиқиб кетиши учун тўла имконият яратиб беради.

Бу ҳайратомуз воқеанинг сабаблари хусусида биз 70—80-йилларда Афғонистон Республикаси адлия вазири лавозимида ишлаган, ҳозирда Тошкент Ислон университети ҳуқуқшунослик кафедраси мудири А. Жузжоний домланинг фикрларини сўрадик. Домла саволимизга қуйидагича жавоб берди: «Афғонистон подшоси томонидан ҳар икки мамлакат учун ниҳоятда муҳим бўлган битим тузиш учун дипломатик миссия билан юборилган масъул шахсни ҳибсга олдириш у ёқда турсин, ақалли унга ишончсизлик билдириш ҳам ўша қалтис шароитда Россия-Афғонистон битими тузилишини барбод этиши жуда ҳам мумкин эди». Ундан ташқари, бизнингча, Кобулдан Москвага йўл олгунча бўлган муддат ичида Саид Исломбек подшоҳнинг илтифоти билан Афғонистон фуқаролигини қабул қилган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмаски, у ҳолда ўзга мамлакат фуқаросини хоннинг невараси ёки дворяннинг ўғли бўлгани учунгина ҳибсга олиш халқаро ҳуқуқ нормаларига бутун-

лай зид келган ва Россиянинг чет эллардаги обрўсига қаттиқ путур етказган бўлур эди. Қолаверса, Лениннинг ўзи инқилоб манфаатлари йўлида ҳатто шайтон билан ҳам иттифоқликда иш кўришга тайёр эканлигини қайта-қайта таъкидлаган эдики, Саид Исломбек Европа мамлакатларида Афғонистон дипломати сифатида ишласа, отаси, ака-укалари бир вақтлар хизмат қилган Россияга манфаат етказиши мумкин деб ўйлаган бўлса ҳам ажаб эмас. Лениннинг йўл қўйиб бериши билан Европа мамлакатларида Афғонистон дипломати сифатида фаолият кўрсатиш учун 1921 йил 10 мартда Тошкентдан жўнаган Саид Исломбек бутун Туркистонни, жумладан, бобоси ҳукмронлик қилган Қўқон хонлигини босиб олган чор Россиясининг мустамлака сиёсати шўролар даврида яна ҳам машъумроқ тарзда давом этаётганини яхши англамаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам 50 йилдан ортиқ муддат ичида чет элларда дипломатик фаолият билан шуғулланишига тўғри келган бу хонзода Европадаги турли мамлакатлар билан Афғонистон ўртасида дўстона ва маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшгани ҳолда Москва хоҳлаган йўлдан бормайди. Буни шундан ҳам билса бўладики, у чет элга кетгач, орадан бир йил ўтмай отаси ўз ажали билан ўлиб, қатағондан қутулиб кетади, сўнгра «Туркистон вилоятининг газети»да кўп йиллар қизғин фаолият кўрсатган, феврал инқилоби арафаларидан бошлаб генерал-губернаторликда Муҳаммад Аминбек ўрнига таржимон бўлиб ишлаган амакиси Ибн Яминбек Худоёрхонов, 1929 йилга келиб, Туркистон жадидларининг сараларидан бўлган амакиси Фансуруллобек Худоёрхонов, 1937—38-йилларда эса биринчи жаҳон урушида рус-герман frontiда беш жанговар орден олиб номи элга ёйилган офицер акаси Темурбек, чор Россиясининг, кейинчалик эса Фрунзе бошлиқ армиянинг шуҳрат топган командири, 1920 йиллар бошидаёқ дивизия кўмондони бўлган Азаматбек ва бошқа биродарлари қатағон қилиниб, жисмонан маҳв этилди. Ҳатто унинг тўрт девор орасидан нари чиқмаган тўнғич синглиси Саодат Аминовага НКВД 1-махсус бўлимидан 1940 йил 29 мартда берилган 2338-сонли справкада у 1892 йилда туғилгани паспорт серияси ЮВ, номери 197735 эканлиги, 1938 йил 12 июлдан 1940 йил 29 мартгача қамоқда сақлангани ва иш тўхтатилгани муносабати билан бўшатишганлиги айтилади. Опаси қамоқдан чиқиб келгач, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, 1940 йилнинг ўзидаёқ эндигина Педагогика институти тил ва адабиёт факультетини тугатган Мунаввара Худоёрхонова Тошкентдан Наманганга сургун қилинади. Шаддодгина аёл бўлгани учунми, ҳар қалай, у тўрт яшар ўғли Музаффархон билан кўчада қолиб кетмайди, мактабдаги энг қора ишларда хизмат қилиб, уруш

охирларидагина она шахрига қайтиб келиб яшаш ва ишлашга муваффақ бўлади. Унинг бошқа биродарларию қариндош-уруғларининг ҳам қисмати шундай фожиали бўлган эди.

Чет элларда дипломатик фаолият билан қизгин шуғулланаётган Саид Ислombек она юртидаги бу фожиалардан турли каналлар орқали хабар топади ва очикда қолган баъзи биродарлари ва қариндош-уруғлари билан барча алоқаларни, жумладан, ёзишмаларни ҳам бутунлай тўхтатади. Орадан қирқ йил чамаси вақт ўтиб, собиқ иттифоқда бўлар-бўлмасга фуқаролар қатагон қилинавермайдиган вазият вужудга келгач, ўшанда ҳам Сталин вафотидан бир неча йил кейин 1957 йилдан бошлаб Тошкентда қолган биродарлари орасида барҳаёт бўлган Мунавварахон ва Муқаддамхонлар билан хат алоқаларини йўлга қўяди. Сингилларига келган дастлабки мактубларига айнан 1957 йил санаси қўйилганлиги шундан далолат беради.

Бу вақтда Саид Ислombек ҳали Парижда яшар ва у ердаги Афғонистон элчихонасининг масъул ходими сифатида фаолият кўрсатар эди. 1972 йилга келиб рафиқаси 80 ёшда вафот этганида Саид Ислombек 84 ёшни уриб қўйган эди. Чамаси шу пайтлардан бошлаб у она юртига қайтишни орзу қилади ва собиқ иттифоқдаги, жумладан, Ўзбекистондаги ҳақиқий сиёсий вазият қандайлигидан воқиф бўлиш мақсадида сингилси Мунавварахон билан бир неча бор телефон орқали сўзлашади. Тошкентдаги йирик ўрта мактаблардан бирининг директори лавозимида ишлаётган таниқли халқ таълими ходимаси, шу важдан бутун фаолияти хавфсизлик органлари назорати остида бўлган сингилси акасига бу ердаги ҳақиқий аҳвол ҳақида халқаро телефон орқали хабар беришга ожиз эканидан қаттиқ изтиробга тушади. Мунавварахон йилларча ўйлай-ўйлай йўл топади: Москвада Фанлар академияси институтларидан бирининг аспирантурасида таълим олаётган ўғли Музаффархон ҳузурига йўл олиб, ўша ердаги халқаро телефон станцияларидан бирига бориб, акасининг Париждаги 870—01—47 рақамли телефонига чақириб, у билан ярим соат чамаси йиғлай-йиғлай сўзлашиб, ҳақиқий аҳволни тушунтиради. Шўро тузуми шароитини яхши билган Саид Ислombек шундан сўнг бир ой чамаси ўтиб, 1975 йил 12 ноябрида сингилсига мактуб йўлларкан: «Мактубингдан билдимки, 31 октябрғача Москвада ўғлингнинг ёнида бўлибсан. Энди уйингга қайтгандирсан», дейдию, аммо у билан худди ўша октябр ойида Москвадаги халқаро телефон орқали сўзлашгани ҳақида лом-мим демайди. Орадан бир йилдан зиёдроқ вақт ўтгач, 1976 йил 20 декабрда йўллаган мактубида ҳам: «Қимматли Музаффарбекнинг турмуши қалай? Уқишини тугатдимми ва тугатган бўлса қандай иш билан

шуғулланмоқда?» деб сўрайди-ю, ammo Москвадаги халқаро телефон орқали суҳбатни умуман эслатмайди. Ваҳоланки, ўшанда у Музаффарбек билан ҳам телефон орқали сўзлашган эди. Шундан сўнг синглисига ёзган мактубларида юртига боришни сўраб Москвага бир неча мактуб йўллагани, барча мактубларига рад жавоби олгани хусусида ички бир изтироб билан ёзади.

55 йил умрини қўшни Афғонистоннинг бошқа мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқаларни ўрнатиш ва мустақамлашга бағишлаган, бу хизматлари учун бир неча хорижий давлатларнинг юксак орденлари билан тақдирланган 88 ёшли Саид Исломбекнинг она юрти тупроқларини ўпиб, шу тупроқ бағридан сўнгги макон топишдек энг муқаддас орзуси шўролар тузуми томонидан шундай шафқатсизлик билан барбод этилганди. Шундан сўнг нима қилиш керак? Саид Исломбек бутун шу давр ичида садоқат билан хизмат қилган Афғонистонда уни чет элга хизматга юборган подшоҳ ҳукумати уч йилгина аввал ағдарилиб, у республика дея эълон қилинган, подшоҳ ўрнида энди подшоҳнинг яқин қариндоши Муҳаммад Довуд ўзи тузган янги партия Марказий қўмитаси қарори билан ҳам президент, ҳам бош вазир, ҳам мудофаа, ҳам ташқи ишлар вазири лавозимларини эгаллаб турар эди. Шу важдан ҳам, чамаси, Саид Исломбек Афғонистонга борадиган йўл ҳам узил-кесил беркитилган эди. 1979 йилда совет қўшинлари киритилиб, бутун мамлакат остин-устун қилиб юборилганлиги бу вақтга келиб 91 ёшга кирган собиқ дипломатнинг охириг умидларига ҳам узил-кесил чек қўяди.

Шу ўринда Саид Исломбек Мунавварахонга юборган санаси ноаниқ бир мактубида келтирилган маълумот ҳақида ҳам мулоҳаза юритиш лозим деб ўйлаймиз. Бу мактуб бизнингча 70-йиллар бошида битилган. Мактуб муаллифи: «Ҳозирги Афғонистон президенти ўн ёшда экани чоғида мен унга таълим берганман», деб ёзади. Муаллиф Афғонистон президенти деганда кимни назарда тутаётгани жилла ҳам аниқ эмас. Негаки, мабодо Муҳаммад Довуд назарда тутилаётган бўлса, у 1908 йилда туғилган бўлиб, ўн яшар чоғида Саид Исломбекда на Афғонистонда, на Францияда таълим олгани мантиққа тўғри келмайди. Афғонистоннинг бўлажак подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ эса, 10 ёшидан 16 ёшига қадар, худди Саид Исломбек Афғонистоннинг Франциядаги элчихонасида хизматга борган 1924—30 йилларда Парижнинг Жаксонде Сайли, Пастер лицейларида ва Де-Монпелье коллежида таълим олганлиги манбалардан маълум.

Тўғри, Муҳаммад Довуд ҳам Парижда таълим олган, ammo у вақтда бўлажак президент ўн ёшда бўлмаган. Шу-

ниси ҳам борки, Муҳаммад Довуд 1947 йилдан Афғонистоннинг Франциядаги элчиси лавозимида ишлаган бўлиб, бу вақтда Саид Исломбек элчихонада у билан бирга ишлаган. Мабодо ўз мактубида айтган Афғонистоннинг бўлажак ҳукмдори Муҳаммад Довуд бўлса, бизнингча, Саид Исломбек ўн яшар вақтида унга таълим берганини айтиш билангина кифояланмай, кейинчалик Париждаги Афғонистон элчихонасида Муҳаммад Довуд билан бирга ишлаганини ҳам айтишини мантиқ тақозо этарди.

Ҳар қалай, мактубдаги бу қизиқарли маълумотга оид айрим ноаниқликлар ҳақида ўйлаганда, мактуб битилган даврда Саид Исломбек ниҳоятда қариб, хотираси заифлашиб қолганини ҳам, масъул лавозимдаги синглисига подшоҳни ўқитгани борасида ёзиши шўро тузуми шароитида гоят қалтис иш эканини ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Зотан унинг ўзи сингиллари Мунавварахон ва Муқаддамхонларга ўша вақтларда ёзган мактубларида, худди шу сабабли, машинкада ёзса, хатолар ўтиб кетиши, қўлда ёзса, бармоқлари титраб, ҳарфлар бир-бири устига мингашиб, баъзан таниб бўлмайдиган ҳолга келиши, жумлалар ниҳоясига етмай, чала қолиб кетиши каби кўнгилсиз воқеалар тез-тез учраб туришини эслатиб улардан узр сўраганига дуч келамиз. Хулласи, Саид Исломбек ўзи таълим берган Афғонистон ҳукмдори ҳақида ёзар экан, кимни назарда тутганлиги, унинг ҳали ўрганилмаган мактубларидан ёки бошқа манбалардан чиқиб қолса ажаб эмас.

Она юртига ҳам, 55 йил хизмат қилган Афғонистонга ҳам қайтиш йўллари узил-кесил бекилгач, Саид Исломбек биринчи жаҳон уруш йилларида ўзи Афғонистон вакили бўлиб ишлаган ва афғонлардан ҳам, бернликлардан ҳам кўплаб шогирдлар етиштирган, самимий дўстлар орттирган Швейцарияга бориб яшаш фикрига келади.

Эй воҳ, кажрафтор фалакнинг қилмишларини қарангки, 55 йил мобайнида Европанинг бир неча мамлакатларида зўр ҳурмат қозонган фидойи дипломат ҳаёти Швейцариянинг Монтре аталмиш кичик бир шаҳри четидаги кимсасиз қариялар уйи ҳисобланган Валмонт доимий шифохонасидан бошпана топиш билан яқунланади. Шуниси ҳам борки, Саид Исломбек Валмонт шифохонасига 1976 йил июн ойида етиб боргач, орадан бир ой чамаси ўтиб, синглиси Мунавварахонга қариган чоғидаги бир неча суратини, 1932 йилда, 44 ёшлик куч-ғайрати гуркираб турган суратига қўшиб, мактуб билан бирга юборади. Бу унинг сўнгги мактуби эди. Саид Исломбек 1977 йилнинг 1 январь куни Монтреда қолдирган васиятномаси нусхасини эса, ўтган йили Париждаги «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари ассоциа-

цияси» таклифига кўра Францияга борган самарқандлик археолог-олим Амриддин Бердимурод унинг ватанига олиб қайтди. Васиятномада ўз хокини Париждаги Пер Ла Шез қабристонига рафиқаси ёнига дафн этишларини илтимос қилган, бу васиятни адо этишни ўз ватандоши ва қариндоши Исломбек Сайфуллин ҳамда унинг рафиқаси Хайия Сайфуллинадан илтимос қилган Саид Исломбек бу васиятини ўз маънавий фарзанди бўлмиш доктор Акрам жанобларига етказишни ҳам илтижо қилади.

Васияти сўнгида Саид Исломбек Қуръони каримдан «Зумар» сурасининг 35-оятини французча таржимасини ёзиб қолдирган. Бу оят ўзбекча нашрда қуйидагича берилган экан: «Зеро, Аллоҳ уларнинг қилган ёмон амалларини ўчириб, қилиб ўтган энг яхши амалларининг ажри билан мукофотлар» (Қуръони карим, 327-бет).

Васиятномада Исломбек Сайфуллин номи битилган бўлиб, васият қилувчи уни биродарим деб атайди (русча таржимада уни двоюродный брат, французча асл нусхада эса «кузин» дейилган). Исломбекнинг бу биродари ҳақида ўйларканман, 1875 йилда Худоёрхон билан биргаликда Оренбург сурғунига йўл олганлар орасида Сайфуллин деган ном ҳам «Туркистон вилоятининг газети»да келтирилганини эсладим (уни мен «Худоёрхон ва Фурқат» китобида келтирганман). У вақтларда мен Сайфуллин фамилияли киши татар ёки бошқирд миллатидан бўлиб, Худоёрхон уни таржимон сифатида ўзи билан олиб кетган деган фикрда бўлган эдим. Бироқ Саид Исломбек Сайфуллинни ўзига «кузин» дейишига ва унинг исми ҳам Исломбек эканига қараганда, янги тахминларга ҳам келиш табиий. Чунончи, Оренбург сафарига хон билан бирга жўнаган Сайфуллин фамилияли киши татар ёки бошқирд миллатига мансуб бўлмай, унинг асли фамилияси Сайфуллаев, ўзи эса Худоёрхон қариндошларидан бўлиши, газета эса уни русча талаффузга мослаб Сайфуллин тарзида берган бўлиши ҳам мумкин. Саид Исломбек уни биродарим дейиши эса, ўша Сайфуллин Оренбургдан Парижга бориб қолган ва васиятномада номи тилга олинган Исломбек ўша Сайфуллаевнинг ўғли ёки невараси бўлиши эҳтимол деган тахминни келтириб чиқаради. Ёки у Саид Исломбекка она томондан қариндош бўлса, Муҳаммад Аминбекнинг хотинларидан бири татар ёки бошқирд миллатидан бўлиб, ундан васиятномада эслатилган Исломбек дунёга келган бўлиши ҳам ажаб эмас.

Васиятномада эслатилган бошқа бир ном, яъни доктор Акрамга келсак, Люсьен Кереннинг А. Саидов билан суҳбатида маълум қилинишича, васиятнома битилган вақтларда, у киши Афғонистоннинг Франциядаги элчиси экан.

Саид Исломбекнинг сўнги мактуби 1981 йилга тегишли бўлиб, орадан икки йил ўтгач, у вафот этади.

Хуллас, васиятига кўра, Саид Исломбек Парижнинг Пер Ла Шез қабристонига рафиқаси Александра Худоёрхон қабри ёнига дафн этилган. Саид Исломбекнинг яна бир жияни Темурбек Худоёрхонов бундан бир неча йил аввал Парижга сафар қилиб, Пер Ла Шез қабристонига тоғаси қабрини топиб, олдириб келган суратлар шундан далолат беради. Қабрлар устига ўрнатилган лавҳаларнинг бирида: «Исломбек Худоёрхон (1889—1983), иккинчисидан эса: Александра Худоёрхон (1894—1972)» сўзлари битилган.

Бу қандай бедодликки, соҳибқирон Амир Темурнинг йигирма бешинчи авлоди, Кўқон хонлигининг сўнги ҳукмдори невараси бўлмиш ажойиб бир инсон, Аллоҳ ато этган буюк истеъдоди, бир умрлик фидойи меҳнати туфайли XX аср жаҳон дипломатияси ривожига салмоқли ҳисса қўша олган тенгсиз мутахассис тақдири шундай фожиали тугаса! Бу қандай бедодликки, шўро мустамлакаси сиёсатдонлари ёши тўқсон атрофида бўлган, ожиз, нимжон, мункиллаган бир пири комилга олтмиш йиллик ватанжудоликдан кейин ҳам ўз юрти тупроғига дафн этилишдек сўнги орзунини ортиқча ҳашамат сифатида рад этсалар!

Шу ўринда республикамиз ўн беш-йигирма йил илгарироқ ўз истиқлолига эришган бўлсаю, Саид Исломбек сўнги орзусини амалга оширишни сўраб мурожаат қилса, нима бўларди, деб ўйлаб қоласан киши. Шу хаёллар оғушида эканман, ўзига шахзода насабини мерос қилиб қолдирган энг буюк бобокалони Амир Темур юбилейига машхур француз олими, дўсти Люсьен Керен билан қўл ушлашиб кириб келган, Соҳибқирондан қолган ҳар бир ёдгорликни кўзига суртувчи ватандошларини галма-гал бағрига босаётган, 1921 йили тарк этишга мажбур бўлган она шаҳри Тошкентнинг, бобокалонига доруссалтана бўлган зебо Самарқанднинг эндиги тенгсиз жамолини кўриб ҳайрат мақомида қолган, ёш тўла кўзлари билан ҳамма-ҳаммага жовдираётган пири комил кўз олдимда гавдаланди.

Саид Исломбек қисмати ҳақида ўйлаганда, бир томондан, кўнгилда қаттиқ алам уйғонса, иккинчи томондан, кишига тасалли берадиган, ҳатто қалбда ифтихор туйғуси пайдо қиладиган нурли жиҳатлар кўз олдимизга келади. Зотан, у буюк соҳибқирон бобосининг йигирма беш авлоди орасида узоқ умр кўрди, 95 йил ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб яшади. Саид Исломбек ўзи туғилиб, вояга етган Туронзаминда мустамлака сиёсати қутуриб хуружга ўтган бир даврда она юртига бевосита хизмат қилиш имкони барбод этилганлиги боисидан бўлак бир йўл излаб топди. У шоҳ ва шоир сифатида оламга донг таратган бо-

бокалони Заҳириддин Муҳаммад Бобур орзулаб дафн этилган, сўнги хон ва шоир бобоси Саид Муҳаммад Худоёрхон муборак ҳаж зиёратини тўла-тўкис адо этиб, кабираю сагира гуноҳларидан фориг бўлиб, юртига қайтар чоғида мангулик макон топган жонажон афгон юртига ва халқига роса 55 йил камарбасталик билан мислсиз хизматлар кўрсатди, Афғонистоннинг қанчадан-қанча хорижий мамлакатлар билан дипломатик, дўстлик ва маданий алоқалари ривожига бебаҳо ҳисса қўшди. Унинг бу улкан хизматлари Осиё, Европа, Африка қитъаларидаги бир неча давлатларнинг олий мукофотлари билан тақдирланди. Шу тариқа Саид Исломбек 130 йиллик мустамлака даврида ўз ҳамюртларидан бирортаси ҳам муяссар бўла олмаган юксакликка кўтарилиб, ҳам Афғонистон, ҳам Ўзбекистон тарихига ноёб бир сиёсий арбоб сифатида кирадиган бўлдики, севиқли шоирларимиздан бири ибораси билан айтганда, буни умр дерлар!

САТТОРХОН ВА УНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛ АСАРИ

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида маърифатпарварлик йўналиши Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарига бориб уланади. Кейинчалик бу йўналиш Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий ва бошқа забардаст қалам соҳиблари томонидан зўр муваффақият билан давом эттирилди. Ибн Сино, Форобий, Беруний, Ал-Хоразмий, Улуғбек ва бошқа машҳур олимларимизнинг ўз давридан аллақанча илгарилаб кетиб яратган, жаҳоний шуҳрат қозонган асарлари ҳам маърифатпарварлик йўналишининг шитобкор руҳ касб этишига кўп жиҳатдан кўмаклашган эди.

Ўрта Осиё чоризм томонидан босиб олингач, ижтимоий муҳит, давр тақозоси билан ўлкада янги илмий-маданий муассаса ва жамиятлар вужудга келиши, рус-тузем мактаблари очилиши, ўзбек тилида дастлабки газета чиқа бошлаши ва бошқа кўпгина янгиликлар оқибатида бу маърифатпарварлик янгича йўналиш, янгича мазмунга эга бўлди. Энди маърифатпарварликда замонавий илмларни, европача маданиятни, рус тилини пухта эгаллаш орқали жаҳоннинг маданий жиҳатдан юксалган халқлари даражасига етиб олишга даъват, шу йўл билан ўзбек халқини келгусидаги катта воқеаларга тайёрлаш истаги улкан аҳамият касб этди. Масаланинг бу жиҳати тадқиқотчиларимиз томонидан маълум даражада ўрганилган ва баҳоли қудрат ёритилган.

Лекин булар янги йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлигининг бир томони, холос. Ўзбек маърифатпарварлик мафқураси ва адабиётининг ҳали тадқиқотчилар томонидан деярли ўрганилмаган ва ёритилмаган бошқа, гоёт муҳим томонлари ҳам бор. Биз маърифатпарварларнинг ўз халқи бой маданий меросига муносабатини ва улар чоризм Ўрта Осиёни босиб олишига маҳаллий халқ қандай қараганлигини публицистик ва бадий асарларда қай тариқа акс эттирганликларини кўзда тутмоқдамиз. Масаланинг катта эътибор берилиши лозим бўлган бу жиҳатларидан тадқиқотчилар умуман беҳабар эдилар деб ўйлаш айни хато, албатта. Негаки, маърифатпарварларнинг бой мероси билан танишган ҳар бир тадқиқотчи юқорида айтилган масалаларга оид кўпдан-кўп ҳужжатларга дуч келганлиги аниқ. Лекин гап шундаки, илмий ҳақиқатни баралла айтиш имконини чеклаб қўйилган бир неча ўн йиллар мобайнида ўзбек маърифатпарварлиги учун гоёт характерли бўлган ўша жиҳатларни ёритиш истагига тадқиқотчиларнинг сиёсий тўмтоқлиги, давр руҳини англамаслиги сифатида баҳо берилиши аён эди. Мустақиллик берган ҳозирги фикр эркинлиги шароитида ўзбек маърифатпарварлигининг илгари тўғридан-тўғри яшириб келинган жиҳатлари ҳақида ҳам маълумот бермаслик илмий ҳақиқатга хилоф йўл бўлур эдики, буни айниқса ҳозирги ўқувчилар асло кечирмайдилар.

XIX асрнинг 70-йилларида Сатторхон Абдуғаффоровнинг қизгин фаолияти билан бошланган янги йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлиги ўзанига 80-йилларнинг ўрталарида Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли, Шарифхўжа Пошшахўжа ўғли, сал кейинроқ Саидрасул Азизий, Мирзо Бухорий, Рожий Марғилоний, ниҳоят Зокиржон Фурқат ва Тошхўжа Асирий келиб қўшиладилар ва маърифатпарварлик ҳаракати вужудга келади. Бу ҳаракатнинг биринчи босқичида қизгин фаолият кўрсатган маърифатпарварларнинг барчаси мадраса таълимини олган, бинобарин, ўз халқининг кўп асрлик бой маданий мероси руҳида тарбияланган эдилар. Уларнинг беистисно барчасига хос донолик ва жасорати шунда намоён бўлдики, ўз ҳамюртларини янги замон илм-фанини, маданиятини эгаллашга даъват этганларида ўз халқининг бой маданий мероси борлигини, уни асло унутмаслик, балки биринчи навбатда ўрганиш кераклигини ўқувчига гоҳ бевосита, гоҳ билвосита эслатиб турадилар. Чунончи, Тошхўжа Асирийнинг янгича маърифатпарварлиги унинг «Улуғбек хусусида» шеъри билан янада кўпроқ қудрат касб этади. Шарифхўжа Низомий «Хамса»сининг 1491 йилда, яъни Навоий барҳаётлик даврида кўчирилган, кўплаб рангли миниатюралар билан безатил-

ган ноёб нусхасини топиб, Петербургдаги халқ кутубхона-сининг абадий мулкига айлантиради, вақтли матбуотда биринчи бўлиб Тошкент тарихини ёритди. Муҳиддинхўжа Шарофиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг жаҳонда ягона мукамал нусхасини бизнинг авлодларга қолдириб кетган эдики, бу беқиёс тарихий обида ЮНЕСКОнинг қарорига кўра 1972 йилда нашр этилди. Фурқат эса «номи жаҳонга алам (байроқ)» бўлган Шарқ шеърояти классикларини ҳам ўзбек, ҳам рус ўқувчилари орасида кенг тарғиб этишдан ташқари, йирик элшунос сифатида турли халқларнинг урф-одатлари, байрам, тўй, аза, улфатчилик-гаплари, бошқа йиғинлари ҳақида «Туркистон вилоятининг газети»га материаллар берди.

Янгича йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлигининг илк намояндаси Сатторхон ҳам ўз халқи бой меросини эҳтиросли тарғиб этиш борасида замондош зиёлиларга ибрат намунасини кўрсатган эди.

Сатторхон бутун Урта Осиё ва Қозоғистон территориясида биринчи марта, 1873 йилда очилган рус-тузем мактабининг дастлабки ўқитувчиси, кейинчалик эса Қўқондаги бошланғич рус мактабининг фахрий нозири бўлган эди. Бу улкан ўзбек маърифатпарварининг фаолияти 1883 йил январь ойидан бошлаб ерли тилдаги ягона матбуот органи — «Туркистон вилоятининг газети» билан вобаста бўлди. Сатторхон Чимкент ва Қўқондаги маърифатпарварлик фаолиятини Тошкентга кўчираётган эди, газетада қарийб ўн йил давомида таржимонлик ва корректорлик билан шуғулланди.

XX асрнинг 80-йиллари боши Туркистон ўлкасида вазият қанчалар мураккаб бўлганлиги, бир томондан чор амалдорлари, иккинчи томондан маҳаллий қора гуруҳчилар янгича маърифатпарварлик ғояларини ғазаб ва алам билан кутиб олганликлари кўпчиликка маълум. Ана шундай қалтис шароитда газетада кетма-кет материаллар эълон қилдирган Сатторхон улар остига ўз имзосини ошқора чекиш имкониятидан ҳам маҳрум эди. Шу сабабли дастлабки йилларда у «Абдулло», «Мулло Абдулло» дея яширин имзо чекади ва уларда ўша давр шароити нуқтаи назаридан шундоққина жасорат бўлган фикрларни илгари суради. «Абдулло», «Мулло Абдулло» имзолари остида эълон қилинган ўша материалларнинг ҳақиқий муаллифи Сатторхон бўлганлигини филология фанлари доктори Жуманиёз Шарипов ўзининг Ўзбекистонда таржима тарихи ҳақидаги монографиясида таҳлил қилган эди. Н. Остроумовнинг «Сартлар» китобининг 1908 йилда чоп этилган учинчи тўлдирилган нашрида «Мулло Абдулло» тахаллуси билан «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1885 йил 5 мартдаги

8-сониди («Бир ҳурматлик мусулмоннинг илм хусусида ёзғон мактуби») ва ўша йил 23 мартдаги 11-сониди («Бир ҳурматлик мусулмон одамнинг сўзлари») босилган икки мақоланинг тўла матнини тўғридан-тўғри Сатторхоннинг асарлари сифатида келтирилгани ҳам бизга маълум бўлди (151—154-саҳифалар).

Сатторхон газетада 1883 йил январь ойида эълон қилдирган илк мақолаларданоқ янгича йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлигининг энг яхши намояндалари ижоди учун характерли бўлган ўз халқининг ўтмиш маданий меросига алоҳида ҳурмат билан қарашдан иборат ажойиб хусусият яққол намоён бўлган эди. Чунончи, «Бул вақтларда Туркистон вилоятининг мусулмон халқиға лозим ниярса илмдур» сарлавҳаси остида 1883 йил 15 февралда «Абдулло» имзоси билан чоп этилган публицистик мақоласида Сатторхон маҳаллий зиёлилар орасида биринчи бўлиб бундай ёзган эди: «Биз, Туркистон вилоятидағи мусулмон халқи ўз илмимизни даражаи камолға еткурмоқ ул тарафға турсун, балки бурунғи уламоларимиз ҳосил қилган ва ошқора этган китобларни ҳам аксарларимиз яхши ва тоза фаҳламайтурган бўлиб қолганмиз. Аввало бизларға лозимдурки, обо ва аждодларимиз тараддудлари билан ошқора бўлинган илмларни таҳсил қилмоққа ружуъ қилсак. Чунки бизларға уят ва айбдурким, бизларнинг бурунғи уламоларимиз илм бобида баланд мартабада туруб, ҳатто бошқаларға таълим бериб турган бўлсалар, бизлар ҳамма халқдин ул бобда пастлик мақомида қолсақ. Иккинчи, мазкур мақсудни ҳосил қилмоқда ўрусия халқининг тилини билмоқ ҳам ҳеч бир зарар еткурмас эрди. Балки фойда келтирур эрди. Чунки ўрусия тилини ўрганиб, аларнинг китобларида ўзлари тобқон ва бошқа халқдин ўрганган илмларни биз ҳам билиб... ўз фойдамизға жорий қилур эрдук».

Шу тариқа ўз халқининг бой маданий меросига катта ҳурмат билан қараган йирик маърифатпарвар ўтмишда мулла боболаримиз закоси яратган илмий кашфиётлардан бошқа халқлар таълим олганликларини таъкидлайди ва шунинг учун биринчи навбатда уларни пухта эгаллашға даъват этади. Рус тилини билиш, бу тилда мавжуд бўлган китобларни ўқиш эса, Сатторхон бу мақоласидан анча йил аввал Петербургда шарқшуносларнинг III халқаро конгрессида айтганидек, «русия халқининг васотати бирлан Оврупо халқиға яқинлашиб, одамиятнинг асл мақсади ва матлаби ва илм ривожини ҳосил қилмоқда шерик бўлиш» дан иборат истиқбол учун зарур эди.

Йирик ўзбек маърифатпарварининг автобиографик асари — «Бир чимкентлик мусулмон ўтган вақтларни ёдига

олиб ёзғони» у яшаган ва ижод қилган давр тақозоси билан вужудга келган эди. Зотан Сатторхоннинг янгича маърифатпарварлик йўналишидаги ўнларча эҳтиросли мақолалари, унинг фаолиятининг бошқа ибратли жиҳатлари «Туркистон вилоятининг газети» орқали ўлкадан узоқ-узоқларда ҳам машҳур бўлган ва бу биринчи ўзбек матбуоти ходимининг бой таржимаи ҳолига газетхонларда зўр қизиқиш туғилган эди. Шуларни ҳисобга олган «Туркистон вилоятининг газети» редакцияси саксонинчи йиллар охирига келиб, Сатторхонга автобиографик асар ёзишни таклиф этади ва у жиддий тайёргарликдан сўнг бу муҳим ишга киришади. Бир неча чиғириклардан ўтгач, Сатторхоннинг асари газетанинг 1890 йилги 6-, 8-, 16-, 19-, 22-, 27-, 28-, 29-, 30-, 32-, ва 33-сонларида эълон қилинади. Сатторхоннинг асари чоп этилгач, тез орада ўша даврнинг бошқа бир маърифатпарвари Муҳиддинхўжанинг отаси Ҳакимхўжа фаолиятини анча тўла акс эттирувчи асар, 1891 йилда Зокиржон Фурқатнинг машҳур «Саргузаштнома»си газета юзини кўради. Автобиографик характердаги бу асарлар ўзбек халқининг хонликлар давридаги ҳаёти манзараларини, хонлар, амирлар, турли амалдорлар ўртасидаги ўзаро урушларни, Ўрта Осиё ерлари чоризм томонидан босиб олиниши билан боғлиқ турли воқеаларни, маҳаллий халқ орасидан етишиб чиққан маърифат ва озодлик фидойиларини ҳалоллик ва эҳтирос билан тасвирлаши жиҳатидан эътиборга лойиқдир.

Сатторхон ўз асарини бобоси Мўминжонхўжанинг илм олиш учун не-не машаққатлар билан Бухорога бориши, илм таҳсилини тугатгач, она шаҳри Чимкентга қайтиб, бутун борлиғини халққа бағишлаши, зулмат ичида нур бўлиб порлаши воқеаларидан бошлайди. Асар бошиданоқ муаллиф ўз саргузаштларининг деярли барчасини ягона мақсадга — маърифат ғояларини тарғиб этиш мақсадига бўйсундиргани сезилади. Мўминжонхўжанинг «хусусан фуқаролар ўртасида илм ва хат танимоқни ёйиш»дан иборат олижаноб фаолияти учун шу халқнинг отасидек иш тутиб, халқ бошига тушган турли фалокатларни даф этишдаги тadbиркорлиги, ҳалол луқмадан бўлакни тан олмайдиган диёнат соҳиби сифатидаги ишлари, ниҳоят, воқеалар ривожини олдиндан кўра биладиган илғор фикрли зиёли сифатидаги ўйлари билан вобаста бўлиб кетади. Асар давомида Мўминжонхўжанинг Кўқон хони сараскари Зухур девонбеги Чимкентда қолдирган аскарлар ҳийласини барбод қилишдаги тadbиркорлиги, қозилик лавозимида эканйда эски бўзни пора тарзида олиб келган даъвогар ишини ўзи учун иснод билиб, лавозимини тарк этиши, 1853 йилда Оқмачитни Россия ишғол қилиши биланоқ невараси Сат-

торхонга «Сизлар Россия халқига тобе бўлурсизлар», дейиши ва бошқа воқеалар ўз даврининг йирик сиёсатдони бўлмиш Мўминжонхўжа образини энг характерли жиҳатлари билан ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиради.

Асарда Сатторхоннинг отаси Абдуғаффор образи ҳам ҳалол, ҳақгўй, амал ва бойликка лоқайд қаровчи инсон сифатида тасвирланган. Айниқса, Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад парвоначи уни Сарём қозилигига тайинламоқчи бўлганида Абдуғаффор бу лавозимни рад этиш учун келтирган далиллар мантиқи унинг ички дунёсини кўзгу мисоли акс эттиради.

Асарда Сатторхоннинг рус тилини илк бор ўрганишида, русча турмуш тарзи билан танишувида, Россия ва бошқа ғарб мамлакатлари тарихига оид маълумотларга эга бўлишида муҳим ўрин тутган рус армияси офицери бошқирд Юсуф Еникеев образи тасвирига алоҳида ўрин ажратилган. Еникеев ва Сатторхон муносабатлари, умуман, Сатторхонда рус халқига, Россияга муносабат қандай зиддиятли, мураккаб бир шароитда таркиб топганлиги, Сатторхоннинг бу йўлдаги иккиланиш ва изтироблари ажиб бир ростгўйлик билан таъсирчан тасвирланган.

Сатторхоннинг болалик йиллари, кейинчалик Тошкентга келиб, Шукурхон мадрасасида Нормухаммад мударрис қўлида таҳсил кўриши, кейин Чимкентга қайтиб, бобоси ва отаси сингари муфтилик лавозимида амалга оширган ишлари, шаҳарда орттирган душманлари таъқиб ва туҳматларидан чеккан аламлари, ниҳоят Қўқонда қозилик лавозимини рус мактаби фахрий нозирлиги билан қўшиб олиб борганида унинг муҳолифлари курашнинг энг тубан усуллари ишга солганликлари тасвирланган ўринлар ҳам қизиқиш билан ўқилади.

Сатторхон асарининг асосий қисми 1876 йилда унинг туркистонлик бир неча зиёлилар билан биргаликда Марказий Россия шаҳарларида кўрганлари тасвирига бағишланган. Бунда Сатторхон Оренбург, Самара, Сизрань, Москва, Петербург, Петергоф, Царское Село ва бошқа жойларда кўрган илмий-маданий муассасалар, тарихий обидалар, у учрашган ва ўзининг келгусидаги маърифатпарварлик фаолияти учун кўп нарсалар олган европалик фан заҳматкашлари ҳақидаги ҳикоялар, айниқса, эътиборни тортади. Сатторхон таниқли рус шарқшуноси Григорьев, француз олими Де Рони, фин олими Лагус, Петербург ва Москвада учратган илмда баркамол, муомалада ўта маданий рус кишилари ҳақида ҳикоя қилар экан, ўз замондошларида юксакликка кўтарилиш орзуси туғилишига эришган деб ўйлаш мумкин.

Чоризмнинг босқинчилик ҳаракатларига маҳаллий аҳолининг муносабатини Сатторхон Чимкент шахрининг рус армияси томонидан босиб олиниши тасвирида яққол кўрсатади: «Мен бир матуфи учун хатми қуръон қилмоққа борғон эдим, — деб ёзади муаллиф ул кунни ҳодисот, Русия ҳисобиға қарағанда 22-нчи сентабрда, ул куни сешанба куни эрди. Бирдан ман эшитиб қолдимким, бизнинг чимкентлик Боймуҳаммадбек от устида чошиб келиб, қаттиқ овоз билан айтдимким: «Худо бизни урди. Худо урди!» деб. Ман ул хатми қуръонда бор бошқалар бирлан сўрадимким: «Бул нима шовқун?» деб. Анда манга айтдиларким: «Русия халқи Чимкент шахриға кириб қолди!» деб. Ман қўрқушдан саросима бўлуб, бошқалар бирлан Чимкентдин Тошканд шахриға қараб қочдим. Ман не тариқа қочиб кетганимни билмасдин, манинг бирла қочқон чимкентликлар бирдан Бодом ариғидан ўтуб, баландликка чиққанымда билиб қолдим. Тошкандға қочиб келиб... бир ойча турдим. Тошканддин Чимкентга қайтмоқ бизга мушкил эрди».

Чоризмнинг босқинчилик сиёсати маҳаллий аҳолида ҳам қўрқинч, ҳам нафрат уйғотганини Сатторхон ўз автобиографик асарида юқоридагича аниқ, ишонарли ва таъсирчан тасвирлайди.

Қимматли далил ва мулоҳазаларга бой бу асар янги йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлигининг асосчиларидан ва энг истеъдодли вакилларидан бирининг шахс сифатида шаклланиш ва камол топиш жараёнини яққол кўрсатиб беради. Сатторхоннинг бу муҳим асарида ўша давр амалдорларининг, цензуранинг тазйиқи билан, Туркистон генерал губернаторлиги кундалик назорати остида чиқиб турган газета редакциясининг талаби билан киритилган, лекин муаллифнинг ҳақиқий эътиқодига зид айрим ўринлар ҳам бор, албатта. Бироқ бу ўринлар асар асосий голялари соясида қолиб кетади ва ўқувчини чалғитмайди, деб ўйлаймиз.

ИСТЕЪДОД БАХТИ

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижоди бир неча йиллардан буён забардаст олимлар эътиборини тортиб келмоқда. Унинг хусусида ўнларча қимматли тадқиқотлар яратилган. Лекин шунга қарамай, бу бетакрор истеъдод соҳибининг кўпқиррали ижоди яна ўн йиллар, юз йиллар давомида ўрганилажаги турган гап. Бунинг боиси шундаки, ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир янги босқичида Фурқат меросига янгидан мурожаат қиладиган авлод уни янгича ўқиб, янгича талқин этади, янги давр кун тартибига қўйган долзарб муаммоларни ҳал этишда ундан катта кўмак олади.

Масалан, кейинги вақтларда сайёрамизнинг турли жойларида рўй бераётган, катта фожиаларга сабаб бўлаётган миллий ва диний ихтилофларни кўз олдимизга келтирайлик. Фурқатнинг ўзбек, рус, тожик, озарбайжон, ҳинд, афғон, уйғур, хитой, юнон, ҳатто кўпчилик яхши тасаввур ҳам қила олмайдиган Жанубий Африкадаги бур халқларининг тарихи, маданияти, урф-одатларига, уларнинг ўз мустақиллиги ва озодлиги учун курашларига эҳтиром билан суғорилган, турли миллат ва динга мансуб кишиларни аҳил, тинч-тотув яшашга даъватдек янграйдиган асарлари бу мураккаб муаммоларни ҳал этишда ҳозирги ёшларимизга доно маслаҳатгўй бўлиши мумкин.

Ёки мамлакатимизда беистисно барча халқларда ўз тарихий ўтмишига, бой маданий меросига қизиқиш алоҳида куч билан намоён бўлаётганини олайлик. Бу масалада ҳам Фурқатнинг бебаҳо мероси катта мактаб вазифасини ўташи мумкин. Зотан, бу азамат ижодкор номи «дахр ичра алам» (яъни дунёга байроқ) бўлган Шарқ шеърияти паҳлавонлари Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Насимий, Навоий, Фузулий, Машраб ва бошқалардан олган сабоқларини ифтихор билан тасвирлаган, ўзбек халқининг энг ибратли удумларини, маросимларини улуғловчи «Гап хусусида», «Тўй хусусида», «Аза хусусида» сингари илмий-оммабоп асарлар ёзган, Фарбий Европа ва рус композиторларининг энг яхши мусиқаларини тинглар экан, уларда ўзбек мақомлари ва классик куйларига ботиний ҳамоҳанг-

лик мавжудлиги учун севиб қолган, келажак насллар улардан баҳраманд бўлажagini башорат қилган эди.

Баъзи тадқиқотчилар Фурқат ўз маърифатпарварлик фаолиятини бошлаган дастлабки ҳафталарда битган:

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилнинг муроди илм бирла.

Кўнгулларни(нг) сурури илмдандур,
Кўрар кўзларни(нг) нури илмдандур

мисраларини дастак қилиб, гўё у жамият тараққиётининг асосий қонунларини тушуниб етмаган, шунинг учун ҳам илм-фаннинг аҳамиятига керагидан ортиқча баҳо берган, деган фикрни билдирган эдилар. Аслида илм-фаннинг аҳамиятига керагидан ортиқчароқ баҳо бериш барча маърифатпарварлар фаолиятининг илк босқичига хос умумий жиҳатдир.

Масалан, Ҳамза Ҳакимзода ҳам асримиз 10-йиллари ўрталарида:

Ҳар муроду мақсадинга етмоқ истарсен, Ниҳон,
Илм иста, илм иста, истагил зинҳор илм, —

дея худди шундай йўл тутган эди. Маърифатпарварлар ҳаёт қозонида қайнаб, ҳақиқатни тўлароқ тушуна борганлари сари жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омилларни яхшироқ тушунганлар. Масалан, Фурқат 1905 йилда эълон қилинган шеърида:

Агар жунбушга келса раъиятнинг пуржамъи ногаҳ,
Йиқилғай ерга меҳри ҳоваронни(нг) бошидин афсар, —
дейдики, бунда раъият, яъни оддий халқнинг инқилобий қудратига қатъий ишонч сезилиб туради.

Мавжуд тузумни, хоризмнинг босқинчилик сиёсатини танқид қилиш Фурқат асарларининг замирига, ботинига сингдириб юборилганини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам бу забардаст сўз устаси асарларини ўқиганда ҳамиша уларнинг ботиний мазмунига алоҳида эътибор бериш зарурати сезилади. Шоир хорижда яшар экан, бир томондан «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н. Остроумовнинг буюртмасига, иккинчи томондан ёрқентлик хўжайини Комилжонбойнинг фармойишига кўра рус-япон уруши мавзуида бир неча шеърлар эълон қилдиради.

Бундай шеърлар газетхонларда англашилмовчилик туғдирмаслиги учун Фурқат «Қасида»га ёзган сўзбошисида: «Арбоби назардин умид улким, ушбу жаридаға мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлағайлар. Мабодо хо-

тирларига хутур қилмоғайким, бу сўзлар хушомадгўйлиги юзидин адо топқон бўлғай деб. Чунки мақсудимиз асли бошқа ерга реша чекмаклиги кўнглумиз ганжинасида мактум ва мазмирдур, вассалом», дея ўз асарларининг ички мазмунини тушуниб ўқишни илтижо қилган эди. Фурқат асарларини шоирнинг ўзи истаганидек ўқиладиган бўлса, у ҳолда «Рус аскарлари таърифида»нинг кириш сўзида «Русия давлатининг ёпун халқи бирла қилгон муҳорибаси» деган баҳо, «Хорижия шаҳардин ёзгон бир ошнонинг сўзи»даги «Русия салтанати бирла ёпун халқи муҳорибаси» дея яна ҳам очикроқ ёзилиши ўқувчига кўп нарсаларни англатади. Фурқат кириш сўзидагина эмас, балки асарлар матнида ҳам рус-япон урушининг адолатсиз табиати-га, бегуноҳ япон халқи бошига келтирган сўнгсиз кулфатларга ишора этади. Чунончи:

Бориб Манжурия сори урушқа,
Ёпун халқини турди ўлдурушқа.
Ёпун халқидин андоқ бўлди кушта,
Кўпуб ул кушталардин пушта-пушта,

ёки:

Газет мазмуни бирла бу урушда
Ушал ёпуниларга кўб зиёндур.
Эмиш мулки талотўбу паришон,
Қаҳатдин халқи дер муҳтожи нондур.
Қаҳатлик инчунон шиддатда эрмиш,
Қаён буғдой эрур, қайда сомондур, —

мисраларни ўқиганда Фурқатнинг рус-япон урушига аслида қандай муносабатда бўлганини пайқаб олиш қийин эмас.

Йирик маърифатпарвар шоир ўзининг чоризм сиёсати-га моҳият эътибори билан зид келган қизгин фаолияти учун 1891 йилдан то умрининг охиригача ватанжудоликда яшаш-га мажбур этилди. Туркистон генерал-губернаторлигидаги мустамлакачи тўралар шоирнинг бу ватанжудолигини ғоят усталик билан амалга оширган, оддий халқ орасидагина эмас, ҳатто Фурқатнинг энг яқин дўстларида ҳам гўё у дунёни саёҳат қилиб юрибди, деган таассурот туғилишига эришган эдилар. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Фурқат ватанжудолигининг еттинчи йилида унинг дўстлари Завқий ва Муқимий Ўшга борганларида у ердан Қашқарга кетаётган Ҳожи Исҳоқ афанди орқали шоирга жўнатилган мактуб эътиборга лойиқдир. Завқий томонидан битилган ўша мактубда жумладан бундай дейилган эди: «Ба жаноби киромий қадримиз Ҳожи Мулло Зокиржон Ҳўқандий афандига етиб маълум ва равшан бўлғайки...тобёинлар ила

сиҳат ва саломатдурмиз ва ҳам қиблагоҳингиз ва фарзанди дилбандингиз саломатлик маснадида комрондурмиз... Илоҳий кўб муддатлар саёҳатда саломат бўлғайсиз... Каминанинг хатини манзури назар айлаганда ҳар манзил, ҳар диёрда бўлсалар, албатта қарам айлаб бир хабари таиён юборсалар, рост суҳан бирла ошинолар қулоғига хушхабар етурсам. Воқеан, қиблаи ҳақиқийингиз ҳаётида дуоларини олмоқ лозимдур. Негаким, қазосини иодаси йўқдур. Суҳбат ғаниматдур ва ҳам саёҳат тўғрисида: «Саъдийи соний киби бу олам поёнида ном чиқармоқ ҳар булҳавас кори-бори эмастур. Эндиликда ёр-ошно, падар, модар ва фарзанд ҳузурида кўз кўрушмоқ муяссар ўлса, бу давлат одамизод аҳлига кам воқеъ бўлур, албатта. Жон биродар, ассалому алайкум». Мактубда Фурқатни Кўқон, Марғилон, Хўжанд, Уш, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги кўплаб ихлосмандлари зўр илҳақлик билан кутаётганларидан ташқари, шоирнинг падари бузруквори, онаи зори ва фарзанди дилбандининг кўзлари ҳам унинг йўлида эканлиги ҳақида фан учун қимматли маълумотлар берилади. Айни вақтда уларнинг барчаси буюк маърифатпарвар шоирни саёҳатда деб тушунганликлари ҳам маълум бўлади. Аслида бу саёҳат эмас, мажбурий ватанжудолик эканини, ундан қутулиш ҳайрат-афзо тилсимдан қутулишдек чорасиз эканини Фурқат 1903 йилда марғилонлик дўсти Тошболтуга йўллаган мактубида куйидагича ифодалаган эди:

Борурман гар қутулсам бу тилисми ҳайрат афзодин,
Етиб имдод ҳолимға жамъии муддаолардин.

Фурқат абадий ватанжудоликка маҳкум этилган бўлса ҳам ҳамиша она юртининг, халқининг ғам-ташвиши билан, унга манфаат келтириш иштиёқи билан яшади. Ёр-кентда «Туркистон вилоятининг газети»га обуналар уюштирди, ерли халқ фарзандларининг рус тилини ўрганишларига кўмаклашди, ватанида бошлаган муаллимлик фаолиятини давом эттирди, физика, химия, табобат, астрономия каби фанларни, ҳинд, уйғур, ҳатто хитой тилларини пухта эгаллаш йўлларини топди, юртида нашр этилган китоблар савдоси Шарқий Туркистонда кенг йўлга қўйилиши хусусида фаолият кўрсатди, ўзбек тилидан рус тилига шеърий таржима муаммолари ҳақида фикрлади, уйғур ва хитой халқлари тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳақида қимматбаҳо асарлар яратиб, нашр эттирди.

Ниҳоят, Фурқат яна бир катта ишга киришиб, умр бўйи яратган шеърий асарларидан девон тузди. Бу ҳақда дастлаб шоир ҳақидаги драма муаллифи Барот Аvezовдан маълумот олган эдик. 1977 йил 3 январдаги суҳбатимизда Б. Аве-

зов Фурқат чет элда «Матлаул анвор» номли девон тартиб берганлиги, девон қандайдир сабаб билан Қирғизистондаги шеърят ихлосмандларидан бирининг қўлига тушганлиги, 30-йиллар ўрталарида Фрунзе (ҳозирги Бишкек)га гастролга борган таниқли хонанда Жўрахон Султонов ундан ўттиз чоғли ғазал, мухаммасини кўчириб, ўз шахсий кутубхонасида сақлаганлиги, драматург эса шуларнинг аксар қисмини Фурқат ҳақидаги драмага киритганлиги хусусида сўзлаб берганди. Зотан, «булбул» радифли ғазалнинг қуйидаги мақтаби ҳам Фурқатнинг шу номдаги девони бўлганлигидан далолат беради:

Сабоқ олиб ўқуғил «Матлаул анвор»и Фурқатдин,
Бурунғи файзи йўқ алҳонларингни айла бас, булбул.

Ўзбек театри тарихи билан шуғулланган Миён Бузрук Солиҳов ҳам 30-йилларнинг биринчи ярмида шоирнинг шу девонига дуч келган ва бундай ёзган: «Фурқат ўзининг қўлёзма девонида қуйида кўрсатилгон шеърнинг (бу ерда «Суворов ҳақида» манзумаси кўзда тутилмоқда — Ш. Ю.) бошида бир изоҳотни қўшиб ёзади: «Ўз ободонлиғи билан ақлларни ҳайрон қолдирувчи Тошқанди муаззамга виставкани сайру тамошо қилиш учун Фарғонадин боргон зоти киромиёлар билан бирга камина ҳам боргон эди. Шу саодатли фурсатда Тошқанднинг улуг зотларидин бўлгон жаноби Муҳиддинқози жанобларининг даргоҳларида туруб, сайру тамошолар ва ширин суҳбатлар билан бир неча вақтлар ўтуб турди. Кунлардин бирида жаноби қози ўз ақраболари билан ва ёру дўстлари билан... театру тамошосиға бордук. Шу фаройибул масал тамошо ҳақида камина бир назм тартиб бердим». Фурқатнинг дастхат девонидан келтирилган бу мулоҳазалардан шоир таржимаи ҳоли ва ижоди учун муҳим бўлган айрим хулосалар чиқариш мумкин. Аввало, Фурқат 1890 йилнинг ёзида Фарғонага жўнаб, у ердан Тошкентга виставкани кўриш учун келган ҳамюртлари билан биргаликда қайтган. Иккинчидан, девон шоир Тошкентдан кетиб хорижда яшаган даврда тартиб берилганлигига ишора мавжуд. Фурқат «виставкани тамошо қилиш учун Фарғонадин **боргон**» деб ёзади. Гап шундаки, девон Тошкентда тартиб берилган бўлса, у ҳолда «боргон» ўрнига «келгон ибораси ишлатилган бўлур эди. Учинчидан, рус театри билан Фурқат баъзи тадқиқотчилар айтганидек, Н. Остроумов воситасида эмас, балки ўз даврининг йирик маърифатпарвари Муҳиддинхўжа қози ёрдами туфайли танишганлиги маълум бўлади.

Шундай қилиб, Фурқат ўзи тузган дастхат девон бир вақтлар она юртига етиб келганлиги, у билан бир неча

киши танишиб чикқанлиги факти тадқиқотчилар олдига яна бир жиддий вазифани кўяди. Фурқат меросининг бебаҳо қисми бўлган бу китобни Бишкек шаҳри ва унинг атрофларида яшаб ўтган шеърият ихлосмандлари бисотидан ахтариш зарурга ўхшайди.

Фурқатнинг девони ва умуман чет эллардаги фаолиятини ўйлаганда шоир минг йиллик шеъриятимиз хазинасига қўшган яна бир катта улуш ёдга келади. Бу гурбат оҳанглари тенгсиз қудрат билан янграган ғазал ва мухаммаслардир. «Жигари эзилиб, кўзларидан қон ўрнида оққан» шоирнинг титроқ қалами билан битилган бу фарёднома-ларда ватан сиймоси, ватанда қолиб кетган ва Фурқат учун бениҳоя азиз бўлган нарсалар сиймоси дилларни зардобга тўлдирувчи сеҳрли маҳбуб қиёфасида кўринади. «Бу нечук савдо?», «Адашганман», «Айлай десам», «Суратинг», «Ёр истаб», «Лаҳза-лаҳза» сингари кўплаб ғазал ва мухаммасларни ўқиганда, кўз олдимизга дарбадарлик, бахтсизлик натижасида ўта аянч аҳволга тушган лирик қаҳрамон тургандек бўлади. Бироқ аслини олганда шоир бахтли эди, унинг ватанжудолиги ҳам шеърият мулкини нодир намуналар билан бойитганлиги важдан катта бахт ҳисобланиши мумкин.

МАТБУОТДАГИ СЎНГГИ АСАР

Ўзбек халқининг асл фарзанди Зокиржон Фурқат янгича маърифатпарварлик ғояларини эҳтирос билан тарғиб этганлиги, шу орқали халқи ижтимоий онгининг юксалишига катта ҳисса қўшганлиги туфайли ҳукмрон доираларнинг ғазабига учраб, умрининг охириги 18 йилини ватанжудоликда ўтказишга мажбур бўлганлиги, унинг табаррук хоки ҳам ўша ёқда қолиб кетганлиги ўқувчиларга маълум.

Ана шу бениҳоя машаққатли, фожиали йилларда ҳам улкан санъаткор ўз юксак идеалларига содиқ қолган, ўзбек маърифатпарварлигини янги-янги ғоялар билан бойитган кўплаб асарлар яратишдан тинмаган. Худди шунинг учун ҳам Фурқат ватанидан ташқарида амалга оширган ҳар бир иш, яратган ҳар бадиий-публицистик асар, у юртига йўллаган ҳар бир газета хабари, ҳатто дўст-қадрдонларига ёзган оддий мактублар ҳам ўқувчиларни ғоят қизиқтириши турган гап. Улар билан танишиш Фурқат ҳаёти ва ижодининг бу муҳим даври ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, унинг ижодкор, сиёсатдон, ватандош сифатидаги қиёфасини тўлароқ, аниқроқ идрок этишимизга кўмаклашади.

У хорижда яшаган йилларида она юртида ўзбек тилида чиқиб турган ягона вақтли матбуот ҳафтаномаси «Туркис-

тон вилоятининг газети» билан мустақкам алоқа боғлаб, даврнинг энг долзарб масалаларига бағишланган асарларини унда мунтазам нашр эттириб турган. Газетанинг XIX асрнинг 90-йиллари ва XX асрнинг дастлабки йилларидаги қатламларини варақласак, уларда эълон қилинган Фурқат материалларига хос етакчи бир хусусиятни кўра-миз.

Афсуски, Фурқат чет элларда яратган ва бир қисми «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган, бир қисми эса Ўзбекистон республикаси Давлат Архивида сақланаётган асарларнинг тўла матни билан ҳозирги ўқувчилар таниш эмаслар. Газетада эълон қилинган Фурқат материаллари араб алифбосида эканлиги, ундан ташқари газетанинг барча сонлари бут эмаслиги, ниҳоят, асарларнинг катта бир қисми ҳали умуман қўлга киритилмаганлиги бу ишларни янада қийинлаштиради. Шу вадан Фурқатнинг ҳозиргача чоп этилган «Танланган асарлар»ига кирмай қолган намуналарнинг мавжуд қисмини имкони борича зудлик билан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиш ғоят зарур кўринади. Масаланинг шу томонини эътиборга олиб, биз мулоҳаза юритаётган «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» («Чин қоидалари ва кўрқитиш ишлари») номли асар Фурқат ижодий меросининг Туркистон матбуотида босилган сўнгги намунаси бўлиб, фурқатшуносликда ҳали деярли ўрганилган эмас.

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»ни Фурқатнинг олдинги давр ижоди билан муштарак жиҳатлари ҳам, улкан маърифатпарвар шоир яшаган ва ижод қилган Шарқий Туркистон воқелиги билан изоҳланадиган ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Чунончи, Фурқат Тошкентда эканида элшунослик йўналишига эга бўлган «Гап хусусида», «Тўй хусусида», «Аза хусусида» сингари муҳим этнографик асарлар яратган, бироқ улар матбуот юзини кўрмаган эди. Н. Остроумов архивида бизгача сақланиб қолган бу асарларни автор дастнависи бўйича «Адабий мерос» тўпламининг 1983 йилги 4-сонида биринчи марта тўлалигича эълон қилган эдик. «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»да Фурқат ўзининг ана шу анъанасига содиқ қолади ва хитой халқи турмуш тарзидаги муҳим ҳамда ибратли кўпгина жиҳатлар билан ўзбек ўқувчиларини таништирамоқчи бўлади. Асарда муаллиф мулоҳаза юритган масалаларнинг аксар кўпчилиги оилага, ота-онага, бобо-буви, ака-ука, эгачи-сингилларга, дўстларга, кўни-кўшниларга муносабат ахлоқ-одобига тегишли бўлиб, улар ҳозирги ўқувчилар учун анчагина ибратлидир. Ота-она ва фарзандлар муносабати хусусида, жумладан, Фурқат бундай ёзади: «Ота-она ўғул ва қиз фарзандини яхши тарбиятлар бирла боқиб, илм ва ҳунар таъ-

лим бериб, мол ва пулини нисор қиладур ва охири умрида мулк ва ашёлар мерос қўюб кетадур. Бас, лозимдурки, ўғул ва қизлар ота-оналарига ўрунлуқ вафо қилмоқни бажо келтуруб, одам маросимини кўргузмоғликдур, ўғил-қиз ҳар ҳолда ота-онасини меҳр-муҳаббатини хотирида маҳкам тутмоғликдур ва ота-онасини либос ва хўрак воситаси бирла хизмат еткуруб, аларни эҳтиёт қилмоғликдур. Ва яна ўғул бола хотун олса, ота-онасига вафо қилмоқни ул хотунуга таълим бермоғликдур. Ва агар келин қайинота ва қайинонасига вафодорлик қилмаса, гуноҳ ўғулга бўлғай. Ва агар ўғулни ўз онаси вафот бўлуб, отаси бошқа хотун олса, анда ҳам ўз онасига вафо қилғондек вафо қилмоқлиги лозимдур. Агар ота-онаси вафот қилса, мол ва пулини тутмай, такфин ва тажҳизиятини шойиста айлаб дафн қилмоғлик лозимдур». Фурқатнинг эр-хотинлар муносабати ҳақидаги мулоҳазалари ҳам ҳозирги ёшларимиз учун ибрат бўлиши мумкин. Унинг фикрича: «Эр киши хотунига мардона бўлмоғлик, хотуни соҳибжамол бўлсун ва хоҳ баднамо бўлсун, бир кўнгулда бўлмоғлик. Агар баднамо хотун олиб қолса, тақдирнинг иродасига бўйинсунмоғликдур. Агар хотуни қайинота ва қайинонасига густоҳлик қилса, анга аввал насиҳат қилиб, иккинчи танбеҳ қилмоғликдур. Ва агар қиз бола куёвга тегса, хоҳ ғаний бўлсун ва хоҳ фақир бўлсун, ўз бахт-толеидин кўрмоғлик, агар фақир куёвга тегиб қолса, бедиллик қилмай, насиб бўлса, яхши кун кўрамиз деб яхши ният қилмоғликдир. Ва қиз бола қайинота ва қайинонасини ўз ота-онасига ўхшаш кўруб, аларни хизмат ва фармонида бўлмоғлик ва либос важҳидин фақир куёвни хижолат қилмасликдур».

«Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»да Фурқат дўст танлаш усуллари, дўстлик қонун-қоидаларига амал қилиш хусусида ҳам кенг тўхталади, ғоят қизиқарли фикрлар баён қилади: «Бир киши бир кишини дўст тутарда рост сўзларни ароға солиб аҳду паймон боғламоқлик» заруратини таъкидлагач, муаллиф бундай ёзади: «Аввал керакким, валогухар ва содиқул қавм, вафодор кишини дўст тутқай. Агар дўсти номурод ва фақир бўлуб қолса, аввалгидек муомала қилиб, балки зиёдароқ лутфу шафқат ва меҳру садоқат кўргузмоғликдур. Агар дўсти вафот бўлса, узотиб, анинг аҳли авлодидин хабар олмоғлик, агар дўсти ямон иш қилса, насиҳат қилиб қайтармоғлик, агар дўсти дармонда бўлса, пул ва мол бирла дастгир бўлмоғлик, агар дўсти бир ишга буюрса, хаттулимкон саъй ва кўшиш бирла бажо келтурмоғлик ва агар ул ишдин ожиз келса, мулойимлик бирла аре баён қилмоқликдур. Ота-онасига ва оға-инисига вафо қилмоғон одамни дўст тутмоғайким, бегона кишига албатта вафо қилмайдур». Ана шу ахлоқ-одобга тааллуқли

хитой қонун-қоидаларини шарҳлаш, тегишли ўринларда кичик-кичик ҳикоялар келтириш орқали Фурқат ўз ўқувчиларини ҳалоллик, виждонлилик, ўзаро меҳрибонлик, меҳнатсеварлик руҳида, ёвузликка нисбатан шафқатсизлик руҳида тарбиялаш мақсадини амалга оширади.

Асарнинг яна бир қимматли жиҳатига тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Гап шундаки, баъзи манбаларда Фурқат Шарқий Туркистонда яшаган йилларида турли тилларни ўрганганлиги, табиий фанларни эгаллаш билан жиддий шуғулланганлиги айтилар эдию, лекин бу фикрларнинг исботи учун зарур мисоллар етарлича келтирилмас эди. Тўғри, Фурқат ҳинд тилидаги «Песаи ахбор» ва «Ҳаблул матийн», форс тилидаги «Кавкабаи носири» газеталаридаги материалларга муносабат билдириб мақолалар ёзганлиги унинг бу тилларни анча пишиқ билганлигидан далолат берар эди. Энди «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» билан танишгач, Шарқий Туркистонда кўп йил истиқомат қилган Фурқат хитой тилини ҳам анча пухта эгаллаб олган деб тахмин қилиш мумкин. Чунки Фурқат ўз асарини яратишда биринчи манба сифатида фойдаланган китоб хитой муаллифи Гуан Шуйнинг қаламига мансуб бўлиб, у эндигина ёзиб тугалланган ва ҳали у вақтларда Фурқат билган тилларнинг бирортасига ҳам таржима қилинмаган эди.

Улкан ўзбек маърифатпарвар шоирининг табиий фанлардан кенг хабардор бўлганлигидан далолат берувчи ҳужжат сифатида асардаги табиат ҳодисалари, олов, сув, ҳаво ва тупроқ сингари унсурлар, уларнинг физик хоссалари, ўзгариш сабаблари ҳақидаги илмий изоҳларини келтириш мумкин. Асарда Фурқат, жумладан, бундай деб ёзганини кўрамиз: «Ўтнинг ҳарорати ва сувнинг барўдатининг қувваи аслисининг даражаси ҳукамолар ижод қилгон асбоблар воситаси бирла маълумдур. Бул ўт бирла сув ҳар қайси ўз марказида ниҳоятда кучлидур. Тағйири ҳаво ва тадбили макон бирла қувваи аслиларига нуқсон етиб, филжумла ажз бўладур. Аммо ажз бўлмоқларин дуруна зоти кўрмак керакким, аносири арбаъким, оташ ва ҳаво, об ва хокдур. Оташни маркази ҳамани устида—фалакка яқиндур. Ул оташни марказида қайдоқ бақувватлиғи ҳукамоларга маълумдур. Ва лекин ерда ўз марказида бўлгондек қувваи ҳарорати йўқдур. Мунинг сабаби табдили макондур. Яна қиш кунларида ёз фаслидагидек қувваи ҳарорати йўқдур. Мунинг сабаби тағйири ҳаводур». Кўриниб турибдики, Фурқат ўт, сув каби унсурларнинг физик хоссалари ўзгаришини тўла илмий тарзда изоҳлайди. Бу илмий изоҳлар Фурқатнинг дунёқараши масалаларига янгича қарашни, бу ҳақдаги аввалги қарашларга маълум ўзгаришлар киритишни ҳам тақозо этади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Фурқат Гуан Шуй китобидан биринчи манба сифатида фойдалангани ҳолда ундан жуда илгарилаб кетади. «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»даги пахтачилик ва пиллачилик деҳқонлар моддий аҳволини яхшилашда алоҳида аҳамият касб этиши, умуман, деҳқончилик билан шуғулланишнинг жамият учун манфаати, Шарқий Туркистон деҳқонларини харобликка олиб келган хитой ва ҳинд судхўрларининг ёвузликлари ва бошқалар ҳақидаги Фурқат мулоҳазалари асарнинг долзарблигини ҳам, таъсир кучини ҳам кўп жиҳатдан ошириб юборади.

XX аср бошларидаги Шарқий Туркистон шароитида деҳқончилик билан шуғулланиш, пахта, ғалла, кўкат етиштириш, боғ-роғлар барпо қилиш эркакларнинг иши деб ҳисоблаган Фурқат: «Пиллақурти боқмоқ хотунларнинг ишидур» деб ҳисоблайди ва бундай ёзади: «Бул хусусда камина Зокиржон Фурқат ўз тарафимдан айтадурманким, дарвоқе пилла кўб манфаатлик нимарсадур. Аз баски, ўтган 1904 йилда Қашғарда турғувчи ҳурматлик банка бошлиғи Ёрканд ва Хўтан тарафларга қарийб икки минг қути пилла уруғини юбориб ва арзон баҳода сотилиб, шаҳар ва саҳро одамлари олиб тутуб, пиллалари ҳам хийли яхши бўлуб кўб манфаат кўрдилар. 1905 йилда ҳам ушбу тарафқа пилла уруғи келиб, кўб одамлар тутуб, зиёда манфаат кўрдилар ва ҳам ул ҳурматлик мандин уч йил муқаддам неча юз пуд амиркон пахтасини уруғини муфт юбориб, Комилжонбой оқсоқол ани саҳро халқиға тарқатиб бериб, Ёркандда пахта ниҳоятда яхши бўлди. Ёрканд халқи кўп манфаат кўрдилар ва қарзлардин халос бўлдилар. Чунончи саҳро халқининг расмлари ул эрдикки, ижарахўр хитойлардин ва ҳинди бойлардин фойдаға пул ва мол олиб, ғалла вақти бўлғунча ани фойдаси кўпайиб, тан пули бирла баробар бўлуб, бир мунчасини бериб, бир мунчаси қолиб, иккинчи йилдағи ғалла вақтиғача фойдаси яна замланиб, ул бечоралар оғир қарздор бўлиб қолиб, ночор ерларини сотиб берур эрдилар. Ҳоло саҳро халқлари урус тобеи савдогарлардин нася мол олиб, пахта бермоққа тилларидин васиқа бериб, ерларидин пахта чиққанда келтуруб бериб, қарздин холис бўлдилар ва фойда бермакдин ҳам қутулдилар».

Афсуски, «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий»нинг тўла матни ҳали топилган эмас. «Туркистон вилоятининг газети» редакцияси уни чоп эта бошлаб, 1905 йилнинг 22 декабрь, 1906 йилнинг 1 январь, 15 ва 22 февраль сонларида маълум қисмини эълон қилган, ўша 22 февраль сонисидаги қисм охирида «бақияси бор» дея газетхонларни умидвор этгани ҳолда уни босишни тўхтатиб қўяди. Шу тариқа ҳали-

гача номаълум сабабларга кўра, бизнингча, асарнинг хитой ҳаётига доир ниҳоятда муҳим қисми газета юзини кўрмай қолиб кетади. Бироқ унинг газета тўрт сониди эълон қилинган қисмининг ўзи ҳам ҳозирги ўқувчиларга кўп нарса беради ва уларда инсоний олижанобликни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Шу асардан сўнг Фурқатнинг Туркистон матбуоти номи билан алоқаси бутунлай узилиб, унинг номи «Туркистон вилоятининг газети» саҳифасида кўринмай қолади. Лекин бу ғоят ачинарли аҳволнинг ҳақиқий сабаблари ҳали деярли ўрганилган эмас. Шу тариқа «Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий» Фурқатнинг Туркистон матбуотида эълон қилинган охириги асари, юртдошларига сўнгги совғаси сифатида ҳам алоҳида қизиқиш уйготса керак.

МУҲЙИ ХУҚАНДИЙ

Ўз замондошлари орасида «тожи уш-шуаро», «шоҳи шоирон» дея айниқса юксак эъзозланган бу улкан санъаткорнинг исми Ҳожи Муҳиддин Муҳаммад Ризо охунд ўғли бўлиб, Муҳйи унинг адабий тахаллусидир. Баъзи манбаларда Афғонистоннинг Қандаҳор, баъзиларида Ҳирот шаҳрида туғилган дейилган. Муҳйи кейин аниқланган аниқ маълумотларга қараганда, Фазна шаҳрида 1835 йилда туғилган экан. Бу маълумот 1318 ҳижрий (1900—1901 милодий) йилда битилган ва муаллифнинг дастхат нусхаси бўлмиш «Тарихи Муҳйии Хуқандий» асарида келтирилади.

Бўлажак шоирнинг отаси Фазнадаги йирик мадрасалардан бирининг бош мударриси бўлиб, ёш Муҳиддин дастлаб падари бузруквори кўлида хат-савод чиқарган. Кейинчалик оила пойтахт Ҳиротга кўчиб келган ва Муҳиддин Ҳирот мадрасаларидан бирида озроқ таҳсил кўриб, шундан сўнг илмини камолга етказиш мақсадида Бухоро мадрасаларидан бирига бориб ўқийди. XIX асрнинг эллигинчи йиллари охирида мадрасани тугатиб, ўзи илгари яшаган Ҳиротга эмас, балки Кўқон хонлигининг пойтахтига келиб яшай бошлайди. Қадимий Хуқанд бой адабий ва илмий анъаналарга эга эканлиги, XIX аср эллигинчи йилларида ҳам бу ерда Тамкин сингари йирик шоирлар, Шайх Сулаймон Афғоний каби улкан тилшунос ва муаррихлар яшаётганлиги ҳам шеърият, ҳам илм соҳасида комил устодлар изидан боришни орзу қилган Муҳйининг бу йўлни танлашига туртки бўлган эса ажаб эмас. Муҳйи кейинчалик ўз устози бўлиб қолган олим ва шоир хусусида «Фарғона фозилларидан марҳум Муҳаммад Раҳим охунд, жамъи илмларда нақл ва маъқул, шеър айтишда олий таъб эгаси

бўлган Тамкин тахаллусли ул жаноб фақир Муҳйининг устози эдилар. 1292 санада (бу 1875 милодийга тўғри келади) вафот топдилар», деб ёзади. Шайх Сулаймон Афғоний ҳам Муҳйининг қалин дўсти бўлганлиги борасида ўша даврининг бир неча манбаларида маълумотлар учрайди. Муҳйи вафот этган даврда ҳам ҳали қизғин фаолият кўрсатиб турган Шайх Сулаймон Афғоний орадан бир неча ой ўтиши биланоқ асли тошкентлик бўлган шеърят ихлосманди Абдурауфбой ҳамкорлигида Муҳйининг ўзбекча ва форсча девонини Тошкентда Порцев босмахонасида тердириб, Фулом Ҳасан Орифжонов матбаасида муқовалатганлиги 1912 йил нашри бўлмиш «Девони Муҳйи»да махсус қайд этилган.

Хуллас, 50-йиллар охирида Кўқон маданий муҳитига келиб қўшилган Муҳйи тез орада шоир ва уламо сифатида шуҳрат қозонади. Ўша вақтларда хонликда ҳукмфармо бўлган Маллахон саройига хизматга олинган Муҳйи у ерда ҳам эътибор топиб, дипломатик ишга жалб этилиб, 1859—61 йиллар орасида хоннинг махсус элчиси сифатида бир неча марта Афғонистон ва Ҳиндистонга боради. Сафар чоғида у Туркия, Эрон сингари мамлакатларда ҳам бўлган. Муҳйи чет элларда яшаган чоғида Кўқон хонининг махсус элчиси сифатида баланд мавқега эга эканига қарамай, қаерда атоқли олим ёки қалам соҳиби борлигини эшитса, дарҳол унинг хизматига бориб, билмаганини билишга, билганини такомиллаштиришга интиланган. Масалан, «Тарихи Муҳйи Хўқандий»да муаллиф Ҳиндистоннинг (Пешовар ҳозир Покистонга қарашли) шаҳрида 92 ёшли ҳазрат Эҳсон Соҳиб Муфтийнинг дарагини эшитиб, унинг хизматида қойим туриб, муфтийнинг ўғли билан бирга илми фикҳдан таҳсил олганлигини, бу табаррук зот 1281 ҳижрий (1864—65 милодий)да вафот топганини қайд этади.

Маллахондан кейин Худоёрхон ҳукмронлигининг учинчи даврида ҳам Муҳйи саройнинг эътиборли кишилари дан бири эди. Хоннинг валиаҳд фарзанди Насриддинбек Андижон вилоятига ҳоким этиб тайинлангач, ёшлиқдан шеърятга ишқибоз шаҳзода машқ шеърларини дастлаб Мир Худоёр исмли исфаралик шоир кўриб, унга маслаҳатлар бериб турган. Бироқ турли «миш-миш»лар ишқибозларининг «хизмати» боис бўлиб, Мир Худоёр Насриддинбек даргоҳидан қувилгач, хон ўз ўғлига назм ва насрдан таълим беришни замонасининг машҳур шоири Муҳйига топширади. Бу иш самарали натижалар беради: Насриддинбек Муҳйи раҳбарлиги остида нозиктаъб шоир ва носир бўлиб етишади. Насриддинбекнинг бизгача етиб келган эҳтиросли шеърларидан бири «Тазкираи Қайюмий»га киритилган бўлиб, бу тазкира 1998 йилда уч жилддан иборат китоб ҳолида чоп этилди.

Маълумки, Қўқон хонлигида XIX аср 70-йилларидан бошлаб қўзғолонлар кўтарилиб, мамлакатда бесаранжомлик, бош-бошдоқлик авжга чиққан эди. Шундай бир вазиятда, 1874 йил ўрталарида Муҳйи ҳаж зиёратига жўнайди ва Маккаи мукаррама ҳам Мадинаи мунавварада 1875 йил январ ойида ҳаж маросимини адо этиб, бир неча Шарқ мамлакатларини, жумладан, она Афғонистонни ҳам кўриб, йил охирида Қўқонга қайтиб келади. Бу вақтда Қўқон хонлиги тақдири қил устида эди. Чунки 1875 йил ёзида Худоёрхон тахтни ташлаб чиқишга, аввал Хўжандга, сўнгра тез орада Тошкентга келишга мажбур этилган, бу ердан эса Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг ҳийласи билан Петербургга борасан деб алдаб жўнатилиб, бошқа бир махфий буйруққа кўра Оренбургга ушлаб қолиниб, хонабанд ҳолда сақланмоқда эди. Хондан сўнг тахтни эгаллаган валиаҳд шахзода Насриддинхонни эса сохта Пўлатхон енгиб, Маҳрам қалъасида жон сақлашга мажбур қилган фурсат эди. Ўз шогирди ғоят танг аҳволда эканидан воқиф бўлган Муҳйи дарҳол Насриддинхон ҳузурига Маҳрамга отланади. Муҳйи тахтнинг қонуний соҳибига ҳар тарафлама далда бериб, уни саройдаги эътиборли кишилар билан алоқа ўрнатишга, сал ўтгач, 1876 йил январь ойида эса Қўқонга таклиф этилиб, яна тахтга ўтқазилишига кўмаклашади. Маҳрамда оғир шароитда қолган ёш хонга Муҳйи махсус қасида ҳам битган бўлиб, унда ҳақиқий ҳукмдор энг танг вазиятда ҳам тадбир билан йўл топиши, душманга шижоат билан зарба бериши лозимлиги уқтирилган ва Насриддинхон шунга даъват этилган эди. Ўз қасидасида Муҳйи шоҳсиз мамлакатни бошсиз танага ўхшаб, Насриддинхонга юртга бош бўлишни доноларча маслаҳат беради. Бу маснавий яратилган вазият хусусида Муҳйи ўз дастнавис баёзида қуйидагича маълумот беради: «Бу маснавийни қўзғолон вақти жаннатмакон Сайид Муҳаммад Насриддинбек Хўқанддин бирмунча муддат кетиб, Хўжанд қалъасида яшириниб турганда ёзилди ва Фўлод исмли қиргин келтирувчи Марғинов шаҳрида ўтқа ёндирилди¹. Фақир Муҳйи бул вақтда саодат сафаридин Байтуллоҳни зиёрат қилиб қайтган эдим. Қайтганимда хонни қалъада махфий кўрдум».

Лекин тез орада фон Кауфман бошлиқ чор кўшинлари Қўқонни ҳам, хонликнинг бошқа ҳудудларини ҳам забт

¹ Муҳйи воқеаларни орадан анча муддат ўтгач қайд этгани учун бўлса керак, баъзи ўринларда ноаниқликка йўл қўйган. Чунончи, Насриддинбек Пўлатхон одамларидан қочиб Хўжанд қалъасида эмас, балки Маҳрам қалъасида жон сақлагани тарихдан маълум. Сохта Пўлатхон эса ёндирилмаган, дорга осиб ўлдирилган.

этадилар; Россия императори Александр II нинг фармонига кўра 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ҳудудида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида янги Фарғона вилояти тузилади.

Хонлик тугатилганидан сўнг ҳам Муҳйи Қўқонда истиқомат қила бошлайди, лекин умрининг охиригача ҳеч қандай расмий лавозимда бўлмайди. Шундан сўнг 35 йил давомида Муҳйининг истиқоматгоҳи Муқимий ҳам маскан топган Қўқондаги Соҳиб Ҳазрат мадрасасининг ҳужраларидан бири бўлиб қолади. Бу вақтга келиб шеърый ижодда айниқса юксак чўққиларни эгаллаган Муҳйи Қўқон адабий муҳитининг ҳақиқий раҳнамосига айланади. 80-йиллар биринчи ярмидаги Қўқон адабий муҳити хусусида Зокиржон Фурқат ўз «Аҳволот»ида бундай ёзганлиги маълум: «Чун ёшим соати умр шабу рўзида йигирма тўрт шумориға етти, ул вақт Хўқанд вилоятидаги фозилу расотабъ кишилар бирла иттиҳод айлаб, аларнинг суҳбатидин кўб баҳралар топтим ва аср шуаролариким, чунончи мавлоно Муҳйи ва мавлоно Муқимий ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, ҳамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи таъларимиздин мушоира қилур эрдук ва бир ғазалда татаббуъ кўргузуб, бир мазмун ҳар навъ ифода топар эрди». Юқоридаги парчада «Суҳбатларидан кўб баҳралар топган... фозилу расотабъ кишилар» номини санар экан, Фурқат биринчи бўлиб мавлоно Муҳйи номини қайд этиши тасодифий эмасди. Зотан, Фурқат ўз ҳаётининг охирига қадар ҳам Муҳйи истеъдодига тан бериб, унинг ғазалларига татаббулар битиб, унга кўп мактублар ва ўз асарларини йўллаб яшади.

Хонлик тугатилганидан сўнг Қўқонда истиқомат қилган Муҳйи умрининг энг яхши дамлари ўтган, қанчадан-қанча дўстлар орттирган Андижонга ўзининг иккинчи она шаҳридек қарар, у ерга бориб бир неча ҳафта, ойлар туриб келмаган йили бўлмас эди. 1902 йилги Андижон зилзиласини худди шахсий фожиасидек қабул қилган шоир дарҳол у ерга етиб борган, зилзила ҳақида 19 банддан иборат дилсўз мухаммас битиб, бир оз ўтгач, шаҳарда зилзила вақтида ярамас феъл-атвори туфайли том тагида қолиб ўлган бир ўғри хусусида шеърый ҳикоя ёзиб, ҳар икки асарни ҳам «Туркистон вилоятининг газети»да чоп эттирган эди. Бугина эмас, шоирнинг умри ҳам ўзи алоҳида севган шу шаҳарда поёнига етди. Бошқа йиллардагидек 1911 йил баҳорида Андижонга, дўстлар суҳбатини кўмсаб борган шоир ўша ерда бетоб бўлиб, 4 май кuni оламдан ўтади. Муҳйи вафоти ўша вақтдаги ижод аҳллари қалбига қаттиқ ларза солади. Камий, Шавкат Искандарий, Абдуллажон Насимий, Мавлавий Йўлдош каби шоирлар устоз Муҳйи

вафотиға марсия-таърихлар битганлар. «Туркистон вилоятининг газети» ўзининг бир неча сониди бу марсия-таърихларни чоп этиб, Муҳйи ҳақидаги ижод аҳлининг юксак фикрларини ўз ўқувчиларига маълум қилган. Жумладан, газетада эълон қилинган Камий марсия-таъриҳида қуйидаги мисралар бор:

Асру ҳам даҳрда фариду ваҳид,
Бешаку бегумон Муҳйи.
Дар миёни муборизи шуаро,
Будеки марди қаҳрамон Муҳйи.
Назм мулкин тамом тасхири
Тиғи тиғ бирла айлагон Муҳйи.
Даҳрда йўқ эди назири анинг,
Гар десам, бор эрур ҳамон Муҳйи.

Муҳйи ва Муқимий. Маълумки, «қизил империя» даврида халқнинг ноҳақ бадном қилинган кўплаб етук зиёлилари орасида шоир Муҳйи ҳам бор эди. Бунга Муҳйи билан Муқимий ўртасида маълум даврларда бўлиб ўтган совуқчилик дастак қилиниб, шу баҳонада шўро мафкуриси тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бу икки йирик ижодкорни синфий манфаатлар жиҳатидан бир-бирига муросасиз муҳолиф қилиб кўрсатилган, гўё бутун ижоди мобайнида Муҳйи халқ манфаатига хиёнат қилган, Муқимий эса халқ манфаатига хизмат қилган. Муҳйи бойлар ва амалдорлар шоири, Муқимий эса камбағал, оддий халқ шоири эди, деган ўта сохта даъво илгари сурилган эди. Ваҳоланки, аслида Муҳйи билан Муқимий Қўқонда бир мадрасанинг икки ҳужрасида, бир вақтнинг ўзида умргузаронлик қилганлар. Муқимий уй-жойлик, маълум муддат оилалик бўлиб, хотинидан Акбархўжа исмлиқ ўғил кўрган бўлса, Муҳйи Ҳиротдан чиқиб кетган ўспирин ёшидан бошлаб умрининг охиригача уй-жойи ҳам, оиласи, фарзанди ҳам бўлмаган. Шу муносабат билан Қўқон тарихи ва Муқимийнинг ҳаёт тарзи хусусида айтилган баъзи фикрларни эслашга эҳтиёж туғилади. «Бир мадрасада яшадилар, бир даврнинг кўзга кўринган шоирларидир. Ҳар иккилари ҳам фақирдурлар... Фақирликда Муҳйи Муқимийга нисбатан жуда фақир эди. Ҳовли-жойи, рўзғор, хотун, бола ва қариндоши бутунлай бўлмагандур. Мол, пул туғрисида сўзлашга ҳам ҳожат йўқ». Шундай бўлгач, Муҳйининг гўё бой-бадавлат ва амалдор кишиларнинг эркатойи, Муқимийни эса, аксинча, уларнинг муросасиз душмани қилиб кўрсатишнинг ўзи оддий мантиққа зиддир. Аслида улар узоқ муддат мобайнида ижодда ҳамфикр бўлганини, бир-бирининг билим ва истеъдодини эъзозлаб яшаганини, бир-бирига

татаббулар, тахмислар қилганини, ўз ижод маҳсули хусусида бир-бирларининг фикрларини муътабар билганликларини кўрсатувчи далиллар кўплаб сақланиб қолган. Масалан, Абдураҳмон Жомийнинг шарқ ҳамсачилигида ғоят муҳим ўрин эгаллаган «Ҳафт авранг»ини Муҳйи ўқиб-ўрганиш билан чекланмай, моҳир хаттот сифатида янгидан китобат қилар экан, ўзининг кўб ва ҳўб меҳнати маҳсули бўлмиш бу янги китобатни ҳаммадраса дўсти Муқимийга ҳавола этиб, унинг фикрларини эшитишни лозим деб ҳисоблайди. Даврнинг йирик хаттоти ҳам бўлмиш Муқимий эса Муҳйининг бу катта меҳнат маҳсулидан завқ-шавққа тўлиб, дўсти китобат қилган «Ҳафт авранг»нинг ҳошияларини бир неча янги ғазаллари билан безашни ҳам лозим биладики, шунинг ўзиёқ бу икки улкан истеъдод соҳибларининг бир-бирига ихлосидан далолатдир.

Бугина эмас. Муҳйи Фазлий Намангонийнинг машҳур ғазалига татаббу тарзида битта сеҳрли ғазали бор. Ўз ҳамкасб дўсти татаббусидаги эҳтиросли бадийи кашфиётлардан зўр ҳаяжонга келган Муқимий унга камоли эҳтиромини намоиш этиб:

Хирадимни ғоратин айлаган юзи ою сочлари ҳоладур,
Бу чаман аро на санавбару на суман била гули лоладур,—

матлаъли ғазал битади. Муқимий янги ғазал битиб, шеъримиз хазинасини бойитишдан ташқари мақтаъга дўстининг исмини ҳам киритиб, Муҳйи билан ҳамқисмат эканини таъкидлайди:

Ёзиб эрса хун қадару қазо, нетар ичмайин киши, Муҳйиё,
Манга ҳам, Муқийм, шул эрур физо, на ўзунга якка ҳаволадур.

Муҳйи ҳам ўзи ҳурмат қилган ижодкор дўстидан қарздор бўлиб қолмади. Бунга «сиздан угина, биздан бугина» қабилида иш тутиш зарурати эмас, балки Муҳйи ҳам Муқимийнинг шеърӣ кашфиётларидан завққа тўлганлиги, ўз ҳаммадраса дўстининг истеъдодига тан берганлиги сабаб эди. Муқимий танланган асарларининг «Лирика» қисмида «куйдурур» радифли ғазал, «Мураббалар» қисмида эса шу радифли мурабба берилган. Мураббага синчиклаб назар солинса, Муқимий ғазалини Муҳйи мураббага айлантириб, асар таъсирчанлигини янада ошириб юборганлиги маълум бўлади. Ҳар банддаги Муқимий ғазали байти олдига қўшилган Муҳйининг янги байти маҳбуба жавридан қон ютган ошиқнинг сўнгсиз дардларини ўқувчи тасавурида яна ҳам аниқ, яна ҳам яққол гавдалантириб, тўртлик мисраларини гўё ялакат мағиздек бир-бирининг бағрига жо қилиб юборади. Масалан:

Ҳар нафас бир доғ ила ул меҳри рахшон куйдурур,
Гаҳ жамоли шўъласидан, гоҳи пинҳон куйдурур,
Гоҳи васлидин ёнурмен, гоҳи хижрон куйдурур,
Буйла куйдурмакни қандоғ номусулмон куйдурур.

Кўрмадим гулдек юзини бир замоне хорсиз,
Васл чоғи чиқмадим мен базмидин озорсиз,
Термулолмай оразига биргина ағёрсиз,
Бу сабаб бир умр ҳасрат бирла армон куйдурур, —

сингари бандларда Муқимий қаламига мансуб кейинги байтлар олдиға Муҳйи томонидан қўшилган байтлар олиб ташланса, унинг қаеридир кемтикдек туюлиши турган гап.

Мураббанинг сўнгги банди эса асарға Муҳйи муносиб ҳисса қўшганига ўқувчини яна бир бор ишонтирадиган қуйидаги байтлардан иборат:

Муҳйини ҳам арз-додиға етинглар, дўстлар,
Яъни ушшоқи қаториға битинглар, дўстлар,
Ошиқи кўпдур вале инсоф этинглар, дўстлар,
Ким ҳамиша ман Муқимийдек анга жон куйдурур.

Муқимий ғазалининг мураббаға айлантирилганлиги адабиётшуносликда кўп йиллар ҳукмрон бўлган бир хато фикрни, яъни Муҳйи ишқи мажозийни ифодаловчи шеърлар ёзмаган, у фақат диний-мистик шоиргина эди, деган фикрни рад этувчи ёрқин далилдир.

Муҳйи ва Муқимий меросига чуқурроқ назар ташласак, бундай ижодий ҳамкорлик, чинакам ижодий мусобақа намуналарини кўплаб учратиш мумкин. Чунончи, Муҳйи вафотидан кейинроқ тез орада Тошкентда чоп этилган «Девони Муҳйи»даги:

Мунча ҳам, эй гулзгорим, қоп-қародур кўзларинг,
Эл гумон айлар муқаррар сурмасодур кўзларинг, —

матлаъли ёки:

Қайси гулшанни санингдек бир гули раъноси бор?
Қайси бир гулни манингдек булбули шайдоси бор?

матлаъли ғазаллари билан Муқимийнинг:

Сурма қўймай мунча ҳам, жоно, қародур кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдиға боққан балодур кўзларинг, —

матлаъли ёки:

Нозпарвар ёр агарчи таъби зулм ососи бор,
Ошиқ ўлдурмоқда қон тўкмакка истиғноси бор, —

матлаъли ғазаллари муқояса қилинса, улардан бирининг татаббу тарзида ижод қилинганини пайқаш қийин эмас. Бироқ ғазалларнинг қай бири татаббу учун асос бўлганини аниқлаш эса ўқувчилардан анча тер тўкишни талаб этади. Муҳйи ва Муқимий муносабатлари кўнгилдагидек бўлган вақтларда бу икки улкан санъаткорнинг ўзаро эҳтиромини, ўрناق бўларли ижодий ҳамкорлигини кўрсатувчи бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Аммо, начора, ҳаёт ҳаётлигини, инсон эса хом сут эмган банда эканини кўрсатиб қўядиган нохуш ҳолатлар ҳам рўй бериб туради. Кўнгиллари ўта нозик, бунинг устига фақат ёлғиз ўзигина ҳақ эканига астойдил ишонган бу икки улкан истъод соҳиби бир-бирларининг гуноҳларини кечиришга ожиз қолганликлари оқибатида асаб торлари таранглашиб, номатлуб ҳолатларга олиб келган пайтлар ҳам бўлган. Шоир қалбини биргина сўз билан жароҳатлаш ҳам, ёки, аксинча, унинг бошини кўкка етказиш ҳам ҳеч гап эмас. Олам бахтсизликларидан кўнгли чилпарчин бўлган бу икки азамат, айна вақтда, ўта асабий шоирнинг ўрталарида нималардир ўтадию Муқимийга Муҳйи ортиқча кибр-ҳаволи, Муҳйига эса Муқимий бўлар-бўлмас нарсаларни шеър қилиб битадиган энгил табиатли одам бўлиб кўрина бошлайди.

Буни қарангки, Муқимий ўзининг андижонлик дўстларига ёзган бир шеърий мактубида ўша вақтда Бўтақорада турган Муҳйига ҳам салом йўллайдию ўша салом-байтни:

Ҳожи Муҳиддин тўрам ҳам олсалар шояд алик —
Ким, қилурман ёд этиб Бўтақароларга салом, —

тарзида битиб, унинг гўё ортиқча кибр-ҳавосига ҳам ишора қилади. Шу тариқа икки шоир муносабатлари янада кескинлашиб кетади ва Муқимий Муҳйининг йигилишларда тингловчига малол келадиган даражада кўп шеър ўқийди, дея асабий байтлар битади:

Шеърингизга халқ толиб бўлсалар, сўнгра ўқунг,
Ё келиб аҳбоб кар бўлмоққа меҳмон бўлдиму?

Муҳйи ҳам Муқимий томонидан анча йиллар илгари битилган шеърларини, у дўстларига йўллаган шеърий мактубларни кавлаштириб, уларда ўзига номатлуб кўринган ўринларга алоҳида тўхталиб, ҳамкасб дўсти зарбасига зарба билан жавоб қилади. Чунончи, 1886 йилга келиб Муҳйи форс тилида «Қасидааст дар шикоятти ҳамоқати аҳли замон» («Замон аҳли аҳмоқликларидан шикоят қасидаси») номли каттагина дидактик асар ёзиб, Муқимий бундан йигирма йиллар аввал, ҳали шеъриятда шогирдлик палласида эканида ёзган:

Эй яхшилар, келайлук, бир жойга йиғилайлук,
Ўйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик, —

матлаъли ғазалини қаттиқ танқид остига олади. Муҳйи ғазалда ҳар байтда такрорланиб, ғашга тегадиган «Ўйнайлик, кулайлик» иборасини масхаралашдан ташқари муаллифни Аллоҳ ҳукмини, пайғамбар ҳадисларини халққа етказиш ўрнига, уни нуқул ўйин-кулгига даъват этишда айблаиди, ҳамкасб дўсти шаънига қаттиқ тегадиган бошқа гаплар ҳам айтади. Бундан ташқари, Муқимий тошкентлик қадрдон дўсти Маҳмудхўжага шеърий мактубида ундан гуппи чопон учун мато ва пахта илтимос қилганини Муҳйи бегоналардан закот сўраш билан тенг бўлган номақбул иш ҳисоблаб, қуйидагича ёзади:

Муҳйи эмас Муқимий, деса закот учунким:
«Ёраб, тижоратингиз қилсун ҳаён, афандим».

Муқимий Муҳйи табиатидаги ўзига ножўя бўлиб кўринган бошқа жиҳатларни назмга солган ўринларга ҳам Муҳйи анча кескин жавоблар беради. Масалан у:

Манга гарданкашлик айлаб муддаи лоф урмасун,
Этмасун беҳуда айлаб тиғи буррон ила баҳс, —

деб ёзганлиги ҳам маълум.

Аммо шуниси ҳам борки, Муҳйи ўзи эъзозлаган, истеъдодига тан берган кўплаб қалам соҳиблари қаршисида ниҳоятда хокисорлик билан таъзим бажо этади, улар хусусида ўқувчи қалбини забт этадиган зўр фикрлар айтади. Биргина мисол: шоир Тажаллий ҳақида «Тарихи Муҳйии Хўқандий»да қуйидагиларни ўқиймиз:

«Жаноби сайид авлод Ҳусайнхон Дехлавий тахаллуси Тажаллий... ҳозирда Худонинг паноҳида саломатдур. Ҳозир бул зотға баробар келадиган шоир бутун оламда кўринмайдур ва эшитилмайдур, бундай шоир аввалда ҳам бўлмаган, кейин ҳам бўлмайдур. Катта куллиёти бор ва ул жаноб тўрт тилда (яъни арабий, форсий, туркий ва ҳиндий тилларда) шеър ёзадур ва насрда ҳам адимул масал (тенгсиз демоқчи — *Ш. Ю.*)дур».

Муҳйи Муқимий ёзганидек, ўзини ҳамиша баланд тутадиган, ўзга қалам соҳибларини менсимайдиган шахс бўлмаганини юқоридаги биргина мисолнинг ўзи ҳам кўрсатади. Аслида бундай мисоллар анчагина.

Муқимий шеърларининг кўпроқ ашула учун мўлжалланганлиги, улар тўй-базмларда, халқ кўп йиғиладиган давраларда айтилиши ҳам гўё Муҳйига ёқмаган, деган фикрга келсак, аввало, ижодкор яратган асарларнинг оммабоплиги далили бўлмиш бу жиҳатни шоирга айб сифатида

қўйиш ўринли бўлмас эди. Қолаверса, бу иш айб ҳисоблангундек бўлса, Муҳйининг ўзи ҳам бу «айб»дан холи эмасди. Чунки Муқимийники сингари Муҳйининг кўплаб ғазал, мухаммас, мураббалари улар барҳаётлик вақтида ҳам, улар вафотидан сўнг ҳозирга қадар ҳам халқнинг севимли хонандалари томонидан мунтазам равишда ижро этилиб келмоқда, уларнинг миллионлаб тингловчилари бор. Биргина мисол. Амирийнинг машҳур ғазалига Муҳйи томонидан боғланган тенгсиз тахмис хонандаларимиз томонидан бир асрдан ортиқ муддат ичида эҳтирос билан ижро этилиб келмоқда. Унинг:

Кўрдум юзини қолдим балоға,
Ҳажрида юз минг жабру жафоға,
Қайда борурман энди давоға,
Арзимни айтай боди сабоға,
Биздин дуо денг ул бевафоға.

Кўрдум юзини — кеттим ўзумдин,
Дарёлар оқти қонлиғ кўзумдин,
Ҳижрони маълум заъфар юзумдин,
Бир пари янглиғ учти кўзумдин,
Ташлади-кетти минг хил балоға, —

сингари бандларини қалбда титроқсиз тинглаб бўлмайди.

Шуниси ҳам борки, эл-юртга таниқли ижодкорлар ҳақидаги ҳар бир янгиликни қулоқларини динг қилиб кутадиган ихлосмандлар орасида Муҳйи ва Муқимий муносабатларидаги маълум нохушликлар ҳам тезда ёйилиб кетди, бу гаплар даврнинг йирик қаламкашлари эътиборини ҳам тортмай қўймади. Улар бу ҳодисага муносабат билдиришда икки қарама-қарши гуруҳга бўлиндилар. Чунончи, Тажаллий, Мавлавий Йўлдош, Камий, Шавкат Искандарий, Фансуруллобек Хисрав, Абдуллажон Насимий кўпроқ Муҳйини, Рожий Маргиноний, Анбар отин, Писандий эса кўпроқ Муқимийни ёқлаганлар, эъзозлаганлар. Бу муносабат турли шаклларда намоён бўлган. Шеърин асарларда баъзилар ўз муносабатларини ошкора билдирган бўлса, баъзилар у икки шоирдан бирига кўпроқ эҳтиром, иккинчисига камроқ эътибор кўрсатиш билан чекланганлар. «Туркистон вилоятининг газети» муҳарририяти эса Муқимий қаламига мансуб асарларни эълон қилиш чоғида унга оддий ижодкордек муносабатда бўлгани ҳолда навбат Муҳйи асарларини чоп этишга келганида муаллифни «жаноби тожи уш-шуаро», «афсаҳул фусаҳо», «адиби комил», «фозили айн» сингари юксак унвонлар билан сийлаганлиги маълумки, бу ҳам бежиз эмасди. Зотан, Муҳйи ўзига замондош ўзбек ижодкорлари орасида бадиий кашфиётларининг,

шеърый парвозларининг юксаклиги, ўқувчини лол қолдирадиган мислсиз тимсоллар яратиши билан ҳам ижод аҳли, ҳам шеърят ихлосмандлари орасида алоҳида шуҳрат қозонган эди.

Икковлари ҳам Бухорои шарифда мадрасани тугатган, Қўқонда бир мадрасанинг ҳужраларида истиқомат қилган, ягона адабий муҳитда қалам тебратган Муҳйи ва Муқимий шахсий муносабатлари маълум муддат яхши бўлмай қолганлигининг баъзи сабаблари ва кўринишлари ана шундай. Лекин Муқимий меросида бир ғазал борки, унинг яратилиш тарихига, жанр хусусиятларига, ундаги айрим ишораларга чуқурроқ назар ташланса, икки йирик шоир ораларидан ола мушук ўтишига уларнинг интим туйғулари ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги эътиборни тортади.

Ақлу хуш учти бошимдин эй пари, девонаман,
Бир иложе қил, эл ичра бўлмайин афсона ман, —

матлаъли ғазал Муқимийнинг алоҳида шуҳрат топган, тезда сеҳрли хонишга айланган ва шоир асарларининг деярли барча нашрларидан жой олган ноёб намунадир. Бу ғазалга шоир билан замондош баъзи шоирлардан ташқари унинг ўзи ҳам тахмис боғлаганлиги Муқимий бу шоҳ ғазалини қанчалар қадрланганлигидан далолат беради.

Яна бир жиҳати шундаки, Муқимий ўз замондошлари орасида энг кўп мувашшаҳ ёзган шоирлардан ҳисобланади ва мулоҳаза юритилаётган ғазал ҳам шу шаклда битилган. Мувашшаҳ ғазални, аҳён-аҳёнда эса, мурабба ёки мухаммасни бирор шахснинг номи билан безамоқ, зийнатламоқ демакдир. Шахс исмини асарга тўғридан-тўғри киритиш билан у мувашшаҳ бўлиб қолмайди. Мувашшаҳ ғазалдаги ҳар байтнинг биринчи мисраси, айрим ҳолларда иккинчи, яна бошқа ҳолларда эса ҳар икки мисраси бош ҳарфларини, аниқ тартиб асосида кетма-кет терилганида шеърга зийнат берувчи шахснинг номи тўлалигича чиқади. «Ақлу хуш» ғазали ўзбек мумтоз шеърятда кам учрайдиган ҳодиса эканлиги унинг аёл киши номига мувашшаҳ қилинганида ҳам кўринади. Ғазал матни қуйидагича:

Ақлу хуш учти бошимдин, эй пари, девонаман,
Бир иложе қил, эл ичра бўлмайин афсона ман.
Дарду сўзу ашқу оҳимни қиёс эт шамъдин,
Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.
Ул замонеки йироқ васлингдин ўлдум, то бу дам
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудан уйғонаман.
Лаҳзаи захри гаминг ютмоққа тоқат қолмади,
Нўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонаман.

Хома мужгон, кўз қаросидин ёзиб рози дилим,
Арзай қилдим, эшит, маъюсу муштоқона ман.
Оҳким, сенсиз қарору сабру оромим кетиб,
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.
Навбати жомим тўла қуйғил карамдин, соқие,
Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши мастона ман.
Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

Арабча ёзув қоидасига кўра учинчи байт бошидаги «ул» сўзи «алиф» ҳарфи билан бошланиб, «а» тарзида ўқилишини ҳисобга олган ҳолда ғазал байтларининг биринчи ҳарфлари кетма-кет териб чиқилса, «Адолхоним» исмини ўқиш мумкин. Муқимий ижодининг шўро давридаги дастлабки тадқиқотчиларидан академик Ғафур Ғулом ғазал мақтаёидаги «Мулки Ҳинду Марвдин» сўзларидан муаммо санъати қоидаларига кўра шоир Муҳйининг ҳақиқий исми Муҳиддин чиқишини, ғазал мувашшаҳ қилинган Адолхонимнинг мураккаб ҳаёт йўли хусусида эса «Қизи халқидан узр сўрайди» сарлавҳали мақола бошлаганини шогирдлари ва дўстлари даврасида айтганлиги маълум.

Хуллас «Ақлу ҳуш» ғазали Адолхонга мувашшаҳ ва Муҳиддин Муҳйига муаммо сифатида дунё юзини кўрди ва зўр шуҳрат қозонди. Ҳуш, Муқимий ўз она юртида эътибор топмаганини, бунга гўё Муҳйи сабабчи эканини нега ижтимоий мавзудаги бирор шеърда эмас, балки ҳижронзада ошиқнинг кўз қаросидан сиёҳ ясаб битилган дилхун ғазалида баён этади? Бу саволга жавоб излаганда икки улуг қалам соҳиби муносабатларига совуқчилик худди шу Адолхон туфайли ҳам тушмадими экан деган фикр туғилиши табиий. Ҳуш, Адолхоннинг ўзи ким? У билан яқин дугона бўлиб, бир неча йиллар бир том остида яшаган машҳур санъаткор Лутфихоним Саримсоқованинг бизга маълум қилишича, Адолхон хўжандлик оддий бир ҳунарманднинг ўта кўҳлик, ўта истеъдодли қизи бўлган. Аччиқ тақдир тақозоси билан у Фарғона вилояти мустамлака маъмуриятининг маркази бўлмиш Янги Марғилонда байтул алтофга тушиб қолган. Шу даҳшат масканида у ўзининг мислсиз дарду аламларини ҳазин шеърӣ мисраларга жойлаб, уларга дилхун қуйлар басталаган, бир умрлик ҳамроҳи бўлмиш мўъжаз дугори жўрлигида уларни тенгсиз маҳорат билан хониш этаверган. Ўзбек кўшиқчилик санъатининг безавол обидалари бўлмиш «Адолча танавори» туркумидаги сеҳрли ашулалар шу тариқа вужудга келган.

Қаро сочим ўсиб қошимға тушти,
На савдолар мани бошимға тушти, —

байти билан бошланадиган «Тановар», шунингдек, туркумнинг:

Сунбулаю сунбула,
Ураб олай гул била.
Мани кўнглум сиз била,
Сиз кетасиз ким била, —

деб бошланадиган шўъбаси ҳануз энг муборак давраларнинг асл беазаги бўлиб қолмоқда. Муъжазгина, кўркам жусаси туфайли халқ орасида Адолча деб суйилган бу жасур санъаткор 1907 йилда граммофон пластинкаларига ижро этиб берган ва узоқ-узоқ хорижий мамлакатларга ҳам бориб етган хонишлари билан ўзига нурли ҳайкал қўйган эди. Одатда буюк истеъдод эгаларини таъқиб этадиган фожиалар Адолхонимни ҳам четлаб ўтмаган. Унинг ҳаёти ҳам, ўлими ҳам фожиали бўлган. Машҳур санъаткор Лутфихон аянинг айтишича, Туркистон мухторияти қонга ботирилган ойларида Адолхоним мухторият раҳбарлари билан махфий алоқадорликда айбланиб, чека ходимлари томонидан ҳибсга олинган ва шундан сўнг ҳеч ким уни кўрмаган.

Ҳарқалай, Муҳйи билан Муқимий орасида кўнгилсиз воқеалар рўй беришида Адолхоним ҳар икки шоир томонидан бир вақтда севиб қолиниши ва Муқимий бу муҳаббат можаросида учинчи, яъни ортиқча киши бўлиб қолганлиги ҳам эҳтимол. Унинг худди Адолхоним номига қилинган мувашшаҳда Муҳйичалик қадр топа олмаганидан қаттиқ афсусланиши шунинг натижаси бўлиши мумкин.

Лекин ораларидаги низога аслида нималар боис бўлганидан қатъи назар, Муҳйи ҳам, Муқимий ҳам XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларидаги ўзбек мумтоз адабиётининг шубҳасиз энг азамат вакиллари эди. Шу ваздан ҳам уларнинг бирини улуғлаб, иккинчисини камситиш тарих олдидаги кечирилмас хато бўлур эди.

Муҳйи мероси. Муҳйи зуллисонайн ижодкор бўлиб, ўзининг шеърий, насрий ва тарихга оид асарларини ҳам ўзбек, ҳам форс тилларида битган. Унинг форсий асарлари кўпроқ эканини қайд этмоқ лозим. Айни вақтда шоирнинг ўзбекча газал, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, рубоий, қитъа, маснавий, шеърий мактуб ва бошқа жанрлардаги асарлари ўқувчилар орасида алоҳида шуҳрат қозонган, юксак қадр топган.

Муҳйи шеърятининг мавзулар доираси ғоят кенг бўлиб, унда инсон ички оламининг анвои жилоларини акс эттирувчи лирик шеърлар ҳам, жамият ҳаётининг турли жиҳатлари тасвирига бағишланган ижтимоий шеърлар ҳам, тасаввуфона оҳангларда битилган намуналар ҳам, давр ва

шахслар табиатидаги номатлуб ҳодисаларини танқид остига олувчи ҳажвлар ҳам учрайди.

Кўп асрлик бой мумтоз шеърятимизда етакчи ўрин тутган ишқий мавзу Муҳйи лирикаси учун ҳам хосдир. Шоир бу мавзуда қалам тебратар экан, Насимий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Амирий сингари азамат ижодкорлардан кўп нарса ўрганганлиги, улар яратган хилма-хил тимсоллардан намуна олиб, ўша тимсолларнинг ҳали очилмаган янги-янги қирраларини оча билганлиги, балоғат чўққисини эгаллагач эса, ўша тимсолларни рад этадиган, ниҳоятда оригинал, бетакрор тимсоллар яратганлиги маълум бўлади. Масалан, Амирийга пайрав тарзида битилгани қайд этилган бир ғазалида Муҳйи:

Зулфи мушкин мойил ўлмиш хаттинг узра, ўйлаким,
Гулшан ичра солди сунбул соя райҳон устина, —

дея маҳбубанинг жингалак зулфи лаби атрофидаги майин туклари устида тебраниб ғоят кўркем манзара касб этганлигини гулшанда райҳон устига сунбул соя солиб турганига ўхшатиб тенгсиз ташбеҳ ишлатса,

Кеча сенсиз сели ашким бузди бунёди жаҳон,
Кетмагилким, бўлмасун оламни тўфон устина, —

дея бир йўла икки шеърий санъат, яъни ташбеҳ ва муболағани юксак маҳорат билан қўлланиб, таъсирчанликда янги чўққига кўтарилади.

Муҳйи ўзига замондош шоирлар орасида бадиий кашфиётларининг мўл-кўллиги, шеърий парвозининг юксаклиги, ўқувчини лол қолдирадиган тимсоллари билан ажралиб турар эди. Шоир анъанавий тимсолларни инкор этиш, моҳият эътибори билан уларга зид тимсоллар яратишда алоҳида қудрат касб этади. Чунончи, мумтоз шоирлар гунчани маҳбубанинг оғзига, гул қизиллигини маҳбуба чеҳраси рангига ўхшатиш орқали таъсирчан анъанавий тимсоллар яратганлар. Муҳйини эса бундай ташбеҳлар сира-сира қаноатлантирмайди. У:

Гунча оғзин қилма нисбат ногаҳон ёр олдида,
Эй сабо, ёрим учун оғзини ур-ёр олдида.
Айла авроқин паришон гулни ҳам гулшан аро,
Айласа ҳамранглиғ лофини дилдор олдида, —

деб ёзаркан, шоирнинг улкан кашфиётига тан бермай иложингиз йўқ.

Муҳйининг муҳаббат мавзуидаги шеърларида ҳам ишқи мажозий, ҳам ишқи ҳақиқий куйланади. Бу бутун мумтоз шеърятимизга, жумладан, Муҳйи ижод этган XIX асрнинг II ярми — XX аср бошларидаги Кўқон адабий

муҳити вакилларига мансуб бўлган муҳим жиҳатдир. Масалан, Муҳйи билан деяри бир даврда қалам тебратган ва ўз ижодий тамойиллари билан унга ҳамфикр бўлган Зиёвуддин Ҳазиний меросида худди шундай ҳолни кўрамиз. Ҳазиний ўз шеърларида ишқи мажоз мактабини ўтмаган одам ишқи ҳақиқийга эриша олмайди, деган тасаввуфона қарашни ифодалаб, бундай ёзган эди:

То мажозий ўтига куймай ҳақиқат топмағай,
Эй Ҳазиний, кўз ёшингни айла тўфонинг керак.

«Ишқи мажоз» радифли ғазалида эса у ишқи мажозда ўртана-ўртана ишқи илоҳий топган афсонавий қахрамонларнинг номлари ва ишларини ўқувчи тасавурида янгидан гавдалантиради. Ҳазиний ишқи мажозни инсон табиатида ҳавас қиларли фазилат деб ҳисоблайди. Муҳйи дунё лаззатларидан кўб ва хўб баҳра топганини, ишқи мажоз жомидан қониб май ичганини қайта-қайта таъкидлагани ҳолда, чамаси, умр куёши заволга юз тутган вақтларга келиб ўзини ишқи мажоздан халос этишни Тангри таолодан илтижо этади:

Мани ишқи мажозийга гирифтор айлама, ё Раб,
Алар ишқи билан бағримни афғор айлама, ё Раб.
Менга фазлинг насиб айлаб, хатодин сақла бандангни,
Бу бебоку жафожўлар била ёр айлама ё Раб.
Кечиб дунёи фонийнинг муродин истамас Муҳйи,
Ани жуз лойиқи фирдавс дийдор айлама, ё Раб.

Муҳйи меросида юқоридаги сингари мисралар мавжудлигига қарамай, ишқи мажозни ҳам, ишқи ҳақиқийни ҳам тараннум этувчи шеърлар бир-биридан кам эмас. Масалан:

Келди наврўз, эй ёронлар, очдин бағрин лолозор,
Гул чаманда очилиб, булбулни айлар беқарор.
Кўп ғаниматдур баҳору ёз ила гулшан аро —
Жам бўлиб, аҳбоблар, суҳбат этинглар ихтиёр.

ёки:

Баҳор айёми хушдур гулшану боғ,
Чиқиб саҳрога бўлди табъимиз чоғ.
Паривашлар билан айлаб тамошо —
Баланду паст, бўлди кўнглимиз тоғ,

сингари тўртликлар битиб, ҳаёт гўзалликларидан бир олам шавқ-завқ олганини эҳтирос билан ифодалаган шоир «ошно», «мубтало», «ғараз», «яхшироғ», «бўлдум», «эмасму» радифли ва бошқа ғазал ҳамда мухаммасларида ишқи мажоз туйғуларини қаламга оларкан, ўқувчи қалбига тит-

роқ соладиган, уни нажиб хаёллар оламига етаклайдиган
анвои мисралар тизади.

Донаи холингмудур ул лаъл нобинг ёнида,
Ё магар кавсар лабида ўлтурон ҳиндумидур?

Ёки:

Чиқти ул маҳруҳ мени йўлимға истиқбол учун,
Ой юзи-ла гуёе чиқмуш олуб меҳмона шамъ.

Ёки:

Топмадим гулшанда ҳаргиз бир тикон,
Хаста булбул кўксиға санчилмағон.

Ёки:

Менга лутфу карамлар қилмаса ёр, йўқ айбким,
Булхавасликдин бўлубмен подшоға мубтало,

Ёки:

Муҳйи, кам-кам қилғусидур ошнолиғ, ғам ема,
Зарраға боқмасму охир меҳри раҳшон оқибат, —

сингари чинакам шоирона кашфиёт мақомидаги кўб ва
хўб бетакрор мисралар шулар жумласидандир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Муҳйи ишқи мажозийни
акс эттирган ўзбекча ва форсча ғазалларнинг катта бир
қисмини мувашшаҳ шаклида яратган. Шоирнинг бир бу-
тун китоб ҳолида 1911 йилда Тошкентда чоп этилган фор-
сий ва туркий девонига назар ташлар эканмиз, унда Сул-
тонмуродхон, Юсуфхон, Қорихон, Маҳмудхон, Мирзо-
ҳамдам, Шерқўзихон, Ортиқхон, Шоҳюнусхон, Олимжон-
хон, Мирфаёзхон, Соатхон каби замондошлари номига
битилган мувашшаҳларни кўрамыз. Шу муносабат билан
улкан шоир ва тадқиқотчи Мақсуд Шайхзоданинг муваш-
шаҳ ҳақидаги қизиқарли мулоҳазасини эслаб ўтишга эҳтиёж
сезилади. «Лирикада мувашшаҳ жанри... ўзбек адабиётида
айниқса XIX асрнинг II ярмида кўп авж олиб кетиб, ада-
биёт аҳли ўртасида кенг расм бўлиб қолган эди. Ҳатто шу
даражадаки, шоирлик ва назмчилик ҳунари мувашшаҳчи-
ликдаги маҳорат билан ҳам ўлчанадиган бўлиб қолди. Аниқ-
лик учун шуни ҳам айтиш керакки, — дея таъкидлаган
эди муаллиф, — мувашшаҳ кимнинг исмига боғланган
бўлса, ўша ғазалда таъриф этилган образ ҳам айна мазкур
кишининг ўзидир, деб ўйлаш хатодир. Мувашшаҳдаги бу
ғазалнинг кимга бағишланганига далолат қилади, холос.
Асарда тасвирланган ёр эса бус-бутун бошқа бир киши
бўлиши ҳам мумкин». Устоз Шайхзоданинг кейинги фик-

ри ғоят тўғри эканини кўрсатиш учун биз Зокиржон Фурқатнинг машҳур ҳофиз дўсти Мулла Тўйчи исмига мувашшаҳ қилинган «устида» радифли ғазалидан икки байтни келтирмоқчимиз:

Ўсмалик қошларму ё шамшир қондин занглиғ,
Ёки пистоқи тўкулмуш ранги аҳзар устида?
Юз уза кокулмудур ҳар сори печу тоб ила,
Ганжи ҳуснунгму ётур ё икки аждар устида?

Бу ўринда тасвирланган ўсмалик қошларни, ҳар сори силкинувчи кокилларни Тўйчи ҳофизга нима алоқаси бор? Маълум бўладики, ғазалда бутун бошқа бир маҳбуба тасвирланган бўлиб, у Тўйчи ҳофиз исми билан безалган ва, чамаси, ашула қилиб айтиш учун ҳофизга тақдим этилган. Шайхзода мувашшаҳ ҳақидаги мулоҳазаларини якунлар экан: «... исмига мувашшаҳ боғланган кишиларни аниқлаш ва шу орқали шоирнинг ёру дўстлари, муҳити ва доираси ҳақида конкрет материални қўлга киритиш, шоирнинг илмий биографиясини яратиш учун муҳимдир», деб ёзган эди.

Шайхзода домланинг бу фикрлари шоир Муҳйи мувашшаҳларига ҳам тўла алоқадор бўлиб, улкан шоир яшаб ижод этган ижтимоий-маданий муҳитни аниқлашга, унинг таржимаи ҳоли, кўрган-кечирган воқеаларини яққол тасаввур этишга кўмаклашуви турган гап.

Ишқи ҳақиқий борасида қалам тебратар экан, Муҳйи ўқувчиларни дунё ҳою ҳавасларидан кечишга, хилватнишинликка, ҳамиша ёди Ҳақ билан яшашга даъват этади, ўзининг умри ҳақиқий тоат-ибодатдан четда, охират тадорикини қилмай ўтганидан фарёд чекади. Шоир шу йўл билан бошқаларнинг ҳам иймон-эътиқодли, инсоф-тавфиқли, сабр-чидамли, айна вақтда Ҳақ шафоатидан ҳамиша умидвор бўлиб яшашларини истайди. Унинг:

Эй соҳиби кошонау қасру айвон,
Айлар сани қасрингни ҳаводис яксон.
Кўб қилма бино қасру иморатингга, —
Ким, марг қилур вужудинг вайрон,

тўртлиги, шунингдек, ғазалларидаги:

Гар айласанг, биродар, сан ихтиёри хилват,
Албатта бўлғусидур Ҳақ санга ёри хилват.
Хилватни кунжи, билсанг, ишқ аҳдини биҳишти,
Боғи Эрамдин ортуқ, албатта, ғори хилват,

ёки:

На тил бирла баён айлай, гуноҳим ҳаддин афзундур,
Бўлуб мусриф авқотим найи нафсу ҳаво, ё Раб,

Агарчанди гуноҳ бирла ўтар Муҳйини айёми,
На гам, маҳшар кунӣ қилсанг шафиъим Мустафо, ё Раб, —

сингари мисралар ишқи ҳақиқийга шоир қалбининг садоларидир.

Лирик шеърларида Муҳйи ўз ўтмишдошлари ва замондошлари бўлмиш забардаст ижодкорлар сингари фалак кажравлигидан, покдомон аҳли илм, аҳли ҳирад қадр топмаганидан қайта-қайта зорланади, кези келганда, дарғазаб бўлади. «Бўлди ул қолу балода қисматим», «Топмадим гулшанда ҳаргиз бир тикон», «Эй чархи сифлапарвар, ман сандин айлайин дод», «Бўлди барҳам, эй дарифо, яхши давронлар абас» мисралари билан бошланадиган ва бошқа кўпгина ғазалларда шу ҳолатни кўриш мумкин.

Муҳйи ўзи яшаб турган даврда эл-юрт ҳаётида рўй берган катта-кичик воқеаларга, турли масжид-мадрасалар, бозор расталари қурилишига, мамлакат деҳқончилигини ривожлантириш учун йирик наҳрлар қазилишига, ўзидан илгари ўтган ва ўзи билан бирга яшаган тарихий шахслар вафотига бағишлаб ҳам шеърлар битган. Шундай воқеаларнинг энг шов-шувлиси — халқ бошига катта мусибат келтирган 1902 йилги Андижон zilzilаси эди. Ана шу фожиага атаб Муҳйи томонидан битилган ўн тўққиз банддан иборат мухаммас-таърихни «Туркистон вилоятининг газети» ўз саҳифаларида «Хўқандлик шоири номдор, соҳиби иқтидор мавлоно Ҳожи Муҳйи афандининг Андижон шаҳри хусусида дилсўзона абётлари» сарлавҳаси остида чоп этганлиги маълум. Умрининг энг яхши дамлари шаҳзода Насриддинбек саройида, кейин эса ўзига дўст-қадрдон аҳли фозиллар орасида Андижонда ўтган шоирдан бу zilзила чиндан ҳам «дилсўзона абётлар» тақозо этганди. Муҳйи ўзи учун алоҳида севимли, қадрдон бўлган, кейинчалик унинг умри ришталари узилган бу шаҳар фожиасини худди ўз шахсий фожиасидек қабул этган ҳолда кўз қаросидан давот, киприкларидан килк ясаб, тенгсиз бир марсия битган эдики, унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳарфидан Андижон аҳлига буюк ҳамдардлиги шундоққина кўриниб туради. Зотан:

Таън айламанг, азизлар, зинҳор Андижонга,
Ҳақ амри бирла бўлгон ҳамвор Андижонга,
Қилган экан муқаддар Жаббор Андижонга,
Доим дуойи хайрат даркор Андижонга,
Сан айлама маломат бекор Андижонга

банди билан бошланадиган мухаммасни илк мисралардан бошлабоқ қалб изтиробисиз ўқиб бўлмайди. Туронзаминда умрининг аксар қисми ўтган, уни она-ватан сифатида жон-

дилдан қабул этган, юрт ҳукмфармолари хоҳиши билан пойтахт Қўқонда ҳам, Андижонда ҳам сарой аъёнларидан бирига айланган Муҳйи хонлик ҳудудлари чор Россияси томонидан аввал қонга ботирилиб, кейин империянинг вилоятларидан бирига айлантирилганидан бениҳоя дарғазаб эдики, кези келиши биланоқ ўша чексиз газабини тўкиб солади. У Андижон аҳли аслида қандай ҳалол, иймон-этиқодли, мусофирга меҳр-оқибатли бўлганлиги ҳақида сўзлаб келиб, барча ёмон ишлар бу шаҳарга ажнабийлар келганидан сўнг авжга чиққанини гоят усталик билан қистириб ўтади:

Бечора эрди халқи, билмас эди шарорат,
Муллою хўжасининг афъоли зуҳду тоат,
Келса мусофир аҳли, айлар эди зиёфат,
Касб этти ажнабийдин шўри шаръи хиёнат,
Юзланди ҳар тарафдин ишроп Андижонга.

«Ажнабий» иборасини Муҳйи «рус мустамлакачиси» маъносида олганлиги, цензурани чалғитиш учун шундай айланма йўл тутганлиги ўз-ўзидан аён. Шундан сўнг шоирнинг жону дили бўлган шаҳар халқи шаънига номатлуб гаплаб айтиб, «ажаб бўлди-хўб бўлди» дея маломатга зўр берганларнинг танобини тортиб, жойини кўрсатиб қўяди:

Қилманг аларға тухмат, нисбат бериб шарорат,
Беҳуда айламанглар ўлганлара ҳақорат,
Эй ғафлат аҳли, бўлманг бир лаҳза бетаҳорат,
Шайтон магар қилибдур сиздин ҳаёни ғорат,
Беҳуда таън этарсиз абгор Андижонга.

Бўлма ўзунга мағрур, эй бетамиз, нодон,
Элни мусибатиға бир лаҳза шод-хандон,
Найларсан ўлса зоҳир санга азоби тўфон,
Ё зилзила балоси юртингни қилса вайрон,
Ибрат кўзи била боқ яқбор Андижонга.

Муҳйи иймон-этиқоди мустаҳкам мўмин сифатида андижонликларни сабр-тоқатга, доимо Ҳақ ёди билан яшашга чақиради, Аллоҳ ўзи лутф айласа, шаҳар аввалгидан ҳам яхшироқ, гўзалроқ бўлиб қад кўтаришига улар дилида умид уйғотадиган ноёб мисралар битади; шоирнинг «Қодир эрур Худованд гар қилса боз обод» деган сўзлари Ҳақ даргоҳида ижобат бўлиб, тез орада Андижон яна асл қиёфасига эга бўлди. Орадан 8—9 йил чамаси вақт ўтгач, шаҳарга, қадрдон дўстлари суҳбатига келган андижонпараст шоир шу ерда ҳаёт билан видолашди ва шаҳардаги Хожа Саъдиддин Фарғоний қабристонига дафн этилиб, ўз севган шаҳрида мангу қолди.

Муҳйи яшаган даврда Фарғона водийсида рўй берган ва узоқ муддат зўр шов-шувларга сабаб воқеа фирибгар Виктор Ахматов фаолияти билан боғлиқ эди. Қўқондаги рус савдогарлари конторасида бошқарувчи бўлиб ишлаган устаси фаранг Виктор Европо ва Россиянинг катта шаҳарларидан арзон баҳода ноёб моллар келтириб беришни ваъда қилиб, Фарғона водийсидан ташқари Бухоро амирлигидаги ўнларча маҳаллий савдогарларни алдаб минг-минглаб пул тўлаган, қилар ишини қилиб бўлгач, Россия ичкарисига қочиб, дом-дараксиз йўқолган эди. Бирини ўн қилиш пайидаги фирром, айна маҳалда лақмароқ бойлар арзон ноёб мол тамаъида бор-йўқларини Викторга икки қўллаб топширишдан ташқари, бир нечалари рус банкирларидан ҳам қарз-ҳавола кўтариб синган, эл-юрт орасида шармандаи шармисор бўлган эдилар. Туронзамин тарихида кўз кўриб кулоқ эшитмаган «Виктор воқеаси» 1891 йилда рўй берган бўлиб, ўша даврнинг кўплаб ижодкорлари эътиборини жалб этган, бу хусусда кенг кўламли шеърӣ туркум яратилган эди. Муқимий, Завқий, Зорий, Нодим ва бошқа бир неча йирик ижодкорлар қатори Муҳйи ҳам бу воқеа хусусида «Дар мазаммати Бектур» номли ажойиб ҳажв битган бўлиб, мухаммас шаклидаги бу асар 19 бандни ташкил этади.

Муҳйи ҳажвининг найзаси асосан Викторга эмас, балки мол-дунё ҳирсига берилиб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, орому роҳат нималигини билмаган, бойлиги ҳеч ерга сифмаса ҳам шариат буюрган закотга фирромлик қилган, бева-бечораларга ёрдамни асло хаёлига келтирмаган зиқна бойларга қаратилган. Муҳйи бу мол-дунё бандаларининг чиркин қиёфасини баралла гавдалантирувчи қуйма мисралар, унутилмас тимсоллар яратади. Шоир тасвирича, улар тасбиҳ ўгириш чоғида Аллоҳнинг номини эмас, Виктор номини вирд қиладилар, Викторни шоҳ, ўзларини эса мулозим деб биладилар. Уларнинг хасисликдан ҳам бадтар бир қилмишлари шуки, мустамлакачи руслардан бошқаларни тан олмайдилар. Бу хусусда шоир:

Бермай закоти шаръӣй, ҳаж қилмаган гуруҳа,
Дунё деб охиратни ёд этмаган гуруҳа,
Арбоби фазл қадрин ҳеч билмаган гуруҳа,
Русийдин ўзга элга бош инмаган гуруҳа,
Жавр айла — берма пулни имкони бор. Бектур, —

деб ёзаркан, фирибгарнинг бу иши ўша гуруҳларга нисбатан одилона қасосдир, деган хулосага келгандай бўлади.

Мухаммаснинг сўнгги бандида Муҳйи ўзининг ҳаёт фалсафасини, мол-дунёга муносабатини ифодаловчи мисралар битаети:

Шукр этки, Муҳйи, бўлдинг сен мўмину муаҳҳид,
Дунёи дун учун ҳеч умр ичра қилмадинг жидд,
Дунёю охират-чун ҳар иккиси эрур зид,
Дунё матое бешак уқбо элига косид,
Дунё деган муқаррар маъноси нор, Бектур.

Гап шундаки, аввало, Муҳйининг ўзи юқорида айтганидек, мол-дунёга эътибор қилмаган, фақирона турмуш тарзини афзал кўрган киши бўлса, иккинчидан, ўқувчиларни ҳам асарда ҳикоя қилинган ибратли воқеадан тўғри хулоса чиқариб, тўғри яшашга даъват этади. «Дар мазаммати Бектур»нинг энг аҳамиятли жиҳати ҳам шундадир.

Муҳйи ўзбек ва форс тилларида кўб ва хўб асарлар яратган, нодир девон соҳиби эканидан ташқари, ўз даврининг йирик тарихнавис олими ҳам эди. Унинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институти Кўлөзмалар бўлимида 604-инвентар рақам остида сақланаётган «Тарихи Муҳйи Хўқандий» асари фикримизнинг далилидир.

Асарнинг асосий қисми Кўқон хонлиги тарихини ёриштишга бағишланган бўлиб, у анъанавий ҳамду сано билан бошланиб, инсоният тарихи ибтидосига назар ташланади. Сўнгра Кўқон хонлиги тарихи сарчашмаларида турган Олтин Бешикхон ва унинг авлодлари бўлмиш ҳукмдорлар, айниқса, хонликнинг бевосита таркиб топтиришда алоҳида жасорат кўрсатган Шохруҳхон, ниҳоят Муҳйига замондош бўлган Шералихон, Маллахон, Худоёрхон, Шохмуродхон, Султон Саидхон, Насриддинхонлар ҳақида энг ишончли ва қизиқарли маълумотлар берилади. Кўқон хонлигининг чор мустамлакачилари томонидан босиб олиниши, бу ишда тож-тахтга ўчилиги, манфаатпарастлиги, худбинлиги билан душман томон мақсадларининг нисбатан енгил амалга ошишига, хонлик тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти тузилишига сабаб бўлган сохта Пўлатхон, Абдурахмон офтобачи ва бошқалар ҳақидаги муаллиф маълумотлари бошқа муаррихларнинг асарларида деярли учрамайди.

Хонлик тугатилиб, юрт Россия тасарруфига ўтгач, бу ишнинг бош айбдорларидан бўлмиш Абдурахмон офтобачи ўша вақтларда Оренбург сургунида яшаётган Худоёрхон ҳузурига тавба-тазарру қилиб бориши, собиқ хон ўзи гоят оғир аҳволда эканига қарамай, хиёнаткор қайнисига анчагина моддий ва маънавий ёрдам берганлиги, ҳатто бир татар аёлига уйлантириб қўйиб, катта ҳиммат кўрсатганлиги ҳақидаги муаллифнинг қизиқарли маълумотлари гоят муҳимдир.

Китобнинг иккинчи қисмида, асосан, Муҳйининг хорижий мамлакатларга Қўқон хонлигининг элчиси ва сайёҳ сифатида борганида туғилган таассуротлар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва Туркия тарихига оид материаллар, муаллиф ўзи кўрган ёки меросини ўрганган хорижий шарқ олимлари ва шоирлари ҳақида, Муҳйидан олдин ўша мамлакатларда бўлган туронзаминлик сайёҳлар борасида бой маълумотлар берилган. Унда Муҳйининг устозлари бўлмиш қўқонлик шоир Тамкин, пешоварлик олим ва адиб Муфти Эсон Соҳиб, Ёркентда истиқомат қилган йирик шоир Тажаллий хусусидаги мулоҳазалари ҳам айниқса қимматлидир. Муаллифнинг форс тилидаги бу китоби бой маънавий меросимиз дурдоналаридан ҳисобланади.

Шарқшунослик институти қўлэмалар фондида 415 ва-рақдан иборат «Риёзул фирдавс кашкули Муҳйи» номли йиғма асарлардан иборат катта дастнавис китоби ҳам 11324-инвентар рақамда сақланади. Унда Ҳофиз, Жомий, Навоий, Сайидо, Амирий ва бошқа шоирларнинг ғазал ва мухаммасларидан ташқари Муҳйининг форсий ва туркий тиллардаги насрий ҳамда шеърий асарлари ҳам ўрин олган. Бундан ташқари 1303-инвентар рақам остида сақланаётган «Девони Муҳйи туркий»нинг шоир дастхат нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, анъанавий ҳамд ва наътлар билан бошланган бу девондан муаллифнинг ғазал, маснавий, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, рубоий ва бошқа жанрлардаги кўплаб асарлари жой олган.

* * *

Муҳйи бадий маҳоратининг юксаклиги жиҳатидан ўзига замондош қалам соҳибларидан ажралиб туриши даврининг кўплаб ижодкорлари томонидан эътироф этилган. Масалан, улкан шоир Тажаллий ўз қасидаларидан бирида уни барҳаёт Навоий деб атаган бўлса, Аҳмадхон тўра Даҳбедий:

Муҳйики ба фазл ёфт меърож,
Бар маснади фазл соҳиби тож.
Гардида лақаб бо фазл Муҳйи,
Тоҷуш шуарои ашрафул ҳож, —

яъни, Муҳйи фазли билан меърожга етиб, фазл тахтида тож соҳиби бўлди. Фазл шарофатидан Муҳйи лақабини олиб, шоирлар тожи, ҳожилар шарафлиси бўлди, дейди.

Муҳйининг истеъдодли шогирдларидан Фансуруллобек Хисрав эса уни:

Батарзи маснавий монандии Фирдавсийи Тусий,
Фазал бобида гӯё Саъдийи ушбу замон Муҳйи, —

дея кўкларга кўтарган эди.

Муҳйи шаънига бундай мақтовлар зинҳор-базинҳор бе-
корга айтилмаган. Халқ унинг шеърларини интизорлик ила
кутиб, зўр мамнуният билан ўқиганлиги сабабли XX аср-
нинг бошларида Россиянинг узоқ шаҳарларида ясалган энг
кўркем чинни идишларга ҳам унинг байтлари билан жило
берган. Москвада ўша йилларда чиқарилган мўъжаз чинни
пиёла ҳошиясига Муҳйининг:

Ваҳ на хуш мунаққашу зебо пиёладур,
Чой ичгали муносибу раъно пиёладур.
Муҳйи бу навъ зуҳри хунар кўрса аҳли Чин,
Билгил хитой халқи муқаррар уёладур, —

мисралари зарҳал билан битилганлиги, бундай пиёлалар
юз минглаб ясаиб, севимли шоир шеърларини юртлар-
дан юртларга олиб ўтганлиги ҳам алоҳида эътиборга сазо-
вордир.

Муҳйи номи ва асарлари кўп асрлар яшаб, халқ ардо-
ғига бўладиган улкан истеъдод соҳибидир.

ҲАҚҚА ЯҚИН КИМКИ ТУТСА МИЛЛАТИН

Туронзамин уч хонликка бўлинган XVII аср бошлари-
дан XIX аср иккинчи ярмигача ўтган даврда хонликлар-
нинг ҳар бирида алоҳида-алоҳида адабий мактаблар яра-
тилиб, уларда ўнларча, юзларча қалам аҳллари ижод қил-
ганлар. Ҳар бир хонликдаги мактабнинг гуллаб-яшнаган
даври ҳам, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти-
даги нохуш воқеалар туфайли инқирозга учраган даврлари
ҳам бўлган. Шўролар даврида Кўқон ва Хива хонликлари-
даги адабий муҳит ўзбек тадқиқотчилари томонидан, Бу-
хоро адабий-маданий муҳити эса кўпроқ тожик олимлари
томонидан тадқиқ этилгани сир эмас.

Бироқ шу нарса ҳам аёнки, ҳар учала хонликдаги ада-
бий-маданий муҳит шўро мафкураси талабларига кўра, кўп
ҳолларда шу мафкура тазйиқи остида ўрганилди. Бунда ўша
даврлар адабиётидан коммунистик мафкура талабларига
хизмат қилдириш мумкин бўлган ижодкорлар ва асарла-
ригина танлаб олиниб, қолган жуда катта қисми, айтиш
мумкинки, асосий қисми атайлаб четлаб ўтилди ёки онда-
сонда ёдга олинган пайтларда ҳам уларга «меҳнаткаш халқ
манфаатларига зид, реакцион адабиёт» деган тавқи лаънат
осилди.

Масалан, мутахассислар томонидан «Кўқон адабий муҳити» номи остида илмий истифодага киритилган ва алоҳида қудрат касб этган ижодий мактабда Писандий, Тамкин, Қорий, Нисбатий, Муҳаййир, Ёрий, Завқий, Муҳсиний, Мавлавий Йўлдош, Нусрат, Наййирий, Шайдоий, Умидий — Ҳавоий, Роиқ, Синандий сингари ўнларча улкан истеъдод соҳиблари ижод қилганлари ҳолда, бу кенг кўламли гуруҳдан асосан Муқимий, Фурқат, Завқийгина фарзали мақсадларни кўзлаб ажратилиб олиниб, улар яратган асарларнинг кичик қисмини дастак қилиб, «Ўзбек демократик-маърифатпарварлик адабиётининг намояндalари» сифатида халққа танитилганлар, ўша бир қисми асарлардангина иборат китоблари қайта-қайта чоп этилиб, мактаб ва олий ўқув юртлари адабиёт дастурлари, қўлланма ва дарсликларига киритилган эди. Улар асарларининг қолган қисми эса атайлаб ўқувчилар назаридан хуфий сақлаб келинган. Аллоҳ ато этган истеъдоди ва адабиёт олдидаги хизматлари билан номлари юқорида қайд этилган ижодкорлардан асло кам бўлмаган Муҳйи, Ҳазиний каби улкан ижодкорларнинг биринчиси, ҳақиқатга бутунлай зид равишда, «хукмдорлар, пулдорларнинг хушомадгўйи» сифатида, иккинчиси эса марксизм-ленинизм мафкураси томонидан «халқ учун афюн» деб ёмонотлиқ қилинган диний адабиётнинг тарғиботчиси сифатида мунтазам равишда ёмонотлиқ қилиб келинган.

Аслида эса улар халқнинг энг эъзозли, покдомон шоирлари бўлганликларини кўрсатувчи ўнларча тарихий манбалар сақланиб қолган. Масалан, Муҳйининг энг истеъдодли шогирдларидан бири бўлмиш, кейинчалик ўлкада жадид матбуотига асос солиб, истиқлол ғояларини кенг тарғиб этганлиги туфайли шўро даврида биринчилар қатори қатли ом қилинган Фансуруллобек Хисрав ўз устозига баҳо беради экан:

Ба тарзи маснавий монанди Фирдавсийи Тусий,
Фазал бобида гўё Саъдийи ушбу замон Муҳйи,—

дея кенг халқ оммасининг энг севимли шоирлардан бири хусусидаги фикрни тарих учун муҳрлаб қолдирган эди.

Ҳазиний Кўқон адабий муҳитининг Муҳйи, Муқимий, Фурқат, Завқий сингари энг йирик намояндalари билан тенг юксакликка кўтарилган улкан мутасаввуф ва лирик шоирдир. Шуниси ҳам борки, XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида шеърят ихлосмандлари орасида Зиёвуддин Ҳазиний қадар зўр шуҳрат қозонган бошқа бирор ўзбек шоирини тасаввур қилиш мушкул. Масалан, «Баёзи Ҳазиний» 1910—13 йиллар орасида Фулом Ҳасан Орифжоновнинг Тошкентдаги матбаасида янги-янги асарлар ҳисоби-

га тўлдирилган ҳолда етти марта чоп этилганлиги бу тенгсиз қалам соҳибининг китоби ўша давр маданий ҳаётида қанчалар катта воқеа бўлганлигини кўрсатиб турибди. Биргина баёз атиги уч йиллик қисқа муддатда етти бор чоп этилиб, кўз очиб юмгунча тарқаб кетганлиги аввало халқнинг ўз шоирига меҳри бениҳоя эканлиги билан изоҳланар эди.

Келинг, муҳтарам ўқувчи, Ҳазиний тўра шахсий намунасининг ва шеърятининг сир-асрори хусусида бир оз мулоҳаза юритиб кўрайлик. Аввало қўлимиздаги Ҳазиний «Девон»и хусусида. Аслида Ҳазиний тўра ўз асарларининг ўқувчиларга қанчалар зарур эканини англагани сабабли узоқ муддат кўз нуруни тўкиб, барча асарларини бир жойга жамлаб, алоҳида девон тартиб берган ва уни келгуси авлодлар учун бебаҳо мерос сифатида қолдирган. Буни шоирнинг бизгача етиб келган айрим, шеърларидан ҳам билиш мумкин. Масалан:

Таъби ноқис, ақли кўтаҳдур Ҳазиний дун таъб,
Буйла идроку фаросат бирла девоним қалай? —

деб ёзади шоир ўз ғазалларидан бирида.

Аммо ўтмишдаги барча маънавий бойликларимизни қора чақага ҳам арзимаёди деб ҳисобловчи қизил империя даврида бу ноёб санъат дурдонаси ҳам кераксиз бир нарсасидек аллақаяқларга улоқтириб юборилди: ўттизинчи йилларнинг машъум қатағонлари даврида шоирнинг катта ўғли Амакихон қўлида бўлган «Девони Ҳазиний» ҳам беғуноҳ фарзанднинг қамоққа олиниши вақтида бошқа буюмлар қатори мусодара этилиб, гум қилиб юборилади. Шу ўринда бахтиқаро Амакихон Зиёвуддинхон ўғли худди отасининг шўролар кўзига тиканак бўлиб қадаладиган ноёб девонини кўз қорасидек сақлагани учун балога қолмадими экан деб ўйлаб қоласан киши.

Маълумки, Ҳазиний XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср биринчи чорагида, ўлкамизда мураккаб тарихий вазият ҳукм сурган бир даврда яшаб ижод этди. Бу даврда Кўқон, Хива ҳамда Бухоро адабий муҳитларида янгича маърифатпарварлик йўналишида асарлар яратган Аҳмад Дониш, Сатторхон, Фурқат, Ибрат, Комил тахлитидаги ижодкорлар мероси адабиётимизда янги бир босқични бошлаб берди, кейинчалик улар ижоди Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Ҳамза, Мунавварқори, Тавалло ва бошқалар томонидан давом эттирилиб, юқорироқ поғонага кўтарилди.

Аммо гап шундаки, Ҳазиний уларнинг аксар қисми билан бир даврда яшаб, биргаликда ижод қилган бўлса ҳам, унинг меросида янгича маърифатпарварлик ва жадидлик йўналишидаги асарлар деярли учрамайди. Шоир-

нинг 1999 йилда китобхонларга тавсия этилган девони уни аввало йирик мутасаввуф шоир, диний маззулардаги шеърятнинг энг азамат вакилларида бири сифатида таъдирландиради. Иккинчи томондан эса, шоир дунёвий манзуларни, ишқи мажозийни акс эттиришда ҳам улкан истеъдод эгаси эканини баралла намойиш этади.

Ҳазиний ишқи илоҳий тасвирида ўзига хос мактаб яратган олган нодир ижодкор сифатида айниқса характерлидир. Бу соҳада ижод қилган кўплаб йирик қалам соҳибларидан фарқли равишда Ҳазиний меросида ишқи ҳақиқий, яъни ишқи илоҳийга ноил бўлиш учун дастлаб ишқи мажозий босқичини ўтиш шартдир, деган ғояни ўз асарлари тағматнига сингдирибгина қолмай, уни баралла, очиқ-ойдин ифодалаган ҳоллар ҳам кўп бўлган. Масалан, «керак» радифли ғазалида у:

То мажозий ўтига куймай ҳақиқат топмағай,
Эй Ҳазиний, кўз ёшингни айла тўфонинг керак, —

деб ёзса, бошқа бир ғазалида:

Ким мажозий ўтига куймайди, — у ошиқ эмас,
То, Ҳазиний, ҳар кишида ёрнинг савдоси йўқ, —

мисраларини битганлиги маълум.

Шоирнинг бу кўнгил розига чуқурроқ назар солсак, унинг «ишқи мажоз» радифли махсус бир ғазал битганининг ҳам гувоҳи бўламиз.

Ҳазиний шеърятинида ҳаётга, ҳаёт ҳодисаларига муносабат кўп ҳолларда ўта оригинал тарзда, унинг ўзигагина хос йўсинда ифодаланади. Чунончи у:

Рақсдин холи нимарса йўқ бу оламда, билинг,
Билмағай зоҳидни дастада урар саддона чарх, —

дер экан, зоҳид кўлидаги тасбеҳнинг бир маромда айла-ниши рақсга ўхшатилишидан ҳайратга тушмай иложимиз йўқ.

Ёки бошқа бир ўта оригинал тимсолни олайлик:

Мунаввар айлағай оламини зулмат босса тобонинг,
Жамолингни бошида ою кун бирла само муҳтож.

Мумтоз шоирлар одатда ўзларидан олдинги шеърят намояндалари асарларида анъана тусини олган тимсолларнинг бирор янги қиррасини очиш, уни ўз шоирона фикр парвози билан юксалтириш йўлидан борадилар. Чунончи, маҳбубанинг гўзал чеҳрасини куёшга, ойга ташбеҳ қилиш анъанаси мавжуд ва кўпгина шоирлар бу хусусда ўзларига хос тарзда фикрлаб, муваффақиятларга эришганлар. Бироқ Ҳазиний тўра тасвиридаги оламини зулмат боссаю маҳ-

буба тўлин ой сифатида кўриниб, бутун оламжаҳонни бир лаҳзада мунаввар этиши, бу ҳам етмагандек, ою кўёшу само унинг жамолини кўришга муҳтож эканликлари ҳақидаги мислсиз кашфиётни алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Шунинг ўзигина эмас. Ою куни маҳбубани кўришга муҳтож экани Ҳазиний кашфиётига кўра масаланинг бир томони, холос. Бошқа бир ғазалида шоир ҳатто:

Ою кун рашқ айлабон бўлғай хижил рухсоридин,
Наргиси оху, тиши лаълига маржон ўхшамас, —

дейишгача боради. Маҳбубанинг рухсоридан ою кун ҳам рашқ айлаши, ҳам гўзалликда унга тенг кела олмаганидан хижолатга тушиши ҳақидаги фикр ҳам юқорида биз айтган кашфиётнинг давоми, балки янада юқорироқ кўринишидир.

Ҳазиний шеърятти фақат муҳаббат мавзуи билангина чекланиб қолмай, унда кишиларни инсоф-иймонга, вафосадоқатга, меҳр-оқибатга даъват этувчи насиҳатомуз асарлар ҳам анчагина учрайди. Бир байтида шоир:

Ҳазиний, охиратга ҳар киши иймон билан кетса,
Ушал ерда ани сен англагил, ўлган билан ўлмас, —

деб ёзса, бошқа бир байтида:

Ҳар нечук одамни ҳам кўнглига бўлма дардваш,
Душманингни қилгусидур ўзингга ҳамхона лафз, —

дея кишиларни дўст-душманни ажратишга, лақмалик қилиб айтиб юборилган сўз уларни душман билан ҳамхона бўлишдек кўнгилсизликка олиб келишидан огоҳлантиради.

Ҳазинийнинг она юртида энг зўр фожиа — ўрус босқини ниҳоясига етиб, Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти тузилган йилда бўлажак шоир эндигина тўққиз ёшга қадам қўйган эди. У тез орада ўрус босқинининг машъум оқибатларини кўрди, шоир сифатида қалам олгач эса:

Бу на мушкулки, насоро бўлса бизга подшо,
Шул сабабдан барча мўминнинг, билинг, қалби сиёҳ, —

дея баралла бонг урди, ўзича золим зулмидан қутилиш йўллари излади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Ҳазиний золим зулмидан қутилиш учун ундан узоқ-узоқларга, Ислом оламининг муқаддас қадамжолари бўлмиш Маккаи мукаррама ҳамда Мадинаи мунавварага бош олиб кетиш лозим деб ҳисоблади. Шу муносабат билан шоир:

Ўлмайн етсам Мадинага бориб, анда қолай,
То ҳаётим борича йиғлаб юриб хизмат қилай.
Ҳар куни марқадларини гардидан минг ўргулай,

Гар қазо етса, Ҳазиний, остонангда ўлай,
«Жаннатул Бақя» заминидин насиб этса Эгам, —

деб ёзганлиги маълум. Бошқа бир шеърдаги:

Равзаи покингга келдим, ё расули Мустафо, —

дейишига қараганда, шоир чиндан ҳам Ҳаж зиёратида бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Масаланинг бу жиҳати Ҳазиний ўз давридаги Қодирия сулукининг йирик раҳнамоларидан бўлмиш Муҳаммад Ҳаким халифага мурид тушиб, илми ладунда юқори мартабага эришуви билан боғлиқки, у ҳақда кейинроқ тўхта-ламиз.

Ҳазиний тўранинг ишқи мажозийни акс эттирувчи ғазалларида навоийвор, муқимийвор намуналар кўплаб учрайди. Чунончи:

Зоеъ ўткардим йигитликни паривашларни деб,
Ушбу иллат бўлмагай мандин раҳо токайгача, —

байтини ўқиганда, ҳазрат Навоийнинг:

Йигитликда кўнгулни узмагайдим дилраболардин,
Қариганда нечун кўнгул узай мужгон асолардин, —

деганлари беихтиёр ёдга келса, бошқа бир ғазалдаги:

Ажаб ошуфтадурман, айлайн изҳор деб келдим,
Юракда қолмади тоқат, кўрай дийдор деб келдим, —

байтини мутолаа қилганда мавлоно Муқимийнинг:

Кўп эрди ҳасратим, жоно, қилай изҳор деб келдим,
Муқимий кунжи ғам эрдим сени ғамхор, деб келдим, —
матлаъли машҳур ғазали ёдга тушмай иложи йўқ.

Ишқи мажозий тасвирида ўтмишдаги ва замондош мумтоз шоирлар билан ҳамфикрликни намойиш этувчи бундай мисоллар Ҳазиний тўра меросида кўплаб учрайди.

Шоир девонида бу мавзуда кўплаб асарлар учраши муносабати билан бир масалага алоҳида тўхталиб ўтиш зарурати сезилади. Ҳазиний тўра яшаб ижод этган давр адабиётида айниқса кенг ривож топган мувашшаҳлар ҳақида гап бормоқда. Шоир мансуб бўлган Қўқон адабий муҳитида ҳам, Хива хонлигидаги шоирлар ижодида (ҳатто Муҳаммад Раҳимхон Ферузда) ҳам мувашшаҳлар кўплаб учрайди. Давр адабиётида кенг ўрин олган бу воқеа 1910-йилларнинг ўрталарига келиб «Ал-Ислоҳ» ойномасида ва бошқа баъзи вақтли нашрларда кўп машмашаларга сабаб бўлди. Муқимий, Фурқат сингари мумтоз шоирларни халқ орасида

ёмонотлиқ қилиш учун улар ёзган мувашшаҳлар дастак қилинди. Кўқон адабий муҳитининг бу вақтларда барҳаёт бўлган йирик намояндаларидан Убайдулло Солиҳ ўгли Завқийгина ўз замондошлари бўлмиш бу улкан шоирларни матбуот саҳифаларида уларнинг душманларидан ҳимоя қилди.

1950 йиллар охирига келиб азамат шоир ва олим Мақсуд Шайхзода мувашшаҳга доир янги ва асосли фикрларини кенг ўқувчилар оммасига маълум қилди:

«Лирикада мувашшаҳ жанри... ўзбек адабиётида айниқса XIX асрнинг II ярмида кўп авж олиб кетиб, адабиёт аҳли ўртасида кенг расм бўлиб қолган эди, — дея ўз фикрини бошлаган устоз Шайхзода, — ҳатто шу даражадаки, шоирлик ва назмчилик ҳунари мувашшаҳчиликдаги маҳорат билан ҳам ўлчанадиган бўлиб қолди», дея мулоҳазаларини давом эттирган ва «Аниқлик учун шуни ҳам қайд қилиш керакки, мувашшаҳ кимнинг исмига боғланган бўлса, ўша ғазалда таъриф этилган образ ҳам айна мазкур кишининг ўзидир деб ўйлаш хатодур. Мувашшаҳдаги исм бу ғазалнинг кимга бағишланганига далолат қилади, холос. Асарда тасвирланган ёр эса бус-бутун бошқа бир киши бўлиши ҳам мумкин», дея ўқувчи кўнглига ғулғула солувчи ва уни янги-янги изланишларга чорловчи бир хулосага келган эди.

Юқоридаги фикрлар устознинг «Фурқат ҳақида қайдлар»¹ номли мумтоз тадқиқотидан олинган. Бу фикрнинг қанчалар тўғри эканини исботлаш учун Шайхзода домла Фурқатнинг Мақсуджон исмли кишига (бу киши шоир Мираҳмад Мирйининг жияни, Тошкентнинг Ўзганд маҳалласида яшаб ўтган, Фурқатдан бир неча ёш катта бўлган дўсти Мирмақсуд оқсоқол бўлганлиги кейинчалик биз томонимиздан аниқланган) бағишланган мувашшаҳидан бир байтни таҳлил этиш билан исботлаган эди. Устоз Шайхзоданинг фикрларини мустаҳкамлаш мақсадида биз ҳам Фурқатнинг машҳур Тўйчи ҳофизга бағишланган «устида» радифли бир ғазалидан далил келтирмоқчимиз. Унда куйидаги икки байт ҳам мавжуд:

Ўсмалик қошларму ё шамшир қондин занглиғ,
Ёки пистоқи тўкулмуш ранги аҳзар устида.

Юз уза кокулмудур ҳа сори печу тоб ила,
Ганжи ҳуснунгму ётур ё икки аждар устида?

¹ Қаралсин: «Фурқат ва Муқимий ҳақидаги мақолалар». Тузувчи Ғулом Каримов. Ўзадабийнашр, Тошкент, 1958 йил.

Бу мисраларда тасвирланган ўсмалик қошларни, ҳар сори силкинувчи юздаги кокилларни Тўйчи ҳофизга нима алоқаси бор? Бинобарин, ўз-ўзидан маълум бўладики, ғазалда бошқа бир гўзал маҳбуба тасвирланиб, у Тўйчи ҳофизнинг исми билан безалган ва, чамаси, ашула сифатида ижро этиш учун унга тақдим қилинган. Мувашшаҳчиликимиз тарихида бундай қизиқарли намуналар кўплаб топилади. Устоз Шайхзода шу жиҳатларга асосланиб, яна бир ўта муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган катта фикрни ўртага ташлайди: «Адабиёт тарихини ва шу жумладан Фурқатнинг ҳаёт ва ижодини ўрганишда мувашшаҳлар маълум бир ҳужжат сифатида хизмат қилишлари мумкин. Одатда мувашшаҳ фақат тирик дўстнинг исмига боғланган. Шунинг учун ҳам исмига мувашшаҳ боғланган кишиларни аниқлаш ва шу орқали шоирнинг ёру дўстлари, муҳити ва доираси ҳақида конкрет материал қўлга киритиш, шоирнинг илмий биографиясини яратиш учун муҳимдир».

Юқорида айтилганлар ҳисобга олинадиган бўлса, Ҳазиний тўра шеъриятида ҳам унинг замондошлари, кўнгил яқинлари, маҳбублари бўлмиш бир неча киши исмларига дуч келамизки, бу мувашшаҳларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиш ишини фурсатни қўлдан бермай, кенг кўламда бошлаб юбориш адабиётимиз фаҳри бўлган бу азамат шоир муҳитини аниқлаш, у кимлар билан дўст, ҳаммаслак бўлганлиги хусусида янги, қизиқарли хулосаларга келиш имконини берган бўлур эди. Аввало шунини айтиш керакки, Фурқатнинг Азимхон исмига мувашшаҳ боғланган бир мухаммасини истисно қилганда, мувашшаҳларнинг деярли ҳаммаси ғазал жанрига мансуб дейиш мумкин. Ҳазиний тўра бу жанр доирасини кенгайтириб, Иброҳимхон ва Тўтихон исмига икки мураббаъ — мувашшаҳ бағишлайди.

Кези келганда шунини ҳам айтиш керакки, Муқимийнинг:

Ақлу хуш учти бошимдин, эй пари, девонаман,
Бир иложе қил, эл ичра бўлмайин афсонаман

матлаъли ғазали Адолхоним исмига мувашшаҳ қилинганини ҳисобга олмаганда, мувашшаҳлар деярли ҳамини эркак кишилар исмига боғланган. Мумтоз шеъримизда аёллар исмига мувашшаҳ боғлаш деярли мумкин бўлмаганлигининг ўша замонлар ҳаёт тарзи, ҳукмрон мафкура тақозоси билан ифодаланадиган бирмунча жиҳатлари борки, бу алоҳида бир мавзунинг иши. Лекин Ҳазинийнинг ишқи мажозийни, ҳатто ишқи ҳақиқийни акс эттирувчи асарларида кўпгина замондошларининг номи учрайди. Ишқи ҳақиқийга бағишланган ғазални ҳам мувашшаҳ тар-

зида яратилганига мен ўзим билган мумтоз шоирлар орасида фақат Ҳазиний тўра меросида дуч келганини айтмоқчиман. Шоир мувашшаҳларида номи энг кўп учрайдиган Қўлдошхонга, чунончи, «Фироқ» радифли ғазал ҳам бағишланган. Ишқи ҳақиқийни тараннум этувчи ғазалда бу дунёнинг омонат эканлиги, у юз йигирма тўрт минг анбиёни, Аҳмади Мухтор (Муҳаммад Мустафо с.а.в.)ни, Фалотунни, хонақоҳларда умри кечган не-не шайхларни қора ер бағрига жо қилганлиги хусусида ёниб қалам тебратган Ҳазиний тўра мақтаъни:

Нақди умрингни дилингга олгуча тоатда бўл,
Эй Ҳазиний, айтасан зикру саноларни фироқ, —

дея тугаллайди. Ҳазиний ғазал ва мураббаларида Қўлдошхондан бўлак Иброҳимхон, Инъомжон, Мўминжон, Маҳмуджон сингари эркаклар зотидан ташқари Тўфaxon, Ашуройхон, Ойшахон, Назирхон (кейингиси машҳур «Назирхон тановари» ижодкори бўлса ҳам ажаб эмас) сингари аёлларга боғланган мувашшаҳлар учрайди. Ҳатто машҳур «Фарғона тонг отгунча» ғазалининг ўзи ҳам Ҳамраҳонга мувашшаҳ қилинганки, бу шахсларнинг ҳар бирини шитоб билан аниқлаш, уларнинг шоир билан муносабатига оид катта-кичик жиҳатларни тиклаш келажак учун фоят муҳимдир. Шитоб билан деяётганимизнинг боиси шуки, Ҳазиний тўра вафотларидан буён атиги 77 йил ўтди. Бинобарин, Ҳазиний тўрани кўрган, у киши билан суҳбатлашган, шунингдек, у зотнинг мувашшаҳларида исми тилга олинган кишилар билан шахсан таниш бўлган қариялар ҳали бор деб ўйлаймиз. Бу иш 10—15 йилга кечиктирилгудек бўлса, ўша имконият бой берилиши турган гап. Шахсан ўзимга келсак, 1910-йилларда Тошкентнинг Қўлдош мадрасаси муллаваччаси бўлмиш Чуқур кўприк маҳаллалик Мулла Фулом домла номли зиёли билан етмишинчи йиллар ўрталарида бир неча бор суҳбатлашиш бахтига мурасар бўлганман. Мулла Фулом домланинг ҳикояларидан Ҳазиний тўра чинакам валий одам сифатида тасаввуримда гавдаланган.

«Мадрасада таҳсил кўриб юрган кезларимизда бизга бошқа фанлар қатори «Қофия»дан ҳам дарс берувчи мударрисимиз ҳузурларига ўша даврнинг кўпчилик одамлари сингари уст-бошига эътибор бермайдиган бир одам ондасонда келиб турарди. У кишининг ташқи кўриниши ва сўзлашув лаҳжаси Фарғона томонларнинг фуқароси эканини сездириб турарди. Нимдош кийим-боши туфайли толиби илмларда жилла ҳам қизиқиш уйғотмайдиган ўша ўрта ёшлардаги киши мадраса эшигидан кириб келиши биланноқ мударрисимиз ҳатто дарс ўтаётган бўлсалар ҳам дар-

ҳол меҳмон истиқболига чиқар, толиби илмлар билан машғулоти келган жойида тўхтатиб, шогирдлардан бирига рўмол ва пул бериб, шундоққина мадраса орқасида жойлашган гурунч каппонидан паловга лойиқ масаллиқ харид қилиб келишни буюрар эдилар.

Бир сафар шеърятни яхши ўргатадиган домламиз маърузасининг энг қизиган чоғида ўша фаргоналик меҳмон дарсхона эшигини қия очдилар. Маърузани шартга тугатиб, мударрис у киши истиқболига чиқдилар ва бу сафар ош масаллиги сарфини менга топширдилар. «Қофия» дарси энг қизиган жойида синганидан аттанг қилдим, лекин асло сир бермай, бозор томон йўл олдим. Йўл-йўлакай: «Шу ирkit чопон киши келиши билан мударрисимиз мунча ўқишни тўхтатавермаса, бир оз кутиб, дарслар тугагандан кейин шу ишни қилса бўлмасмикин?» дея ўйлаб кетдим. Домлани маҳтал қилмаслик учун шоша-пиша масаллиқни тайёрлаб келсам, меҳмон мударрисимизнинг хос ҳужрасида у киши билан суҳбат қилиб ўлтиришган экан. Тавозеъ билан қайта салом бериб, масаллиқни домланинг олдиларига қўйиб, ҳужра эшиги томон тисарилиб чиқаётганимда меҳмон ним жилмайиш аралаш менга:

— Энди... ирkit чопон дейсизу, бир нимаси бўлмаса, домлангиз шундай қилмайди-да! — деб қолса бўладими? Балиқдек тилдан қолиб, гинг деёлмаганимни биламан, холос. Ёлғизликда хаёлимдан кечган, мен бирор одамга айтиш имконига умуман эга бўлмаган «ирkit чопон» ибораси ул зоти шарифнинг оғизларидан чиққанида рангирўйим не аҳволга тушганини билмайману, лекин бошим гир айланиб, кўз олдим қоронғилашиб кетгани ёдимда. Қай алфозда ҳужрадан чиққаним, ҳовлимизга қандай етиб борганимни билмайман. Эшикдан кирибоқ бу синоатни отамга шоша-пиша айтган эдим, қиблагоҳим ўша «исқирт чопон киши» кароматли эшон, машхур шоир Ҳазиний тўра эканини айтдилар.

— Шундай, бўтам, Ҳазиний тўра валоятларининг шу тариқа гувоҳи бўлганман», — дея Мулла Фулом домла мени лол қолдириб ўз ҳикоясини тугатган эди.

Ҳазиний тўранинг валийликлари, ниҳоятда покдомон эшон бўлганликлари ҳақида бошқа ривоятларни ҳам кўп эшитганман. Улардан атиги биттасини келтириш билан кифояландим.

Адабиётимиз фаҳри бўлмиш бу муборак зотнинг наслнасаблари ҳам ота, ҳам она томонидан Расулulloҳга бориб уланишини кўрсатувчи тарихий манбалар — вақт-вақти билан қозилар томонидан муҳрланиб келинган, терига битилган кўп асрлик васиқалар мавжудлиги таниқли ада-

биётшунос А. Мадаминов томонидан тартиб берилган «Ҳазиний девони»нинг кириш сўзида кўрсатиб ўтилган.

А. Мадаминов: «Мавлоно Ҳазиний 1897 йил, яъни 30 ёшларида Муҳаммад Ҳаким халифага байъат қилиб, мурид бўлганликлари англашилади. Зиёвуддин тез орада илму ирфон ҳосил қилиб, тариқат аҳкомларини бажо этиб, иршодга эришадилар. Бир муддатдан сўнгра Фарғона водийсида Қодирия сулукининг етук намояндаси бўлиб етишадиларки, энди бутун Туркистонга илми ладун, яъни илоҳим илм соҳиби, валий зот сифатида танилиш шарафига муяссар бўладилар», деб ёзади ва ўз фикрларининг далили сифатида шоирнинг ўз пири вафотига бағишланган «ҳажрида» радифли мухаммас-марсиясини келтиради. Мухаммас-марсия А. Мадаминов тайёрлаган янги девондан жой олган бўлиб, унда мурид ўз марҳум муршидининг ўта ибратли фаолиятига ғоят юқори баҳо беради, ҳатто:

Фавсул Аъзамдин бери бундай валий келган эмас,
Ҳеч киши пир хизматин пириим каби қилган эмас,
Муршидимдек ҳеч ким олиймақом бўлган эмас, —

сингари мисраларни битадикки, бир муриднинг муршидига ихлоси бундан зиёда бўлмаса керак деб ўйлаб қоласан киши. Айни вақтда Ҳазиний мурид тушган вақт билан унинг пири вафот топган вақт оралиғини аниқлаб олиш зарурати туғилади. Сўзбоши муаллифи «ҳажрида» радифли марсия-мухаммаснинг яратилган йилини аниқ 1897 йил сифатида кўрсатади. Марсия-мухаммасда айтилган 1314 ҳижрий йили синхрон жадвалга кўра 1896 йил 12 июндан то 1897 йил 1 июнгача давом этган. Қолаверса, «Ҳазиний 1897 йили, яъни 30 ёшларида Муҳаммад Ҳаким халифага байъат қилиб, мурид бўлган» деган маълумот бир оз шубҳа туғдиради. Чунки мухаммаснинг олдинги бандларидан бирида:

Бесавод, омий эдим, анфосидин топтим ладун,
Хонақаҳда ул куни суҳбат эди, жазби жунун.
Соли ҳамдуна, даҳа моҳи шариф, якшанба кун,
Раҳбарим иршоду салла бердилар, бир малла тўн, —

деб ҳам ёзилган. Синхрон жадвалга кўра ҳамдуна (яъни маймун) йили 1896 йил 21 мартдан бошланади. Ҳамдуна йили рамазон ойининг ўнинчи куни эса, шу ҳисобга қараганда, 1897 йил 12 февралига тўғри келади. Айни вақтда:

Эрди таърих бир мингу уч юзу ўн тўртда муқим,
Ушбу давлатни манго қилди ато Ҳаййу қадим,
Мен ризоий пир топгонимда ўттузда эдим,
Мен Ҳазинийга ижозат бердилар шайхи Ҳаким, —

деб ёзилишига қараганда, асарда кўрсатилган 1314 ҳижрий йил мурид — шоирнинг ўз муршидидан малла тўн билан салла ҳадя олиб, мустақил фаолиятга руҳсат этилган вақти бўлиб чиқади. Ҳазиний тўра муршидларининг вафоти санаси хусусидаги текширувларни давом эттириш зарурати ҳам йўқ эмас. Чунки сана кўрсатилган ҳар икки ўринда ҳам муршиднинг иршоди хусусида сўз бормоқда, холос. Ул зотнинг вафотлари 1314 ҳижрийдан кейинроқ рўй берган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Ҳазиний тўра пирлари вафотидан сўнг тез орада валий эшон ва мутасаввуф шоир сифатида бутун Туронзаминда кенг шуҳрат топганлиги маълум. Энг эътиборга лойиқ жиҳатлардан бири шундаки, тадқиқотчиларнинг ишончли далилларига кўра донғи узоқ-узоқларга кетган бу улкан эшон ҳеч қачон қора меҳнатдан ўзларини олиб қочмай, уни сабаби тирикчиликнинг бош асоси, эл-юртга манфаат келтиришнинг асл воситаси деб билганлар. Бағдод туманининг Чопдор қишлоғида қирқ таноб чамаси қумлоқ-чўл ерда боғ-роғлар барпо этиш, ҳовуз қаздириш, тегирмон қурдириш, ҳатто беморларга текин хизмат кўрсатадиган шифо маскани вужудга келтириш, Қоровултепа қишлоғида эса масжиди жомеъ қад кўтаришига эришганлиги Ҳазиний тўра ҳам ҳазрат Навоий сингари умр бўйи халқ ғами билан яшаб ўтганликларини кўрсатади.

Ҳазиний тўра ўз даврида асосан мутасаввуф шоир сифатида шуҳрат қозонган. Қодирия сулукининг йирик вакили бўлган ва мурид-шоир томонидан Фавсул Аъзамдан кейинги энг йирик валий деб аталган Муҳаммад Ҳаким халифа ишининг давомчиси Ҳазиний тўранинг тасаввуфий асарлари Куръони карим оятлари ва Расулulloҳ ҳадисларига асосланганлиги яққол сезилиб туради. Юқорида зикр этилган муқаддас икки манбанинг жуда кўп жиҳатлари уларда намоён бўлади. Уларда маҳшар кундаги азоб-уқубат ва жазолардан қаттиқ ваҳимага тушиш ҳам Ҳақ таоло ўз мўмин бандаларига ато этган чексиз иноятлар ҳам баён этилган.

Чунончи:

Ки эллик минг йил ўлтургай, ҳама гўр бошида фардо,
Муҳаммаддин бўлак кулли набийлар дерки: «Во нафсо!»
Набийлар деса шундоғ, ҳоли умматларга во вайло! —

тарзидаги мисралар кўплаб учрайди. Айни вақтда Ҳақ таолонинг рўзи маҳшарда ўз бандаларига инояти ниҳоятда кўплигини, кабираю сағира гуноҳларга йўл қўйган муслим бандаларнинг барчаси Яратганнинг марҳаматига эри-

шуви муқаррарлиги акс этган ўринлар оз эмас. Ҳазиний тўра:

Худо Аҳмадга қавм этти, кўнгулларда хижолат йўқ,
Ўзин яктолигин билдурди, боз узри надомат йўқ.
Расулнинг ёнига боргаймиз эмди ҳеч ҳасрат йўқ.
Шу давлатни ато қилди Эгам, ваҳми қиёмат йўқ, —
Ки тавҳид жоми Исломдин нўж эттук, шафоат бор,
Тамоми осию жофий пурхатоларга шафоат бор, —

деб ёзар экан, уни ўқиган осийлар кўнгли таскин топади,
айни чоқда улар инсоф-тавфиқли, адолатли, ростгўй, ий-
мон-эътиқод эгаси бўлиш зарурлигини англаб етадилар.

Ҳазиний тўра номи Фарғона водийсидан узоқ-узоқ-
ларга ҳам кенг ёйилган покдомон, валий шайх, ишқи
мажозий ва ишқи ҳақиқийни тараннум этувчи шоҳ асар-
лар муаллифи эканликларига қарамай, ул табаррук зот-
нинг ўз шахслари хусусида битган абётлари ҳайратомуз
даражада камтар табиатларидан далолат беради.

Давомот кору борим фиску исён, «шайх» номим бор,
Ҳазиний, ўйласам дилни сафосидин адашганман,

ёки:

Бу жаҳон ичра ямонларнинг ямонидур Ҳазийн,
Дастхолий борадур рўзи жазоға, раҳм қил, —

сингари мисралар ул зотга замондош бўлган, ҳам мутасав-
вувф, ҳам маърифатпарвар улкан шоир Рожий Маргино-
ний байтларига ҳамоҳанглиги таҳсинга лойиқдир:

Нечук жонман, паришонмон, саропо айби нуқсонман,
Ёмонман, йўлдан озгонмон, на инсонман, на ҳайвонман.

Ҳазиний тўра ҳақиқий инсон қандай бўлиши керакли-
ги тўғрисида айтган ажойиб фикрлар ҳеч қачон ўз қимма-
тини йўқотмайди, деб ўйлаймиз. Мана улардан бири:

Худоға бандалик шулдур, ризо бўлса қазосиға,
Буюрса ҳар нечук кулфатни сабр этса балосиға.

Билинг, дўсти худолар жаннату кавсар талаб қилмас,
Кўрунг, шукр айлагай онлар Яратганнинг ризосиға.

Киши мўъмин дилига заррача озор еткурса,
Қиёмат кун қолур бешак жаҳаннамнинг жазосиға.

Бошқа бир мураббада Ҳазиний тўра Аллоҳнинг Расули
ва умматлари ҳақида ёзар экан, Ҳақ Таолога мурожаат
қиларкан:

мисраини ҳам битадики, бунда улкан мутасаввуф шоир инсоннинг ўз миллатини севиши унинг Худога яқинлигидан далолат эканини айтиб, ўқувчи маънавий оламнинг чексиз бойитишга хизмат қиладиган башоратли фикр айтади.

Ҳазиний тўра меросида тадқиқотчини ўйлатадиган, баъзан қийин аҳволга солиб қўядиган айрим жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Аслида-ку бу табаррук зот қодирия сулукининг энг йирик намояндаси Ҳаким халифа ҳузурда катта мактабни ўтаб, ундан иршод олган ва бутун ҳаёт тарзини Шайх Баҳоуддин Нақшбандийнинг «Дил ба ёр, даст ба қор» таълимотига асосланиб қурганлиги сир эмас. Чунончи, бу улкан мутасаввуф шоир оламнинг барча гўзалликлари мафтуни, ишқи мажозий шайдоси, Аллоҳ яратган олам гўзалликларига янада гўзаллик қўшиш йўлида фидокорлик кўрсатган буюк ақл эгаси экани ҳақида илгарироқ баъзи мисоллар орқали фикр юритган эдик. Айни вақтда унинг меросида таркидунёчилик майллари, у дунёнинг деб бу дунёдан кечишга даъват ҳам учраб қолади. Масалан:

Бу беш кунлик умрга жойи манзил ҳам керакмасдур,
Ўлумни ўйлаган одам бу дунёга назар солмас.

Ёки:

Жаҳаннам оташини, гўр азобин ўйлаган одам,
Сиротул мустақимдин ўтмагунча йиғлагай, кулмас, —

сингари байтларни ўқиганда, ҳаётсеварликда ўз замондошларига ибрат бўлган улкан мутасаввуф шоир ижодига улар онда-сонда бир рўй берадиган нохуш кайфиятлар, ғамандуҳлар маҳсули сифатида кириб қолган деб ўйлайсан киши. Худди шундай тасодифий байтлар шўро тузуми вақтида улуғ шоирни ёмонотлиқ қилиш учун унинг душманлари қўлида қурол вазифасини бажарган эди.

Умуман олганда, Ҳазиний тўра мероси бой маънавиятимиз хазинаси дурдоналаридан бўлиб, китобхонлар учун ниҳоятда зарурдир.

ҚИРҚ ЙИЛЛИК ҚАДРДОН

/Мавлоно Чустий билан мулоқотларим/

1940 йилнинг эрта куз фасли эди. Муқимий номли Ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театри янги ташкил этилган, республикамиз пойтахтидаги ва вилоятлардаги театрларнинг энг истеъдодли, халқ севган санъаткорлари шу театрга жамланиб, Собир Абдулла ва Тўхтасин Жали-

лов ҳамкорлигининг маҳсули бўлган «Тоҳир ва Зухра» томошаси афсонавий шухрат қозонган пайтлар. Театрда шу биргина спектаклдан бўлак томоша йўқлиги сабабли энг йирик хонанда, созанда, раққосалар, бундан ташқари, кулги усталари бўлмиш артистлар иштирокида вақт-вақти билан ажойиб концертлар ҳам бериб турилар эди.

Шундай концертлардан бири ҳозирги Эски Жува майдонидаги босмахона орқасида тепаликка жойлашган, тахминан 200—250 томошабин сифадиган ёзлик эстрада сахнасида ўтди. Концертга Усмон Юсупов бошчилигидаги республика раҳбарлари келганлиги туфайли бўлса керак, театрнинг энг истеъдодли, энг таниқли хонанда, созанда, раққосаларидан бирортаси четда қолмаган эди. Концертни ўша вақтда ўзининг ичак узди хангомалари билан халққа суюмли бўлган Охунжон қизиқ Хузуржонов бошқарар, шу важдан ҳеч қандай расмийлик, сохта виқор сезилмас, ҳамма иш гўё энг яқин кишилар жамланган тўй сингари ўта табиий, самимий тарзда давом этарди.

Жўраҳон Султонов билан Маъмуржон Узоқовнинг само гумбазларини титратган авж пардали хонишларидан сўнг концертларда кам учрайдиган бир воқеа юз берди. Чамаси, Усмон Юсуповнинг таклифига кўра, олдинги қаторда у киши билан ёнма-ён ўтирган, театрнинг янги адабий эмакдоши шоир Чустийни Охунжон қизиқ сахнага таклиф этди. Чустий домла ўша вақтларда халқ орасида машҳур бўлиб кетган анчагина ғазалларини ажиб бир маҳорат билан ўқигач, костюмининг ён чўнтагидан уч-тўрт варақ қоғоз чиқариб: «Шу бугунги ижоддан» дея залдагиларга изоҳ бергач, яна икки ғазал ўқиди.

Бошдаги рўмоли бўлсам, турса жонон уйқудан,
Сурма бўлсам кўзига, тебранса мижгон уйқудан, —

матлаъи билан бошланиб:

Ёз қалам Чустий билан бир катта дoston уйқудан,—

мисрасида тугайдиган бетакроп ғазалнинг шу сатрлари ўша заҳотиёқ менинг хотирамга ўрнашиб қолган эдики, ҳозир уларни ҳеч қандай матнга солиштирмай ёддан келтирмоқдаман.

Чустий домла арузнинг бутун сеҳру латофатини ўқувчи қалбига етказиб, уни ҳайратга соладиган арузхон ҳам эди. Бу шоирга Тангри таоло ато қилган бақувват, ёқимли овоз ёнига аруз мусиқасининг энг нозик жиҳатларини ҳис эта билиш ва тингловчиларга етказа билиш маҳорати, ҳар бир байтда алоҳида урғу берилиши лозим бўлган сўзни таъкидлаб кўрсата билиш маҳорати қўшилиб, у ўқиётган аруз намуналари қалбларга сим-сим сингиб кириб, мустаҳкам

ўрнашиб қолишига олиб келар эди. Ҳа биринчи концерт кечаси ҳам худди шундай бўлган эди, менимча арузсевар тинговчиларнинг аксар қисми шундай унутилмас таассуротлар билан, лазиз туйғулар билан Чустий домла ўқиган ғазаллар мисраларини ёдда сақлаб қолган ҳолда масканларига бориб, анчагача кўзларига уйқу келмаган бўлса керак.

Орадан бир неча ой ўтгач, 1941—1945 йилларда уруш бошланди. Чустий домланинг инсоний севги нашидасини тараннум этиб, қалбларга анвои кўркем туйғулар олиб кирган гўзал қалами қаттол жанг манзараларини чизишга, Фаргонанинг йўл-йўл ипак беқасам тўни ўрнига «ранги тупроққа ўхшаш» шинел кийган ўзбек йигитларининг ўқ ёмғирлари остидаги ҳис-туйғуларини ифодалашга қаратилди. Бу даврга келиб Чустий ижоди ҳар қачонгидан кўра кенг шухрат қозонди, домланинг ўзи ўзбек шоирларининг бармоқ билан санарли энг забардаст намояндаларидан бирига айланди. Давр тақозосига кўра Чустий домла кўшиқнинг ўзи бўлиб туғиладиган ғазал ва мухаммаслардан ташқари йирик саҳна асарлари яратишга ҳам камарбаста бўлди. У ўз ҳамкасб дўстлари билан бирга яратган «Ўзбекистон қиличи», «Қурбон Умаров» каби долзарб саҳна асарлари шу тариқа майдонга келган эди.

Уруш тугаши биланоқ Чустий домла дарҳол ўзининг дилбар лирикасига қайтди. Шоирнинг ғазал ва мухаммаслари даврнинг энг йирик бастакорлари томонидан куйга солиниб, энг машҳур хонандалардан тортиб бадиий тўғараклардаги ҳаваскорлар репертуаридан ҳам етакчи ўрин эгаллади. Чустий кўшиқлари кўп минг кишилик сайлгоҳлардан тортиб чўпон-чўлиқларнинг чайлаларигача энг эъзозли меҳмон сифатида кириб борди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда мен Ўзбекистон радио қўмитасининг мусиқий эшиттиришлар таҳририятида ишлашимга тўғри келган эди. У вақтларда телевидение ҳали йўқ, овоз ёзиш аппаратлари такомиллашмаган бўлиб, хонанда ва созандалар ҳаво мавжларига ҳар сафар бевосита ўзлари чиқар эдилар. Ҳар куни бериладиган тўрт-беш концертда ижро этиладиган хонишларнинг қарийб ярми Чустий ғазаллари билан айтилар эди десам лоф бўлмайди.

Бироқ «Давлати тез бақойи нест» деган форс мақолидаги каби Чустий домланинг арузий кўшиқчиликдаги тенгсиз шухрати тез орада заволга учради. Одатда ижодкорнинг истеъдоди қанчалар ёрқин бўлса, унинг атрофида шунча кўп ва кучли муҳолифлар пайдо бўлади. Олтмишинчи йилларда кўшиқчилик санъатимизнинг энг ёрқин юлдузларидан бирига телевидение, радио эшиклари тақа-тақ ёпиб қўйилиб, саҳнада куйлаш ман этилганида шоир Акмал

Пулат бу ҳолатдан таассуфга тушиб: «Бедананинг энг сайроқисини мушук ер экан», деган гапни айтган эди.

1946 йилда ҳам шундай бўлган, арузнависликда ўз ҳамкасблари орасида бир бош юқори турган Чустий домла Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқарилган, унинг асарларини ижро этиш, матбуотда чоп этиш ман қилинган эди. Бунинг устига ВКП/б/ Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари хусусидаги машъум қарори муносабати билан республикамизда ғоясизликка қарши шиори остида бадий ижод кишилари фаолияти ков-ков қилиниб, уларга йўқ ердаги айблар сунъий равишда ёпиштирила бошлаган эди. Бу дард устига чипқоң бўлиб, Чустий домланинг аҳволини яна ҳам фожиалироқ қилганлиги маълум.

Бироқ худди шу фожиали кунларда рўй берган нурли бир ҳодиса сира ёдимдан чиқмайди: Радиода Жўрахон Султонов ҳамда Маъмуржон Узоқов иштирокида концерт берилиши керак эди. Бир кун илгари концерт дастури тuzилиб, раҳбарлар тасдиғидан ўтказилди. Концерт чоғида эса мен студияда суҳандон Қодир Махсумов билан ёнмаён ўтирган эдим. Дастурда эълон қилинган бир ашула тугаши билан бу икки хонанда биздан бемаслаҳат янги ашула улаб юборишди. «Кўргунча хайр энди» радиодан янги ашуланинг мақтаёи айтилгач, у Чустий домла қаламига мансублиги бизга ҳам, ўн мингларча, юз мингларча радио тингловчиларга ҳам дарҳол маълум бўлди. Мана, ҳалигача шоирнинг китобларига кирмай қолган ўша ашуланинг байтлари:

Кетарман, марҳаматсиз дилрабо, кўргунча хайр энди,
Дили тошу ситамгар, бевафо, кўргунча хайр энди.
Кезарман бу юришда боғу дарё, тоғу саҳрони,
Муяссар бўлмагунча муддао, кўргунча хайр энди.
Кўриб ҳолимни Мажнун даштида бечора охулар,
Менга раҳми келиб дерлар: дуо, кўргунча хайр энди.
Эрур расми муҳаббат айрилиққа тоқат этмаклик,
Нечунким, руҳимиз бўлмас жудо, кўргунча хайр энди.
Куярман оташи ҳижрон аро, лекин умидим бор,
Агар кўрсам-да, Чустий, минг жафо, кўргунча хайр энди.

Жўрахон Султонов томонидан сеҳрли куй басталанган бу сеҳрли газал сўзларини мулоҳаза қилишга ўша пайтда, тўғриси айтсам, умуман имкон йўқ эди. Негаки, студияда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, айниқса, мусиқий эшиттиришларнинг сиёсий жиҳати учун масъул бўлган камина, ҳанг-манг бўлиб қолган эдик. Зотан, юқори ташкилотлар томонидан расмий равишда тақиқланган Чустий

газалини республика радиоси орқали ўзбошимчалик билан бу тарзда тарғиб этиш ниҳоятда кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши, бир неча масъул ходим қаттиқ жазоланиши турган гап эди. Чиндан ҳам концерт тугамасданоқ, уни ўз иш жойида тинглаб ўтирган Республика Давлат радио кўмитаси раисининг биринчи муовини Ҳибзиддин Муҳаммадхонов қути учган ҳолда студияга кириб келди ва нима гаплигини мендан имо билан сўради. Мен нима жавоб қилишни билолмай турган эдим, шу орада концерт тугади. Ҳибзиддин ака асабий бир вазиятда Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Қодир Махсумов ва мени ўз хонасига таклиф этди. Биз радио ходимлари Жўрахон аканинг ўта хатарли хатти-ҳаракати жуда хунук оқибатларга олиб келишини айтиб, у кишидан изоҳ талаб қилдик. Жўрахон ака эса ниҳоятда бепарволик билан: «Ҳеч нарча бўлмайди. Кечагина бу ашулани Усмон акага айтиб бериб, у кишидан оқ фотиҳа олганман»,—деди. Шундан кейин бир оз тасалли топган бўлсак ҳам бир неча кун давомида Радио кўмитасида ички безовталиқ ҳукм сурди. Ашулани шахсан Усмон Юсуповнинг ўзи маъқуллагани сабаб бўлди шекилли, юқоридан ҳеч қандай дўқ-пўписа бўлмади. Аксинча, Чустий домла шеърлари билан айтиладиган ашулалар аста-секин яна ҳаво мавжлари орқали республикамизга, ундан узоқ-узоқларга тараладиган бўлди.

Лекин ўша вақтларда иттифоқда, айниқса Ўзбекистонда тез-тез рўй бериб турадиган таъқиблардан Чустий домла деярли четда қолмас эди. 1950 йилда республика раҳбарияти ўзгариб, Усмон Юсупов Москвага хизматга олиб кетилгач, республикамизда яна қатағон бошланди. Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шухрат, Ёнғин Мирзо, Мирзакалон Исмоилий каби истеъдодли қаламкашлар, Ҳамид Сулаймон, Абдурахмон Алимуҳамедов, Имомхон Ҳусанхўжаев сингари йирик олимлар ҳибсга олинди, ижодий зиёлиларнинг катта бир қисми қамоқдан омон қолган бўлса ҳам, қамоқдагидан бадтарроқ кунларга қолди. Ана шу кейингилар қаторида Чустий домла ҳам бор эди. Эллигинчи йиллар бошидаги даҳшатли қатағон Москвада бўлажак катта тантана — ўзбек адабиёти ва санъати ўнқунлигига қизғин тайёргарлик вақтига тўғри келган эди. Бу даврда фаол ижод қилиб, ўнқунликка янги асарлар тайёрлаган қанчадан-қанча шоир, ёзувчи ва олимларнинг китоблари даҳшатли қатағон муносабати билан босилмай, йўқ бўлиб кетди.

Ўнқунликка атаб Чустий домла ҳам «Ҳаёт завқи» номли кўркем шеърини тўплам тайёрлаган, бир гуруҳ таржимонлар эса шоир шеърларини ихлос билан бошқа тилларга таржима қилмоқда эдилар. Чустий домланинг шеърини

тўпламига ўша вақтда Тошкент Давлат дорулфунуни до-
центи бўлган таниқли адабиётшунос Турсун Собиров му-
ҳаррирлик қилган, ҳатто тўпламнинг сигнал нусхаси чоп
этилиб, уни сотувга чиқаришга рухсат ҳам берилган эди.
Бироқ Чустий домлага бу бахтни кўриш насиб этмади. Ўша
машъум кунларда унинг бошига тўпланган қора булутдан
қуюлган даҳшатли жала домла ихлос билан ўз ўқувчила-
рига тақдим этмоқчи бўлган кўркем шеърини тўпламни
йўқлик сари шафқатсизларча суриб кетди.

Чустий домлани яна ёзувчилар уюшмасидан чиқариш
учун унга «гуноҳи азим» ёпиштирилди, яъни «Ўғлингни
суннат тўйи қилдириш билан совет ёзувчиси деган шараф-
ли номга иснод келтирдинг» дея муҳр босилди. Яна қаттиқ
таъқиб ва тазйиқ остига олинган шоир асарлари учун бар-
ча матбуот эшиклари тамбалаб ташланди.

Шундан бир неча йил ўтиб, Сталин ўлиб, унинг шах-
сига сиғиниш қаттиқ танқид қилинганча, ҳибсга олинган
зиёлилар бирин-кетин қайтиб келиб, қамоқдан омон қол-
ганлари бир қадар енгил нафас олиб, янги асарлар ярата
бошладилар. Лекин уларнинг асарларини нашр эттириш
йўлидаги тўсиқларни кўпдан-кўп машаққатлар билан ен-
гишга тўғри келар, ишлар ниҳоятда имиллаб борар эди.
Таъқиб ва тазйиқлар, муҳолифларининг сон-саноксиз тух-
матлари туфайли ёзишдан безиллаб қолган Чустий домла
бола-чақани боқиш мақсадида қандайдир бир артелда ма-
даний-оммавий ишлар билан шуғулланиб маош олар, наш-
риётлар эса унга аҳён-аҳёнда баъзи таржималаринигина
ишониб топширишар эди, холос.

Шундай бир шароитда 1956 йил январидан бошлаб
«Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти
ва санъати») газетаси чиқарила бошлади. Мен шу ерда ада-
биёт ва санъат бўлими мудири лавозимида хизмат қилар
эдим. Ўша йилнинг илк куз фасли. Хизматдан қайтаётиб,
Сақичмон кўчасида Чустий домлага кўзим тушди. У киши
мендан ўн-ўн беш қадам олдинда, қўлларини орқасига
чалиштирганча, ерга боқиб, оғир ўй суриб бормоқда эди.
Мен қадамимни тезлатиб у кишига етиб олдим ва ижод-
дан гап бошлаб, ҳозирги кунда нималар ёзаётгани билан
қизиқдим. Чустий домла умидсиз ҳолда: «Ёзиш мумкин-у,
лекин гап ёзилганларнинг чиқишида. Ташлаб қўйган беш-
олтита ғазалларим бор, аммо улар бировга керак бўлмай
турибди», — деди. Мен у кишига янги газета чиқа бошлага-
нини, шу ерда адабиётга мутассадди эканимни, агар баъ-
зи шеърларни олиб келса, газетада чоп эттиришга уннаб
кўришимни айтдим. Чустий домла: «Ноумид шайтон», —
деди-да бир неча янги шеър қўшиб таҳририятга олиб ке-
лажагини айтди. Орадан бир-икки ҳафта ўтгач, беш-олти

ғазал билан ҳозирги Пушкин ва Абдулла Тўқай кўчалари чорраҳасида жойлашган «Ўзбекистон маданияти» таҳририятига кириб келди. Газетанинг ўша вақтдаги раҳбарлари билан ғазалларни ўқиб кўриб, республикамизда илк бор нишонланаётган пахта байрамига багишланган ғазални чоп этиш хусусида бир тўхтамга келдик. Тез орада у ғазал газета юзини кўрди. Ғазални кўпчилик бўлиб газетада эълон қилдиг-у, лекин бу ишнинг оқибати нима билан тугагани билмасдик. Чунки ёзувчилар уюшмасида ҳам, газета таҳрир хайъатида ҳам, юқори ташкилотларда ҳам Чустий домланинг адабиёт майдонида яна қад ростлашига қаттиқ қаршилиқ кўрсатиши, бу ишда таҳририят ходимларига зарар етказиши мумкин бўлган мавқеъли кимсалар борлиги бизга маълум эди. Аммо биз кутмаган ҳолда бу иш силлиққина кўчди: таҳрир хайъатининг навбатдаги йиғилишида илгари унга тош отиб юрган баъзи кишилар ҳам шеърнинг босилганини маъқуллашди. Шундан сўнг, бошқа вақтли матбуот органлари, жумладан «Ёш ленинчи», «Ўқитувчилар газетаси», айниқса тожик тилида чиқадиган «Ўзбекистони сурх» газетаси унинг шеърларини эълон қиладиган бўлишди, шоир асарларига матбуот йўли очилди. Матбуот йўли очилди-ю, аммо унчалик кенг очилгани йўқ. Чустий домланинг шеърлари матбуотда кўриниб турса ҳам ота газеталар, ота журналлар бу масалага ҳадиксираб қарар, радио ҳамда телевидение шоир асарларини тарғиб этишдан ўзини тияр эди. Бу мушкул ҳолат жуда узоқ, қарийиб чорак аср давом этди.

Шундан кейин яна бир бахтли тасодиф туфайли матбуот, радио ва телевидениенинг домлага эътибори кучайди. Гап шундаки, 1973 йилда республиканинг бош раҳбари Шароф Рашидов илгари ёзган «Ғолиблар» повестини қайта ишлаб, йирик роман ҳолида эълон қилдирган эди. «Шарқ юлдузи» журнали таҳририяти унга тақриз босиш мақсадида муаллиф ахтариб, уни менга топшириш хусусида тўхтамга келибди. Бу таклифни мен не-не хаёллар билан қабул қилдим. Тез орада тақризни тугатиб, журнал таҳририятига топширдим. Орадан уч ой чамаси вақт ўтгач, бу каттақон тақриз журналнинг 1973 йил 10-сонида «Ғолибларга муносиб» сарлавҳаси остида чоп этилди. Мен тақризни журналга топширгач, тез орада Шароф Рашидов қаттиқ бетоб бўлиб, ётиб қолди. Тасодифни қарангки, журналнинг тақриз босилган сони Шароф Рашидов касалдан тузалиб ишга чиққан куни дунё юзини кўрган экан. Марказқўм ходимлари ўша куниёқ журнал тақризини Шароф Рашидов столи устига ёзиб қўйишибди. Тақриз роман муаллифида илиқ таассурот қолдириб, у киши ўз ёрдамчиси Қозоқбой Солиевга бир мунча вақтдан сўнг мени ёдига туширишни ва

ўзи билан учрашишга чақирини топширибди. Орадан бир неча ой ўтиб республиканинг пахта планлари тўлиб, янги экиш мавсуми бошлаб юборилгач, 1974 йилнинг апрел ойи ўрталарида Қозоқбой Солиев уйимга телефон қилиб, 17 апрел соат 15 да Шароф Рашидов мени ўз хузурига чорлаётганини айтди. Мен таклифни мамнуният билан қабул қилдим.

Айтилган вақтдан ярим соат чамаси олдин Марказқўм биносига борсам, Қозоқбой Солиев кутиб турган экан. У ўша белгиланган соатда Шароф Рашидов илгаридан режалаштирмаган бир зарур юмуши чиқиб қолганини, яъни Сурия президенти Ҳафиз Асадни тайёргоҳга кузатиши лозим бўлиб қолганини, шу важдан узр айтиб: «Агар соат 16 гача вақти бўлса, кутсин, мабодо зарур иши бўлса, бошқа бир вақтни тайин қилинглар!»—дебди. Мен айтилган муддатгача ишимни битириб, яна келдим. Шароф Рашидов илгарироқ соат 16 га яна бир неча йирик амалдорлару олимларни қабул қилишни режалаштириб қўйган экан. Қозоқбой Солиев мени 6-қаватдаги қабулхонага олиб чиқар чоғида у ерда 7—8 чоғли киши қабул кутаётганини айтди. Мен Шароф Рашидов билан бафуржа гаплашиш мақсадида энг охирида қабулга киргизишни илтимос қилиб, ёрдамчини кўндирдим. Бироқ қабулхонага киришимиз биланок атиги икки-уч минут илгари ичкарига таклиф этилган, Самарқанд ёки Қашқадарё томонлик бир қария иши битган ҳолда мамнун чиқди-ю, рус котиба менга ичкарига киришга имо қилди. Саросима ичида эшикдан киришим биланок нақ эшик тагида кутиб турган Шароф Рашидов: «Келинг, мулла Шарифжон!»—дея кўришиб, қўлимни ушлаганча ўнг томонда бюро мажлислари ўтадиган катта столнинг энг юқорисига ўтқазиб, ўз жойига ўтириши билан Қозоқбой Солиев ён дафтарини тайёрлаганча столнинг нариги—дераза томонида менга қамти ўтирди. Шароф Рашидовнинг қайфияти ниҳоятда яхши экан. Менинг ишларимдан, адабиётнинг, адабий танқиднинг аҳволидан узоқ гаплашдик. Эшикда одам тирбанд эканига қарамай, Шароф Рашидов худди мен билан сўзлашишдан бўлак иши йўқдек ўзини ўта хотиржам тутарди. Менинг тақризимдан мамнунлигини айтиб, романнинг тили ҳақида фикримни сўради. Тақризда асар тили хусусида айтган гапларимдан ташқари яна ёдимга келган бир неча ижобий мулоҳазаларни айтдим. У киши ёзувчи ҳеч қачон қора меҳнатдан қочмаслиги кераклигини, асарни қайта-қайта бошдан оёқ кўчирган сари у тобига келишини сўзлаётганда мен унинг қўлига қараб туриб: «Ё алҳазар!» — деб юбордим ичимда. Чунки унинг ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан ўрта бармоғи орасидан яна бир бармоқ ўсиб чиққандек бўлиб,

у икки бармоқни бир-биридан кескин ажратиб турар эди. «Ё алҳазар!» деганиминг боиси шуки, «Менга ўхшаш оддий одамлар ўз ёзганларини редакция ёки нашриётларга манзур қилиб сабаби тирикчилик учун бу қадар ўзини қийнаб, қўлини ўрик данагидек қаттиқ қадоқ қилса, бу ҳолат тушунарли, лекин сабаби тирикчилик учун ёзмайдиган, нима ёзса атрофдагилар томонидан фақат мақтов билан қабул қилиниб, тегирмоннинг новидан тушгандек нашрга тушиб кетадиган, шу қадар юқори мавқели раҳбарга ўзини бунчалик машаққатга қўйиш нега керак?» деб ўйлаб қолдим ва у кишининг ўз ёзувчилик касбига бу янглиг ҳалоллик билан муносабатда бўлишидан ўзимга тегишли хулоса чиқардим. Майли, Тангри таоло бировга кўпроқ, бировга озроқ истеъдод, имконият ато қилади. Нима бўлганда ҳам бор истеъдод ва имкониятни тўла ишга солиш керак. Шароф Рашидов ёзувчи сифатида худди шунга амал қилганига ишондим.

Марказқўм биринчи котиби қабулида суҳбатимиз роса бир соат давом этганини айтсам, баъзилар ишонмас. Суҳбат охирлаб, турли режалар ҳақида сўзлашиб олинганидан сўнг, Шароф Рашидов: «Бизга ҳеч қандай хизмат йўқми?»—деб сўраб қолди. Аслида у киши сўрамаса ҳам ўзим илтимос қилмоқчи эдим. Гап шундаки, ўша учрашувдан бир кунгина аввал Чустий домлани ҳозирги Эски Жува деҳқон бозорида учратгандим. У киши инсулт бўлиб йиқилган шекилли, пешонасида озроқ яра изи кўзга ташланарди. Домла билан хайрлашгач, ўзимча: «Шароф акадан Чустий домланинг ишларига ёрдам беришни сўрайман»,—деб аҳд қилиб қўйган эдим. Ундан ташқари машҳур хонанда Фахриддин Умаровнинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони саккиз йилча илгари бекор қилинган бўлиб, унга ҳам катталарнинг муносабати ёмонлиги мени қийнар эди.

Шароф Рашидовнинг сўроғига аввал: «Ўзингиз республикамикимиз бахтига соғ-саломат бўлсангиз, «Ғолиблар»га ўхшаш янги-янги асарлар ёзиб берсангиз, шунинг ўзи хизмат»,—дедим. У киши: «Бу тилакларингиз ҳаммаси бажарилади, майли. Шахсан нима хизмат бор?»—деди. Шунда мен: «Чустий домла қариб қолди. Адабиётимизга кўп хизмат қилган. Лекин, чорак аср илгари ёзувчилар уюшмасидан ўчириб юборилганлиги сабабли муҳим мавзулардаги тадқиқотларда у кишининг асарларидан истифода қилиш қийин бўлаяпти. Шу масалада ёрдмингизга муҳтожмикимиз»,—деган эдим, Шароф ака худди бир нарсанда айбдордек: «Раҳмат сизга, Шарифжон, яхши ёдимга туширдингиз. Иш билан қаттиқ банд бўлиб, Чустий домла ёдимдан кўтарилган экан. Яшин ака ҳозир Москвада. Бир ҳафталардан сўнг қайтади. Мен илтимос қиламан, Чустий домла албатта союзга

тикланади. Тадқиқотларда у кишининг асарларидан фойдаланишга келсак, бемалол фойдаланаверинглар»,—деди. Кейин: «Айтганча, Чустий домла неча ёшга кирди», деб сўради. Мен: «Ғафур ака билан орамизда бир ёш фарқ бор, дегандилар, бу йил етмишга кирсалар керак»,—дедим. Шунда Шароф ака: «Чустий домлага албатта мендан салом айтинг!»—деди. Бинобарин бу гапни мен: «Орамизда бўлган гапларни у кишига маълум қилинг!»—деган маънода тушундим ва Марказқўм биносидан чиқибоқ ўз уйимга қараб эмас, Чустий домланинг Чигатой маҳалласидаги уйига томон йўл олдим. Чустий домла уйда экан. Уйига зўрлашига қарамай, муҳим гап борлигини айтиб, кўча оғзидаги маҳалла чойхонасига олиб тушдим. Ўша ерда икки соат чамаси гаплашдик. Гап орасида Чустий домла икки-уч бор кўзига ёш ҳам олиб, қайта-қайта миннатдорчилик изҳор этди. Орадан бирор ой ўтгач, Чустий домла ўзи Шароф Рашидовнинг қабулига ёзилиб, у киши билан узоқ суҳбатлашиб, барча эҳтиёжларидан огоҳ қилибди. Шароф Рашидов ёрдамчиси Қозоқбой Солиевга Чустий домла илтимосларини адо этишни махсус топширибди. Шароф Рашидовнинг топшириғига кўра Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ҳар йили Чустий домлага форс адабиёти мумтозлари шеърларидан бир китоб бўладиган таржималар бериб турди, шоирнинг ўз девонини нашрга тайёрлаб чоп этиш ҳаракати бошланди. Лекин, Чустий домла кекса ва бетоб эканлиги сабабли девон қўлёмасини тайёрлаб беришга имкон топмас, уй-рўзғор, тирикчилик ташвиши ҳам у кишининг кўп вақтини олар эди. Шу ваздан орадан олти-етти йил ўтса ҳам қўлёмма нашриётга келавермади. Ниҳоят фарзандлари Музаффар ва Бахтиёр ҳамда келинлари Фароғатхонларнинг катта ёрдами билан 1982 йил кузида девоннинг хомаки нусхаси тайёр бўлди. Тўққиз папкага жойлашган, 30 минг мисра чоғли бу девонни бир-варакайига чоп этишни нашриёт имкониятлари кўтармас эди. Шунинг учун Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти девон хомаки нусхасидан тахминан 10 минг мисра ҳажмидаги асарларни танлаб, нашрга тавсия этишни менга топширди. Мен ишдан бир ой муддатга рухсат олиб, дўстларим Фахриддин Умаров ҳамда Қаюм Норматов билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Қибрайдаги дам олиш уйига чиқиб кетдим. Ўша ерда девон учун мўлжалланган асарларни саралаб нашриётга 1983 йил бошидаёқ топширдим. Девон таҳрир этилиб, босмахонага жўнатишга тайёргарлик кўриляётган дамларда аввал Чустий домла, орадан уч ой чамаси ўтгач, Шароф Рашидов ҳаётдан кўз юмди.

Тез орада республикамиз бошига яна қора кунлар тушди: энди зиёлилар эмас, қишлоқ хўжалик соҳасидаги юзларча раҳбарлар машъум «пахта иши» билан қамоққа олиниб, Чустий домла девонининг чоп этилиши яна бир неча йил кейинга сурилиб кетди.

Ниҳоят, 1988 йилга келиб, Чустий домла вафотидан беш йил кейингина унинг биринчи девони дунё юзини кўрди. Турли-туман тўсиқлар туфайли атиги 10 минг нусхада чоп этилган девон китоб дўконларидан худди Лайлатул қадрдек лип этиб ўтиб кетди. Чустий ижоди мухлислари бу девонининг тўппа-тўғри маъносида талаб кетишган эди.

Мен бу девонга «Халққа бахшида ижод» сарлавҳаси остида катта кириш сўзи ёзганлигим ва унда Чустий домла меросини баҳоли қудрат таҳлил этганлигим билан фахрланаман.

Етмишинчи йиллар охирида Чустий домла истиқомат қилган ҳовли бузилиши муносабати билан марказдан унга тўрт хонали уй ажратиб берилди. Аммо домла ҳаётлик вақтида уни ёзувчилар уюшмасига тиклаш иши илгаридан шоирга хусуматда бўлган ва ҳатто Шароф Рашидовнинг илтимосини ҳам бажаришдан бош тортадиган уч-тўрт қаламкашнинг қитмирлиги туфайли амалга ошмай қолди. Чустий домла вафотидан сўнг, республикамиз мустақилликка эришиб, халқнинг маънавий қадриятлари ўзининг чинакам эгаларига қайтариб берилаётган бир шароитда ҳақиқат қарор топди, халқ жон-дилдан севган шоир ёзувчилар уюшмаси аъзолигига мамнуният билан тикланди.

Мавлоно Чустийнинг кишиларга ибрат бўладиган хусусиятлари анчагина эди. Шулардан баъзиларини айтиб, бир-икки мисол келтирмоқчиман. Одатда иймон-эътиқоди мустаҳкам кишининг иродаси кучли бўлади. Шундай зотлардан бўлмиш мавлоно Чустий ўз бошига келган кулфатларни мардона енгишдан ташқари, атрофдагиларни, ёр-дўстларини ҳам шундай иймон-эътиқодли, иродали бўлишга даъват этарди. 1966 йилда шоирнинг дўсти, машҳур хонанда Фахриддин Умаров бошига ҳам ғоят оғир мусибат тушди, санъат соҳасидаги, нафақат санъат соҳасидаги мухолифлари унинг номини ҳатто концерт афишчаларига киритилиши ҳам тақиқланишига эришган эдилар. Ўша кунларда Чустий домла билан учрашиб қолдим. Менинг Фахриддин Умаров билан дўстлигимни билган шоир унга қилмоқчи бўлган ўгитини ўта ибратли бир диний ривоят орқали тушунтирди. Ривоятга кўра бир мўмин банда эртаю кеч Тангри таолога астойдил ибодат қилар экан. Рўзи азалда эса Аллоҳ таоло уни дўзахийликка маҳкум этган экан. Тангри таоло ўша мўмин банданинг бу қадар ихлос билан

мунтазам тоат-ибодат қилаётганини кўриб, Ҳазрат Жаброилга буюрибди: фалон бандамга бориб айтгил, мен уни Рўзи азалда дўзахи қилганман, тоат-ибодатидан фойда йўқлигини билиб кўйсин, дебди. Ҳазрат Жаброил келиб, ўша бандани худди ибодат чоғида учратибдилар. Ибодат тугагач, унга Тангри таолонинг хабарини маълум қилибдилар. Шунда мўмин банда: «Алҳамдулиллоҳ! Аллоҳ таоло менга ўзи дўзахдан жой берар экан-ку! Қандай қилиб мен бу хабарнинг шукронасига тоат-ибодат қилмайин?!»—дея яна ихлос билан тоат-ибодатни давом эттираверибди.

Ҳазрат Жаброил Аллоҳ таоло ҳузурига қайтиб, ўша мўмин банда билан ўрталарида бўлиб ўтган воқеани маълум қилибдилар. Тангри таоло Ҳазрат Жаброилга: «Бориб хабар етказ, мен ўша бандамни жаннати қилдим»,—дебди. Мавлоно Чустий менга мазкур ривоятни айтгач: «Фахриддинга айтинг, ўша мўмин банданинг эътиқодидан ибрат олсин. Шунда ҳаммаси яхши бўлиб кетади»,—деди. Бошига шу қадар оғир кулфатлар тушган Чустий домланинг ўз муҳолифлари олдида бирор марта ҳам қад букмай мағрур яшаётганининг сирини ўшанда тушунгандек бўлдим.

Чустий домла ниҳоятда иродаси мустаҳкам, бирор ишга аҳд қилса албатта уни адо этмагунча қўймайдиган феълли киши эди. 1941—45 йиллар уруши даврида у киши анча муддат Муқимий номли театр директори лавозимида хизматда бўлганди. Бир куни театр санъаткорлари билан биргаликда бориб, ҳукумат томонидан уюштирилган бир зиёфатда қатнашиб, керагидан ортиқча бир-икки пиёлани бўшатган шоир зиёфатдан театрга қайтиб келгач ҳиссиётларини жиловлай олмай, ўзига анчадан буён ганимлиқ қилиб, турли уйдирмалар тўқиб юрган театрдаги бир раҳбар ходимнинг юзига тарсаки тортиб юборибди. Пасткаш ганим фурсатни бой бермай, кечасиёқ врач ҳузурига бориб, калтаклангани хусусида ҳужжат олиб, эрта тонгдаёқ юзидаги билинар-билинемас қизиллик устига каттакон шўрпахта ёпиштириб, бошини баҳайбат рўмол билан ўраб, республика раҳбарлари олдида бир қулоч ёзма шикоят билан чиқибди. Шикоятчи таниқли одам бўлганлигидан Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги Бош вазири Абдужаббор Абдураҳмонов деган ўта салобатли, гапга чечан раҳбар Чустий домлага шу қадар таъсир қиладиган танбеҳ берибдики, Чустий домла бундан буён ичишни ҳам, чекишни ҳам шу лаҳзадан бошлаб ташляягагини Бош вазир хонасида ваъда берибди. А. Абдураҳмонов: «Ваъдангизга қандай ишонай, кафтингизда папирос турибди-ку», дея дашном берибди. Чустий домла қараса, чиндан ҳам Бош вазир қабулхонасига чекиб турган папиросини тутиб турган ҳолда кирган, бироқ ҳамсуҳбатининг дашномидан шу қадар ҳаяжонлан-

ган эканки, тутаб турган папирос кафти этини куйдириб, қоқ суякка бориб тақалганини ҳам сезмай қолган экан. Ҳаша кундан бошлаб (бу воқеа 1943 йилда бўлиб ўтган) то вафотига қадар, роса 40 йил мобайнида Чустий домла оғзига бир қултум ичкилик ёки битта сигарета олганини инсон боласи кўрган эмас.

Мавлоно Чустий билан кўп йиллар мобайнида Калонхона маҳалласидаги фахрийлар чойхонасида улфатчилик қилишга, хилма-хил мавзуларда юзларча марта суҳбатлашишга тўғри келган. Ҳаша суҳбатда домла ўз асарларидан айримларининг яратилиш тарихи хусусида, улар ҳақида ўзига берилган саволлар тўғрисида ҳам сўзлагучи эди. Бир суҳбат чоғида шоирнинг:

Бевафо остонасига борма, хор айлар сени,
Беркитиб дарвозасин, гирёну зор айлар сени

матлаъли ғазали устида гўё бу ғазал муаллифнинг шахсий ҳаётида бўлиб ўтган воқеага бағишлаб ёзилган, деган гап-сўзлар юрарди. Аслида қандай, деб сўраб қолинди. Чустий домла савол бергувчига шеърнинг ижтимоий вазифаси ҳам борлигидан беҳабарлигини таъкидлагач, унга куйидагича изоҳ берди: «Уруш янги бошланган вақтда ҳали жанг майдонларини кўрмаган айрим аскарларимиз нажот йўлини тополмай, душманга асир тушишни, ўша томонда уруш тугагунча жон сақлашни, сўнг юртларига соғ-омон қайтиб келишни афзал билган эдилар. Бундай ҳодисалар тез-тез қулоққа чалина бошлагач, бир суҳбатда Усмон Юсупов шоирга шу гумроҳликнинг оқибати нима билан тугагини таъсирли ифодалаб берадиган асарлар ёзишни маслаҳат берди. Мен бу ғазални ана шу маслаҳатга кўра ёзганман. Бунинг учун куйидаги мисраларни эсласангиз, гапимнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилурсиз,—деди:

Эй кўнгул, қушлар каби ҳар боғни қилма орзу,
Ногаҳон бир золими йўлда шикор айлар сени.
Ишқ деб ҳар кимга кўнгул берма, қўл боғлатмагил,
Бир куни тухмат таноби банди дор айлар сени.

Бошқа бир суҳбатда шоир ўз шеърини асарларининг лирик қаҳрамони масаласида изоҳ бериб, урушнинг охириги ойларида энг машҳур санъаткорлардан иборат гуруҳ таркибида Усмон Юсуповнинг шахсий поездида Фарҳод ГЭС ига йўл олишгани, иш шароитига мослаштирилган вагоннинг каттагина залида дилсўз хонишлар, сеҳрли рақслар, ажиб куйлар билан бир қаторда дилларни қиттиқловчи шеърлар ҳам ўқилганлиги, Чустий шеърларидан алоҳида завқланиб кетган Ўзбекистон булбули Ҳалима Носирова ўша мўтабар анжуманда: «Шоир Чустий, сиздан бир нар-

сани сўрамоқчиман. Рост жавоб берасиз фақат. Ҳаммамизни маҳлиё қилган ғазалларингиз қайси биримизга, агар бизларга бўлмаса, кимга аталган?»—дея даврадагиларнинг юрагига ўт солувчи савол берганини айтгач, мен у кишига: «Шеърларим атиги бир кишига аталган эмас. Унда ҳар бирингизнинг улушингиз бор. Бирингиздаги сеҳрли овоз, бирингиздаги жоду кўз, бирингиздаги шўх нигоҳ, бирингиздаги ёқимли рафтор, бирингиздаги кўркем ҳол, бирингиздаги ажиб донолик ва шунга ўхшаш гўзал жиҳатларни бир маҳбуба сиймосида жамлаб, ўз тасаввуримда ўта жозибали, комила аёл суратини нақшлаб олганман. Мен ўша маҳбубани умр бўйи тараннум этаман»,—деб жавоб қилдим. Жавобим кўпчиликка, жумладан Усмон Юсуповга ҳам маъқул бўлди ва «молодец» деб қўйди, деган сўзларни айтгани ёдимда.

Чустий домла фақат амалиётчи шоиргина бўлиб қолмай, атрофлича билимга (кўп ҳолларда назарий билимга) ҳам эга ижодкор эди. 1980 ёки 1981 йилларда домланинг Каттаҳовуз мавзеидаги янги уйида суҳбатлашиб ўтирардик. Суҳбат устига наманганлик бир кекса, зукко хонанда ҳам келиб қолди. У мумтоз шоирлар ғазалари билан айтилдиган мақомлар ҳақида гап бошлаб, Ҳазрат Навоийнинг бир байтини араб алифбосида икки хил ўқиш мумкинлигини, шулардан қайси бири тўғрилигини аниқлаб беришни домладан илтимос қилди. Байтни биринчи ҳолда:

Навоий дилфигор ўлди маломат ўқлари теккач,
Таланган итга ўхшайдур тамоми жисми-аъзоси.

Иккинчи ҳолда эса:

Навоий дилфигор ўлди маломат ўқлари теккач,
Тилинган этга ўхшайдур тамоми жисми-аъзоси

тарзида ўқиш мумкин эди. Хонанда кириб келгач, унга мени «ТошДУ домласи, мумтоз шеърят билан шуғулланади», деб таништиргани учунми, ҳар қалай, хонанданинг саволига жавоб беришни менга таклиф этди. Мен бир оз ўйлаб олиб: «биринчи ҳолатда байт, менимча, тўғри. Чунки ҳазрат Навоий маломат ўқларидан қаттиқ жароҳатланганлик хусусида сўз юритмоқдалар. Мабодо маломат тиллари жароҳати борасида сўз борганида иккинчи ҳолат тўғри бўларди. Зотан, ўқлардан етган жароҳатлар бир неча ит ёлғиз итни талангандаги сингари жисмда юмалоқ-юмалоқ ўймалар ҳолида, тиллардан етган жароҳатлар эса тилим-тилим қилинган жисм-аъзо шаклида бўлишини мантиқ тақозо этади», дея фикр билдирдим. Чустий домла фикримга қўшилган ҳолда яна бир мулоҳаза билдирдики, мен у кишининг шеърят назариясидан ҳам пухта хабардорлигига

тан бердим. У киши хонандага қараб: «Илми шеърда образ деган тушунча бор. Агар шоир таъсирчан образ ярата олса, у ифодаламоқчи бўлган ҳолат ёки манзара ўқувчи ёки тингловчи тасаввурида лоп этиб гавдаланади. Шу важдан ҳам маломат ўқларидан дилфигор бўлган ошиқ жисми-аъзосини тилинган эт ҳолатида эмас, балки таланган ит ҳолатида тасаввур этиш ўқувчи қалбини кўпроқ ларзага соладики, ҳазрат Навоий худди шундай бўлишини хоҳлаган кўринадилар», деди.

Хонанда гоят мамнун бўлиб, бундан буён «таланган итга ўхшайдур» иборасига алоҳида урғу бериб куйлаяжagini айтди.

Мавлоно Чустийда мен мумтоз шеъриятнинг йирик тадқиқотчиларида кам учрайдиган бир хусусиятни ҳам кўрганман. Маълумки, араб алифбосида битилган эски қўлёзмаларни тўғри ўқиш ва тушуниш гоят мушкул кечади. Шахсан ўзим аспирантурада ўқиш чоғимда форс тилидан «аъло» баҳога номзодлик минимуми топширган бўлсам ҳам ўша қўлёзмаларни ўрганиш чоғида тез-тез ёрдамга муҳтож бўлиб тураман. Шундай пайтларда баъзи мураккаб матнларни тадқиқ этганимда энг йирик матншунос олимларга кўп марта ёрдам сўраб мурожаат қилганман. Бироқ улар орасида Чустий домла қадар тез ва осон ўқийдиган, энг тўғри изоҳ берадиган мутахассисни кўрмаганман. Араб ёзувида битилган хоҳ форсий, хоҳ туркий мураккаб матнни худди кирилл ёзувидаги газетани ўқигандек шариллатиб ўқиб кетиш учун Чустий домлага икки-уч дақиқа фурсат кифоя қилар эди. Шундан сўнг матнда учрайдиган хоҳ арабча, хоҳ форсча оғир сўзларни асло қийналмай, араб ёзуви имлосига кўра тушириб қолдирилган ёки зеру забари қўйилмаган ҳарфларни оппа-осон тиклаб мантиқий мукамал ва энг тўғри жумлаларни вужудга келтирар эди.

Мавлоно Чустий:

Тож эрур бошимда тожим, ўзга тож даркор эмас,
Чунки ҳурматла бошим осмонга етган Чустийман, —

деб ёзганида тамомила ҳақли эди. Бошига шеър тожини кийган бу улкан истеъдод соҳиби халқининг энг ардоқли ижодкорларидан бири сифатида ҳаётлик чоғидаёқ ўзига нурли ҳайкал қўйиб кетди.

Камина оз эмас, кўп эмас, қирқ йил мобайнида мавлоно Чустий билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат бўлганимдан бахтлиман.

МУНДАРИЖА

Тарих масъулияти

Янгиланиш йўлидаги тарих	3
Маърифатпарвар қози	63
Янгича маърифатпарварлик ва жадидлар	67
Элга шоҳу онага қул	74
Буни умр дерлар	82
Сатторхон ва унинг таржимаи ҳол асари	101

Адаб бўстонига назора

Истеъдод баҳти	108
Матбуотдаги сўнги асар	113
Муҳйи Хуқандий	118
Ҳаққа яқин кимки тутса миллатин	140
Қирқ йиллик қадрдон	153

Тарихий-публицистик нашр

ШАРИФ ЮСУПОВ

ТАРИХ ВА АДАБ БЎСТОНИ

Тошкент «Маънавият» 2003

Муҳаррир У. Қўчқоров

Рассом М. Агьямов

Техн.муҳаррир Т. Золотилова

Мусаҳҳиҳ Ш. Илҳомбекова

Теришга 08.09.2002 й.да берилди. Босишга 07.01.2003 й.да рухсат этилди. Бичими 84×108 /32. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 8,82. Шартли кр.-отт. 9,24. Нашр т. 9,65. 5000 нусха. Буюртма № К-9426. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 38—02.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. 2003.



Manavijai